

**МУХАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Тешабаев Т.З., Ходжаев Н., Камалидинов Р.З.**

# **ОПТИК АЛОҚА ТИЗИМЛАРИ ВА ТАРМОҚЛАРИ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус Таълим Вазирлиги томонидан  
касб-ҳунар коллежи ўқувчилари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган*



**Тошкент- 2018**

УЎК: 621.315.05-037.52

КБК: 32.96

Т 45

Тешабаев Т.З., Ходжаев Н., Камалидинов Р.З. Оптик алока тизимлари ва тармоклари. (Ўқув қўлланма). Т.: «Aloqachi», 2018, 372 бет.

ISBN 978-9943-5569-4-2

Ўқув қўлланма 7 қисм, 130 расм, 38 манба, 7 иловадан иборат бўлиб, унда ТОАЛ – асосий тушунчалар ва умумий маълумотлар, структура ва унинг ривожланиш тарихи ҳамда Ўзбекистонда ТОАЛ нинг замонавий ҳолати ва унинг ривожланиш истиқболи келтирилган. Оптик толаларнинг турлари, характеристикалари, параметрлари ва классификацияси, тола-оптик алока тармоқларининг оптоэлектрон компонентлари, ажралмайдиган боғланишлар, ОТ ни ёпиштириш, кавшарлаш, оптик узатиш линияларининг ажраладиган боғлагичлари, оптик муфтларнинг конструкцияси ва турлари, оптик кросслар вазифаси, оптик ажратгичлар, мультиплексорлар, демальти-плексорлар оптик модуляторлар, коммутаторлар, изоляторлар тўғрисида маълумотлар келтирилган. Оптик алока линияларида ўлчашлар, бино ичида оптик кабелни ётқизиш технологиясини ўрганиш ҳамда оптик алока тармоқларига техник хизмат кўрсатиш асослари, ТОАУТ ривожланиши истиқболлари, глоссарий, тарқатма материаллар, тестлар, иловалар фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилган.

Ишнинг мақсади – Телекоммуникация ва турдош таълим йўналишлари бўйича ўқувчиларини ўқитишда, шунингдек, соҳа кичик-техник ходимлари малакасини оширишда фойдаланиш учун замонавий талабларга жавоб берадиган “Оптик алока тизимлари ва тармоклари” номли ўқув қўлланмани Давлат тилида ёзишдир.

Яратилган китоб кичик-техник ходим тайёрлаш ўқув дастурларига мос ҳолда телекоммуникация оптик узатиш тизимларининг ва тармоқларининг тузилиш ва ривожланишининг асосий йўналишларини қамраб олган.

УЎК: 621.315.05-037.52

КБК: 32.96

ISBN 978-9943-5569-4-2

© «Aloqachi» nashriyoti, 2018.

## РЕФЕРАТ

Ҳисобот 289 бет, 7- қисм, 130 расм, 38 манба, 7 иловадан иборат бўлиб унда ТООАЛ - асосий тушунчалар ва умумий маълумотлар, структураси унинг ривожланиш тарихи ҳамда Ўзбекистонда ТООАЛ нинг замонавий ҳолати ва унинг ривожланиш истиқболи келтирилган.. Оптик тоаларнинг турлари, характеристикалари, параметрлари ва классификацияси, тола-оптик алоқа тармоқларининг оптоэлектрон компонентлари. ажралмайдиган боғланишлар, ОТ ни ёпиштириш, кавшарлаш, оптик узатиш линияларининг ажраладиган боғлагичлари, оптик муфталарнинг конструкцияси ва турлари, оптик кросслар вазифаси, оптик ажратгичлар., мультиплексорлар, демультимплексорлар оптик модуляторлар, коммутаторлар, изоляторлар тш-рисида маълумотлар келтирилган. Оптик алоқа линияларида ўлчашлар, бино ичида оптик кабелни ётқизиш технологиясини ўрганиш ҳамда оптик алоқа тармоқларига техник хизмат кўрсатиш асослари, ТООАУТ ривожланиши истиқболлари, глоссарий, иарқатма материаллар, иестлар, иловалар фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва келтирилган.

Тадқиқот объекти давлат тилида касб-хунар коллежи ўқувчилари учун “Оптик алоқа тизимлари ва тармоқлари” номли дарсликни яратишдир.

Ишнинг мақсади - Телекоммуникация ва турдош таълим йўналишлари бўйича ўқувчиларини ўқитишда, шунингдек соҳа кичик-техник ходимлари малакасини оширишда фойдаланиш учун замонавий талабларга жавоб берадиган “Оптик алоқа тизимлари ва тармоқлари” номли дарсликни Давлат тилида ёзишдир.

Яратилган китоб кичик-техник ходим тайёрлаш ўқув дастурларига мос холда телекоммуникация оптик узатиш тизимларининг ва тармоқларининг тузилиш ва ривожланишининг асосий йўналишларини қамраб олган.

## Сўзбоши

Маълумки юқори тезликдаги сигналларни узатиш ва қабул қилиб олиш учун юқори даражада ўтказиш қобилиятига эга бўлган йўналтирувчи мухит бўлиши керак. Бундай талабларга оптик алоқа воситаларига тенг келувчи воситалар ҳозирги кунда мавжуд эмас. Шунинг учун оптик алоқа жамиятни ахборотлаштириш жараёнини ривожлантирувчи мукамал ва истиқболли алоқа воситаси ҳисобланади.

Фотон технологияси асосидаги оптик алоқа (ОА), яъни тўлиқ оптик тармоқлар АОН (All-optical Networks) телекоммуникация тармоқларини келажаги ҳисобланади. Тўлиқ оптик алоқа магистрал тармоқларни, шунингдек абонентларни тармоққа уланишини ҳам қамраб, мижозларни телекоммуникация тармоқларига кенг поласали уланишларни таъминлайди. Фотон технологияси асосидаги тўлиқ оптик алоқада коммутация, мультиплексорлаш ва регенерациялаш оптоэлектрон ёки электрооптик эмас, балки фақат оптик технология асосида амалга оширилади. Бу билан қурилмани техник иқтисодий кўрсаткичлари, ишончилиги ва узатиш тезлиги бир неча мартага ошади. Фотон технологиясини алоқа тармоқларига тадбиқ этишда оптик коммутаторлар, оптик регенераторлар, кучайтиргичлар, филтрлар, спектр бўйича зичлаштириш тизимлари қўлланилади.

Оптик алоқани ривожланиш тарихига назар ташласак, шуни айтиб ўтиш жоизки, цивилизациянинг бошланғич даврларида ҳам инсон ахборотларни узоқ масофаларга узатишда оптик сигналлардан фойдаланган. Бунинг учун кундуз кунни у мисол учун тутунли сигналлардан ёки акс этган қуёш нуридан, тунда эса олов сигналларидан фойдаланган. Вақт ўтиши билан у қуруқликда машина телеграфи, денгизларда байроқли сигнализация ва сигнал лампалари билан лмашган. Ўз навбатида охири телефон ва телеграф радиоалоқаси билан алмашди.

1882- йил америкалик олим Александр Грехем Белл томонидан овозли ахборотни ёруғлик нури кўринишида узатиш имконини берувчи оптик телефон ишлаб чиқилди.

Фан-техника, квант физикаси, оптоэлектроника бўйича эришилган ютуқлар, оптик квант генераторларини (лазерларни) яратилиши билан оптик алоқани ривожланишини замонавий даври бошланди.

60- йиллар бошида биринчи лазер яратилди. Тракт сифатида ер усти атмосфера қатлами, яъни очик алоқа линияси ишлатилган. Ҳозирда бундай тизимлар космосда, баъзи хорижий мамлакатларда кўпқаватли баланд биноларда қўлланилмоқда.

70-йилларда кварц шиша материалдан олинган тола нурни ютувчи кў- шимчаларни олиб ташлаш йўли билан сўниш қийматларини камайтириш усули яратилди ва 1979 йилга келиб, оптик толани сўниш қийматларини 0,2 дБ/км гача камайтириш мумкинлиги аниқланди. Ҳозирги кунда нафақат сў- ниш қийматлари, балки спектр бўйича зичлаштирилган тизимларни бир неча тўлқин узунликларини битта тола орқали бир вақтда узатиш имконини берувчи, дисперсия қиймати минимал бўлган бир модали толалар ҳам яратилган. Бундай толалар Люсент Техноложиз, Корнинг каби кўплаб хорижий компаниялар томонидан ишлаб чиқарилмоқда.

Ҳар бири 20 Гбит/с тезликли 55 та канални мультиплексорлаб, битта тола орқали узатиш мумкин, бунда йиғинди тезлик 1,1 Тбит/с ни ташкил этади.

Ўзбекистон республикасида ҳам жамиятни ахборотлаштириш борасида кўпгина ишлар амалга оширилди ва бу ишлар давом этмоқда. Бу мақсадда 1995 йил 1 август Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «2010 йилгача муддатда Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва реконструкция қилиш Миллий дастури» қабул қилинди. Ушбу дастурга мувофиқ 1995-1997 йилларда ТОО (Транс-Осиё-Овропа) магистралини жаҳон стандартларига мос келувчи, рақамли транспорт тармоғини Миллий сегментини қуриш бошланди ва узунлиги 830 км дан ошиқ магистрал ТОО (толали оптик алоқа) линияси фойдаланишга топширилди. ТОО Миллий сегментида Сименс (Германия) фирмасининг толали оптик кабелларидан фойдаланилди.

1995-2000 йилларда ОЕСФ (Япония) лойиҳаси доирасида 1080 км узунликли худудий ТОО линияси қурилди ва фойдаланишга топширилди.

1996-1997 йилларда Тошкент шаҳрида “Сименс” толали оптик кабелларини қўллаб барча электрон АТСларни ва шунингдек тугунли аналог АТСларни бирлаштирувчи катта транспорт халқа қурилди.

2001 - йилда EDSF (Корея) лойиҳаси асосида Андижон ва Фарғона вилоятларини худудий телекоммуникация тармоқларини қайта таъмирлаш амалга оширилди. Лойиҳа натижасида умумий узунлиги 354 км бўлган худудий ТОО линияси қурилди.

Ҳозирда ташқи иқтисодий бирдамлик Япония банки кредити ҳисобига Фарғона водийсини учта вилоятини халқали тармоқларини қуриш, Қашқадарё, Сирдарё вилоятларида халқали худудий телекоммуникация тармоқларини қуриш, Бухоро-Нукус участкасида ТОО линиясини Бухоро-Навои-Зарафшон-Учкудук-Нукус ТОО линияси орқали резервлаш ишлари амалга оширилмоқда. Бу лойиҳа доирасида 2000 км магистрал, 700 км худудий ТОО линияларини қуриш назарда тутилган.

Бу лойиҳа ўз-ўзини тикловчи халқа тузилиши ва рақамли узатиш тизимларини қўллаш асосида канал ва трактларни захирасини таъминлайди, натижада алоқа тармоқларини ишончлилиги янада ошади.


Ўзбекистон телекоммуникация тизимининг 28 та йўналиш бўйича дунёнинг 180 та мамлакатига чиқадиган тўғридан-тўғри халқаро каналлари мавжуд. Буларда ҳам толали оптик ва шунингдек сунъий йўлдошли тизимларидан фойдаланилмоқда. Бутун тармоқ нафақат ҳозирда, балки кейинчалик ҳам ҳозирдан кўпроқ ахборот ўтказиш қувватига эга.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ҳаётга тадбиқ этилиши, Фан техниканинг жадал ривожланиши билан билимларни тезда янгиланиши ўқувчилар олдида ана шу билимларни тизимли ва мустақил эгаллаш вазифасини қўяди.

Шу боисдан мазкур ўқув қўлланмада ТООЛ тўғрисида умумий тушунчалар, уларни ишлатиш соҳалари, тузилиши ва асосий характеристикалари келтирилган, ўқув қўлланма ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юртлари ўқувчиларига мўлжалланган бўлиб алоқа соҳасининг ўрта техник мутахассислари ҳам фойдаланишлари мумкин.

## Кириш

Ахборот тушунчаси ўзининг дастлабки мазмунида қуйидаги маънога эга бўлган: одамлар ҳаёти ва фаолияти, табиат ҳодисалари ҳақида хабарлар, билдиргилар ёки маълумотлардир. Хабар ва ахборот тушунчаларини, аввало бири-биридан ажратиш лозим. Булар биз ўрганиб қолганимиздек битта маънога эга эмас. Хабар тушунчасида узатилиши керак бўлган бирон бир воқеа ёки ҳодиса ҳақида ахборот (маълумот) ни тушунишимиз лозим. Бошқача қилиб айтганда, хабар ахборотнинг ташувчисидир, унинг материал шаклида гавдаланти рувчисидир. Демак хабарларга ахборот жойлашган. Шундай экан, табиий ҳолда хабарларнинг ахборотлилигини баҳолаш лозим бўлади. Одатий ҳаётда хабарларнинг ахборотлилиги хар хил кўрсаткичлар билан баҳоланиши мумкин, масалан, муҳимлиги, қимматлиги, фойдалиги, мақсадга мувофиқлиги, шунингдек таъсирчанлиги ҳамдир. Алоқа техникасида хабардаги ахборотлар сони ахборотнинг статистик назариясига асосланиб аниқланади. Унинг асосида эҳтимолий ёндашиш ётади, бунда хабарнинг кутилмаганлик, тасодифийлик даражаси ҳисобга олинади. Воқеа ёки ҳодиса қанчалик кам учрайдиган бўлса, у тўғрисидаги хабар биз учун кутилмаган, ахборотлироқ ва қизиқарлироқ бўлади. Аксинча, бизга маълум, одатий хабарнинг ахборотлилиги кам бўлади ва унга қизиқиш ҳам кам бўлади. Ахборотни ташувчи хабарлар, ўзининг табиатига кўра “электрик” характерга эга эмас, шунинг учун хабарларни бевосита алоқа канали бўйича узатиш мумкин эмас. Бунинг учун аввало хабар ток ёки кучланишнинг ўзгаришига мос равишда қайта ўзгартирилади. Бундай бирламчи ўзгартиргичлар сифатида микрофон, фотоэлемент ва бошқалар бўлиши мумкин. Бунда энг муҳими хабар ва ўзгартирувчининг электр тебраниш орасидаги мосликни таъминлашдир. Бундан кейин хабар деганда бирламчи хабарнинг “изи” бўлган электр тебранишларни тушунамиз. Хабарларнинг хусусиятларидан бири, уларнинг ҳаммаси тасодифийдир, иккинчиси – уларнинг паст частотали характерга эга эканлигидир, яъни вақт бўйича ўзгариши нисбатан юқори эмас. Шунинг учун бундай хабарларни узоқ масофаларга махсус қайта ўзгар тирмасдан узатиш мумкин эмас, чунки улар алоқа линияларида нисбатан тез сўнади. Хабарларни узоқ масофаларга узатиш имкониятига эга бўлиш учун уларни юқори частотали тебранишларга айлантириш керак ва уларни сигналлар деб айтиш мумкин. Демак сигнал – бу хабарни ташувчи юқори частотали тебранишдир. Жамиятдаги ахборотларни учта асосий турга ажратиш мумкин: шахсий, махсус ва оммавий. Шахсий ахборот яқка одамга ёки бир гуруҳ одамларга тегишли у ёки бу ҳодисани англатади. Махсус ахборотга илмий–техник, иқтисодий, статистик, тадбиркорлик ва бошқа ахборотлар тури киради. Оммавий ахборотлар – оммавий ахборот воситалари: газеталар, журналлар, радио, телевидение ва бошқалар орқали тарқатилади.



1- расм. Хабарни узатиш принципи.

Ахборотни етказиш, сақлаш, қайта ишлаш ва фойдаланиш учун у хабар турида тақдим этилиши лозим. Хабар таркибида манбадан узатилаётган ахборотдан ташқари уни тўғри етказиш ва фойдаланиш учун истеъмолчи манзили ва хар хил хизмат маълумотлари бўлиши керак. Қабул қилинган ахборот тўғрилигини ошириш учун хабар таркибида қўшимча ахборотлар бўлиши мумкин.


Хабар узлуксиз (аналог) ва дискрет бўлиши мумкин. Узлуксиз вақт функцияси бўйича тавсифланадиган хабар узлуксиз дейилади. Дискрет хабар айримэлементларкетма-кетлигисифати акс этади. Хабарларни узатиш тизими нинг схемаси қуйидагича тасвирланади. (1-расм) Манба узлуксиз (аналог) ёки дискрет хабарни  $a(t)$  шакллантиради. Бу хабарни электр алоқа воситалари орқали узатиш учун уни махсус қурилма ёрдамида электр сигналга айлантириш зарур. Нукт узатишда телефон, тасвир узатишда электрон – нурли трубка амалга оширади. Сигнални мухитнинг бир нуктасидан иккинчи нуктасига силжитишни электралоқа тизими амалга оширади. Электр алоқа тизими ўзаро харакатдаги техник воситаларининг мураккаб мажмуасидир. Электр сигнали моҳияти бўйича хабарни электр алоқа тизимида узатиш учун тақдимот шаклидир. Қабул қилиш пунктига етказилган сигнал яна хабарга айлантирилиши (мисол учун, нукт узатишда телефон, тасвир узатишда электрон нурли трубка ёрдамида амалга оширилади) ва олувчига берилиши керак.

Ахборотни узатиш хамма вақт муқаррар тўсқинлар ва бузилишлар таъсирида бўлади. Бу электр алоқа тизими чиқишидаги сигнал  $S(t)$  ва қабул қилинган хабар  $a(t)$  киришдаги сигнал  $S(t)$  ва узатилган хабардан  $a(t)$  фарқланишига олиб келади. Қабул қилинган хабарнинг узатилганга мослик даражаси узатилган ахборотнинг тўғрилиги дейилади. Хабарни сигналга ўзгартирувчи қурилмалар (микрофон, узатувчи электрон трубка) чиқишидаги сигнал бирламчи сигнал дейилади ва у электр алоқа тизимида узатилиши лозимдир. У ёки бу сигнални узатиш учун узатиш тизимининг параметрлари сигнал параметрлари билан мослашган бўлиши зарур. Сигнални электр алоқа тизимида узатиш учун қандайдир ташувчидан фойдаланиш керак. Ташувчи сифатида мухитда яхши тарқаладиган хусусиятга эга материал объектдан фойдаланиш табиийдир, масалан, электромагнит майдон симда (симли алоқа), очик фазода радиотўлқин (радиоалоқа), ёруғлик нури (оптик алоқа) яхши тарқалади. Табиатда мавжуд электромагнит тебрانتшлар частота қийматларига боғлиқ холда хар хил турдаги алоқани ташкил этиш имконини беради.


2- расмда хар хил турдаги алоқа учун фойдаланадиган частоталар ва тўлқинлар шкаласи кўрсатилган.

2.-расмдан шуни аниқлаш мумкин, узатиш пунктида бирламчи сигнал  $S(t)$  тарқалиш муҳитига мос, уни узатишга қулай бўлган  $v(t)$  сигналга ўзгартирилиши керак, шу билан бирга у бирламчи сигнал хусусиятларини акс эттириши керак. Электр алоқа сигналларини узатиш принципи қуйидаги структуравий схема (3-расм) орқали тушунтирилади.

# Н У Р Л А Р



2-расм. Ҳар хил турдаги алоқа учун частота ва тўлқинларнинг қўлланиши



3-расм. Электр алоқа тизимини умуллашган структуравий схемаси

Структуравий схема куйидаги блоклардан иборат: 1-хабар манбаи, 2-хабарни электр сигналга ўзгартиргич, 3-узатгич, 4-электр алоқа сигналларининг тарқалиш мухити, 5-қабул қилгич, 6-электр сигнални хабарга ўзгартиргич, 7-хабар истемолчиси, 8-тўсқинлар манбаи.

Хабар манбадан (1) ўзгартгич киришига (2) келиб тушади ва бирламчи электр сигналига айлантирилади. Узатгичда (3) бирламчи сигнал тарқалиш мухити (4) орқали узатиш учун қўшимча холда ўзгартирилади. Тарқалиш мухити сунъий йўналтирувчи мухит ёки очиқ фазо бўлиши мумкин. Тарқалиш мухитидаги электр сигнали иккиламчи электр сигнали дейилади.

Узатиш жараёнида электр сигналлар бузилиши ва уларга тўсқинлар (8) таъсир этиши мумкин. Тўсқинлар деганда фойдали электр сигналига таъсир этиб, уни тўғри қабул қилишни қийинлаштирадиган хар хил факторлар тушинилади. Тўсқинлар ўзининг келиб чиқиши ва физик хусусиятлари бўйича жуда хам турличадир. Тарқалиш мухити чиқишида иккиламчи электр сигнал ва тўсқинлар мавжуд бўлади. Қабул қилгич (5) бу аралашмадан фақат иккиламчи электр сигнални ажратади ва уни бирламчи электр сигналига айлантиради. Шундан сўнг, ўзгартиргичда (6) бирламчи сигнал узатилаётган хабар нусхасига айлантирилади ва у хабар истемолчисига (7) етказилади. 2 ва 6 - ўзгартгичлар электр алоқа тизимининг охириги қурилмалари функцияларини бажаради ва улар одатда абонент охириги қурилмалари дейилади, кейинги пайтда охириги қурилмалар терминаллар деб аталмоқда. Юқоридагилар асосида куйидаги аниқланмаларни алоҳида таъкидлаш мумкин.

**Электр алоқа тизими** - хабарни манбадан истеъмолчига узатишни таъминловчи техник воситалар ва узатиш мухитининг жамланмасидир.

**Электр алоқа канали** – бирламчи сигнални узатиш имконини берадиган техник воситалар ва тарқатиш мухити тўпламидир. 3-расмда 3-5 блоклар электр алоқа каналини ташкил этади. Электр сигналини электр алоқа каналидан ўтиш шартларини баҳолаш учун сигналнинг энг мухим характеристикаси – частота спектри кенглигини билиш зарур. Спектр кенглиги қанча катта бўлса уларни электр алоқа тизими орқали узатиш шунчалик қийин бўлади. Электр алоқанинг реал сигналлари жуда кенг частота спектрига эга бўлади, лекин қайта тиклаш сифатига сезиларли таъсир этмасдан улар спектр кенглигини чеклаш мумкин. Назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижасида нутқ узатиш учун телефон сигнали спектри 300-3400 Гц, нутқ + музика узатиш учун овоз эшиттириш сигнали спектри 30-15000 Гц, нутқ + музика + ҳаракатдаги тасвир узатиш учун телевизион тасвир сигнали спектри 50 Гц – 6 МГц бўлиши аниқланган. Электр алоқа – бу, исталган турдаги хабарни электр сигналлари орқали узатишни амалга оширувчи алоқадир. Узатиладиган хабарларнинг бир жисмли эмаслиги бир неча турдаги электроалоқани яратиш заруратига олиб келади. Узатиладиган хабар характериға қараб улардан айримларини қисқача кўйидагича тавсифлаш мумкин.

**Телефон алоқаси**- нутқ хабарларини узатиш имконини беради.

**Телеграф алоқаси** - ҳарф-рақамли матнларни узатишни таъминлайди.

**Маълумотлар узатиш** – ЭҲМ ни одам билан, шунингдек ЭҲМ ни ЭҲМ билан алоқасини таъминлайди.


**Овоз эшиттириш** – аҳоли бевосита қабул қилишга мўлжалланган музикаий дастурларни узатишга мўлжалланган.

**Телевизион эшиттириш** – аҳоли бевосита қабул қилиш учун товуш кузатиши билан ҳаракатдаги ва ҳаракатсиз тасвирларни узатишга мўлжалланган.

**Факсимил алоқаси** – ўзгармас тасвирлар: матнлар, жадваллар, расмлар ва ҳоказоларни узатишни таъминлайди.

Электр алоқа турларини узатиладиган хабар турлари (аналог, дискрет), истеъмолчи тоифасига (индивидуал, оммавий), олинган хабар нусхасининг қайд этилишига (ҳужжатсиз, ҳужжатли) қараб классификациялаш мумкин.

# ЭЛЕКТР АЛОҚА ТУРЛАРИ



# 1. ТОАЛ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ҚИСҚАЧА ТАРИХИ. УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

## 1.1. Оптик алоқага оид асосий тушунчалар

Оптик алоқа (ОА) бу ахборот ёруғлик нури кўринишида оптик тола бўйлаб ёки очик фазо атмосферада узатиладиган алоқадир. Ахборот тола орқали узатилса, толали оптик алоқа (ТОА) тизими, очик атмосферада узатилса, очик оптик алоқа (ООА) тизими дейилади.

ООА тизимларида нурланиш манбалари электромагнит тўлқинларни очик фазога нурлантиради, бунда нурланишни тарқалиш билан аниқланади. ООА тизимларининг узатувчи муҳити ўз навбатида уч турга бўлинади: атмосфера, космик ва сув ости алоқа муҳитлари.

Атмосфера ООА тизимларида тўлқинларни тарқалиш характеристикаси етарли даражада об-ҳаво шароитларига боғлиқ. Атмосфера ва сув ости узатиш муҳитларининг физик бир турда эмаслиги ва уларнинг таркибидаги бегона заррачаларни узатилаётган нурланиш тўлқини билан ўзаро таъсирда бўлишидан электромагнит тўлқинлар бузилади. Заррача ўлчамларининг тўлқин узунлиги билан таққосланадиган даражада ёки катта бўлиши бузилишларни оширади. Шу сабабли атмосфера бузилишлари оптик диапазонда турли характерга эга. Шу тарзда узатиш муҳитларини таҳлил қилиш, алоқа тизимларини лойихалаштиришда юзага келадиган энг муҳим масала ҳисобланади. Тўлқинларни тарқалиш йўналишига тушиб қоладиган заррачалар асосан оптик нурланишни ютади ва сочади. Бу омилларни таъсир даражаси муҳит турига (сув ости, тоза ҳаво, турбулент атмосфера ва бошқалар) боғлиқ. Бу тизимларда бузилишларни камайтириш ва талаб этиладиган ишончилиكنи таъминлаш учун ретрансляция участкаси узунлигини камайтириш керак бўлади.

Космик ООА тизимларида узатиш муҳити бу атмосферадан холи бўлган очик фазодир. Космик муҳитда атмосфера муҳитларига хос бўлган бузилишлар ҳосил бўлмайди, улар барқарор бўлиб, алоқанинг юқори ишончилигини таъминлайди. Космик муҳитларда асосий йўқотишлар бу тарқалишда ҳосил бўладиган йўқотишлар ҳисобланади. Бу йўқотишлар сигнал  $L$  масофага тарқалганда нурланиш майдони кувватининг йўқотиш коэффициентини билан баҳоланади ва қуйидаги ифода орқали аниқланади:

$$Z_p = \frac{1}{4\pi L^2} \quad (1.1)$$

Космик алоқа тизимларини лойихалаштиришда асосий масала бу узатиш ва қабул қилиш антенналарининг ўлчамларини мос равишда тўғри танлаш орқали йўқотишларни бартараф этиш ҳисобланади.

ОА тизимининг асосий йўналиши ТОА тизими ҳисобланади. Чунки ҳозирги вақтда юқори даражадаги узатиш характеристикаларига эга бўлган ёруғлик узатгичлар ишлаб чиқилган. Аммо ахборотларни очик фазода, атмосферада узатишга асосланган ООА тизимлари ҳам, радиоалоқа учун

ажратилган частоталарни тўлдирувчи восита сифатида қизиқишларни намоён этади.

ТОА тизимларида электромагнит нурланишларни тарқалиш йўлини ташкил этиш учун махсус оптик ёруғлик узатгичлар-оптик толалар қўлланилади. ТОА тармоғи бу тугунлар орасида оптик алоқа линиялари орқали боғланган алоқа тармоғидир.

## **1.2. ТОАнинг афзалликлари, камчиликлари ва қўлланиш соҳалари**

Ахборотни ТОА линиялари орқали узатиш мис кабеллар ва бошқа узатиш муҳитларига қараганда бир қанча афзалликларга эга. Шу афзалликлари туфайли ТОА тизимидан нафақат телефон алоқасини ташкил этишда, балки телевиденида, овоз эшиттиришларини узатишда, ҳисоблаш техникасида, транспорт воситаларида ва бошқа соҳаларда кенг фойдаланилмоқда. ТОА тизимларида узатиш муҳити сифатида қўлланиладиган оптик толаларнинг афзалликлари қуйида келтирилган.

**Ўтказиш оралиғининг кенглиги.** Бу ташувчи частотасининг жуда юқорилиги  $10^{14} - 10^{15}$  Гц билан тушунтирилади. Битта оптик тола бўйлаб секундига бир неча терабит ахборотлар оқимини узатиш имконияти мавжуд. Ўтказиш оралиғининг кенглиги толали оптик алоқанинг мис ва бошқа ахборот узатиш муҳитларидан устун турувчи энг муҳим афзаллигидир.

### **Оптик толада ёруғлик сигналларининг кам сўниши.**

Хозирги кунда кўплаб компаниялар томонидан ишлаб чиқарилаётган оптик толалар 1 канал километр ҳисобида 1,55 мкм тўлқин узунлигида 0,2-0,3 дБ/км сўнишга эга. Сўниш ва дисперсия қийматларининг кичиклиги оптик сигналларни ТОА линиялари бўйлаб ретрансляциясиз 100 км ва ундан узоқ масофаларга узатиш имконини беради. Шовқин сатҳини кичиклиги оптик толанинг ўтказиш қобилиятини оширади.

**Шовқиндан юқори даражада ҳимояланганлиги.** Оптик тола диэлектрик материаллар – кварц, кўп таркибли шиша, полимерлардан тайёрланганлиги учун у электромагнит нурланишни индукциялаш хусусиятига эга атрофидаги мис кабелли тизим ва электр қурилмаларнинг (электр узатиш линиялари, электродвигателли ускуна ва бошқалар) ташки электромагнит шовқинларига таъсирчан эмас. Шунингдек кўп толали оптик кабелларда кўп жуфтли мис кабелларга хос электромагнит нурланишларнинг ўзаро таъсири каби муаммолар юзага келмайди. Бу афзаллиги туфайли оптик кабеллардан ишлаб чиқариш корхоналарида, бошқарув марказларида, самолёт ва кема каби транспорт воситаларида фойдаланган мақулдир. Чунки шу каби кичик жойларда ҳам энергетик қурилмалар, ҳам автоматика ва телебошқарув тизимлари, ҳам кўп сонли абонент қурилмаларидан иборат тармоқланган алоқа тармоқлари жойлашган бўлади. Бундай ҳолатда электромагнит ва ўзаро шовқинлар юзага келади. Оптик кабелларнинг эса бундай шовқинларга таъсирчан эмаслигини айтиб ўтдик.

**Енгиллиги, хажми ва ўлчамларининг кичиклиги.** Оптик кабеллар мис кабеллар билан солиштирилганда анча енгил ва хажми кичик. Масалан,

900 жуфтли 7,5 см диаметрли мис телефон кабелли 0,1 см диаметрли битта оптик тола билан алмаштирилиши мумкин. Агар оптик тола бир неча ҳимоя қобикларидан иборат ва брон пўлат лента билан қопланган бўлса, бундай тола диаметри 1,5 см га тенг бўлади, бу эса кўрилатган мис кабел диаметридан бир неча марта кичик. Оптик толанинг бу афзаллиги оптик кабелли линия трактларини қуришда анча енгилликлар яратади. Енгиллиги ва ўлчамининг кичиклиги туфайли оптик толанинг самолёт, вертолёт ва бошқа транспорт воситаларида ишлатилиши толали оптик алоқанинг жуда муҳим ютуғидир. Масалан, ахборотларни йиғиш ва бошқариш вазифаларини бажариш учун махсус жиҳозланган самолётларда боғловчи кабеллар оғирлигини 1 тоннадан ошиққа камайтиради.

**Алоқанинг махфийлиги.** Толали оптик кабеллар радио тўлқин диапазонида умуман нур узатмаслиги сабабли, ундан узатилаётган ахборотни узатиб-қабул қилишни бузмасдан рухсатсиз ташқи уланишларда эшитиш жуда қийин. Оптик алоқа линиясининг мониторинг тизими (узлуксиз назорат) толанинг юқори сезгирлик хусусиятини қўллаб, дархол рухсатсиз ташқаридан эшитилаётган алоқа каналини ўчириши ва хавф (тревога) сигналининг узатиши мумкин. Тарқалувчи оптик сигналларнинг интерференция эффектини қўлловчи тизимлар тебранишларга, босимни озгина оғишларига сезувчанлиги жуда юқори. Ҳукумат, банк ва маълумотлар ҳимоясига юқори талаблар қўйиладиган бошқа махсус хизматларнинг алоқа линияларини ташкил этишда бундай тизимлар айниқса зарурдир.

**Ёнғиндан ҳимояланганлиги.** Оптик толада учқун ҳосил бўлмаслиги кимёвий, нефтни қайта ишловчи корхоналарда, портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд бўлган биноларда хавфсизликни оширади.

**Иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги.** Оптик тола кварцдан ишлаб чиқарилади. Унинг асосини табиатда кенг тарқалган кремний икки оксиди  $\text{SiO}_2$  ташкил этади. Демак толали оптик кабелларни ишлаб чиқариш учун ноёб рангли метал сарфланмайди. Мис ва қўрғошиннинг дунёвий захиралари чегараланган ҳозирги вақтда ноёб бўлмаган маҳсулотга ўтиш кабелли алоқа техникасининг келгуси ривожланиши учун муҳим омил ҳисобланади. Натижада оптик кабелларнинг нархи мис кабелларга нисбатан арзонлашади.

Толали оптик кабеллар сигналларни узоқ масофаларга ретрансляциясиз узатиш имконини беради. Узоқ масофали ТОО линияларида оптик кабелларнинг қўлланилиши ретрансляторлар сонини қисқаришига олиб келади. Бунинг натижасида ҳам сарф харажатлар камаёди.

**Фойдаланиш муддатининг давомийлиги.** Тола вақт ўтган сари эскиради, яъни ётқизилган кабелларда сўниш аста секин ошиб боради. Бироқ, оптик тола ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияларининг мукамаллашуви бу жараёни секинлаштиради ва фойдаланиш муддатини узайтиради. Толали оптик кабеллардан фойдаланиш муддати тахминан 25 йилни ташкил этади.

**Масофавий электр таъминотнинг мавжудлиги.** Баъзи ҳолларда тармоқ тугунларига масофавий электр таъминот талаб этилади. Буни оптик тола орқали амалга ошириб бўлмайди. Бу ҳолда оптик тола билан биргаликда

мис ўтказиш элементи билан жиҳозланган аралаш кабеллардан фойдаланиш мумкин. Бундай кабеллар кўпгина мамлакатларда кенг қўлланилади. Ҳозирги кунда турли вазифали ва тузилишли оптик тола ва кабеллар ишлаб чиқарилмоқда. Кенг полосали узоқ алоқа тизимлари, жумладан магистрал алоқа учун толадан фақатгина асосий тўлқин тарқаладиган бир модали кабелларнинг янги турлари ишлаб чиқарилмоқда. Магистрал алоқа линияларида сигнал узатишда толанинг сўниш ва дисперсия параметрларига ҳам юқори талаблар қўйилади. Бундан ташқари оптик нурланиш кутбланишини сақланишини таъминловчи толалар ҳам ишлаб чиқарилмоқда.


Магистрал алоқада қўлланиладиган бундай кабелларни ишлаб чиқиш мураккаб ва қиммат. Бундай кабеллар қўлланилганда лазер нурланиш манбаларидан фойдаланилади. Лазер манбаларига ҳам нурланиш спектрининг тозалигига, нурланиш характеристикаларининг барқарорлигига юқори талаблар қўйилади. Тезлиги 100 Мбит/с гача бўлган ва алоқа масофаси чегараланган (тахминан 10 км гача) тизимларда нисбатан арзон ва охириги курилмалар билан осон мослашадиган кўп модали кабеллардан фойдаланган маққул. Бунда нурланиш манбаи сифатида кўп модаларни нурлантирувчи оддий турдаги ярим ўтказгич ёруғлик диодларини ишлатиш мумкин. Янги турдаги оптик толаларнинг (силжиган дисперсияси нолга тенг бўлмаган), кенг полосали квант оптик кучайтиргичларнинг яратилиши тўлиқ оптик тизим ва оптик трактларни қуриш имкониятини яратмоқда. Бундай технологиялардан 100 ва 1000 Гбит/с ўтказиш оралиқли тизимларни яратишда фойдаланилади. ТОА кўплаб бир қанча афзалликларга эга бўлишига қарамай камчиликларга ҳам эга. Бу ТОА курилмаларининг қимматлиги ва баъзи оптик технологияларнинг мукамал даражага етмаганлиги билан тушунтирилади. Бунга боғлиқ ҳолда қуйидаги камчиликларни айтиш мумкин:

**Элемент базасининг қимматлиги.** Оптик узатгич ва қабул қилгичларнинг нархи қиммат. Айниқса лазер нурланиш манбаларининг нархи қиммат ва хизмат қилиш муддати чегараланган. Шунингдек пассив оптик курилмаларни (мультиплексор, коммутатор, аттенюатор ва бошқалар) ишлаб чиқариш ҳам катта сарф-ҳаражатларга олиб келади;

**Толали оптик алоқа линияларини монтаж қилиш ва хизмат кўрсатишининг мураккаблиги.** Электрик кабелли тизимларга нисбатан оптик кабелли тизимларни қуриш, ундан техник фойдаланиш, ўлчов ва монтаж ишлари мураккаб бўлиб, жуда юқори малакани талаб этади;

**Толани махсус ҳимоялаш зарурияти.** Микроёриқларда сигналларни йўқолмаслиги учун толани ортиқча юклаш ва букилишлардан ҳимоялаш керак. Махсус ҳимоялашни ташкил этиш, ишончликни ошириш мақсадида оптик толани ишлаб чиқариш жараёнида тола эпоксиакрилад асосидаги махсус лак билан копланеди. Бундан ташқари кабел махсус пўлат тросс ва шиша пластик стерженлар ҳисобига янада мустаҳкамланиши мумкин.

Буларнинг барчаси толали оптик кабел нархини оширади. Бу камчиликлар ТОА технологиясининг келгуси ривожланишида қисман ёки тўлиқ бартараф этилади.



Оптик толали узатиш тизимларининг афзалликлари

### 1.3. Оптик алоқа тизимларининг тузилиш тамойиллари.

Оптик алоқада(ОА) ахборотларни ёруғлик ёки оптик сигналлар кўринишида узатиш ва қайта ишлаш амалга оширилади. ОА учун ёруғлик нурланиши ва тўлқин узунлиги турини танлаш узатилаётган ахборот характерига, шунингдек нурланиш ҳосил қилиш имконияларига, ундан сигнал шаклланишига, ёруғлик тўлқинини узатиш ва қайта ишлашга ва нихоят, ахборотга эга сигнални қабул қилишга боғлиқ.


ОА тизимининг умумлашган тузилиш схемаси 1.1 – расмда келтирилган. Схема ОА нинг турлари ТОА ва ООА га хос стандарт блоклардан (элементлардан) ташкил топган.



1.1 – расм. Оптик алоқа тизимининг умумлашган тузилиш схемаси:  
 1 – ахборотлар манбаи; 2 – оптик узатгич ва модулятор; 3 – оптик канал;  
 4 – оптик қабул қилгич

Ахборотлар манбаидан узлуксиз ёки рақамли сигналлар бериледи. Сўнг сигналлар ёруғлик оқими-ташувчи частотанинг электромагнит тебранишларини модуляциялайди. Сўнг ёруғлик нури кўринишидаги оптик сигналлар узатувчи муҳит - оптик канал орқали тарқалади. Узатувчи муҳит юқорида айтиб ўтилгандек очиқ фазо, атмосфера, яъни ООА линияси ёки ТОА линияси бўлиши мумкин. Узатилган ахборотлар оптик қабул қилгич демодуляторида демодуляцияланади. Демодуляторнинг асосий элементи оптик фотодетектор ҳисобланади. Сигналларни узок масофаларга узатишда, қачонки қабул қилгич киришида сигнал/шовкин нисбати талаб даражасидан паст бўлганда линияда ретрансляторлар ўрнатилади.

ТОА тизимининг тузилиш схемасини (1.2 – расм) тўлиқ кўриб чиқамиз.



1.2 – расм. Тола оптик алоқа тизимининг тузилиш схемаси

ТОА тизимининг тузилиш схемаси таркибига қуйидагилар киради:

УТ – узатиш тизими; МҚ – мослаштирувчи қурилма; ОУз – оптик узатгич; ОТ – оптик тола; ОР – оптик регенератор; КОК – квант оптик кучайтиргичи; ОҚқ – оптик қабул қилгич.

УТ, МҚ, ОУз ва УТ, МҚ, ОҚқ мос равишда А ва Б охириги станцияларининг узатиш ва қабул қилиш трактларини ташкил этади. Оралиқ станцияларда ОР, КОК ўрнатилади. Толали оптик линия трактига ОУз, ОТ, ОР, КОК, ОҚқ киради.

1.2 – расмда кўрсатилганидек, узатувчи станциядан N бирламчи электр сигналлар узатиш тизимига тушади. УТ чиқишидан кўп каналли электр сигнали мослаштирувчи қурилмага бериледи. МҚ да бу сигнал толали оптик линия тракти бўйлаб узатиладиган кўринишга ўзгартирилади. Оптик узатгичда электр сигнали оптик ташувчини модуляциялаш йўли билан оптик сигналга айланади. Сўнг бу оптик сигнал оптик тола бўйлаб узатилади. Оптик сигнал тола бўйлаб тарқалганда сўнади ва шакли ўзгаради. Оптиксигналларнузоқ масофаларга узатиш мақсадида маълум оралиқларда сигналларни бузилиш даражасига қараб регенераторлар ёки квант оптик кучайтиргичлар ўрнатилади. Регенераторкиришида оптик сигналлар электр сигналига, чиқишида эса электрсигналдан оптик сигналга айлантирилади, яъни регенераторларда электр сигналлар кучайтирилади, соزلанади ва


бошланғич формаси тикланади. Квант оптик кучайтиргичлари қўлланилганда эсасўнганоптиксигналлар электр сигналига айлантириб ўтилмасдан кучайтирилади. Қабул қилувчи Б охирги станцияда тескари жараён амалга оширилади. ОА да оптик ташувчини информатсион сигнал билан модуляциялаш учун частота модуляцияси (ЧМ), фаза модуляцияси (ФМ), амплитуда модуляцияси (АМ), кутбланган модуляция (КМ), интенсивлик бўйича модуляциялаш ва модуляциянинг бошқа турларини қўллаш мумкин. Оптик нурланишнинг интенсивлик бўйича модуляциялаш тури кўпроқ қўлланилади. Бунга сабаб, бу модуляция тури кенг частота диапазолида оптик ўтказгичларда қўлланиладиган оддий техник қурилмалар ярим ўтказгич нурланиш манбалари (ёруғлик диоди, лазер диодлар) учун бажарилади. Ярим ўтказгич манбанинг нурланиш жадаллигини бошқариш учун модуляциялайдиган сигнал билан мос холда инъекция токини ўзгартириш етарлидир. Бу ток кучайтиргич кўринишидаги электрон схема ёрдамида осон амалга оширилади. Оптик нурланишнинг интенсивлик бўйича модуляциялаш, тескари жараён, оптик сигнални электр сигналига айланиш масаласини енгиллаштиради. Дархақиқат, фотоқабул қилгич таркибига кирувчи фотодетектор квадратик асбоб хисобланиб, унинг чиқишидаги ток оптик майдон амплитудасининг квадратига пропорционалдир.

Жадаллик бўйича модуляцияланган оптик сигнални бевосита фотодетекторга бериб, осонгина уни бошланғич сигнал кўринишини сақлаган электр сигналига айлантириш мумкин. Оптик сигналларни қабул қилишнинг бу усули тўғридан-тўғри фотодетекторлаш усули дейилади.

Ҳозирги кунда ОА нинг охирги қурилмалари сифатида рақамли узатиш тизимлари (РУТ)дан фойдаланилмоқда. Чунки РУТ аналог узатиш тизимларига қараганда қуйидаги афзалликларга эга: шовқин бардошлилиги юқори, сигнални узатиш сифати линия тракти узунлигига кам боғлиқ, техник иқтисодий кўрсаткичлари юқори ва бошқалар. Каналлари частота бўйича ажратилган аналог узатиш тизимларининг бир қанча камчиликлари туфайли, уларнинг ОА да қўлланилиши чегараланган. Оптик узатиш тизимларида асосан рақамли (импульсли) узатиш усуллари қўлланади, чунки аналогли узатиш чоғида оралиқ кучайтиргичлар юқори даражали чизиқликга эга бўлиши лозим, оптик узатиш тизимларида эса бунга эришиш жуда ҳам қийин. Шундай қилиб оптик—толали алоқа тизимларида каналларни вақт бўйича бўлишга эга бўлган рақамли тизим ва импульс - кодли модуляцияга эга бўлган тарқалувчи сигнал манбаи интенсив равишда модуляцияланган усуллар қўлланади. Дуплекс алоқа иккита нур ўтказувчи тола бўйлаб ташкил қилиниб, ҳар бир нур ўтказгич тола ўзининг йўналиши бўйича маълумотларни узатиш хусусиятига эга, яъни битта нур ўтказгич толадан маълумотлар узатилса иккинчи нур узатгич тола бўйлаб маълумотлар қабул қилинади. Ҳозирги пайтда оптик толали алоқа линияларида плезиохрон ва синхрон рақамли иерархия асосида ишлайдиган (PDH ва SDH) рақамли алоқа узатиш тизимлари қўлланилмоқда. Плезиохрон рақамли иерархия асосида ИКМ—30, ИКМ—120, ИКМ—480, ИКМ—1920 каби алоқа узатиш тизимлари

қўлланса, синхрон рақамли иерархия (SDH) асосида асосан STM-1, STM-4, STM-16, STM-64 ва STM-256 каби транспорт модуллари қўлланилмоқда.

Импульс кодли модуляция оптик - толали алоқа узатиш тизимининг принципиал структуравий схемаси 1.3 —расмда келтирилган. Бу схеманинг асосини оптик толали алоқа кабелли — ОК ва тизимнинг бошида оптик узатгич (ОУ) ҳамда тизим охирида оптик қабул қилгич (ОКК) эгаллайди. Тизим схемасидаги оптик узатгич электр сигнални оптик сигналга ўзгартириб берувчи узгартиргичдан иборатдир.




1.3—расм. Оптик толали алоқа тизимининг структуравий схемаси.

Электрон—оптик ўзгартиргич (ЭОЎ) вазифасини одатда ярим ўтказгичли лазер (ЯЎЛ) ва ёруғлик нурлантирувчи диод (ЁНД) каби электрон қурилма бажаради. Қабул қилувчи томондаги кодли электрон —модулятор (КЭМ) вазифасини бажаришда опто—электрон узгартиргич (ОЭЎ) қурилмасида одатда ярим ўтказгичли фотодиод (ФД) бажаради. Бундан ташқари узатгич ва қабул қилгич томонларда код ўзгартиргичлар (КЎ) қўлланиб, улар уч кутбли импульсларнинг икки кодли импульсларга ўзгартириб беради. Бу схемада линия трактидаги алоқа узатиш воситасининг кириш қисмидаги қаршилиги билан тўлқин қаршилиги бўйича мослаштириш учун мослаштирув қурилмаси (МК) қўлланади. Схемдаги код ўзгартиргич қурилмаси талаб этиладиган импульслар кетма—кетлигини ва электр (ИКМ) ҳамда оптик (ЯЎЛ, ЁНД ва ФД) қувват сатхини мослаштиради, чунки ИКМнинг чиқиш қисмида юқори сатхли сигнал ҳосил бўлади, ЁНД учун эса жуда ҳам кичик сатхли сигнал зарурдир. Узатувчи ҳамда қабул қилувчи томонлардаги мослаштирув қурилмалари эса кабел ва узатувчи—қабул қилувчи ускуналар оралиғида апертурани ҳамда йуналтирилган диаграммаларни мослаштириш учун қўлланади. Бу схема куйидагича ишлайди. Узатув томонидаги ИКМ қурилмасининг қабул қилувчи томонига аналог (узлуксиз) сигналлар қабул қилиниб, у ерда рақамли сигналлар оқими код ўзгартиргичга келиб тушиб ва ундан сўнг эса электро-оптик

ўзгартиргичга (ЭОЎ) келиб тушади. Бу қурилмада қабул қилинган сигнал ИКМ ёрдамида оптик ташувчини модуляциялайди ҳамда ЯЎЛ ёки ЁНД ёрдамида мослаштирув ускунаси орқали оптик ёруғлик сигнали оптик кабелга келиб тушади.

Қабул қилиш томонида оптик сигнал нур ўтказгичдан иборат бўлган кабелдан мослаштирув қурилмаси орқали фотодиодга келиб тушади. Бу ерда оптик сигнал электр сигналга ўзгартирилиб код ўзгартиргич қурилмаси орқали қабул қилувчи ИКМга келиб, уларда яна аналог (узлуксиз) сигнал кўринишида қабул қилувчига етиб боради ва у ерда рақамли сигналларга ўзгартирилади, етиб боради. Шундай қилиб линия трактининг узатув томонидаги ИКМдан ЭОЎга қадар, ҳамда қабул қилувчи томондаги ОЭЎ дан ИКМга қадар электр сигнал ҳаракатланадиган бўлса ЭОЎдан то ОЭЎ га қадар оптик кабел бўйлаб оптик сигнал ҳаракатланади.

Оптик толали алоқа линиясидаги тракт бўйлаб ҳаракатланувчи сигнал маълум масофада кабелнинг сўниши ҳисобига (5÷10 дан то 50 километрга қадар) оптик линияда линия регенераторлари (Рег) жойлаштирилади. Бу регенераторларда сигнал ўз холига келтирилиб кейин эса кучайтиргич ёрдамида талаб этиладиган қийматга қадар кучайтирилиб линияга узатилади. Регенераторларнинг структуравий схемаси 1.4—расмда кўрсатилган.



1.4 - расм. ОТАЛ регенераторининг структуравий схемаси.

Линия трактида қўлланувчи линия регенераторлари иккита ярим комплектдан иборат бўлиб, улар тўғри ва қарама—қарши йўналишлар учун оптик сигналларни узатиб қабул қилиш учун қўлланади. Бу ерда оптик сигнал электрик сигналларга ўзгартирилади, ундан сунг эса сигнал кучайтирилиб, сигнал ўз холига келтирилгач яна ўзгартирилиб оптик сигнал кўринишида линияга узатилади. Регенераторлардаги нурлантиргич манбаи вазифасини яъни электр сигналдан оптик сигналга ўзгартирувчи вазифасини лазерлар ва ёруғлик нурлантирувчи диодлари бажаради. Бугунги кунда турли хил лазерлар мавжуд, булар: қаттиқ турдаги, ярим ўтказгичли, газли ва ҳакозо. Булар ичида энг кўп тарқалгани ярим ўтказгичли лазерлар ҳисобланади, чунки улар жуда ҳам содда бўлиб, лозим бўладиган қувватга апертура тафсилотларига эга. Қабул қилувчи томонидаги нурлантирувчи

вазифасини, яъни оптик сигнални электр сигналга ўзгартирувчи вазифасини фотодиод бажаради.

Узатиш тармоқларининг hozirgi замон ҳолати информацион хизмат кўрсатишнинг қўшимча турларини кенг равишда қўлланилиши интернет тармоғининг кенг равишда ривожланишини, юқори тезликдаги паст коммутацияси каби илғор технологияларни кенг равишда қўлланиши билан характерланади.

Лозим бўлган техник массаларни ечиш учун кескин равишда янги курилаётган ва бугунги кунда ишлаб турган транспорт тармоқларини магистрал оптик толали узатиш тизимлари асосида тармоқларнинг ўтказиш қобилиятини кескин равишда ошириш керак. экстенсив усул ёрдамида тармоқни ривожлантиришда кабел ичидаги оптик толалар сонини ошириб бориш йўли ёрдамида эришиб бўлмайди, бунинг учун янги ахборот-коммуникация технологияларни қўллаш лозим бўлади.

Бугунги кунда ўтказиш қобилиятини оширишнинг асосий усулларида бири бир модалли оптик толаларни вақт бўйича ва тўлқинли (спектрал) мультиплексорлаштириш усулидан фойдаланишдир.

Вақт бўйича мультиплексорлаштиришда мультиплексорнинг кириш қисмига  $n$ -иккилик кетма-кетлигидаги киритилувчи сигналлар келиб тушади. мультиплексорнинг коммутаторига кетма-кет равишда коммутация интервали деб аталувчи маълум оралиқ вақтида ҳар бир кирувчи сигнал ёки уни логик ташкил этувчилари бит, байт ёки блоklar уланади. Шундай ҳолатда ташкил этилган танлов оқими мультиплексордан чиқувчи кетма-кетлигидан ташкил топган гуруҳ сигнали ҳосил бўлади, қабул қилгич томондаги демультимплексор ёрдамида худди узатувчи томондан ҳар бир ташкил этувчиларни ажратиб беради. Иложи бориша узатувчи ва қабул қилувчи томондаги коммутаторлар синхрон бир хил равишда ишлаши лозим.

Тўлқинли мультиплексорлаштириш – узатувчи томондаги бир нечта монохроматик ёруғлик оқимлари (тўлқинли каналлар) турли хил элтувчилар билан оптик тола ичида характерланувчи гуруҳ оқимларини узатиш учун ҳосил қилади. Қабул қилувчи томонда эса монохроматик ёруғлик оқимларини қайта бўлиш (демультимплексорлаштириш) ҳолати бўлиб ўтади. Бунда шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир гуруҳ ташкил этувчиси (элтувчи) оқими сифатида турли hozirgi замон технологияси қонуни (мисол учун PDH, SDH ва х.к.) асосида шакллантирилган рақамли оқимларни узатиш мумкин.

WDM (Wavelength Division Multiplexing) – тўлқинларни мультиплексорлаштириш асосида ишлайдиган биринчи тизимлар ўтган асрнинг 90-йилларида пайдо бўлиб, биринчи навбатда иккита 1,31 ва 1,55 мкм тўлқин узунликларидаги оптик толаларда бирлаштирган. Бу билан тизимнинг ўтказиш қобилиятини икки баробар ошириш имконини берган. Кўпгина магистрал оптик-толали узатиш тизимларида бугунги кунда ҳам SDH технологияси билан биргаликда бундай мультиплексорлаштиришни қўлламоқдалар.

Бугунги кунда тўлқинли мультиплексорлаштириш тизими ҳам тез равишда ривожланиб бормоқда, унинг асосини EDFA оптик кучайтиргичларни ишчи тўлқин узунликлар диапозонида ишлатишдан иборат. Тўлқинли каналлар сонини ошириш учун элтувчи частоталарни (тўлқин узунликларни) каналларини текис ҳолатда ва минимал равишда қадамларни ажратиб жойлаштириш ҳисобига эришилади. Бу ишларни бажаришда битта асосий шартни яъни қўшни каналлар орасида бир-бири устига каналларни тушиб кетмаслик ҳолатига эришишдир. Бунинг учун тўлқин узунликларни турли томонга жойлаштирилганда тўлқин каналининг нурланиш манбаининг спектр кенглиги катта бўлиши керак. Ҳозирги замон бир модални ярим ўтказгичли лазерларнинг нурланиш спектри 0,1 нм қийматидан ҳам кам, шунинг учун масалан стандарт 1530...1565 нм ишчи тўлқин узунлик областидаги EDFA оптик кучайтиргич ҳар 0,8 нм қадамда 40 га яқин тўлқинли каналларни жойлаштириш мумкин. Бундай тўлқинли мультиплексорлаштириш DWDM (Dense Wavelength Division Multiplexing) – зич равишда тўлқинларни мультиплексорлаш деб юритилади. Бу тезлиги WDM ни 1,6 нм ва ундан кичик каналларни жойлаштириш тизимларига нисбатан қўлланади.

Ҳозирги замон магистрал оптик толани узатиш тизимларида асосан бир модални оптик толалар қўлланади, булар ичидан энг кўп равишда SF туридаги стандарт поғонасимон тола бўлиб, у 1,33мкм тўлқин узунлик учун оптимизациялаштирилган. Бундай тола бўйлаб 10Тбит/с узатиш тезлигига яқин бўлган маълумотларни узатиш мумкин. Аммо магистрал оптик толани узатиш тизимларида бундай турдаги оптик толаларни қўллаш ҳисобига ўтказиш полосасини ошириб бўлмайди.

Бундан ташқари ишчи диапозонида сўниш коэффиценти қийматини бир мунча юқорилиги ҳисобига регенерация ва кучайтиргич участка узунлигини бир мунча чегаралайди ёки Ҳозирги замон ўлчовлари бўйлаб оптик толаларни узатиш тизимларининг техник-иқтисод эффективлигини бир мунча камайтиради.

Иккинчи шаффофлик дарчасида  $\lambda = 1,55$  мкм тўлқин узунлигида қўлланувчи оптик толаларни ахборот коммуникация технологиясида қўлланилиши бир мунча миқдорда сўниш коэффицентини камайтиради, аммо бундай ҳолатда маълумотларни узатиш ҳисобига тезликларни бир мунча камайтиради. Шунинг учун, бундай усул ёрдамида ўтказиш қобилятини ва лойиҳалаштирилувчи оптик толани ошириш мақсадида дисперсия компенсаторлари, оптик кучайтиргичлар ва 1530...1560 нм тўлқин узунликлари диапозонида тўлқинли мультиплексорлаштиришни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

DSF туридаги толаларни юқори тезликлардаги оптик толаларни узатиш тизимларида битта оптик элтувчи ёрдамида қўллаш мақсадга мувофиқдир, чунки бу тизимларда SDH-синхрон рақамли иерархиясининг узатиш тизимлари қўлланади. Оптик кучайтиргичлар ва линия регенераторларини биргаликда қўлланилиши ҳисобига бундай оптик толаларни узатиш тизимларининг техник-иқтисодий эффективлигини юқори бўлишини

таъминлаб беради. Аммо келажакда тўлқинли DWDM мультиплексорлаштиришга ўтишда DSF туридаги толаларни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлмайди, чунки уларда тўрт тўлқинли силжиш эффекти яққол кўринади, чунки хроматик дисперциянинг ноль бўлган қиймати тизимнинг ишчи диапазони ичида жойлшгандир.

Одатда тўрт тўлқинли силжиш эффекти оптик толага иккита  $\lambda_1$  ва  $\lambda_2$  тўлқин узунликларига эга бўлган монохроматик ёруғлик оқимларини киритилганда унинг чиқиш томонида  $\lambda_1, \lambda_2, \lambda_3 = 1/(2/\lambda_1 - 1/\lambda_2)$  ва  $\lambda_4 = 1/(2/\lambda_2 - 1/\lambda_1)$  тўлқин узунликларидаги тўртта монохроматик ёруғлик оқимлари ҳосил бўлади. Агар  $\lambda_1 < \lambda_2$  бўлса у ҳолда  $\lambda_3 < \lambda_1 < \lambda_2 < \lambda_4$  бўлиб, тўрт тўлқинли силжиш ҳар бир жуфт равишда бир вақтнинг ўзида бошланғич ёруғлик оқимларидан нозикли эффектлар ҳосил бўлади, паразит ёруғлик оқимлари асосий оқимлар энергиясининг маълум бир қисмини олиб қолади, натижада эса сигналларнинг сўниши ошиб боради. Бундан ташқари бошланғич ва иккиламчи паразит оқимларнинг интерференцияси ҳисобига узатилаётган сигналнинг сифати бузилади.

Тўрт тўлқинли силжиш эффекти хроматик дисперция ноль бўлган қийматда максимал интенсивликка эга, шунинг учун WDM ва DWDM тизимларида дисперцияси силжитилиб ноль бўлмаган NZDSF туридаги толаларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Конкрет турдаги оптик толани танлашда иложи борича ишчи диапазонда хроматик дисперция қиймати кичик бўлиши керак, чунки бунинг учун дисперцияни компенсацияловчи усуллардан фойдаланмаган ҳолда тўрт тўлқинли силжиш эффектини бир мунча чегаралаш мумкин. Хроматик дисперция қиймати бир хил белгига эга бўлиб, унинг қиймати 2...6 нс/нм км бўлиши керак.

SF туридаги тола  $\lambda = 1,55$  мкм тўлқин узунлигида дисперцияси силжитилиб ноль бўлмаган оптик тола бўлиб ҳисобланади. Бундай толанинг хроматик дисперция қиймати ишчи тўлқин диапазонида умумий тўрт тўлқинли эффект ҳолати бўлишига йўл қўймайди, бу эса бундай SF туридаги оптик толаларни WDM ва DWDM тизимларида қўллаш эффективлиги анча юқори.

Оптик толани узатиш тизимларида ўтказиш қобилиятини ошириш усулларидан энг яхши эффективлиги комбинацияланган усулда фойдаланиш, бунда аввал оптик сигналларни ҳар бир тўлқинли каналларида вақт бўйича мультиплексорлаштириш қўлланса, ундан сўнг эса WDM ва DWDM тизимлари ёрдамида тўлқинли мультиплексорлашда фойдаланишдир. Ҳозирги замон синхрон рақамли иерархиянинг узатиш тезликларини 10(STM-64) ва 40(STM-256) Гбит/с қадар етказиш мумкин, натижада эса 40 та тўлқинли мультиплексорлаштиришда битта оптик толанинг тўлиқ ўтказиш қобилияти 1,6 Гбит/с ташкил этади, бу эса узоқ вақтдаги чегара эмас.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек энг келажакдаги порлоқ оптик толалардан SF ва NZDSF туридаги тола ҳисобланади. NZDSF туридаги тола бугунги кунда анча қиммат бўлса ҳам ҳисоб бир ҳил ўтказиш қобилиятига эга бўлган

оптик-толали узатиш тизимларининг линия трактида NZDSF туридаги толани қўлланилиши SF туридаги тола қўлланган линия тракти баҳосидан 1,5 марта кичик, чунки NZDSF туридаги толанинг хроматик дисперция киймати кичик бўлиши ҳисобига оптик йўқотувчанлиги 7дБ гача бўлган қимматбаҳо дисперция компенсаторларини линия трактидан олиб ташлаш ва 400 километр бўлган регенерация участка узунлигида кучайтиргич участка узунлигини 50 километрдан 80 километрга қадар етказилган.

Хозирги пайтда оптик толали узатиш тизимларининг вақт бўйича мультиплексорлаштиришнинг иккита технологияси кенг равишда қўлланмоқда, булар:

- плезиохрон рақамли иерархия асосидаги PDH;
- синхрон рақамли иерархия асосидаги SDH;

Кенг равишда амалиётда қўлланилаётган тўлқинли мультиплексорлаштириш технологияси асосидаги DWDM тизими биринчидан элемент базаси баҳосининг анча қимматлиги бўлса, иккинчидан SDH технологиясини тўлиқ равишда қўллаб бўлмаслиги бир мунча бу технологияни қўллашни чегараламоқда.

Бизнинг давлатимизда PDH мультиплексорлаштиришнинг Европа стандарт тизими қўлланмоқда. Бу стандартда асосий рақамли канал учун (АРК) 64 кбит/с узатиш тезлиги қабул қилиниб, биринчи сатҳда киритилувчи сигналлар вазифасини 30 та асосий рақамли канал (нолинчи сатҳдаги канал) бирламчи информатсион оқимни ташкил этади, унинг узатиш тезлиги 30 та  $\times 64$  кбит/с=1920 кбит/с. Синхронизация, сигнализация ва хатоларни тузатиш назорати учун қўшимча равишда унга иккита 64 кбит/с узатиш тезлигига эга бўлган асосий рақамли канал қўшилади. Натижада 2048 кбит/с узатиш тезлигига эга бўлган бирламчи рақамли оқим 2 Мбит/с ҳосил бўлади. ундан сўнг эса каскадли кетма-кет мультиплексорлаштириш схемасида 4:1 туридаги мультиплексорлар қўлланади. Бундай мулбтиплексорлаштириш ёрдамида 2,3,4 ва 5- сатх иерархиясида рақамли каналлар шакллантирилади. Бирламчи рақамли оқим 2,048 Мбит/с бўлса, иккинчи рақамли оқим 8,448 Мбит/с, учинчи рақамли оқим 34,368 Мбит/с, тўртинчи рақамли оқим 139,264 Мбит/с ва бешинчи рақамли оқим 564,999 Мбит/с узатиш тезликларига эга бўлиб, улар тахминан 2;8; 34; 140 ва 565 Мбит/с узатиш тезликлари ёрдамида 30; 120; 480;1920 ва 7680 та асосий рақамли каналлар PDH иерархияси ёрдамида шаклланади. Юқорида қайд этиб ўтилган оқимлар Европа давлатларида “Лотин Америка давлатларида ва бизнинг давлатимизда E1; E2; E3; E4 ва E5 оқимлари” деб аталади.

Аввалига PD технологияси мис симлардан иборат бўлган кабелларда қўлланилган, ундан сўнгра эса кенг равишда турли жойларда қўлланувчи оптик кабелларда кенг равишда қўллана бошлади. Бирламчи рақамли канал сигналларини кўп модалли оптик толали кабеллар орқали узатиш иқтисод томондан мақсадга мувофиқ эмас, шунинг учун оптик толани узатиш тизимларининг турли қўлланиш жойларидаги охириги аппаратура жиҳозлари учун кўп каналли узатиш тизимларининг юқори сатҳ иерархияси қўлланмоқда. Бизнинг давлатимизда кўп модалли градиент профилидаги ва

бир модали оптик толалар учун оптик толали узатиш тизимлари қўлланмоқда. Электр рақамли гурух сигналини шакллантириш учун HDB3 икки қутбли код қўлланмоқда. Рақамли маълумотларни оптик линия тракти бўйича узатув учун HDB3 коди бир қутбли линия кодига ўзгартирилган бўлиб, улар оптик толали узатиш тизимлари учун оптимизациялаштирилган. E2 сатҳини узатиш тизимларида қоида бўйича 1B2B коди қўлланса, E3 ва E4 оқимлари учун 5B 6B, 10B 1P1R ва хоказо кодлар қўлланади.

Хозирги пайтда ишлаб чиқариш корхоналари опто электрон ва электрон компонентлари қўлланган ҳолда юқори ишончилиқка эга бўлган хозирги замон технологияси асосида E2 ва E3 оқим сатҳларида ишловчи узатув тизим аппаратураларини ишлаб чиқармоқда. Тугунлараро ва станциялараро интеграл хизмат кўрсатувчи алоқа тармоқларини яратиш учун перм шахрининг ОАО “Морьон” нинг ОЛТ-25 ва Москва шахрининг “РОТЕК” ИЧК нинг Т-41 аппаратураларидир. Бундай аппаратуралар бир модали оптик толалар бўйлаб  $\lambda = 1,3$  мкм тўлқин узунлигида 120 та асосий рақамли канал ҳосил қилиб, унинг энергетик потенциал 40...42 дБ бўлса, қабул қилувчи қурилманинг динамик диапозони 20дБ.

Минтақавий тармоқлар ва станциялараро алоқа тармоқларини ташкил этиш учун E3 сатҳ оқими учун Т-51, Т-316 (“ПОТЕК” АЖ нинг ИЧК, Москва) ва ОТЛС-31 (“Морион” ОАЖ, Пермь шаҳри). Бундай алоқа узатиш воситалари ёрдамида кўп модали градиент профилидаги ва бир модали оптик тола  $\lambda = 1,3$  мкм тўлқин узунлигида узатув учун қўлланади. Модификаланган Т-316 алоқа узатиш воситаси ёрдамида линия сигналининг тезлиги 51,84 Мбит/с бўлган ҳолда 21 та E1 оқимини ташкил этиш мумкин. Бундан ташқари бундай алоқа узатиш воситаси SDH тармоғи билан ишлаши мумкин. ОТЛС-31 алоқа узатиш воситаси эса уланиш режимида каналларни киритиш/чиқариш хусусиятига эга. Оптик толали узатиш тизимларининг турли қўлланиш жойларига қараб ИКМ-120-5, E2 оқим сатҳида ишловчи “Сапка-2”, E3 оқим сатҳи учун “Сопка-3” ва E4 оқим сатҳи учун “Сопка-4” алоқа узатиш воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Аммо бундай тизимлар эскиргани учун ишлаб чиқариш жараёнидан олиб ташланган. Бизнинг давлатда ва хорижда қўлланувчи плезихрон тизимлар ёрдамида юқори тезликда кўп каналли алоқа ташкил этиш мумкин. Аммо узатув тезликларини кескин равишда ошиши билан PDH технологиясида бир қанча камчиликлар пайдо бўлмоқда, булар қуйидагилар биринчидан оптик-толали узатиш тизимининг умумий схемасида оддий ва содда бўлган “нуқта-нуқта” топологиясида юқори узатиш тезликларини ҳосил этиш учун охириги узатувчи ва қабул қилувчи станцияларда 3-4 та мультиплексорлаш тириш/демультиплексорлаштириш сатҳига эга бўлишимиз керак, бу эса анча мураккаб бўлган аппаратураларни қўллаш керакли ўз навбатида алоқа ташкил этиш нархини ошиб кетишга олиб келади. Иккинчидан бундай тизимда асосий рақамли каналларни ёки E1 оқим сатҳини юқори сатҳли иерархиядан тўлиқ равишда демультиплексорлаштириш ва охириги оқим сатҳларни қайта мультиплексорлаштириш ҳисобига киритиш/чиқариш имконияти йўқ. Учинчидан тармоқдаги информатсион оқимларни бошқариш

ва уларни назорат мақсадида хизмат кўрсатиш каналларни ташкил этишда бир қанча қийинчиликлар туғдирилади. Бу эса PDH технологиясида hozirги замон талабига жавоб берувчи мослашувчан оддий равишда бошқарилувчан структурали рақамли тармоқ яратиш мумкин эмасдир. Юқорида қайд этиб ўтилган камчиликлар PDH технологиясини қайта ўзгартириб ва қайд этиб ўтилган камчиликсиз синхрон рақамли иерархия – SDH технологияси яратилди.

Янги тизимга қўйилган асосий талаблардан бири PDH тизимлари билан мослашган ҳолда бўлишидир. Бу нарса айниқса 140Мбит/с узатиш тезлигига эга бўлган Е4 рақамли сатҳ оқимиға тегишлидир. Бунинг учун Е4 сатҳ оқимиға қўшимча битлар киритилиб, натижада янги сатҳ оқимитнинг узатиш тезлиги 155,52 Мбит/с га қадар етказилган. Бундай узатиш тезлиги линия сигналининг асосий формати учун қабюул қилинган бўлиб STM-1 синхрон транспорт асоси қилиб олинган hozirги пайтда SDH иерархияси бешта синхрон сатҳ оқимларига эга (1.1-жадвал). STM-N модулини тартиби  $N=4n$ ,  $n=1, 2, 3, 4$  бўлиб STM-N оқимида роқамли STM-1 оқим сонларини билдиради.

1.1-жадвал.

Модул	Узатиш тезлиги, Мбит/с	Асосий рақамли каналлар сони
STM-1	155,52(155)	1920
STM-4	622,08(622)	7680
STM-16	24888,32(2500=2,5Гбит/с)	30720
STM-64	9953,28(10000=10Г бит/с)	122880
STM-256	39813,2(40000=40Гбит/с)	491520

SDH технологиясида сигналлар узатилмайди унинг ўрниға янги рақамли тузилма-виртуал контейнерлар узатилиб унинг ичига ҳар қандай сигналлар жойлаштирилади, шу жумладан PDH сигналлар ҳам. Узлуксиз (аналог) сигналлар олдиндан рақамли шаклга ўтказилади ва ундан сўнг контейнерларға жойлаштирилади ҳамда контейнердан чиқариб туширилган сигналлар қайта бирламчи шаклга ўтказилади.

Синхрон-транспорт модулининг (STM) информация рақамли тузилиши аппарат сатҳида SDH технологиясини реализация қилади. STM модуллари тармоқ операцияларини виртуал контейнерлар ёрдамида ичидаги маълумотларға қарамай бажаради.


SDH тизимини плезиохрон тизимдан фарқи юқори сатҳли рақамли оқимлардан бирламчи рақамли каналларға қадар бўлган бир мунча кичик сатҳ оқимларини тўлиқ равишда демультимплексорлаштирмаган ҳолда киритиб/чиқариб олиш хусусиятиға эга. Ҳамма киритиш/чиқариш функцияларини битта мультимплексорлар бажаради, бу билан эса умумий тузилиш схемасининг ускуналарини осонлаштириб енгиллаштиради. SDH нинг ҳамма сатҳларида қаттиқ равишда синхронизация бўлиши ҳисобига тармоқдан маълумотлар оқимини оператив равишда битта марказдан тармоқ конфигурацияси ўзгарганда ҳам бошқариш мумкин.

SDH нинг ҳамма иерархия сатҳларидаги аппаратуралари SF, DSF ва NZDFS турларидаги бир модали толаларни иккинчи ва учинчи шаффофлик дарчаларида ишлашни таъминлаб беради. Асосий техник параметрлари вазифаси учун одатда тўлқин узунлиги ва нурлантирувчи манбанинг спектр кенглиги, тўлқин узунликларнинг ишчи диапозони, оптик толагат киритилувчи оптик қувватнинг сатҳи, қабул қилгувчи қурилманинг маълум бир узатиш тезлигидаги рухсат этиладиган хатолар эҳтимоллигидан минимал сезгирувчанлиги ва х.к. Хозирги пайтда SDH тизимлари учун ускуналарни кўпинча оптик толали узатиш тизимларининг аппаратураларини ишлаб чиқишга махсулаштирилган етук компаниялар ишлаб чиқармоқда.

Булар АҚШ ларини Lucent Technologies, Германия ва АҚШ нинг Alcatel Telecom, Германиянинг Siemens, Япониянинг NEC ва бошқалар.

#### **1.4. ОА тизимларининг таснифи. Рақамли ва аналог ТОА тизимлари. Магистрал, минтақавий ва маҳаллий ТОА тизимлари**


Қўлланиладиган модуляция турига қараб ТОА тизимлари аналог ва рақамлига бўлинади. Аналог ТОА тизимларида модуляциянинг аналог усуллари: интенсивлик бўйича модуляциялаш, амплитуда, частота ва фаза модуляцияси турлари қўлланилади. Оптик нурланиш манбаларининг юқори нозизиқлилиги ва аналог узатиш учун талаб этиладиган шовқин бардошлиликни таъминлаш техник мураккаблиги сабабли аналог ТОА тизимларидан фойдаланиш чегараланган. Шунга қарамай бир қатор соҳаларда қўлланилади (оптик кабелли телевидениеда, телеметрия, оператив ва хизмат алоқа тизимларида). Рақамли ТОА тизимларида модуляциялашнинг дискрет усулларида фойдаланилади. Бунда сигнал ташувчининг бирон-бир параметри дискрет равишда ўзгаради, яъни бошланғич параметрнинг қийматлар соҳаси квантлаш сатҳларига бўлинади, ҳар бир квантлаш сатҳига мос равишда аниқ дискрет сигнал қўйилади. Вазифаси ва сигналларни узатиш масофасига кўра ТОА тизимлари магистрал, минтақавий, маҳаллий-шаҳар ва қишлоқ алоқа тизимларига бўлинади. Магистрал ТОА тизимлари сигналларни 1000 км га, зона ТОА тизимлари сигналларнинг 600 км га узатиш, шаҳар ТОА тизимлари шаҳар телефон тармоғининг боғловчи линияларини зичлаштириш учун хизмат қилади.



1.5–расм. Алоқа тармоқлари.

ОУ – охириги ускуна; АУТ – ахборотни узатиш тизими; КТ – коммутация тизими.


Капитал харажатлар бўйича энг катта сарф–харажатлар линия тармоқлари ва ахборотларни узатиш аппаратуралари эгаллайди, шунинг учун тармоқлар тузилишини танлашда оптимал вариантни танлаш асосий роллардан биридир. Тармоқлар тугунлардан (занжирлар, каналлар, коммуникация манзилларидан) ва бу тугунларни бир бири билан боғлаш учун қўлланадиган алоқа линияларидан ташкил топади. Одатда алоқа тармоқларини да уни иқтисодли пухталиқ билан қуриб яратишга интилинади. Тармоқ пухталиги одатда тармоқ тури, томонларга тарқалиши ва тарқатилган участкаларда турли хил алоқа линияларни қўллаш ва қуриш билан эришилади. Бундай линияларда керакли алоқа каналлари айланма ва захира йўллари билан ташкил қилинади. Иложи борича ҳар бир тугун бошқа тугунлар билан икки–учта бир бирига боғлиқ бўлмаган йўллар билан боғланиши керак. Бунда тармоқлар қурилиши иложи борича қисқа вақтда бажарилиши лозим. Тармоқ тузилиши бир неча вариантлардаги таркибий тузилишга эгадир.



1.6–расм. Алоқа тармоқларининг тузилиш вариантлари: а)тўғридан–тўғри боғланишли б) тугун боғланишли; в) радиал боғланишли

Тўғридан–тўғри боғланган «ҳар бири билан ёки тўлиқ» бундай ҳолатда ҳар қандай тугун бошқа тугун билан тўғридан–тўғри боғланади. (1.6–расм); Тугунлаштирилган – ҳолатда бир неча манзилгоҳлар тугунларга гурухланиб, улар бир бири билан боғланади (1.6б–расм) Радиал (юлдузсимон) – да тугун битта марказда бўлиб, у линиялар билан радиус бўйича бошқа манзилгоҳлар билан боғланади (1.6в–расм) Келтирилган алоқа тармоқларнинг тузилиш вариантларидан шуни кўриш мумкинки, ҳар бир манзилгоҳларни тўғридан – тўғри боғланиш варианты ўта мустаҳкам ҳисобланади, аммо техник–иқтисод томонидан ўзини оқламайди, чунки унда жуда ҳам кўп боғловчи линиялар мавжуд. Тугунли боғланиш варианты ҳам иқтисод томонидан ўзини оқламайди. Бу вариантлардан энг ишончлиси радиал варианты бўлади, аммо унда ҳеч қандай захира йўллари йўқ шунинг учун у алоқани узлуксиз ишлашини таъминлай олмайди. Бу вариантлардан энг яхши натижа радиал ва тугунли тизимларни бирлашган варианты ҳисобланади. Бундай тизимлар

ёрдамида тармоқлаштирувчи, узлуксиз тизим яратилиб, у ўз навбатида иқтисодли алоқа тармоғини яратишга имкон беради.(1.7а–расм)



1.7–расм. Алоқа тармоқларини таркибий тузилиши: а) радиал тугунлашган; б) алоқа тўр тузилиши; в)панжарали тузилиш

Бундай тизимда бир хил таркибли алоқа тугунлари алоқа линиялари ёрдамида бир бири билан боғланишидан ташқари ўзидан бир поғона кичик бўлган алоқа тугунлари билан ҳам боғланган, бундан ташқари бу тугунлар айланма йўллар билан ҳам боғлангандир.

Ҳар доим алоқа тўғри ҳосил қилишда, иложи борича ҳар бир алоқа тугуни ўзига яқин бўлган тугун билан боғланиши керак, бу ҳолатда айланма ва захира йўллар ҳосил бўлади, ва улар ёрдамида тугунларга чиқиш учун икки учтата бир–бирига боғлиқ бўлмаган йўллар билан боғланади (1.7б – расм). Тўрсимон ёки панжарали алоқа тармоқларининг турли хил кўринишларидан бири панжарали тўр тузилишидир (1.7в–расм) бундай тўр тузилишлари ёрдамида яратилган тармоқлар жуда ҳам мустаҳкамдир, лекин бу тармоқларни яратиш учун жуда ҳам катта ҳаражатлар зарурдир.


### 1.5.Глобал, магистрал ва ҳудудий тармоқлар.

Бутун ер курраси бўйлаб глобал тармоқ мавжуд бўлиб, бу тармоқ ер шарида жойлашган ҳамма қитъалардаги давлатлар бошқа қитъалардаги давлатлар билан боғлангандир. (1.8–расм) Давлатлар ҳам бир–бири билан боғланган бўлиб, бундай тармоқ давлатлараро магистрал тармоқ деб юритилади. Бизнинг мамлакатимизда алоқа тармоқлари магистрал (1.9–расм) ва ҳудудий тармоқлардан (1.11–расм) ташкил топади. Ҳудудий алоқа тармоқлари мамлакатимиз вилоятлари ичида ташкил этилади, ҳудудий алоқа тармоқлари ўз ичига ҳудуд ичи тармоқлари ва маҳаллий тармоқларни қамраб олади. Маҳаллий тармоқлар ўз ичига қишлоқ телефон тармоқларини (район маркази, ширкат хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги манзилгоҳлари билан) ва


шаҳар телефон тармоқларини қамраб олади. Бу ҳолда абонент ҳудудлари бир хил етти рақамлар билан рақамланади ва бу ҳудудда  $10^7$  тагача телефонлар бўлиши мумкин




1.8–расм. Глобал тармоқ кўриниши



1.9–расм. Шаҳарлараро ҳудудий ва маҳаллий тармоқлар тузилиши. Битта давлат ичида тузилган тармоқ шаҳарлараро тармоқ деб аталади. (1.10–расм).




1.10–расм. Магистрал ёки шаҳарлараро тармоқ тузилиши.



1.11.–расм. Ҳудуд ичи тармоқлари тузилиши:


- ҳудудий тугун; -шаҳар телефон телефон тармоғи; -район тугуни; - ширкат хўжалиги

Магистрал тармоқлар давлат пойтахтини ҳудуд марказлари билан ва ҳудуд марказларини бир–бири билан боғлайди. Магистрал тармоқлар бошқа давлатлар билан ҳам боғланади. Бизнинг давлатимизда магистрал тармоқ асосан ТОЕ (Транс–Осиё–Европа) оптик толали магистрал билан боғлангандир. Ҳудудий ичи тармоқлари Республикамиз вилоятлари пойтахтларини бир–бири билан боғлашдан ташқари, яна магистрал тармоқ 14 билан ҳам улангандир. Давлатимиз алоқа тармоқлари ўз навбатида бирламчи ва иккиламчи тармоқларга бўлинади. (1.12–расм) Бирламчи тармоқ ҳамма алоқа турлари ва каналларнинг мажмуидир. Бирламчи тармоқ ҳамма каналлар фойдаланувчилари учун бир хилбўлиб, иккиламчи тармоқ учун базани ташкил этади.(1.12 – расм.)



1.12–расм. Бирламчи ва иккиламчи алоқа тармоқлари.

Иккиламчи тармоқлар ишлатилиш жойига қараб турли хил бўлган каналлардан (товушли эшиттириш, телефон алоқаси, телеграф алоқаси, факсимил алоқа, газеталарни узатиш, телевизион эшиттириш, видеотелефон алоқаси, маълумотларни узатишлардан ташкил топади. Иккиламчи тармоқлар ўз ичига коммутацион тугунлар, охирилаш манзилгохлари ва уларни боғлайдиган каналлардан ташкил топади(1.13–расм)



1.13–расм. Иккиламчи алоқа тармоқлари. 1–бирламчи тармоқларнинг узатиш тизимлари; 2–иккиламчи тармоқларнинг коммутация тугунлари; 3–иккиламчи тармоқларнинг охирилаш манзилгоқлари; 4 –абонент каналлари ёки абонент линиялари; 5–бирламчи тармоқларнинг чегарасининг кўрсатувчи нукталар

### 1.6. Шаҳар телефон тармоқларининг тузилиши


Умуман олганда шаҳар телефон тармоқлари абонент ва боғловчи линиялардан ташкил топади. Йирик шаҳарларда (одатда шаҳар телефон тармоқлари сифими 10000 рақамдан ошиқ бўлганда) линия тармоқларини

қуриш учун харажатларни камайтириш ва уларни ишлатиш самарасини ошириш учун, бир неча район автоматик телефон станциялари (РАТС) курилади. Бундай тармоқ районлаштирилган тармоқ деб юритилади. Бунда телефон аппаратлар район телефон станцияси билан боғловчи линиялар абонент линияси деб юритилади, станцияларни бир-бири билан боғловчи линиялар эса боғловчи линиялар деб аталади. (1.14–расм)



1.14–расм. Абонент ва боғловчи линиялар тузилиши.


Район автоматик телефон станциялари оралиғидаги алоқа бир неча усуллар орқали олиб борилади: "ҳар бири-ҳар бири" усули бўйича (1.15–расм), радиал усули (1.15 б–расм), хабарларни тугунга кириш усули (1.15в–расм), хабарларни тугунларга кириш ва чиқиш усули (1.15г–расм).



1.15–расм. Шахар телефон тармоқларидаги боғловчи линияларнинг тузилиши: а) ҳар-бири-ҳар бири усули; б) радиал усул; в) хабарларни тугунларга кириш усули; г) хабарларни тугунларга кириш ва чиқиш усули

Биринчи усул одатда районлаштирилган тармоқларда қўлланади ва бундай тармоқ сифими 80000 рақамгача бориши мумкин. Радиал усул одатда район автоматик телефон станцияларни подстанция ёки корхона автоматик телефон станциялар оралиғида алоқани ташкил этиш учун қўлланади. Катта тармоқларда тугунлаштирилган телефон станцияларнинг учинчи ва тўртинчи

узули қўлланади. Бундан ташқари районлаштирилган АТСлар абонентлари ша ҳарлараро телефон станцияга тўғридан–тўғри ёки тугунлаштирилган станциялар орқали боғланади. Бугунги кунда боғловчи линиялар вазифасини оптик кабеллар бажаргани учун —ҳалқа топологияси қўлланади. Абонент тармоқлари турли хил усуллар асосида бўлиши мумкин (Аммо улар икки хил тизим асосида бўлади, булар шкафли ва шкафсиз усул. Бизнинг давлатимизда абонент линиялари шкафли усул асосида тузилгандир. Линия тармоқларининг шкафли тизим бўйича тузилиш схемаси 1.16-расмда келтирилган.



1.16-расм. Шаҳар телефон тармоқларидаги абонент линия тармоқларини тузилиши.

Агар 1.16- расмга разм соладиган бўлсак, унда шаҳарнинг маълум қисми кўрсатилган бўлиб, шаҳар мавзеидаги аҳолига тақсимлаш участкасидаги телефон абонентларини жойланиши кўрсатилиб, унингичидаги рақам биноларга киритилган кабел жуфтликларидир. Бундан шуниқўриш мумкинки бинога киритилган кабел жуфтликлари сони телефон аппаратларига эга бўлган абонентлар сонидан кўпроқдир, бундай усул бўйича тақсимлаш участкада эксплуатация захираси борлигини кўрсатади.

Одатда абонентлар телефон станцияга уланишда тақсимлагич қутичалар (ТҚ) ва тақсимлагич шкафлар (ТШ) орқали уланади. Бундай ҳолда телефон станциядан турли йўналишларга катта сифимдаги кабелларга бўлиниб тақсимлагич шкафларига киритилади. Бундай кабеллар ва уларга таълуқли линия ускуналари жамламаси магистрал тармоқ деб юритилади. Тақсимлагич шкафлардан кичик сифимдаги (100 жуфтликдаги кичик) кабеллар чиқиб, улар 10 жуфтлик бўлган охирилаш ускуналарига яъни тақсимлагич қутичаларга киритилади. Бу участкадаги кабеллар ва линияга таълуқли ускуналар


тақсимлагич тармоқ деб аталади. Тақсимлагич қутичадан телефон аппарати уланадиган разеткадан бир жуфтлик ўтказгич сим участкаси абонент ўтказгичи участкаси деб юритилади(1.16–расм).

Линия кабел тармоқларида тақсимлагич шкафларини қўллашда кабелларни текширув назорат жараёни бажарилади ва магистрал кабел жуфтликларини тақсимлагич кабел жуфтликларига турли хил улаш усулларида улаш мумкин, бу эса тармоқнинг техник эксплуатациясини (хизматини) оширади, яъни янги абонентларга янги кабел тортмасдан шу кабелларнинг жуфтликларидан фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари тақсимлагич участкаларидан фойдаланишда магистрал кабелларни иқтисод қилиш мумкин, чунки тақсимлагич қутичаларга ўн жуфтлик кабеллар билан уланганда, тақсимлагич қутичаларда абонентлар сони камроқ булади. Агар телефон станцияга тақсимлагич қутичалардан чиққан кабелларни тўғридан тўғри улайдиган бўлсак, у ҳолда катта сифимдаги захира жуфтликларидан фойдаланиш имкони бўлмайди, ва бу жуфтликлар ишлатилмай қолади. Агар бу тармоқда тақсимлагич шкафлари ишлатадиган бўлсак, у ҳолда кабелларнинг эксплуатацион захиралардан фойдаланиш мумкин.

### **1.7. Қишлоқ телефон тармоқлари ва ўтказгич бўйича товуш эшиттириш**

Одатдаги туман ҳудудида жойлашган қишлоқ жойларда алоқа каналлари ва линия тармоқлари асосида ҳудуд ичи тасарруфида қишлоқ телефон тармоқлари ташкил қилинади. Бунда тақсимлагич қутичаларини ҳам бир нечтасини паралел равишда улаш мумкин. Бундай ҳолда тармоқ сифати ошади шаҳар телефон тармоқларини тузишда комбинацияланган (аралаш) тизим қўлланади, бундай усулни қўллаш тармоқ тан–нархини камайтиришга олиб келади. Қишлоқ жойларда электр алоқа асосида қуйидаги кўринишдаги тармоқлар ҳосил қилинади: Умумий фойдаланувчи (телефон алоқаси, факсимал алоқаси, товуш эшиттириш); Ички ишлаб чиқарувчи (ширкатлар ичидаги алоқа, корхоналар ичидаги алоқа); Корхоналар алоқаси (турли хил корхоналар ичида алоқа); қишлоқ тармоқларининг жойланишига қараб қишлоқ телефон станциялари қуйидагиларга бўлинади: Марказий станция (МС) – район марказида жойлашган бўлиб, уу ўз навбатида район станцияси вазифасини бажаради; Тугунлаштирилган станция (ТС) – қишлоқ районнинг турли аҳоли яшайдиган манзилгоҳларида жойлаштириб, бу станция охириги станиялар билан боғловчи линиялар ёрдамида боғланади; Охириги станцияси (ОС) – қишлоқ районларнинг аҳоли яшайдиган манзилгоҳларида жойлаштирилади.

ишлоқ телефон тармоқлари тузилишига қараб радиал–тугунлашган тизим бўйича яратилади. Қишлоқ телефон тармоқларининг намунавий кўриниши 1.17–расмда келтирилган




1.17–расм. Қишлоқ телефон алоқа тармоқларининг тузилиши. Бу расмга разм соладиган бўлсак, охирги станциялар тўғридан–тўғри тугунлашган станцияга уланган. 7 ва 8 охирги станциялари оралиғида бир–бирига нисбатан катта тортилиш бўлгани учун булар орасида рокед алоқа линияси тузилган.

### 1.8. Икки томонлама ТОА ни тузиш усуллари

ТОА тизимлари линия тракти тузилишига қараб қуйидагиларга бўлинади:

- икки толали бир полосали бир кабелли (тўрт ўтказгичли бир полосали бир кабелли);
- бир толали бир полосали бир кабелли (икки ўтказгичли бир полосали бир кабелли);
- бир толали кўп полосали бир кабелли ёки спектр бўйича зичлаштирилган тизимлар.


Икки толали бир полосали бир кабелли ТОА схемаси бўйлаб (1.18 – расм), бундай тузилишда оптик сигналларни узатиш ва қабул қилиш икки тола битта  $\lambda$  тўлқин узунлигида амалга оширилади.



1.18 -расм.Икки толали бир полосали бир кабелли ТОА схемаси.

Ҳар бир оптик тола икки симли физик занжирга ўхшайди, чунки кабелнинг оптик толалари орасида ўзаро ўтишлар бўлмайди.Шунинг учун ТОА нинг узатиш ва қабул қилиш трактлари битта кабел бўйлаб ташкил этилади, яъни ТОА бир кабелли ҳисобланади. Шу тарзда, берилган оптик линия трактини ташкил этиш схемаси икки толали бир полосалибир кабелли ҳисобланади. Ушбу алоқа ташкил этиш схемасининг афзаллиги бу охириги ва оралиқ станцияларнинг узатиш ва қабул қилиш қурилмаларининг бир турдалигидир. Камчилиги эса оптик тола (ОТ)нинг ўтказиш қобилиятидан фойдаланиш коэффициенти жуда кичик. Кабел қурилмаларига кетадиган харажатлар оптик алоқа тизимлари нархининг катта қисмини ташкил этишини, оптик кабел нархи етарли даражада қимматлигини ҳисобга олсак, оптик толадан бир вақтда катта ҳажмдаги информацияни узатиш ҳисобига унинг ўтказиш қобилиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масаласи юзага келади. Бунга масалан, битта оптик тола (ОТ) бўйлаб қарама-қарши йўналишдаги сигналларни узатиш ҳисобига эришиш мумкин.

Бир толали бир полосали бир кабелли оптик линия трактининг тузилиш схемаси 1.19 – расмда кўрсатилган. ОТ ни бир тўлқин узунлигида иккала йўналиш сигналлари учун қўлланилиши бу схеманинг хусусияти ҳисобланади.




1.19 -расм. Бир толали бир полосали бир кабелли ТОА схемаси

Қарама-қарши икки ёқлама сигналларни узатганда оқимлар орасида ўзаро ўтиш шовқинлари ҳосил бўлади. Ўтиш шовқинлари ОТ ва тармоқлагичлардаги тескари ютилишдан, ёруғликни уланган жойлардан ва линия охиридаги ажраладиган улагичлардан қайтиши натижасида вужудга келади. Шовқин сатҳи ва унинг спектр таркиби узатилаётган сигналнинг узатиш тезлигига, импульс формасига ва линия тракти параметрлари (тола сўниши, тўлқин узунлиги, сонли апертура, синдириш кўрсаткичи)габоғлиқ.

Тўлқин узунлиги 1,55 мкм ва узатиш тезлиги 35 Мбит/с дан юқори бўлса, бир ОТдан қарама - қарши йўналишли сигналларни узатувчи ТОАда ўтиш шовқинлари кичик бўлиб, оптимал иш режимига эга бўлади.Спектр бўйича зичлаштирилган (бир толали кўп полосали бир кабелли) ТОАда бир оптик тола бўйлаб бир вақтда спектр бўйича ажратилган бир неча оптик ташувчилар узатилади. Бундай тизимларни тузиш қўлланиладиган спектр

оралиғида оптик кабелнинг сўниш коэффициентини оптик ташувчи частотасига (ёки тўлқин узунлигига) нисбатан кам боғлиқлигига асосланади. Шунинг учун бир оптик тола бўйлаб, ахборотларни узатишнинг натижавий тезлигини ошириб, бир неча кенг оралиқли оптик каналларни ташкил этиш мумкин. Оптик каналлари спектр бўйича ажратилган ТОАнинг тузилиш схемаси 1.20-расмда кўрсатилган .




1.20 -расм. Спектр бўйича ажратилган ТОАнинг тузилиш схемаси

Узатувчи станциянинг  $n$  тизимларидан сигналлар  $n$  оптик узатгич ОУЗ га узатилади. ОУЗ чиқишидаги  $\lambda_1, \lambda_2, \dots, \lambda_n$  тўлқин узунликли турли оптик ташувчилар мультиплексор (МП) ёрдамида бир оптик толага киритилади. Қабул қилувчи станцияда демультиплексор (ДМ) ёрдамида  $\lambda_1, \lambda_2, \dots, \lambda_n$  тўлқин узунликли турли оптик ташувчилар ажратилади ва оптик қабул қилгич (ОҚ) га берилади. Шу тарзда, бир оптик тола орқали  $n$  спектр бўйича ажратилган оптик каналлар ташкил қилинади, яъни ўтказиш қобилиятидан фойдаланиш коэффициенти бошқа анъанавий тузилган оптик тизимларнинг линия трактига нисбатан  $n$  марта ошади. Оптик ташувчиларни бирлаштириш ва ажратиш учун турли оптик спектрал қурилмалар қўлланилиши мумкин: мультиплексор ва демультиплексорлар. Уларнинг иши физик оптиканинг дисперсия, дифракция ва интерференция ходисаларига асосланган. Мультиплексор ва демультиплексорларнинг тузилиш асосида оптик призма, кўп қатламли диэлектрик, дифракцион панжара ва бошқалар бўлиши мумкин.

### 1.9. ТОА линияларини зичлаштириш усуллари

Толали оптик алоқа линияларини қуйидаги зичлаштириш усуллари мавжуд: **вақт бўйича, частота ва спектр бўйича.**


**Вақт бўйича зичлаштириш.** Бу усулда бир неча информация оқимларни битта оқимга бирлаштириш назарда тутилади. Бирлаштириш электрик сигналлар ва оптик сигналлар даражасида амалга оширилиши мумкин. Электрик сигналлар даражасида вақт бўйича зичлаштирилган ТОА линия трактининг тузилиш схемаси 1.21-расмда кўрсатилган .



1.21 -расм. Электрик сигналлар даражасида вақт бўйича зичлаштирилган  
ТОА нинг линия тракти

А ва В киришдан тушаётган электрик сигналларнинг икки қисм импульслари (N манба бўлиши мумкин) бирлаштирувчи қурилма (БК) ёрдамида вақт бўйича аниқ кетма-кетликка эга гуруҳли сигналга бирлаштирилади. Гуруҳли сигнал оптик узатгич ОУЗ да оптик ташувчини модуляциялайди. Оптик нурланиш ОТ бўйлаб тарқалади ва оптик қабул қилгич ОҚқ да қайтатдан электр сигнаliga ўзгартирилади. Сўнг бу сигнал ажратувчи қурилма (АҚ) ёрдамида  $A^1$  ва  $B^1$  чиқишларига бериладиган импульсларга ажратилади.

Оптик ва рақамли оқимларни бирлаштириш схемаси 1.22–расмда кўрсатилган .



1.22. -расм. Оптик сигналлар даражасида вақт бўйича зичлаштирилган  
ТОАнинг линия тракти

N манбадан электрик рақамли оқимлар N оптик узатгич ОУЗга тушади. ОУЗ да электр сигналлар оптик сигналларга ўзгартирилади. Оптик сигналларни бирлаштиришдан олдин уларни  $\Delta t; 2\Delta t; 3\Delta t; \dots (N - 1) \Delta t$  га кечикиши рўй беради. Бундай кечикишдан кейин оптик силжитгич (ОС) чиқишида оптик импульслар кетма-кетлигига эга бўламиз. Қабул қилишда бунга тескари жараён амалга оширилади. Вақт бўйича зичлаштиришда қисқа ( $10^{-9}$ с ва ундан кичик) ёруғлик импульсларини узатиш талаб этилади. Лекин субнаносекундли импульсларни узатиш ТОА узатиб қабул қилувчи аппаратураларининг оптоэлектрон қурилмаларининг охириги имкониятига якин бўлган тезкорлигига жуда юқори талаблар қўяди. Бундан ташқари оптик толанинг дисперсия хусусиятлари туфайли узатиш тезлиги, ўтказиш оралиғи ҳам чегараланган. Вақт бўйича зичлаштиришнинг асосий афзаллиги бу ОТ ўтказиш қобилиятидан фойдаланиш коэффициентининг ортиши ва тўлиқ оптик алоқа тармоқларини яратиш имкониятининг мавжудлиги ҳисобланади.


**Частота бўйича зичлаштириш.** Частота бўйича зичлаштириладиган ТОА линияларида турли ахборот манбаларининг бошланғич сигналларига аниқ частота оралиқлари ажратилади.

**Аҳамият беринг ва ёдда тутинг!!!**

**Вақт бўйича зичлаштиришда маълум бир вақт оралиғи, частота бўйича зичлаштиришда эса маълум бир частота оралиғи ажратилади**


Бу ҳолда гуруҳли линия сигналларини хосил қилиш учун яқин жойлашган стабил оптик ташувчилар талаб қилинади. Бироқ, айниқса юқори тезликли модуляциялашда ярим ўтказгич лазерларнинг нурланиш линияларининг ностабилилиги қўшни каналларнинг ишчи тўлқин узунликлари орасида спектр бўйича ораликларини информацион сигнал ораликларидан бир неча марта ошиб кетишига олиб келади. Шунинг учун ТООАда спектрал яқин жойлашган каналларни хосил қилиш учун турли манбаларнинг турли ташувчиларидан эмас, балки оптик ташувчиларни суриш ёрдамида битта манбанинг турли ташувчиларидан фойдаланилади.

Гуруҳли сигналларни шаклланиш схемаси 1.23-расмда тасвирланган.  $\nu_1, \nu_2, \dots, \nu_n$  қатор ташувчилардан иборат оптик нурланишлар лазер нурланиш манбаи (НМ) чиқишидан анализатор  $A_1$  га тушади. Сўнг чорак тўлқинли  $\lambda/4$  призмадан ўтиб биринчи каналнинг  $\Phi_1$  фильтрига узатилади. Бу филтёр биринчи каналнинг  $\nu_1$  оптик ташувчисини  $OM_1$  оптик модуляторига ўтказди ва бу ерда у ахборот манбаидан берилган сигнал билан модуляцияланади.  $\nu_2, \nu_3, \dots, \nu_n$  ( $\nu_1$ , дан ташқари) частотали оптик нурланиш филтёрдан акс этиб, у ҳам  $A_1$  анализаторга қайтади. Йўли бўйлаб у иккинчи марта чорак тўлқинли  $\lambda/4$  призмадан ўтиб,  $A_2$  анализаторга тушади.  $OM_1$  оптик модуляторда информацион сигнал билан модуляцияланган биринчи каналнинг оптик ташувчиси кўзгудан акс этиб,  $A_1$  анализаторга қайтади. Икки марталаб чорак тўлқинли  $\lambda/4$  призмадан ўтган оптик сигналнинг қутбланиш юзаси бошланғич тебранишнинг қутбланиш юзасига нисбатан  $\pi/2$  га бурилади. Натижада ёруғлик тўплами призмада бир томонга йўналади ва ундан чиқади. Сўнг умумий сигнал  $A_2$  анализаторга тушади ва жараён қайтарилди, фақатгина фарқи бунда  $\nu_2$  частотали оптик нурланиш модуляцияланади. Шу тарзда оптик линия трактида узатиладиган оптик гуруҳли сигнал шаклланади. Қатор модуляцияланган оптик ташувчилардан иборат қабул қилинадиган оптик гуруҳли сигнал,  $A_1$  анализаторга келиб тушади, сўнг эса чорак тўлқинли  $\lambda/4$  призма ва биринчи каналнинг  $\Phi_1$  фильтри орқали ўтгач оптик силжитгичга (ОС) берилди (1.23-расм),  $\Phi_1$  фильтри  $\nu_1$  частотали оптик сигналларни ўтказди, бошқа частотали сигналлар акс этиб,  $A_2$  га келиб тушади.  $\nu_1$  частотали модуляцияланган оптик ташувчи ОС да кўпаяди, сўнг  $\nu_{op}$  оралик частота ОФ оралик фильтри ёрдамида ажратиб олинади ва ФД фотодетекторга берилди. ФД чиқишида электр ахборот сигнали шаклланади. Шу тариқа бошқа сигналларни қабул қилиш амалга оширилади.



1.23 -расм. Частота бўйича (гетеродинли) зичлаштиришда гуруҳли оптик сигналларнинг шаклланиш схемаси

Частота бўйича зичлаштириш усулининг афзаллиги шундаки, сигналларни бундай қабул қилиш ҳисобига регенерациялаш участкаси узунлиги 200 км гача узаяди ва оптик толанинг ўтказиш қобилиятидан фойдаланиш коэффиценти ортади.



1.24 -расм. Частота бўйича (гетеродинли) зичлаштиришда гуруҳли оптик сигналларни қабул қилиш схемаси

Бу усулнинг камчилиги шундаки, бунда қутбланиши сақланадиган оптик узатиш ва қабул қилиш трактлари, шунингдек бир қатор қўшимча қурилмалар, частота сургичлар, оптик вентиллар, қутбланиш назоратгичлари, оптик кучайтиргичлар ва бошқа қурилмалар талаб этилади. Бу ТОАни мураккаблаштиради ва нархини оширади.

**Спектр бўйича зичлаштириш.** Оптик толанинг ўтказиш қобилиятидан фойдаланиш коэффиценти оширишнинг истиқболли йўналишларидан бири спектр бўйича (тўлқин бўйича) зичлаштиришдир. Спектр бўйича зичлаштириш усули 1.7-расмда тасвирланган эди. Бунда линия кабелидаги тола нархини камайиши ҳисобига сезиларли даражада иқтисодий самарадорликка эришилади. Бундан ташқари, бу усул қўшимча қурилиш ишларисиз тармоқ ривожланишини таъминлаш, шунингдек тармоқланган дарахтсимон ва халқали тармоқларни яратиш имконини беради. Бунда ҳар хил тезликли ва рақамли, аналог турли модуляцияли (телефон, телевидение, телеметрия, ЭХМ бошқариш сигналлари) сигналларни узатиш имконияти кенгаяди. Бу эса иқтисодни тежовчи кўп функцияли алоқа тизимларини ташкил этишни таъминлайди.

Оптик толанинг спектрал ўтказиш ораликдан бир мунча тўлиқ фойдаланиш бу усулнинг энг муҳим афзалликларидан бири ҳисобланади. Хозирги кунда 0,8...1,8 мкм диапазон оралиғи ўрганилган. Агарда спектрал каналнинг кенглиги 10 нм ни ташкил этса, у ҳолда белгиланган диапазонда 100 тагача спектрал каналларни жойлаштириш мумкин.


Спектр бўйича зичлаштирилган ТОАда сўниш ва дисперсия қийматлари кичик бир моддали оптик толалардан, қуввати юқори лазер нурланиш манбаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Фойдаланиладиган бир модали оптик тола 1,5...1,6 мкм тўлқин узунлигида ишлаши ва кварц шишасидан тайёрланган бўлиши керак.

Оптик мультимплексор(ОМ) ва демультимплексорлар(ДМ) спектрал сезгир бўлиб, селектив ҳисобланади, яъни уларни характеристикалари оптик тўлқин узунлигига боғлиқ.

### ОМ нинг ВАЗИФАСИ!!!

Оптик мультимплексорлар оптик каналларнинг турли тўлқин узунликларини бирлаштириб, битта оптик толага киритади яъни *зичлаштиради.*

Мультимплексорларга дифракцион панжара, призмалар, филтрлар таълуқлидир. 1.25,а-расмда дифракцион панжарали планар тўрт каналли мультимплексорни ва 1.25,б-расмда интерференцион филтрли тўрт каналли мультимплексорни тузилиши кўрсатилган.



1.25 -расм. Мультимплексорлар:  
 а-планар тўрт каналли дифракцион панжарали мультимплексор;  
 б-тўрт каналли интерференцион филтрли мультимплексор.

Мультиплексор ва демультимплексорларни иши тўлқин узунлигига сезгир бўлган уч омилга асосланган: бурчак дисперсияси, интерференция ва селектив ютилишига.

### ДМ нинг ВАЗИФАСИ!!!


Демультимплексорлар битта толадан келаётган оптик сигналлар оқимидан турли тўлқин узунликли оптик каналларни ажратиш вазифасини бажаради

1.26,а,б-расмларда кўрсатилган демультимплексорларда каналларни ажратиш учун мос равишда панжаранинг бурчак дисперсияси ва призма ишлатилинади. 1.26,в-расмда каналлар интерференцион филтрлар ёрдамида ажратиб олинади. 1.26,г-расмда эса демультимплексор сифатида қўлланиладиган аниқ тўлқин узунликли ёруғликни ютувчи тузилиш кўрсатилган (1.26-расм).

Ҳар бир ёруғликни ютувчи, маълум тўлқин узунлигига сезгир фотодиодлардан ташкил топган. Панжара ва призмали курилмалар (1.10а,б-расм) каналларни параллел ажратувчи, филтрлар ва селектив фотодиодли курилмалар (1.26,в,г-расм) эса каналларни кетма-кет ажратувчи ҳисобланади.

Спектр бўйича зичлаштириладиган тизимлар таркибига кирадиган демультимплексорларни тузилиши, нурни тескари йўналишда тарқалишида спектрал-сезгир мультиплексорларни тузилишига ўхшаш.

Мультиплексор ва демультимплексорлар сигналларни сўнишига сезиларли таъсир қилади. Шунинг учун улар оптик кучайтиргичлар билан биргаликда қўлланилади.



1.26 -расм. Демультимплексорлар:

1-градиент цилиндрик линза; 2-дифракцион панжара; 3-хроматик филтр; 4-призма; 5-акс эттирувчи қоплама; 6-селектив фотодиодлар

## **Хулоса.**

Оптик алоқага оид асосий тушунчалар ва ТОАнинг афзалликлари, камчиликлари ва қўлланиш соҳалари келтирилган. Оптик алоқа тизимларининг тузилиш тамойилларининг асосий принциплари ритилган. ОА тизимларининг таснифи. Рақамли ва аналог ТОА тизимлари ўртасидаги тавофут ва улардаги умумийлик келтирилган. Мавжуд телекоммуникация тармоқларининг ҳудудий жойлашувига боғлиқ ҳолда магистрал, минтақавий ва маҳаллий ТОА тизимларининг тузилиши келтирилган. ТОА ни тузишда бир томонлама ва икки томонлама усуллари ёритилган. ТОА линияларини зичлаштириш усуллари ва вақт, спектрал ва частота бўйича зичлаштиришнинг ўратисидаги фарқ келтирилган.

## **Назорат саволлари**

1. Тармоқнинг тузилиши ва унинг ташкил этувчилари.
2. Глобал тармоқ тузилиши ва унинг ташкил этувчилари.
3. Магистрал тармоқ тузилиши ва унинг ташкил этувчилари.
4. Ҳудудий тармоқ тузилиши ва унинг ташкил этувчилари.
5. Оптик алоқага оид асосий тушунчаларни келтириш.
6. ТОАнинг афзалликлари, камчиликлари ва қўлланиш соҳалари
7. Оптик алоқа тизимларининг тузилиш тамойиллари
8. ОА тизимларининг таснифи. Рақамли ва аналог ТОА тизимлари.
9. Магистрал, минтақавий ва маҳаллий ТОА тизимлари
10. Икки томонлама ТОА ни тузиш усуллари
11. ТОА линияларини зичлаштириш усуллари
12. Мультиплексорлар ва демуплексорлар ишлаш принципини тушунтириш.

## 2.ОПТИК ТОЛАНИНГ АСОСИЙ ТАФСИЛОТЛАРИ. ОПТИК ТОЛАНИНГ АСОСИЙ ТУЗИЛМАСИ

### 2.1. Оптик ёруғлик узатгичлар, уларнинг турлари. Оптик толанинг тузилиши

**ТАЪРИФ:** Толали оптик алоқа (ТОА) тизимида оптик тебранишларни тарқалишини чегараловчи ва ёруғлик энергияси оқимини берилган йўналишда йўналтирувчи, узатиш ва қабул қилиш қисмларини боғлаб турувчи муҳит оптик ёруғлик узатгич дейилади. Оптик ёруғликузатгичларнинг тавсифлари қисман алоқа тизимининг сифатини аниқлайди. Шунинг учун ТОА тизимларини лойихалаштиришда нурланиш тарқаладиган узатувчи муҳит - оптик ёруғликузатгичларнинг тавсифларини ҳисобга олиш керак.

ТОА да махсус оптик ёруғлик узатгичлар қўлланилади. Кичик сўниш коэффициентига эга бўлган оптик ёруғлик узатгичлар асосида оптик сигналларни узоқ масофаларга узатишни таъминловчи оптик кабеллар яратилмоқда.


#### Нур ўтказгич толаларнинг ишлаш принциплари

Оптик кабелнинг асосий элементи вазифасини ингичка шишадан иборат бўлган цилиндр формасидаги нур ўтказувчи тола бўлиб ҳисобланади. Бундай тола бўйлаб микрон тўлқин узунлигидаги яъни  $10^{14} \div 10^{15}$  Гц частота диапазонидаги электромагнит тўлқинлар нур кўринишида узатилади. Нур ўтказувчи тола икки қатламли тузилишга эга бўлиб, ёруғлик нурлари харакатланувчи ўзак ва нурларни ташқарига чиқариб юбормаслик учун қўлланувчи қобиғдан иборат. Тола ўзагининг синиш кўрсаткичи —  $n_1$  ва тола қобиғининг синиш кўрсаткичи—  $n_2$  бўлиб, улар турли хил оптик тавсилотга эга бўлиши лозим.

Нур ўтказгичлар икки хил турда бўлади: поғонасимон ва градиент. Поғонасимон турдаги нур ўтказгичда тола ўзагининг синиш кўрсаткичи ўзгармас ҳолда бўлиб, кескин равишда  $n_1$  — ўзакдан  $n_2$ —қобиғга ўтиш хусусиятига эга. Градиент турдаги толаларда эса тола ўзагининг синиш кўрсаткичи нур ўтказгичнинг радиус марказидан то узоқ томонидаги қобиқ томон секин- асталик билан ўзгариш хусусиятига эга. Ўз навбатида поғонасимон кўринишдаги нур ўтказгичлар тола бўйлаб харакатланувчи электромагнит тўлқинлар сонига қараб кўп модали ва бир модали турларга бўлинади. Бир модали нур ўтказгичнинг ўзак диаметри тола бўйлаб харакатланувчи электромагнит тўлқин узунлиги билан баробардир ( $d \approx \lambda$ ). Шунинг учун бундай турдаги нур ўтказгич бўйлаб фақатгина бир дона (мода) тўлқин узатилади.

Кўп модали нур ўтказгичларда ўзак диаметри нур ўтказгич бўйлаб харакатланувчи тўлқин узунлигидан бирмунча катта ( $d > \lambda$ ) бўлганлиги учун бундай нур ўтказгич бўйлаб кўплаб микдорда электромагнит тўлқинлар узатиш мумкин.


Хозирги пайтда тармоқларда қўлланувчи бир модали нур ўтказгичларнинг ўзак диаметри 8 ÷ 10 мкм ва кўп модали нур ўтказгичларнинг ўзак диаметри 50 ÷ 62,5 мкм.



## 2.1 - Расм.Оптик толанинг тузилиши

Нур ўтказгичларнинг ўзаги устидан кварцдан иборат бўлган қобик қопланиб унинг диаметри 125 мкм.Нур ўтказувчи толаларнинг мустаҳкамлигини ошириш ва монтаж жараёнида осон бўлиши учун қобик устидан муҳофазаловчи қоплам қопланади, бу ҳолда унинг диаметри 250 мкм бўлади.Демак бугунги кунда поғонасимон кўп модали, градиент кўп модали

ва бир модали нур ўтказувчи толалар мавжуд (2.2 - расм).



2.2 -расм. Нур ўтказувчи толалар: а) синиш кўрсаткич профили; б) тола бўйлаб нурларнинг ҳаракати; 1— бир модали; 2— поғонасимон кўп модали; 3— градиент кўп модали.

Бу расмдан шуни кўриш мумкинки турли хил нур ўтказгичларда ёруғлик нурларининг тарқалиши турли хил. Поғонасимон кўп модали нур ўтказгичда нурлар ўзак—қобик чегарасидан кескин равишда қайтади. Бундай ҳолатда турли нурларнинг ҳаракатланиш йули турли бўлганлиги учун бундай нурлар нур ўтказгич линиясининг охирига турли вақт оралиқларида силжиган ҳолатда етиб боради,бу эса узатилаётган сигнални бузилишига олиб келади.

Градиент нур ўтказгичлар ҳам кўп модали толалар туридан иборатдир, шунинг учун бундай нур ўтказувчи толаларда ёруғлик нурлари тўлқин кўринишдаги траектория бўйлаб ҳаракатланади. Бундай ҳолатда ҳаракатланувчи нурлардан нур ўтказгич ўқиға яқин жойлашган нурлар кенгроқ йўл бўйлаб ҳаракатланади, аммо катта синиш кўрсаткичиға эға бўлган томонида яъни, ўзак марказидан узоқ томондаги нурлар кичик синиш кўрсаткич томониға нисбатан катта ва узоқ йўл масофасини босиб ўтади. Натижада турли хил ёруғлик нурларининг ҳаракатланиш тезлиги бир—бириға яқин бўлади ва улар линия охириға бир вақт оралиғиға етиб боради. Демак, градиент кўринишдаги нур ўтказгичлар бўйлаб, узатилаётган сигналнинг бузилиши поғонасимон синиш кўрсаткичи кўринишдаги нур ўтказгичлардагиға қараганда анча кам бўлади. Параболик тақсимланишда синиш кўрсаткичининг  $n_2$  — радиус бўйича ўзгариш қонуни қуйидаги қиймат орқали аниқланади.

$$n_r = n_o \left[ 1 - 2\Delta (r/a)^2 \right]^{1/2} \quad (2.1)$$

Бу ерда  $r$  — ўзгарувчан радиус;  $a$  —тола ўзагининг радиуси;  $n_o$ —нур ўтказгичнинг ўзак марказидаги синиш кўрсаткичи (тахминан 1,5 га тенг).

$$\Delta = \frac{n_1^2 - n_2^2}{2n_1^2} \approx \frac{n_1 - n_2}{n_1} = 0,003 \div 0,01 \text{ нур ўтказгичнинг ўзак ва}$$


қобик синиш кўрсаткичларининг нисбий фарқи.

Нур ўтказгичнинг ўзаги электромагнит энергияларини узатиш учун қўлланади. Нур ўтказгичнинг қобиғи эса ўзак—қобик чегарасида ёруғлик нурларини яхши ҳолатда қайтариш шароитини яратади ва нур ўтказгичдаги узатилаётган энергияни ўраб турувчи мухитига тарқалиб чиқиб кетишидан муҳофазалайди.

Оптик кабелларнинг нур ўтказгичлари бўйлаб электромагнит тўлқинларни тарқалиш жараёнидаги физик процессларни кўриб чиқамиз.

Электр кабелларда электр ўтказувчанлик ва ток ўтказиш вазифасини яхши ток ўтказувчанликга ва электр қаршилиги кичик бўлган ток ўтказгичлардан иборат занжир қўлланса, оптик кабелларда эса бошқача узатиш механизми қўлланади. Бу ерда радио узаткичларидаги сингари диэлектрик ўтказувчанлик ва тоқларни силжиши механизми қўлланилади. Маълумотлар сигнали электромагнит тўлқин кўринишида диэлектр яъни нур ўтказгич орқали узатилади. Тўлқинларни йўналиши нур ўтказгичнинг турли хил синиш кўрсаткичига эга бўлган ўзак ва қобик чегарасидан қайтиши ҳисобига бўлади.


Оптик кабеллар бўйлаб узатув худди радио узатув сингари бўлиб, бу ерда тўлқин очик мухитга яъни хар томонга тарқалмасдан маълум бир йўналиши бўйича ҳаракатланади. (2.3 —расм)



2.3 – расм. Радио (а) ва нур ўтказгич (б) бўйича узатиш жараёни.

Бугунги кунда кенг равишда қўлланилаётган симметрик ва коаксиал кабелларнинг занжирлари бўйлаб электромагнит энергияларнинг узатилиши тўғри ва қарама—қарши томон йўналган ток ўтказгичлардан иборат бўлган икки ўтказгичли схема занжири бўйлаб узатилади.

Нур ўтказгичлар, тўлқин ўтказгичлар ва бошқа турдаги узатиш тизимларида иккита ўтказгич бўлмасдан узатув тўлқин ўтказгич усули бўйича яъни мухитларни ажратувчи чегарадан тўлқинларни зигзаг кўринишидаги қонун бўйича олиб борилади. (2.4—расм). Бундай бўлиниш мухит чегараси яъни тўлқинларни қайтиш чегара вазифасини, турли хил диэлектрик хусусиятларга эга бўлган металл-диэлектрик, диэлектр—диэлектр бажаради.




2.4 -расм. Икки ўтказгичли (а) ва тўлқин ўтказгичлар (б) тизими бўйлаб энергия узатилиши.

Тўлқин ўтказгич принципи бўйича ишлайдиган йўналтирувчи тизимларда нур ўтказгичлар, тўлқин ўтказгичлар, линия юзаси бўйича ҳаракатланувчи тўлқинлар, диэлектрик тўлқин ўтказгичлар ва шуларга ўхшаш бўлган йўналтирувчи тизимлар бажаради.

Икки ўтказгичли ва тўлқин ўтказгичли йўналтирувчи тизимларда бўлиниш чегарасини тўлқин узунлиги —  $\lambda$  ва йўналтирувчи тизимнинг кўндаланг ўлчамлари —  $d$  орқали тавсифланади. Агар  $\lambda > d$  ҳолат бўладиган бўлса, у ҳолда иккита ўтказгич зарур бўлади, улар тўғри ва қарама—қарши томонга йўналтирилган ўтказгичлар бўлиб, электромагнит узатувлар икки ўтказгичли схема бўйича олиб борилади. Агар  $\lambda < d$  ҳолат бўладиган бўлса, у ҳолда икки ўтказгичли тизим керак бўлмай, узатув турли тавсилотларга эга бўлган бўлиниш чегарасидан кўплаб маротаба зигзаг кўринишидаги тўлқинларни қайтиши ҳисобига бўлади. Шунинг учун тўлқин ўтказгичлар тизимида (нур ўтказгичлар, тўлқин ўтказгичлар ва бошқа йўналтирувчи тизимлар) узатувлар асосан ўта юқори частоталар (ЎЮЧ) диапазонида рўй беради, чунки бундай ҳолатда тўлқин узунлик йўналтирувчи тизимнинг кўндаланг ўлчам диаметридан кичик. Бундан ташқари оптик нур ўтказгичлар бўйлаб узатувлар жараёнида нур ўтказгичнинг ўзак—қобик чегарасида тўлқинларнинг тўлиқ ички қайтиш режими сақланиши лозим.

2.5 —расмда икки қатламли нур ўтказгич тола бўйлаб электромагнит тўлқинларни тарқалиб ҳаракатланиш жараёни кўрсатилган.



2.5 —расм. Жуда ҳам юкори (а), юкоридан кичик бўлган (б) ва критик (в) частоталарида нур ўтказгичлар бўйлаб электромагнит тўлқинларнинг тарқалиши.

Бу расмда тўлқинлар нур ўтказгичнинг кўндаланг юзаси бўйича  $\theta$  — бурчагини ҳосил қилади ва бундай тўлқин ўзак—қобикни ажратувчи чегарадан кўплаб маротаба  $2\theta$  бурчак остида қайтади. Тўлқин узунлиги —  $\lambda$ , нур ўтказгичнинг ўзак диаметри —  $d$  ва  $\theta$  —бурчак оралиғида қуйидаги нисбийлик мавжуд:

$$\cos\theta = \lambda/d \quad (2.2)$$

2.5—расмда электромагнит тўлқинларни кичик тўлқин узунлик яъни  $\lambda \rightarrow 0$  (2.4а—расм) ва тўлқин узунлик нур ўтказгич диаметрига яқин бўлган  $\lambda \rightarrow d$  ҳолатда (2.4 б—расм) тарқалиши кўрсатилган. Биринчи  $\lambda \rightarrow 0$  ва  $f \rightarrow \infty$  ҳолатда  $\theta \rightarrow 90^\circ$  бурчакда қайтувчи тўлқинлар кам бўлиб, бундай тўлқинлар нур ўтказгич бўйлаб тўғри чизиқли ҳаракатда бўлади ва узатув нур ўтказгич бўйлаб ҳаракатланади. Иккинчи  $\lambda \rightarrow d$ ,  $f \rightarrow f_0$  ҳолатида эса  $\theta \rightarrow 0^\circ$  бурчакда нур ўтказгич бўйлаб ҳаракатланувчи тўлқинлар кўплаб маротаба ўзак—қобик чегарасидан қайтади ва унинг ҳаракатланиши биринчи ҳолатдагидан бирмунча камроқ, бундай ҳолатда нур ўтказгич бўйлаб энергия бирмунча камроқ равишда узатилади.


Маълум бир тўлқин узунликда (2.4 в—расм) шундай режим бўлиб, унда  $\theta = 0^\circ$  бўлган ҳолда тўлқин нур ўтказгич қобикни устига тушади ва перпендикуляр равишда қайтади. Бундай ҳолатда нур ўтказгич ичида тўлқинларнинг турувчи турғун режими бўлиб унда энергия нур ўтказгич бўйлаб бутунлай ҳаракатланмайди ва бундай ҳолат критик тўлқин узунлиги ҳолати —  $\lambda_0 = d$  деб юритилади ва критик частота қуйидагича аниқланади.

$$f_0 = c/\lambda_0 = c/d \quad (2.3)$$

Шундан хулоса қилиш мумкинки нур ўтказгич бўйлаб фақатгина нур ўтказгич диаметридан кичик бўлган тўлқин узунликдаги электромагнит тўлқин ( $\lambda < d$ ) ҳаракатланиши мумкин.


Аммо нур ўтказгичда ўзак—қобик бўлиниш чегараси вазифасини шавоф шиша бажаради, шунинг учун бундай бўлиниш чегарасида оптик нурлар

тўлиқ равишда қайтмасдан нур ўтказгичнинг қобиғи ичига ҳам кириб, ундан қайтиш хусусиятига эга. Узатилаётган энергияни қобиқ ичига кириб кетмаслиги учун ва бутун узатилаётган энергия тарқалиш муҳити бўйлаб тўлиқ равишда ҳаракатланиши учун тўлиқ ички қайтиш шарти бажарилиши лозим, бундай шарт бажарилишини икки қатлами нур ўтказгич учун қўлланиши 2.5 -расмда кўрсатилган.



2.6—расм. Нур ўтказгич толанинг ишлаш принципи: а) нур апертура бурчаги оралиғида; б) нур апертура бурчагидан ташкарида.

## Оптик толанинг апертураси



Сонли апертура

$$NA = \text{Sin } \Theta_A$$

$$NA = \sqrt{n_1^2 - n_2^2} \approx n_1 \sqrt{2\Delta}$$

Синдириш кўрсаткичларининг фарқи

$$\Delta = \frac{n_1^2 - n_2^2}{2n_1^2} \approx \frac{n_1 - n_2}{n_1}$$

2.7—расм. Оптик толанинг апертураси

Геометрик оптика қонунлари бўйича умумий кўринишдаги ўзак—қобик чегарасига тушаётган тўлқин  $\varphi_T$ — бурчак остида бўлади, қайтган тўлқин эса  $-\varphi_0$  бурчак остида бўлса ва ўзак—қобик чегарасида синган тўлқин  $\varphi_{\text{син}}$  бурчак остида бўлади. Бизга маълумки катта зичликга эга бўлган мухитдан кичик зичликка эга бўлган мухитга ўтишда яъни  $n_1 > n_2$  ҳолатда маълум бир бурчак остида тушаётган тўлқин тўлиқ равишда қайтади ва бошқа мухитга ўтмайди, бу эса синган нур йўқлигини билдиради. Мухит чегарасида бутун энергия қайтиш яъни  $\varphi_T$  —тушиш бурчагида,  $\varphi_T = \theta_{\text{ички}}$  ички қайтиш бурчаги деб аталади. Тўлиқ ички қайтиш бурчаги қуйидагича аниқланади:

$$\sin \theta_{\text{ички}} = n_2 / n_1 = \sqrt{\mu_2 \varepsilon_2 / \mu_1 \varepsilon_1} \quad (2.4)$$

бу ерда:  $\mu_1$  ва  $\varepsilon_1$  — нур ўтказгич ўзагининг магнит ва диэлектрик сингдирувчанлиги;

$\mu_2$  ва  $\varepsilon_2$  — нур ўтказгич қобиғининг магнит ва диэлектрик сингдирувчанлиги;

$n_1$  — нур ўтказгич ўзагининг синиш кўрсаткичи;

$n_2$  — нур ўтказгич қобиғининг синиш кўрсаткичи.

Агар  $\varphi_T \geq \theta$  ички ҳолат бўладиган бўлса, у ҳолда нур ўтказгичнинг ўзагига тушувчи энергия тўлиқ равишда қайтиб нур ўтказгич бўйлаб зигзаг кўринишда тарқалиб ҳаракатланади. (2.7 а—расм) Тўлқиннинг тушиш бурчаги қанчалик катта бўладиган бўлса, яъни  $\varphi_T > \theta_{\text{ички}}$  ҳолати бўлиб, унинг қиймати  $0^\circ$  билан  $90^\circ$  оралиғида бўладиган бўлса, у ҳолда тарқалиш шароити яхши бўлиб, тарқалаётган тўлқин тезда қабул қилувчи томонга етиб боради. Бу ҳолда бутун энергия нур ўтказгич ўзаги ичида йиғилиб, умуман ўраб турувчи мухит бўйлаб ҳаракатланмайди.

Агар нур тўлиқ ички қайтиш бурчагидан кичик бўладиган бўлса, яъни  $\varphi_T < \theta_{\text{ички}}$  ҳолатида у ҳолда энергия нур ўтказгичнинг қобиғига кириб бориб, мухитни ўраб турувчи бўйлаб ёйилади ва умуман ўраб турувчи мухит бўйлаб ҳаракатланмайди. Чунки синган нур ҳосил бўлади (2.7 б—расм). Тўлиқ ички қайтиш режимида толанинг нур кировчи қисмига ёруғлик нури кириш шартини бажаришни таъминлайди. 2.7—расмда кўрсатилганидек нур ўтказгич тўлиқ ички қайтиш бурчаги остида бўлса яъни  $\theta_{\text{ички}}$  ички бурчак оралиғидаги ёруғлик нури ўтказади. Бундай оралик бурчаги — QA нур ўтказувчи толанинг апертурасини тавсифлайди. Апертура деб оптик ўқ билан битта ёруғлик конусини ҳосил қилувчи орасидаги бурчак остида нур ўтказгич толанинг кировчи томонига тушувчи бурчак томонига айтилади ва бу ҳолатда тўлиқ ички қайтиш шarti бажарилади.

Толали оптик алоқа линиясида сонли апертура тушунчаси қўлланади ва қуйидаги ифода орқали аниқланади:

$$NA = n_0 \sin \theta_{\text{ички}} = \sqrt{n_1^2 - n_2^2} \quad (2.5)$$

бу ерда:  $n_0$ — хавонинг синиш кўрсаткичи;

$n_1$  - нур ўтказгич ўзагининг синиш кўрсаткичи;

$n_2$ — нур ўтказгич қобиғининг синиш кўрсаткичи.

Агар хавонинг синиш кўрсаткичини билган холда, у  $n_0=1$  бўлса — у холда сонли апертура қуйидаги аниқланади:


$$NA = n_0 \sin Q_A = \sqrt{n_1^2 - n_2^2} \quad (2.6)$$

19.5 — расмдан кўришиб турибдики тўлиқ ички қайтиш бурчаги —  $\theta$  ички ва нурнинг апертура тушиш бурчаги —  $\theta_A$  орасида ўзаро боғланиш мавжуд. Демак тўлиқ ички бурчаги —  $\theta$  ички қанчалик катта бўлса, нур ўтказгич толанинг апертура бурчаги —  $\theta_A$  шунчалик кичик бўлади.

Оптик толали алоқа линиясида иложи борича нур ўтказгичнинг ўзак—қобик чегарасига тушувчи нур — фТУШ бурчаги тўлиқ ички қайтиш бурчагидан —  $\theta$  ички катта бўлиши ва  $\theta$  ички — бурчакга  $90^\circ$  бурчак оралиғида бўлиб, нурларни нур ўтказгичнинг кирувчи юзасига тушувчи нур бурчаги апертура бурчаги —  $\theta_A$  оралиғида бўлиши керак ( $\theta \leq \theta_A$ ).

## 2.2. Оптик тола турлари.

Магистрал, минтақавий, маҳаллий ва структурлаштирилган кабел тармоқларидаги алоқа линияларида асосан иккита турдаги кварцдан тайёрланган оптик толалар қўлланади, булар кўп модали ва бир модали (2.8— расм ).



2.8 — расм. Оптик толанинг тузилиш структураси:

а) кўп модали; б) бир модали:

1 — тола ўзаги; 2 — тола қобиғи; 3 — мухофозаловчи қоламнинг ички қатлами; 4 — мухофозаловчи қоламнинг ташқи қатлами.

## 2.3. Бир модали толалар


Ўтказиш полосасини ва узатилаётган сигнал масофасини оширишга бўлган талаб, бир модали оптик толани яратишга имкон яратиб берди. Бир модали толаларнинг ўзак диаметри, ҳамда толанинг ўзак ва қобиғининг

синиш кўрсаткичларига нисбатан шундай қилиб танлангки, бундай толада фақатгина бир дон мода харакатланади (аслида эса бундай толада бири-бирига нисбатан поляризацияси ортогонал ҳолатда икки мода харакатланади).

Магистрал ва минтақавий алоқа тармоқларини узатиш тезликларини оширишда ва узатув масофасини ошириш йўналишида бир нечта турдаги бир модем толалар яратилган бўлиб, уларни хроматик дисперсияси бўйича бир неча сиперлар бўлиши мумкин. ХЭИ – Т тавсияларида бундай турдаги толаларнинг параметрлари эътиборга олинган [2.3. бўлимга қаранг].

1310 нм тўлқин узунлигида қўлланиш учун дисперсияси оптимизацияланган бир модалли тола (ХЭИ-Т G 652 тавсифи). Тарихий томондан қарайдиган бўлсак, бу тола биринчилардан бўлиб ҳисобланади ва кенг равишда тарқалган тола бўлиб, у магистрал ва минтақавий алоқа тармоқлари учун 1983 йилдан бошлаб ишлаб чиқарилмоқда.

1285...1330 нм ва 1530...1565 нм бўлган иккита ишчи тўлқин узунликларида ишлаш учун мўлжалланган стандартлаштирилган бир модалли тола, унинг сўниш қиймати 1550 нм тўлқин узунлигида 0,2 дБ/км бўлган кичик миқдорга эга бўлиши билан бирга бундай тўлқин узунликда дисперсия қиймати 18...20пс/км ни ташкил этади (2.9-расм).



2.9 – расм. Турли бир модалли толаларнинг сўниш коэффициенти ва дисперсия тафсилотлари,бу ерда :

1 – оптик толанинг сўниш коэффициетини тўлқин узунликга боғлиқлиги; 2 – стандарт бир модалли толанинг дисперсия тафсилоти; 3 – 1550 нм тўлқин узунликда дисперсия чегарасига силжитилган оптик толанинг дисперсия тавсилоти; 4 ва 4' – дисперсияси силжитилиб нол бўлмаган оптик толанинг дисперсия тавсилоти. 5 – эрбии қопламга эга бўлган оптик кўчайтиргичли толанинг спектр кенглиги. 6 – оптик толанинг минимал сўниш қийматидаги спектр кенглик

Бундай турдаги оптик толанинг янги модификациясида чўққининг бўлмаслигида бўлиб, 1383 нм тўлқин узунлигида сўниш коэффициенти 0,31 дБ/км қийматга тенг бўлиши билан бирга унинг сўниш қиймати водородли эскириш бўйича тадқиқотдан сўнг ўзгармайди. Бундай турдаги OFS фирмаси

AllWare русмли, Corning фирмаси SMF28E русмли толаларни стандартлаштирилган бир ишчи тўлқин узунлигини 100нмга яқин кенгайтириш хисобига 1360...1460 нм тўлқин узунликлар ораликларида бешинчи шаффофлик дарчасини очилишга сабаб бўлганлиги учун бундай толалар ёрдамида кўп каналли узатувларда дисперсияни компенсация қилмаган ҳолда шахар ва минтақавий тармоқларда қўлланмоқда. Бундай турдаги толаларнинг стандартлаштирилган бир модали толаларга нисбатан солиштирганда унинг афзаллиги 1260...1625 нм тўлқин узунлик диапазолида 12 та CWDM каналлари ўрнига 16 та арзон каналларни ташкил этиш мумкинлигидадир. Бу толалар ХЭИ-Т нинг G.652 тавсифига тўлиқ равишда жавоб бериши билан бирга тўлиқ равишда стандартлаштирилган бир модали толалар билан ва бугунги кунда қўлланаётган ускуналар билан мослашган бўлиб алоқа тизимларида стандартлаштирилган бир модала толаларни алмаштирилиши мумкин.

*Дисперсияси 1550 нм тўлқин узунлигига силжитилиб нол бўлган бир модали тола.* ХЭИ-Т нинг G.653 тавсифига тўлиқ равишда жавоб беради. Оптик йўқотувчанлигининг минимуми хроматик дисперсияси минимум қийматга эга бўлган областга тўғри келади (2.5-расм). Бундай турдаги тола оптик кучайтиргичлар билан мослашган, чунки толанинг сўниши ва дисперсиясининг бир мунча яхши бўлган параметрлари эрбий билан лойихалаштирилган. Оптик кучайтиргичларнинг максимал кучайтириш полосаси билан тўғри келади.

*Дисперсияси 1550 нм тўлқин узунлигига силжитиб нол бўлмаган бир модали тола.* ХЭИ-Т нинг G.655 тавсифига тўғри келади. Бундай турдаги бир модали толани ишлаб чиқаришга асосий сабаб алоқа линияларида эрбийли оптик кучайтиргичларни тадбиқ этиш билан ва каналларни спектрал зичлаштиришга эга бўлган оптик тизимларни ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, у ўз навбатида каналларни тан нархини камайишига олиб келди. Аммо эрбийли оптик кучайтиргичларни бир вақтнинг ўзида 1550 нм тўлқин узунлигида диапазолида кучайтиргич, кварцли толаларда 100 мВт ва ундан юқори бўлган сигнал қувват сатхини юқорилиги ҳамда регенерация участка узунлигини 120 ва ундан ортиқ бўлишлиги ночизикли оптик эффект бўлишга олиб келмоқда. Ночизикли ўзаро таъсирлар сигналларни бузилишига (исключения) олиб келади ва бутун регенерация участка узунлиги бўйича йиғилиб боради. Хроматик дисперсиясини нолдан ажратувчи миқдорларда бўлишини назоратловчи бир модели толаларда бу қиймат 0.1...6.0 пс/нм.км ораликда бўлиши 1530...1560 нм бўлган оптик кучайтиргич спектрига тўғри келиши учун тўрт тўлқинли силжиш камайитириш учун ишлаб чиқарилди. Бу эса тенг равишда канал частотасини ажратиб бўлиб чиқиш айниқса спектрал зичлаштириб узатув тизимлари учун хавфли бўлиб ҳисобланади. Дисперцион эгилиш чизиги кичик равишда эгилиш хисобига ва сўниш коэффициентини кичик бўлишлиги хисобига бу толани 1530...1625 нм бўлган кенг диапазонда қўллаш имконини беради. Толанинг структураси хисобига унинг дисперсия қиймати тўлқин силжиш эффектини йўқотиш анча кичик шунинг учун 10Гбит/с га қадар бўлган узатиш тезлигидаги

маълумотларни катта масофаларга узатиш учун дисперсия компенсияланмайди.

Дисперсияси силжитилиб нол бўлмаган толанинг асосий тавсилотларидан бири бундай турдаги толаларнинг эффектив кўндаланг ночизикли эффектларни камайтиришини тола ичига киритилувчи ёруғлик нур қувватини ва линия узунлигини камайтирмаган ҳолда эриши мумкин. Бундай ҳолатда толанинг синиш кўрсаткич профилларининг оптимизацияси тола тайёрлашда технологияни ҳозирги кун талабига жавоб берувчи ҳолда олиб бориб, унда тола кўндаланг юзасининг эффективлигига эришиш дисперсиянинг эгилиш чизигини кичрайтириш ва оптик йўқотувчанликни микро ва макро эгилишлардаги нурланишни камайтириш ҳисобига эришилади. Бундай турдаги толага мисол қилиб LEAF русмли тола тўғри келади. Corning фирмаси томонидан тайёрланган бундай толанинг эффектив кўндаланг кесим юзаси 72 мкм<sup>2</sup> бўлади. Бундан ташқари OFS фирмаси сув ости оптик кабеллари учун True Wave XL русмли толаларни ишлаб чиқармоқда. Бундай турдаги оптик толаларга Corning фирмаси томонидан ишлаб чиқарилувчи Metro Cor русмли толаларга ҳам таалукли бўлиб, улар 1530...1605 мкм тўлқин узунликлар диапозонида манфий кийматдаги бир мунча кичик дисперсияга эга. Бу эса стандартлаштирилган бир модали дисперсияга нисбатан кичикдир. Бундай турдаги толаларда спектр бўйича зичлаштирилган DWDM тизимлар ёрдамида кўп каналли тизимни яратиш мумкин. Metro Cor туридаги толанинг мода майдони унчалик катта бўлмай у 8 мкмни ташкил этади, бу эса дисперсия эгилиш чизигини камайтирган ҳолда дисперсия киймати нол бўлган ҳолатни 160 нмга қадар ўнг томонга суриб уни 1640 нмга етказиш мумкин.

#### 2.4. Кўпмодали тола

Кўп модали толалр икки хил кўринишга эга:

- тола ўзагининг синиш кўрсаткич профили зинасимон (поғонасимон) кўринишда;

- тола ўзагининг синиш кўрсаткич профили градиент кўринишда.

*Синиш кўрсаткич профили зинасимон кўринишидаги кўп модали* толада бир вақтнинг ўзида кўплаб модалар ёки турли бурчак остида толага киритилган ёруғлик нурлари характерланади. Бундай турдаги толанинг камчилиги модалараро дисперсия бўлиб, у тола ичида турли модаларни турли хил оптик йўл босиб ўтиши ҳисобига ҳосил бўлади.

Градиент кўринишдаги синиш кўрсаткич профилига эга бўлган кўп модали толалрда тола ўзагининг синиш кўрсаткичи тола ўзак марказидан тола қобиғи чети томон секин – асталик равишда ўзгариши қуйида келтирилган қонун асосида бўлиб ўтади.

$$n(r) = n_1 [1 - 2\Delta (r/a)^g]^{1/2} \quad (2.7)$$

бу ерда:  $r$  – жорий радиус;  $a$  – тола ўзак радиуси,  $n_1$  – тола ўзак марказидаги синиш кўрсаткичи;  $\Delta$  - синиш кўрсаткичларининг нормаллаштирилган фарқи;  $g$  – синиш кўрсаткич профили формасини

аниқлаштирувчи параметр,  $g = \infty$  бўлганда зинасимон профил бўлса,  $g = 2$  бўлганда эса параболик профил бўлади.

Оптик толада параболик траектория бўйича ҳаракатланувчи модалар учун (3) тенглама асосида уларнинг турли хил ҳаракатланиш йўллари бўладиган бўлса, у ҳолда модалараро дисперсияси зинасимон профилидаги синиш кўрсаткичларидаги толаларга нисбатан бир мунча кам бўлади.

Кўп модалар тодалар ишлатилиш 850 ва 1310 нм бўлган тўлқин узунликлари қийматлари учун оптимизацияланган, шунинг учун бундай толаларнинг ўзак диаметри бир мунча каттароқ бўлиб, улар 50 мкм бўлган стандарт ва 62,5 дан 100 мкм ораликларда бўлган толалар махсус мақсадлар учун қўлланади. Бундан ташқари кўпмодалар толалар 0,2 ... 0,37 гача катта бўлган сонли опертурага эга бўлганлиги учун тола ичига катта қувватли энергияни киритиш билан бирга толаларни монтаж жараёнида толаларни бири-бири билан улаш операциясини бир мунча енгиллаштиради. Синиш кўрсаткич профилини параболик формада бўлиши ҳисобига 400 ... 1000 мГцкм бўлган қийматда ўтказиш қобилиятида бўлиш эса катта кенгликдаги ўтказиш полосалигини таъминлайди. Шунинг учун, кўп модели толалар асосан локал ва бино ичида тармоқларида кенг равишда қўлланилмоқда.

Юқори тезликдаги локал алоқа тармоқларини яратишда Gigabit Ethernet (IEEE 802.32) туридаги протоколларни ишлатилиши лазерли манбаларни қўллашга асосланиб у ўз навбатида янги сериядаги кўп модалар толаларни яратишга олиб келди. Бундай Corning компаниясининг Infinicor русми, OFS фирмасининг GigaGuide Lazer Wave русмлари ҳақида Alcatel фирмасининг Multimode Glight русмили толалар ёрдамида 1 дан 10 бит/с бўлган узатиш тезликларини маълум бир катта масофаларга узатишдан ташқари келажакда бундан толалар бўйлаб узатиш тезликларини ошириш мумкин. Янги турдаги оптик толаларни тўлиқ равишда кўп модели локал тармоқларда узатиш воситалар ва аппаратуралар билан ишлатилмоқда.

## 2.5. Оптик толаларнинг параметрлари

### Нур ўтказгич толанинг тўлқин узунлиги ва критик частотаси

Аввал кўриб чиқилганидек, тўлқин узунлиги  $\lambda$  ва нур ўтказгичнинг ўзак диаметри  $d$  орасида  $\cos\theta = \lambda/d$  қиймати мавжуд бўлиб, бу ерда  $\theta$  — ўзак—қобик бўлинувчи чегарасига тушувчи тўлқиннинг тушиш бурчагидир. Агар  $\cos\theta = \sqrt{1 - \sin^2\theta}$  ифодани эътиборга олиб ҳамда тўлиқ ички қайтиш шартини  $\sin\theta = n_2/n_1$  қўлласак, у ҳолда  $\cos\theta = \sqrt{1 - (n_2/n_1)^2}$  ҳосил бўлади. Агар келтирилган ифоданинг унги томонидаги қисмини тенглаштирадик, у ҳолда

$$\lambda_0 / d = \sqrt{1 - (n_2 / n_1)^2}$$

ҳосил бўлади. У ҳолда нур ўтказгичнинг критик тўлқин узунлиги:

$$\lambda_0 = d \sqrt{1 - \left(\frac{n_2}{n_1}\right)^2} = \frac{d}{n_1} \sqrt{n_1^2 - n_2^2} \quad (2.8)$$

$$\text{критик частота эса: } f_0 = \frac{V_1}{\lambda_0} = \frac{V_1}{d} \cdot \frac{1}{\sqrt{1 - \left(\frac{n_2}{n_1}\right)^2}} = \frac{C}{d} \cdot \frac{1}{\sqrt{n_1^2 - n_2^2}} \quad (2.9)$$

бу ерда:  $n_1$ — нур ўтказгичнинг ўзагини синиш кўрсаткичи;  
 $n_2$ — нур ўтказгичнинг қобиғини синиш кўрсаткичи;  
 $V_1 = C/n_1$ — нур ўтказгичнинг ўзаги бўйлаб ҳаракатланувчи  
тўлқиннинг тезлиги;  
 $C$ — ёруғлик тезлиги;  
 $d$ — нур ўтказгичнинг ўзак диаметри.

Нур ўтказгич бўйлаб кўплаб турли хил тўлқинларни тарқалишини эътиборга оладиган бўлсак, у холда  $f_0$  ва  $\lambda_0$  қийматларни аниқлайдиган формулаларга тўлқин турини таснифловчи  $P_{nm}$  параметрини киритиш мумкин. У холда

$$f_0 = \frac{P_{nm} \cdot C}{\pi d \sqrt{n_1^2 - n_2^2}}$$

$$\lambda_0 = \frac{\pi d}{P_{nm} \cdot n_1} \sqrt{n_1^2 - n_2^2}$$

натижавий формула қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$f_0 = \frac{P_{nm} \cdot C}{\pi d \sqrt{n_1^2 - n_2^2}}$$

$$\lambda_0 = \frac{\pi d}{P_{nm} \cdot n_1} \sqrt{n_1^2 - n_2^2} \quad (2.10)$$


бу ерда:  $P_{nm}$ — нур ўтказгич бўйлаб ҳаракатланувчи тўлқин тури;  
 $n$ — нур ўтказгич параметри бўйлаб майдон ўзгаришини кўрсатувчи сон;  
 $m$ — нур ўтказгич диаметри бўйича майдон ўзгаришини кўрсатувчи сон.

Турли хил тўлқинлар (модалар) учун  $P_{nm}$ — параметри қуйидагича:

$E_{01} = 2.405$ ;  $HE_{12} = 3.83$ ;  $HE_{21} = 2.405$ ;  $EH_{21} = 5.136$  ва ҳақозо. Олинган қийматлардан шуни хулоса қилиш мумкинки нур ўтказгич тола ўзагини диаметри қанчалик катта бўладиган бўлса, нур ўтказгичнинг ўзак синиш кўрсаткичи  $n_1$  ҳамда қобиқ синиш кўрсаткичи  $n_2$  бир—биридан қанчалик фарқ қилса, критик тўлқин узунлик шунчалик катта бўлади ва критик частота шунчалик кичик бўлади. Келтирилган ифода асосида ва кўрсатмалар шуни кўрсатадики  $f_0$ — критик частотадан юқори бўлган частоталарда майдоннинг бутун энергияси нур ўтказгичнинг ўзаги ичида йиғилиб у бўйлаб эффектив равишда тарқалади. Бизга маълумки турли йўналтирувчи тизимлар бўйлаб энергия узатилаётган пайтда у узатилаётган частотага боғлиқ.

Одатда икки ўтказгичли ва тўлқин ўтказгичли йўналтирувчи тизимларнинг частотавий диапазони турли хил. Тўлқин ўтказгичлар тизим қандайдир критик частота яъни чегаравий (отсечки) частотасига  $f_0$  эга. Тўлқин ўтказгичлар бундай чегаравий  $f_0$  частотада юқори частотали филтр каби иш бажаради ва у бўйлаб  $\lambda_0$  — тўлқин узунликдан катта бўлган тўлқин узатилиши мумкин. Икки ўтказгичли тизимлар эса бундай чегаравий чекланишдан мустасно бўлиб, у бўйлаб бутун частота диапазони яъни нолдан

ва ундан юқори бўлган энергия узатилади, шунинг учун бундай тизимларда суниш яъни йўқотувчанлик анча юқори қийматларга эга.



2.10—расм. Икки ўтказгичли (а) ва тўлқин ўтказгич (нур ўтказгич) (б) тизимлар бўйлаб энергия узатилишни частотага боғлиқлиги.

Нур ўтказгичли оптик техникасида кенг равишда нормаллаштирилган частота ишлатилади, бундай частота нур ўтказгичнинг ўлчамлари— $a$ , тўлқин узунлиги— $\lambda$  ва нур ўтказгичнинг ўзак ва қобиқ  $n_1$  ҳамда  $n_2$  синиш кўрсаткичлари билан боғлиқ. Нормаллаштирилган частота -  $V$  қуйидаги формула билан аниқланади:

$$V = \frac{2\pi a}{\lambda} \cdot \sqrt{n_1^2 - n_2^2} \quad (2.11)$$


бу ерда:  $a$  - нур ўтказгичнинг ўзак диаметри;  $\lambda$  - тўлқин узунлиги;  $n_1$  - тола ўзагининг синиш кўрсаткичи;  $n_2$  - тола қобиғининг синиш кўрсаткичи.

### Нур ўтказгичлардаги тўлқинлар турлари

Оптик толали алоқа техникасида нур ўтказгичлар бўйлаб ҳаракатланувчи электромагнит майдон тўлқинлари — мода деб юритилади.


Одатда нур ўтказгичлар бўйлаб жуда ҳам кўплаб турли хил тўлқинлар тарқалиши мумкин. Нур ўтказгичнинг ўзак диаметри ошиб бориши ва тўлқин узунлигининг камайиши билан у бўйлаб тарқалувчи тўлқинлар сони ошиб боради. 19.7—расмда  $d \approx \lambda$  ҳолати учун нур ўтказгич узаги ичида фақатгина бир дон тўлқин жойлашади. Бундай ҳолат бир модали узатишга тўғри келади (мисол учун  $E_0$ )

Бугунги кунда тўлқин узунлиги  $\lambda = 0.8 \div 1.6$  мкм бўлган ҳолатларда диаметри  $8 \div 10$  мкм бўлган ўзакдан иборат нур ўтказгичлар бир модали режим учун қўлланса,  $d = 50$  мкм бўлган диаметрдаги нур ўтказгичлар кўп модали узатув режимларида қўлланади.



2.11-расм. Бир модали (а) ва кўп модали (б) узатувлар.

### ПОҒОНАСИМОН БИР МОДАЛИ ТОЛА



$d = 8,5\text{мкм}$   
 $D = 125\text{мкм}$   
 $n_1 = 1,46$   
 $\Delta = 0,003$   
 бўлган холда


$$\sin \Theta = NA \approx 0,113 \quad \Theta \approx 6,5^\circ$$

$$V = \frac{\pi \cdot d}{\lambda} \cdot NA = 3,14 \times 8,5 / 1,55 \times 0,113 \approx 1,94$$

Модалар сони  $N = (1,94)^2 / 2 \approx 1,89$  бўлади

2.12-рasm Поғонасимон бир модали тола

### Поғонасимон кўп модали тола




$d = 100\text{мкм}$   
 $D = 140\text{мкм}$   
 $n_1 = 1,48$   
 $n_2 = 1,46$   
 бўлган холда

$$\sin \Theta = NA \approx 0,242 \quad \Theta \approx 14,0^\circ$$

$$V = \frac{\pi \cdot d}{\lambda} \cdot NA = 3,14 \times 100 / 0,85 \times 0,242 \approx 89,4$$

Модалар сони  $N = (89,4)^2 / 2 \approx 4000$  бўлади

2.13-рasm Поғонасимон кўп модали тола



2.14-расм Градиентли кўп модали тола

Нур ўтказгичлар бўйлаб ҳаракатланувчи модалар сони қуйидаги формула билан аниқланади:

$$N = \frac{V^2}{2} = \frac{1}{2} \left( \frac{2\pi a}{\lambda} \sqrt{n_1^2 - n_2^2} \right)^2 \quad (2.12)$$

бу ерда:  $\Delta = (n_1 - n_2) / n_1$  — синиш кўрсаткичларининг нисбий фарқи, одатда унинг қиймати  $\Delta = 0.01 - 0.003$  с бўлади;

$a$  — нур ўтказгич ўзагининг радиуси;

$n_1$  ва  $n_2$  — нур ўтказгич узаги ва қобиғининг синиш кўрсаткичлари;

$V$  — нормаллаштирилган частота.

Нур ўтказгичлар бўйлаб ҳаракатланувчи модалар сонига қараб қуйидаги синфларга булинади: бир модали ҳолатда  $N=1$  бўлиб унда факатгина HE<sub>11</sub> туридаги тўлқин таркалиб ўзак диаметри ташувчи тўлқин узунлигига тенг бўлади  $d \approx \lambda$ , куп модали режимда эса  $N > 1$  бўлиб  $d > \lambda$  ҳолат бўлади.

Бундан хулоса қилиш мумкинки нур ўтказгичнинг ўзак диаметри бир мунча катта бўлганда ( $d > \lambda$ ) нур ўтказгич куп модали режимда ишлайди, тўлқин узунлиги ўзак диаметрига яқин бўлса ( $d \approx \lambda$ ) у ҳолда нур ўтказгич бир модали режимда ишлайди. Бир модали тизимларнинг авзалликлари қуйидагилар: кенг частота диапазони ва каттадан—катта ўтказиш хусусиятига эга. Аммо бир модали тизимларда қўлланувчи нур ўтказгичлар ўзак диаметри кичик бўлганлиги учун улранинг ишлаш сифати бир мунча кенг, чунки нур ўтказгичлар ичига нур киргизишда кўплаб йуқотувчанликга эга бўлганлиги учун ва нур ўтказгичларга ёруғлик нурини киргизишда оралиғи кичик йуналтирилган диаграммага эга бўлган кучли когерент манбалар яъни квант генераторлар талаб этилади.

Кўп модалли тизим учун эса оддий когерент бўлмаган тарқатиш манбаларидаги куввати кичик ва ўтказиш хусусияти кичик бўлган ёруғлик диодлари қўлланади.

Нур ўтказувчи толалар бўйлаб икки кўринишдаги нурларни узатиш мумкин: меридионал нурлари ва қийшиқ нурлар. Меридионал нурлар нур ўтказгич толасининг ўқи орқали ўтувчи юзада ётса, қийшиқ нурлар эса нур ўтказиш ўқини кесиб ўтмайди. Агар нуқтавий тарқатиш манбаи нур ўтказгич ўқида жойлашган бўлса, у ҳолда меридионал харакатланадиган нурлар бўлади. Агар нуқтавий тарқатиш манбаи нур ўтказгич ўқи ташқарисида ёки мураккаб тарқатиш манбаига эга бўлса, у ҳолда бир вақтнинг ўзида меридионал ва қийшиқ нурлар ҳосил бўлади. Меридионал нурлар симметрик —Еом ва Ном тўлқинлардан иборат бўлса, қийшиқ нурлар симметрик бўлмаган тўлқинлардан иборатдир.

## 2.6. Нур ўтказувчи толаларнинг сўниши.

Нур ўтказувчи толалар иккита параметр орқали тавсифланади, булар сўниш (йўқотувчанлик) ва дисперсия. Нур ўтказгичнинг сўниши орқали регенирация участка узунлиги (регенираторлар орасидаги масофа) аниқланади. Дисперсия эса импульсларнинг бузулишига олиб келиб уз навбатида нур ўтказгич бўйлаб ўтказиш полосасини чегаралайди. Оптик кабеллардан иборат бўлган оптик трактлардаги нур ўтказгич толанинг сўниш коэффициентини нур ўтказувчи толанинг шахсий йўқотувчанлигидан  $-\alpha_{ш}$  ва кабел ичида жойлашган нур ўтказувчи толаларнинг деформацияси ва эзилиши ҳисобига ҳамда оптик кабеллар тайёрлаш жараёнида, қобик ва мухофазаловчи қопламларни тайёрлаб қоплаш жараёнида ҳосил бўлувчи эзилишлар ва деформацияси ҳисобига ҳосил бўлувчи кабелнинг йўқотувчанлигидан  $-\alpha_{ш}$  сўнишларнинг йиғиндисидан иборат, яъни:

$$\alpha = \alpha_{ш} + \alpha_{к} \quad (2.13)$$

Оптик нур ўтказувчи толаларнинг шахсий йўқотувчанлиги биринчи навбатда ютилиш ҳисобига ҳосил бўлувчи йўқотувчанликдан  $-\alpha_{ютил}$ , нур ўтказгич бўйлаб харакатланувчи энергиянинг ёйилиб кетиши ҳисобига ҳосил бўлувчи йўқотувчанликдан  $-\alpha_{ёй}$  иборат. Ютилиш ҳисобига ҳосил бўлувчи аютил — йўқотувчанлик нур ўтказгич материалининг тозалигига ва нур ўтказгич материали ичидаги ташқи аралашмалар берувчи йўқотувчанликдан иборат:  $\alpha_{ю} + \alpha_{аралашма}$ . Нур ўтказгич бўйлаб харакатланувчи энергияни ёйилиб кетиши ҳисобига ҳосил булувчи йўқотувчанлик минимал ёки максимал бўлади. У ҳолда максимал йўқотувчанлик:

$$\alpha_{нур.ўт} = \alpha_{ютилиш} + \alpha_{ёйил} + \alpha_{аралашма} \quad (2.14)$$

Нур ўтказувчи толанинг ютилиши ҳисобига ҳосил бўлувчи кўшимча йўқотувчанлик диэлектрик поляризация ҳисобига ҳосил бўлувчи йўқотувчанлик билан боғлиқ бўлиб, частота билан линиявий равишда ўсиб боради ва нур ўтказгич материалининг хусусияти  $-\text{tg}\delta$  билан боғлиқдир.

Бундай йўқотувчанлик синиш кўрсаткичларининг комплекс характери билан боғлиқдир, яъни  $n = n_D + jn_{\text{mat}}$  бўлиб, у  $\text{tg} \delta$  қиймати орқали қуйидагича аниқланади:

$$\text{tg} \delta = 2n_{\text{диэлектрик}} \cdot n_{\text{реал}} / (n_D^2 - n_M^2) \quad (2.15)$$

У холда ютилиш ҳисобига ҳосил бўлувчи суниш коэффициенти қуйидаги ифода орқали аниқланади:

$$\alpha_{\text{ютилиш}} = \pi \text{tg} \delta / \lambda \quad (2.16)$$

бу ерда :  $n = \sqrt{\mu \cdot \varepsilon}$  — синиш кўрсаткичи;

$\lambda$  — тўлқин узунлиги;

$\text{tg} \delta$  — нур ўтказгичлардаги диэлектрик йўқотувчанликнинг тангенс бурчаги;

$\mu$  — нур ўтказгич материалининг магнит сингдирувчанлиги;

$\varepsilon$  — нур ўтказгич материалининг диэлектрик сингдирувчанлиги.

Бу формуладан шуни куриш мумкинки ютилиш ҳисобига ҳосил булувчи йўқотувчанлик частота билан линиявий характерга эга.


Нур ўтказгич бўйлаб харакатланувчи энергиянинг ёйилиб кетиши ҳисобига ҳосил булувчи йўқотувчанлик нур ўтказувчи тола материалининг бир жинсли бўлмаганлиги, тўлқин узунлигидан кичик бўлган ўлчамлари ва синиш кўрсаткичларининг иссиқлик флуктуацияси билан боғлиқдир.

Ёйилиб кетиш ҳисобига бўладиган йўқотувчанлик қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\alpha_{\text{ёйил}} = K_{\text{ёйил}} \cdot \lambda^{-4} \quad (2.17)$$

бу ерда: кварц учун  $K_{\text{ёйил}} = 1.5 \text{ мкм}^4$   $\lambda$  — тўлқин узунлиги, мкм.


Бундай ёйилиш рэллеев ёйилиши деб юритилади ва у частота билан  $f^4$  — қонуни бўйича ўсиб боради. Рэллеев ёйилиши ҳисобига ҳосил бўлувчи йўқотувчанлик кичик бўлган йўқотувчанлик чегарасини нур ўтказгич толалар учун белгилайди. Бундай чегара турли хил тўлқин узунликлари учун турли бўлиб, тўлқин узунлиги ошиб борган сари бундай йўқотувчанлик камайиб боради. 2.15—расмда нур ўтказгич толаларнинг частотавий боғлиқлиги кўрсатилган бўлиб, унда ютилиш ҳисобига бўладиган йўқотувчанлик частота ошиши билан линиявий равишда ошиб борса ёйилиш ҳисобига бўладиган йўқотувчанлик  $f^4$  қонуни бўйича тезроқ равишда ўсиб боради.



2.15—расм. Нур ўтказгич толаларнинг частотага боғлиқлиги.

Нур ўтказгич бўйлаб узатилаётган энергиянинг йўқотувчанлиги нур ўтказгич материали таркибидаги бегона аралашмаларнинг борлиги —аралашма ҳисобига яъни гидроксил гуруҳ ионлари ёки металллар борлиги ҳисобига бирмунча равишда ошиб боради. Шахсий тебраниш резонанси ораликларида аралашмалар сўниш қийматининг бир қанча чуққиларига эга бўлади. Бундай ҳолат яъни гидроксил ион гуруҳ чуққилари ҳисобига йўқотувчанлик сўниши 0.95 мкм тўлқин узунлигида рўй беради.

2.16—расмда нур ўтказгич толаларда кварцдан иборат бўлган ва турли хил аралашмалардан тозаланган нур ўтказгичнинг сўниш қийматини тўлқин узунликка боғлиқлиги кўрсатилган.



2.16—расм. Турли хил тўлқин узунликлардаги нур ўтказгичларнинг сўниш коэффициенти.

Бу расмдаги графикдан шуни кўриш мумкинки нур ўтказгич учта шаффофлик ойнасига (дарчасига) эга бўлиб, нур ўтказгичнинг тўлқин узунлиги ошиб борган сари сўниш коэффициенти камайиб боради ва у ўз навбатида регенерация участка узунлигини ошишига олиб келади.

2.1-жадвал.

Тўлқин узунлик $\lambda$ , мкм	Сўниш коэффициенти, $\alpha$ , дБ/км	Регенерация участка узунлиги, $L_p$ /км
0.85	5	10
1.3	1.0	40
1.55	0.5	80


Юқорида келтирилган 2.13—расмдан ва 2.1- жадвалдан шундай хулоса қилиш мумкин, оптик толали алоқа линияларида қўлланувчи оптик толали нур ўтказгичлар 1.3÷1.55 мкм тўлқин узунликлар диапазонида ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу эса шаҳарлараро алоқа тармоқларида металл элементларисиз бўлган оптик толали алоқа кабеллари ёрдамида 80 ÷ 100 км узоқликдаги магистралларда қўллаб кўплаб, сифатли алоқа тизимини яратган

ҳолда кучли трафик оқимларни каттадан—катта тезликлардаги маълумотларни узатиш мумкин.

### Нур ўтказгичларнинг ўтказиш қобилияти ва дисперсия.


Оптик толали алоқа линиялардаги узатиш тизимлари ёрдамида маълумотларни сифатли равишда узатишда асосий параметрлардан бири маълумотларни ўтказиш қобилияти—  $\Delta F$  бўлиб, у линия трактининг кенглигини, нур ўтказгич бўйлаб ўтказиш қобилияти ва частота полосаси ҳамда узатилаётган маълумотлар ҳажмини оптик толали кабеллар бўйлаб узатилишни кўрсатади.

Оптик толали нур ўтказгичлар бўйича жуда ҳам кўплаб телефон каналларини каттадан—катта масофаларга узатиш мумкин, лекин бундай узатувлар бир қанча чекланишлардан ҳоли эмас. Булардан бири қуйидагидан иборат: линияга юборилган сигнал қабул қилувчи томонига ўзгарилган ва кенгайган ҳолда етиб борадиган бўлса узатилаётган сигнал қабул қилувчи томонига шунчалик равишда кенгайган ҳолда етиб боради (2.17—расм). Бундай ҳолат дисперсия деб юритилади ва у нур ўтказгич бўйлаб ҳаракатланувчи маълум бир частота бўйлаб ташкил этувчилардан ва ёруғлик нурунинг манба спектрининг турли тезликда ҳаракатланиши ҳисобига ҳосил бўлади.



2.17—расм. Дисперсия ҳисобига импульсларнинг кенгайиши.

Дисперсия -  $\tau$  деганда оптик кабел бўйлаб ҳаракатланувчи импульснинг кенгайиши тушунилади.



Дисперсия қиймати оптик кабелдаги нур ўтказгичлардан чиққан ва қабул қилгувчи томонга кирган импульсларнинг айирмаси квадрати орқали аниқланади:

$$\tau = \sqrt{t_{\text{чик}}^2 - t_{\text{кир}}^2} \quad (2.18)$$

Бу формуладаги  $t_{\text{чик}}$  ва  $t_{\text{кир}}$  — оптик кабелдан чикувчи ва оптик кабелга киритилувчи импульсларнинг ярим амплитуда сатхидаги вақти ёки импульс кенглиги. Оптик толали нур ўтказгичлар бўйлаб узатилаётган сигналнинг дисперсия қиймати ва частота полосаси орасида тахминан қуйидаги боғлиқлик мавжуд:

$$\Delta F = \frac{1}{\tau} \quad (2.19)$$

Агар  $\tau=20\text{нс/км}$  қийматда бўладиган бўлса, у холда маълумотларни узатиш учун  $\Delta F = 50\text{МГц км}$  бўлган полоса кенглиги талаб этилади.

Оптик кабелнинг ўтказиш қобилияти нур ўтказгичнинг хусусияти ва тола турига (бир модалли, градиент, поғонасимон) ҳамда нурлантирувчи (лазер, ёруғлик диоди) манба турига боғлиқдир. Дисперсия иккита ҳолатда рўй беради. Булар:

- нурлантирувчи манба когерент бўлмаганлиги- $(\Delta\lambda)$  ҳисобига;
- кўплаб модалар сони  $—(N)$  ҳисобига;

Нур ўтказгич толага киритиладиган сигналнинг нурлантирувчи манбасининг когерент булмаслиги  $\Delta\lambda$  -спектрини ҳосил бўлишига олиб келади ва ўз навбатида хроматик (частотавий) дисперсияни ҳосил қилади. Хроматик дисперсия ўз навбатида материал дисперсия ва тўлқинли (мода ичидаги) дисперсияга бўлинади.

Тўлқинли дисперсияда тарқалиш коэффициенти тўлқин узунлиги билан ўзаро боғлиқдир яъни  $\gamma = \psi_1(\lambda)$ .

Материал дисперсияда синиш кўрсаткичи  $—n$ , тўлқин узунлик— $\lambda$  билан боғлиқ, яъни  $n = \psi_2(\lambda)$ .

Модалли дисперсия нур ўтказгич ичида кўплаб тарқалувчи модалар сони ҳисобига ҳосил бўлиб, бу модалар ўзининг тезлиги билан харакатланади, у холда у қуйидагига боғлиқликка эга, яъни  $\nu = \psi_3(N)$ .

Бундай дисперсиялар турли холда турли турдаги тўлқин ўтказгичли нур ўтказгичларда пайдо бўлади. Поғонасимон турдаги нур ўтказгичлар кўп модалли узатувчилар қўлланилгани учун бу ерда модалли дисперсия ҳосил бўлиб унинг қиймати 20—50 Нс/км бўлади. Бир модалли поғонасимон нур ўтказгичларда эса модалли дисперсия рўй бермайди. Бундай нур ўтказгичларда тўлқинли ва материал дисперсия ҳосил бўлади ва уларнинг абсолют қийматлари бир—бирига тенг аммо кенг спектр диапозонида уларнинг фазаси қарама—қарши қутбли бўлади, шунинг ҳисобига тўлқинли ва материал дисперсия ўзаро компенсацияланади ҳамда натижавий дисперсия  $\lambda = 1.2 \div 1.7\text{мкм}$  тўлқин узунликда 3нс/км қийматидан ошмайди. Градиент нур ўтказгичларда турли хил модаларнинг тарқалиш вақти тенглашади ва натижада материал дисперсия асосий ролни ўйнайди ва

бундай дисперсия тўлқин узунлик ошган сари камайиб боради. Материл дисперсиянинг абсолют қиймати 3—5 нс/км ораликда бўлади.

Нур ўтказгичларнинг дисперсия тафсилотларини солиштирадиган бўлсак у ҳолда яхши хусусиятга бир модали нур ўтказгич тола тўғри келади. Бундай яхши хусусиятларга градиент нур ўтказгич толалар ҳам эга, чунки бундай турдаги нур ўтказгичларнинг синиш кўрсаткичи секин—асталик билан ўзгариб боради. Кўп модали нур ўтказгичларда эса дисперсия кескин равишда катта бўлиб боради.

Нур ўтказувчи тола бўйлаб  $\lambda$ — тўлқин узунликда ҳаракатланаётганда ёруғлик нур манбаини когерент бўлмаганлиги учун яъни материал дисперсия ҳисобига  $\tau$ — импульс кенгайиши қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\tau = \frac{\Delta\lambda}{\lambda} \cdot \frac{\lambda^2}{c} \cdot \frac{d^2n}{d\lambda^2} \cdot \ell \quad (2.20)$$

бу ерда:  $\frac{\Delta\lambda}{\lambda}$  — нурлантириш манбаининг нисбий спектр кенглиги;

$c$ — нур ўтказгич тола узунлиги;

$\frac{\lambda^2}{c} \cdot \frac{d^2n}{d\lambda^2}$  — материал дисперсия.

$\ell$ — ёруғлик тезлиги.

Келтирилган формуладан шуни куриш мумкинки, материал дисперсия тўлқин узунликдан ва синиш кўрсаткичи ҳамда частота билан чамбарчас боғлиқдир.

Модали дисперсия ҳисобига импульсларнинг кенгайиш қиймати узатилаётган сигналнинг вақт бўйича усиши ва 1 узунликдаги нур ўтказгичнинг бошидан юборилган сигналнинг энг катта ва энг кичик вақт оралиғининг айирмаси орқали аниқланиб, у қуйидагича аниқланади:

- поғонасимон нур ўтказгич толалар учун:

$$\tau = \frac{n_1 \Delta \ell}{c} = \frac{(NA)^2}{2n_1 c} \cdot \ell \quad (2.21)$$

- радиент нур ўтказгич толалар учун эса:

$$\tau = \frac{n_1 \Delta^2 \ell}{2c} = \frac{(NA)^2}{8n_1^3 c} \cdot \ell \quad (2.22)$$

бу ерда:  $NA$ — сонли апертура;  $NA = \sqrt{n_1^2 - n_2^2}$  ;

$$\Delta = \frac{(n_1 - n_2)}{n_1}$$

$n_1$ — нур ўтказгич тола узагининг синиш кўрсаткичи;

$n_2$ — нур ўтказгич тола қобиғининг синиш кўрсаткичи;

$\ell$ — нур ўтказиш тола узунлиги;

$c$ — ёруғлик тезлиги;

$\Delta$ — ўзак ва қобик синиш кўрсаткичларининг нисбий фарқи,

$$\Delta = \frac{(n_1 - n_2)}{n_1} .$$

Демак градиент нур ўтказгич толанинг ўтказиш қобилияти бир хил синиш кўрсаткичларининг нисбий фарқи бўлган поғонасимон нур ўтказгич толасидан  $2/\Delta$  марта юқоридир. Агар техник тавсилот бўйича ўзак ва қобик синиш кўрсаткичларининг нисбий фарқи қиймати  $\Delta \approx 1\%$  эътиборга олсак, у холда икки хил қурилишдаги нур ўтказгич толаларнинг ўтказиш полоса қобилияти қийматининг фарқи тахминан икки ва ундан кўп маротаба қийматда фарқ қилади.

Бугунги кунда тармоқларда қўлланувчи оптик толали кабелларнинг ўтказиш қобилиятини частотага боғлиқлиги жуда ҳам кенг оралиқларда бўлиб, у 30 МГц-км дан 1000 МГц км ва ундан ортиқ қийматни ташкил этади. Турли хил турдаги нур ўтказгичлардан иборат бўлган кабеллар учун унинг қиймати турли хил. Градиент нур ўтказгичлар учун лазерли ёруғлик манбаи қўлланадиган бўлса, у холда унинг ўтказиш қобилияти 100÷2500 МГц км қийматда бўлади, кўп модали поғонасимон нур ўтказгичлардан иборат бўлган оптик толали кабелларда эса унинг ўтказиш қобилияти миқдори бирмунча қисқариб 30 МГц-км қийматга етиб боради. Энг юқори ўтказиш қобилиятига эга бўлган бир модали нур ўтказгичларнинг ўтказиш қобилияти эса 0.5 ÷ 1.0 ГГц км ва ундан ортиқ бўлган қийматгача боради.

Юқорида кўриб чиқилган дисперсия ҳолати оптик кабелларнинг ўтказиш қобилиятини қисқаришга ва у ўз навбатида кабеллар бўйлаб маълумотларни узатиш масофасини қисқаришига олиб келади. Линия узунлиги қанчалик узун бўладиган бўлса, шунчалик кўп равишда дисперсия ҳолати руй беради ва у ўз навбатида импулсларни шунчалик равишда кенгайишига олиб келади. Демак частота полосаси  $-\Delta F$  ва маълумотларни узатиш масофаси  $-\ell$  параметрлари бир—бирилари билан ўзаро чамбарчас боғлиқдир.

Бу параметрлар оралиғидаги боғлиқлик қуйидаги формулада келтирилган:

$$\Delta F / \Delta F_x = \sqrt{\ell_x \cdot \ell} \quad (2.23)$$

бу ерда:  $\Delta F$ — берилган частота полосаси;

$\ell$ — берилган узатиш масофаси;

$\Delta F_x$ —  $x$  - масофадаги частота кенглиги;

$\ell_x$ — $x$ — масофадаги узунлик.

у холда:  $\Delta F / \Delta F_x = \sqrt{\ell_x \cdot \ell}$  ёки  $\ell_x = \ell (\Delta F / \Delta F_x)^2$  бўлади. (2.24)

Келтирилган формуладаги  $\Delta F_x$  ва  $\ell_x$  қийматларини аниқлаш учун қуйидаги мисолда кўриш мумкин. Бугунги кунда кабел ишлаб чиқарувчи корхоналар  $\ell=1$ км бўлган қурилиш узунлиқдаги ва ўтказиш қобилияти  $\Delta F=50$ МГц км кабеллар ишлаб чиқармоқда. У холда маълумотлар узатиш масофаси

$\ell_x=25\text{км}$  узунлик бўладиган бўлса, ўтказиш қобилияти қисқариб қуйидаги қийматга етади:

$$\Delta F_x = 50\sqrt{1/25} = 10\text{МГц} \quad (2.25)$$

Узунлиги қисқа бўлган линияларда, мисол учун  $\ell = 5\text{км}$  масофа узунлигигача борадиган бўлса, у ҳолда  $\Delta F / \Delta F_x = \ell_x / \ell$  ифодадаги  $\Delta F$  ва  $\ell$  қийматлари линиявий қонунга тўғри келади Шундай қилиб оптик кабеллар бўйлаб узатиш масофаси ва маълумотларни ўтказиш қобилияти фақатгина дисперсия билан боғланган бўлмасдан, нур ўтказгичнинг сўниши билан ҳам боғлиқдир.

Кўп модалли поғонасимон нур ўтказгичларда асосий факторни дисперсия бажарса, градиент ва бир модалли толалардан иборат бўлган нур ўтказгичлар яхши дисперсия тақсимотларга эга бўлса, маълумотларни узатиш масофаси трактда қўлланувчи нур ўтказгичнинг сўниши билан тафсифланади.

## 2.7. Оптик тола узатиш тафсилотлари

**Сўниш ва дисперсия** – оптик толанинг иккита асосий параметри бўлиб, асосан толали технологияни ривожланишига йўл очиб бермоқда.

### Оптик толанинг сўниши

Оптик толанинг сўниш қиймати ёки унинг йўқотувчанлиги тола бўйлаб нурлантиришнинг интенсивлигини камайишини кўрсатади.

-тўлқин узунликда 1 ва 2-толаларнинг кўндаланг юзаларида L- узунлик масофасидаги сўниш  $-A(\lambda)$  қуйидагича аниқланади :

$$A(\lambda) = -10 \log \frac{P_2(\lambda)}{P_1(\lambda)}, \text{дБ} \quad (2.26)$$

бу ерда:  $P_1(\lambda)$  -1-кўндаланг юзанинг кириш қисмидаги импульс интенсивлиги;

$P_2(\lambda)$  -2-кўндаланг кесим юзасининг чиқиш қисмидаги импульс интенсивлиги.


Сўниш коэффициенти  $-\alpha(\lambda)$ , ёки маълум бир узунликда бўлган сўниш, у тола узунлигига боғлиқ бўлмайди ва қуйидагича аниқланади:

$$\alpha(\lambda) = \frac{A(\lambda)}{L}, \text{дБ/км} \quad (2.27)$$

Кварцдан тайёрланган оптик толанинг оптик йўқотувчанлиги-а, асосан учта факторлар асосида аниқланади (2.10-расм).

- материал ичига кетиш ҳисобига бўладиган ютилиш  $\alpha$  ютил;
- Рэлеев сочилиши  $-\alpha$  соч;
- Нурланиш ҳисобига йўқотувчанлик  $-\alpha$  нур. Унда умумий ҳолда тўлиқ равишда оптик йўқотувчанлик қуйидагича аниқланади:

$$\alpha = \alpha_{\text{ютил}} + \alpha_{\text{соч}} + \alpha_{\text{нур}} \dots \quad (2.28)$$



2.18. – расм. Бир модали кварцли оптик толанинг оптик йўқотувчанлиги ва уни ташкил этувчи механизмларнинг спектрал боғлиқлиги; 1 – 0,95; 1,25 ва 1,38 мкм қийматдаги тўлқин узунликларда кварцдан тайёрланган бир модали толалардаги гидроксил чўққилар ҳисобига спектрал ютилиш; 2 – ултра бинафша спектридаги шахсий ютилиш; 3 – инфра қизил спектрадаги шахсий ютилиш; 4 – рэлеев нурланиши; 5 – тўлқин ўтказгичларни бошқариб бўлмагани ҳисобига ҳосил бўлувчи нурнинг йўқотувчанлиги.

**Ютилиш ҳисобига бўладиган йўқотувчанлик.** Кварц шишадан тайёрланган оптик толанинг шахсий оптик йўқотувчанликдан ва турли аралашмаларга нурланиш ҳисобига ҳосил бўлувчи ютилишнинг қўшимча йўқотувчанликдан ташкил топади.

**Шахсий оптик йўқотувчанлик** ультрабинафша ва инфрақизил областга яқин бўлган спектрнинг чегараларидаги полосасида ҳосил бўлувчи асосий фундаментал ютилиш ҳисобига ҳосил бўлади. Биринчи полоса Si-O-химиявий алоқа табиатига боғлиқ бўлса, узун тўлқинли ютилиш чегараси эса Si-O<sub>2</sub>- шахсий тебраниш алоқаси ва унинг обертони билан боғлиқдир. 1550 нм ишчи тўлқин узунлигида узун тўлқинли чегара ютилиши унчалик таъсир кўрсатмайди, чунки кварцли оптик толанинг йўқотувчанлиги бу областда кичик бўлишини таъминлайди 1600 нм дан катта бўлган тўлқин узунликларда эса инфрақизил ютилиши ҳисобига бўладиган йўқотувчанлик асосий ролни ўйнайди.

**Кўшимча йўқотувчанлик** ютилиш кўшимча ютувчи аралашмалар ҳисобига ҳосил бўлади.  $OH^-$  гидроксил ионлар кўплаб равишда таъсир кўрсатади. Кварц шиша ичидаги  $OH^-$  гидроксил ионлари ҳисобига ҳосил бўлувчи йўқотувчанликни ютилиш полосаси 1383 нм тўлқин узунлигига тўғри келади, чунки  $OH^-$  ионлардаги ютилиш полосаси асосан 2.73 мкмдан обертонларни комбинациясидан ва кварц шишани кремний кислород панжарасининг тебранишидан ҳосил бўлади. Кварц шишали оптик толанинг бундай ишчи спектри полосасидаги ютилиш гидроксил чўққи деб номланади.


**Рэлеев сочилиши.** Кварц шишада шахсий оптик йўқотувчанлиги ҳисобига ҳосил бўлади, бу эса фундаментал механизм асосидаги – флуктуация зичлигига кириб бориб ёйилиш ҳисобига ҳосил бўлади.

Рэлеев сочилиши ҳисобига ҳосил бўлувчи оптик йўқотувчанлик киймати тўлқин узунлики  $A/\lambda^4$  қонуни бўйича ўсиши билан камайиб боради ва у ўз навбатида 1550 нм тўлқин узунлиқда асосий ўринни эгалайди, чунки бу ерда кварцдан тайёрланган толада йўқотувчанлик минимал кийматга эга.

Нурланиш ҳисобига ҳосил бўлувчи йўқотувчанлик тўлқин ўтказгичларни регуляр ҳолатда бўлмаганлиги ҳисобига ҳосил бўлади, бундай ҳолат айниқса, оптик толаларни макро ва микро эгилишлари ҳисобига ҳамда оптик толаларнинг геометрик тартибсизлиги 1 мкмдан кам бўлган оралиқда рўй беради, чунки узатилаётган мода энергияси тарқалиб кетиш модасига ўтиш ҳолатида бўлади. Оптик толанинг макро ва микро эгилишлари ёйилишлари ҳисобига ҳосил бўлувчи йўқотувчанлик оптик толаларни тўғри чизиқлик ҳолатидаги ҳар қандай ўзгариш ҳолати рўй беришдан ва бир қанча миқдордаги ёйилиб кетилувчиларни тола қобиғига чиқиб кетиши ҳисобига ҳосил бўлувчи йўқотувчанликдан ҳосил бўлади.

**Макро эгилишлар** ҳисобига ҳосил бўлувчи нурланишнинг йўқотувчанлиги оптик толанинг эгилиш радиуси тола қобик диаметридан бир неча маротаба катта бўлганда ҳосил бўлади (2.19-расм). Бундай ҳолатда “ўзак қобик” бўлиниш чегарасига тушувчи ёруғлик нурининг тушиш бурчаги эгилиш жойида учбурчаги тўлиқ ички қайтиш критик бурчагидан кичик бўлади ( $y_2 < y_{кр} < y_1$ ) ва ёруғлик нури тола ўзагидан ташқарига чиқиб кетади ва бу эса оптик йўқотувчанликнинг ошишига олиб келади.

**Микро эгилишлар** оптик толанинг номинал равишда ўқ бўйича жойлашган ҳолатидан тасодифий ҳолатда ўзгариши билан 3 мкмдан кам бўлган ва унинг ўзгариш даври 1 мкмдан кам бўлган ҳолатда рўй беради (2.19-б расм). Микроэгилишларнинг ҳосил бўлиш ҳолати оптик толаларнинг чўзилиши ва эзилиши каби деформацияларда тола жойлашган муҳит харакатини ўзгариши, кабел тайёрланиш жараёнида қобик қопланишида ва толаларнинг ўрами ҳосил қилиш ҳисобига ҳосил бўлади




2.19. – расм. Оптик толаларда нурланиш ҳисобига ҳосил бўлувчи йўқотувчанлик:

а) – кўп модали толадаги макро эгилишлар; б) микро эгилишлар:

1 – оптик толанинг ўзаги; 2 – оптик толанинг қобиғи; 3 – оптик тола; 4 – мухофозаловчи полимер қоплам; бу ерда а – ўзак диаметри; б – қобик диаметри; R – эгилиш радиуси;  $\varphi_{кр}$  – критик бурчак.

**Тўлқин узунлиқнинг ишчи диапозони.** Хозирги замон алоқа линияларида узатув муҳити вазифасини кварцдан тайёрланган оптик тола қўлланмоқда. Бундай оптик толаларда нурланишларнинг бир неча ишчи тўлқин узунлиқлар диапозони (шаффофлик ойнаси) қўлланмоқда. Кварц оптик толанинг сўниш бўйича спектрал эгри чизиғи 2.20-расмда келтирилган.



2.20. – расм. Кварцли оптик толанинг шаффофлик ойнаси ва спектрал йўқотувчанлик:

1 – биринчи ойна; 2 – иккинчи ойна; 3 – учинчи ойна; 4 – тўртинчи ойна; 5 – бешинчи ойна;

Алоқа линияларида биринчи маротаба кўп модали толалар қўлланиб, улар 850 мкм тўлқин узунлигига яқин бўлган биринчи шаффофлик ойнасида ишлатилган, чунки бу диапозонда лазерли нурлантирувчи манбалар ва қабул қилгичлар қўлланган. Биринчи шаффофлик ойнасида ишлатиладиган кўп модали толалар фақатгина локал ва бино ичи тармоқларида қўлланмоқда.

Магистрал минтақавий ва маҳаллий алоқа тармоқ линияларининг регенерация участка узунлиги 30...70 км бўлганлиги учун улар 1285...1330 нм бўлган тўлқин узунликлар диапазолида яъни иккинчи шаффофлик ойнасида ишлайди ва бу диапазонда хроматик дисперсия қиймати минимал қийматда бўлади.


Келажакда юқори тезликдаги алоқа тармоқларини яратиш мақсадида 1530...1565 нм тўлқин узунлигига эга бўлган узун тўлқинлараро диапазон забт этилди ва учинчи шаффофлик ойнаси яратилди. Бу билан бир вақтнинг ўзида 1565...1625 нм тўлқин узунлиги диапазолида тўртинчи шаффофлик ойнаси очилиб, унда ҳамма турдаги ҳозирги кварцдан тайёрланган оптик толалар 0,18...0,20 дБ/км бўлган сўниш коэффициентига эга. Булар учун эрбий билан логирлаштирилган толалар асосида оптик кучайтиргичлар ишлатилмоқда.




2.18-расм. Оптик толада рэлеев сочилиши



2.21-расм. Оптик толада кутбланган мода дисперсияси(а) ва уларнинг пайдо бўлишига сабаблар(б)





2.22-расм.Оптик толанинг геометрик параметларининг толани бир-бири билан улаш сифатига боғлиқлиги

Охирги йилларда оптик тола тайёрлашнинг янги технологияси асосида толанинг ишлаш ўзагида OH<sup>-</sup> гидроксил ионларини мутлақо камлигидир. Шундай қилиб узатув учун 1380...1530 нм тўлқин узунлик диспернига эга бўлган бешинчи шаффофлик ойнаси очилди ва бу билан стандарт оптик толага нисбатан тўлқин узунлиги 100 нмга яқин бўлган ишчи диапозони кенгайтирилди. Бу эса оптик толанинг сўниш коэффициентини бешинчи шаффофлик ойнасида иккинчи шаффофлик ойнасидаги сўниш коэффициентидан бир мунча кам.

Оптик толанинг сўниш сифатини баҳолашда бир қанча тавсилот комплекслари олиб борилади, булар одатда толанинг махсус таснифида кўрсатилади:

- 850, 1310 ва 1550 нм бўлган таянч тўлқин узунликлардаги сўниш коэффициенти;
- Таянч тўлқин узунликларидаги сўниш коэффициентини ишчи тўлқин узунликлар интервалидаги сўниш коэффициентига нисбатан ўсишга: 1285 ... 1330 нм (1310 нм);

1530 ... 1565 нм (1550 нм);

1530 ... 1625 нм (1550 нм);

-  $1383 \pm 3$  нм тўлқин узунлигидаги гидроксил чўққидаги сўниш коэффициентлари;

- тўлқин узунлиги бўйича сўнишни бир жинсли (узлуксиз) бўлмаслиги;

- битта ўрам қилиб ўралган ва тола диаметри 32 мм тола диаметри 75 мм қилиб ўралган.

Айланма қилиб ўралиш ҳисобига ҳосил бўлувчи макро эгилишларнинг йўқотувчанлиги.

**Чегаравий (отсечка) узунлик.** Энг кичик узунликдаги тўлқин тушунилиб, унда нурлантириш ҳисобига тарқалишнинг бир модал режимдаги тола эътиборга олинди. Чегаравий тўлқин узунлик толанинг чўзилишига, толанинг эгилиш радиусига толанинг эзилишига боғлиқ. Шунинг учун “бўш ҳолдаги толанинг” кесиш тўлқин узунлиги -  $\lambda_T$  оптик кабелнинг кесиш тўлқин узунлигидан -  $\lambda_K$  кам. Бу параметрнинг афзаллиги шундаки, агар оптик кабелнинг чегаравий тўлқин узунлик қиймати алоқа линияда қўлланувчи тўлқин узунлик қийматидан катта бўлса у ҳолда оптик кабел бўйича бир модал режимда оптик манба ёрдамида нурлантириб узатув бўлмайди. Шунинг учун, одатда оптик толанинг тавсифида кабелдаги тола учун  $\lambda_{KK}$  - бу параметр кўрсатилади.

**Модал майдон диаметри.** Бу параметр бир модал тола асосий тавсилотларига таалукли бўлиб оптик толанинг кундаланг юза диаметри билан тавсияланиб, бунда асосан нурлантириб ҳарактлантирувчи қувватнинг асосий қисмини тола ичига жамланиб киритишидир.

Модал майдон диаметрининг сонли қиймати тола ўзак диаметр қийматига яқин бўлиб толанинг ўзак диаметрига тенг бўлмайди. Одатда, оптик толанинг тавсифида тола модал майдон диаметрининг концентриклик хатолиги кўрсатилади. Тола модал майдон диаметрининг думалоқ бўлмаслиги ўлчанмайди.


## Оптик толанинг дисперсияси

Алоқа линияларида оптик толаларни қўллаш нуқтаи назаридан оладиган бўлса толаларнинг иккинчи асосий тавсилотларидан дисперсия ҳисобланади.

**Дисперсия – спектрал муҳитда узатилаётган импульсни қабул қилгич томонда вақт бўйича ёки оптик импульснинг модал тарқалган эътиборини ёйилиб кетиши, бу эса бутун узунликдаги оптик тола бўйлаб ҳаракатланувчи унинг кенглиги даврини ошишга олиб келади.**

Дисперсия ҳолати рақамли сигналдаги тўғри бурчакли импульслар кетма-кетлиги маълум бир узунликдаги оптик тола бўйлаб ҳаракатланишида импульслар кенгайиб боради натижада иккита қўшни импульсларни бири-биридан ажратиш бўлмайди ва охир оқибатда сигналлар узатувида хатоликлар рўй беради.

## ОПТИК ТОЛАНИНГ ДИСПЕРСИЯСИ



2.23-расм.Оптик толанинг дисперсияси

Шундай қилиб, дисперсия оптик тола бўйлаб узатилаётган ўтказиш қобиляти ёки полоса кенглигини чеклайдиган асосий факторлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Оптик толанинг учта дисперсия механизми мавжуд:


- модалараро дисперсияси;
- хроматик дисперсияси;
- поляризацияли – мода дисперсияси.

Кенгайтирилган ҳар бир механизмнинг ҳар бир нисбий таъсири оптик толанинг кўп модалли ёки бир модалли турига ва нурлантирувчи лазер ва ёки ёруғлик нурини нурлантирувчи диод турига боғлиқ.

**Модалараро дисперсия.** Толада тарқалувчи турли тезликдаги модалар билан боғлиқ бўлиб, кўп қўллаш ҳисобига рўй беради. Модалараро дисперсия қиймати оптик толанинг синиш кўрсаткичи профили асосида аниқланади. агар толанинг ишчи тўлқин узунлиги толанинг ҳолдагина яъни оптик толанинг ишчи режани бир модалли бўлишдан чиққан ҳолдагина бир модалли толаларда модалараро дисперсия ҳолати рўй беради.


**Хроматик дисперсия.** Тола бўйлаб характерланувчи тўлқин узунликларнинг тарқалиш тезлигини нурлантирувчи манбанинг спектр ташкил этувчиларини турли бўлиши ҳисобига ҳосил бўлади ва у ўз навбатида импульсли кенгайишига олиб келади.

## Хроматик дисперсия




2.24-расм.Оптик толанинг хроматик дисперсияси

## Хроматик дисперсия



2.25-расм.Оптик толанинг хроматик дисперсияси

## Дисперсияси силжитилган тола



2.26-расм. Дисперсияси силжитилган тола

Хроматик дисперсия қийматини -  $D(\lambda)$  асосан иккита ташкил этувчилардан иборат:

$$D(\lambda) = M_m(\lambda) + M_T(\lambda) \quad (2.12)$$

бу ерда:  $M_m(\lambda)$  - материал дисперсия;  $M_T(\lambda)$  - тўлқин ўтказгич дисперсия.

**Материал дисперсия** – массивга шиша орқали тарқалиш ҳисобига импульсни кенгайтириши кўринишида бўлиб ва у оптик толаннинг шишани ўзак синиш кўрсаткични тола бўйлаб ҳаракатланувчи тўлқин узунлигига боғлиқдир.

**Тўлқин ўтказгичли дисперсия** толаннинг йўналтирувчи хусусияти билан боғлиқ ва у моданинг гуруҳ тезлигини нурлантирувчи тўлқин узунлиги билан боғлиқдир. Бу боғлиқликнинг даражаси толаннинг тўлқин ўтказгич хусусияти бўлмиш тола ўзагининг профилининг формаси ҳамда нурлантирувчи манбанинг спектр кенглиги орқали аниқланади.


Дисперсияси силжитилмаган толаннинг хроматик дисперсиясини -  $D(\lambda)$   $\lambda$  - тўлқин узунликда ҳисоблаш учун Селмейр тенгламасидан фойдаланилади:

$$D(\lambda) \approx \frac{S_0}{4} \lambda \left[ 1 - \left( \frac{\lambda_0}{\lambda} \right)^4 \right] = \frac{S_0}{4} \left[ \lambda - \frac{\lambda_0^4}{\lambda^3} \right], \text{ пс/нм} \cdot \text{км} \quad (2.13)$$

Бу ерда:  $\lambda_0$  - дисперсияси нол бўлган тўлқин узунлик, нм;  $S_0$ -дисперсия эгилиш чизигининг эгилиши,  $\text{пс}/\text{нм}^2 \cdot \text{км}$ .

Дисперсияси силжитилмаган–стандартлаштирилган(ХЭИ-Т. G.652 тавсифи), дисперсияси силжитилган (ХЭИ-Т. G.653 тавсифи) ва дисперсияси силжитилиб нол бўлмаган (ХЭИ-Т. G.655 тавсифи) турли турдаги бир модали толаларнинг материал ва тўлқин ўтказгич дисперсиянинг эгри чизиқлари Хамма турдаги оптик толаларнинг материал дисперсияси бир хил бўлади ва 1290 нм тўлқин узунлик қийматидан катта бўлган миқдорда мусбат белгига эга. Тўлқин ўтказгичли дисперсия манфий белгига эга. Стандарт бир модали толада унинг қиймати бир мунча миқдорга эга, материал дисперсия билан биргаликда 1310 нм тўлқин узунликда стандартлаштирилган толанинг хроматик дисперсия миқдори нол қийматини берди.

Оптик толанинг синиш кўрсаткич профил структурасини ўзгартирган ҳолда яъни толанинг тўлқин ўтказгич дисперсия қийматини ўзгартирган ҳолда материал ва тўлқин ўтказгич дисперсияси орасидаги қийматини ўзгартириш мумкин (соотношение) ва шундай ҳолатда натижавий хроматик дисперсия қийматини ҳам ўзгартириш мумкин. 2.25-расмда келтирилган.



2.27. – расм. Бир модали толаларнинг материал ва тўлқинли дисперсиясининг эгри чизиқларининг турлари : 1 – материал дисперсия; 2 – дисперсияси силжитилмаган бир модали толанинг тўлқинли дисперсияси; 3 – дисперсияси силжитилиб нол бўлмаган бир модали толанинг тўлқинли дисперсияси.

Бу принцип асосида силжитилган оптик тола технологияси асосида (ХЭИ–Т . G.653 тавсифи) ва дисперсияси силжитилиб нол бўлмаган (ХЭИ–Т . G.655 тавсифи) тола олиш мумкин. Бундай турдаги толалар 1530...1625 мкм тўқин узунликлар диапазонининг учинчи ва тўртинчи шавфофлик ойнасида ишлаш учун оптимизацияланган бўлиб. Унда 1550 нм тўлқин узунлигида минимал қийматдаги йўқотувчанлик сўнишига ва шу тўлқин узунлик диапазонида кичик қийматдаги дисперсияга эришиш мумкин.


Оптик толанинг хроматик дисперсияси қиймати махсус тавсифга (спецификацияга) эга бўлиши қўйидаги параметрлар билан тавсияланади:

- дисперсия қиймати нол бўлган тўлқин узунлик  $\lambda_0$  нм;
- 1285...1330 нм ва 1530...1565нм ишчи тўлқин узунликлар диапазонида максимал дисперсияси қийматида бўлиши, пс/нмхкм

**Қутбли мода дисперсияси.** Бундай дисперсия иккита ортогонал модалар орасида дифференциал гуруҳ вақти билан ушланиб қолиш вақти билан характерланади бу эса импульсларни кенгайишига олиб келади, поляризацияли мода дисперсиясини найда бўлиш сабаби асосан кўндаланг кесим юзасини асимметриясини унчалик катта бўлмаслиги ҳисобига ҳосил бўлиб у ҳар доим реал ҳолатдаги оптик толаларда ўз ўрнига эга. Бундан ташқари бундай дисперсия оптик толаларга тушувчи турли кучланишлар ҳисобига ҳосил бўлади. Поляризацияли мода дисперсия қиймати иккита фактор комбинациясидан иборат:

- иккита нурни синиши ҳисобига линиявий;
- модаларни ўзаро таъсири ҳисобига.

Оптик толаларда поляризацияни мода дисперсиясини пайда бўлиши ички ва ташқи кўринишдан механизм ҳисобига бўлади.



2.28-расм.Қутбланган мода дисперсияси

Ички механизм деганда оптик толанинг ўзак ва қобиғини думалок бўлмаслиги, муҳофазаловчи қопламни концентрик бўлмаганлиги, тола ўзагини тола қобиғига нисбатан концентрик бўлмаганлиги, муҳофазаловчи қопламни эллиптиклиги учун, толага нисбатан муҳофазаловчи қопламни концентрик бўлмаганлиги, оптик тола учун қўлланган шиша ичидаги ички кучланганлик ҳисобига ҳосил бўлади. Поляризацияли мода дисперсиясини ташқи механизми оптик толага таъсир кўрсатувчи турли кучлар билан

боғлиқдир. Бу кучлар радиал равишда сиқувчи кучлананлик, оптик толаларни эгиш чоғидаги сиқилиш ва чўзилиш кучланганлиги, ва оптик толаларни бураш жарёнидаги кўзғалиш кучланганлиги.

Оптик толанинг асимметрия тафсилоти бутун узунликдаги ва вақт бўйича тасодифий тақсимланишлардан иборат бўлиб, у ўз навбатида қутбли мода дисперсия ҳолатининг табиатан статистик бўлишидир. Алоқа линиясининг битта учаскасидаги қутбли мода дисперсия қиймати тасодифий ҳолатда қўшилиши ёки айрилиши мумкин, бу эса оптик толанинг узунлиги қутбли мода дисперсия қиймати квадратли боғлиқликка эга. Қутбли мода дисперсиясининг асосий сабабаларидан бири бу қиймат ўзгармас ҳолда бўлиб, у кабеллаштириш жараён технологиясига боғлиқдир, чунки кабеллаштириш жараёнида кабелга кабелни ётқизиш ва уни монтаж қилиш пайтидаги турли хил сиқилишлар, буралиб кетишлар, эгилишлар каби турли хил таъсирлар кўрсатади.

Одатда махсус тавсифларда иккита параметр келтирилади, улар поляризацияли мода дисперсияси қийматидаги ҳар бир толанинг поляризацияли мода коэффициент қиймати ҳамда катта масофадаги линиянинг поляризацияли мода дисперсиясини коэффициент қиймати. Қутбли мода дисперсияси  $nc/(км)^{1/2}$  бўлган ўлчов бирлигида ўлчанади. Қутбли мода дисперсиясини коэффициент қийматини ўлчашда 1310 нм ва 1550 нм тўлқин узунликлари  $\delta$  учун бир хил қийматга эга.

Бир қанча толаларни бир – бири билан уланиш ҳисобига ҳосил бўлган каттадан – катта линиянинг поляризацияли мода дисперсияси коэффициентлари квадрат илдиз остидаги ҳар бир тола учун поляризацияли мода дисперсия коэффициентларини математик кўришли квадрати орқали аниқланади.

Алоқа линиясининг биринчи авлодларида қутбли мода дисперсия эффекти эътиборга олинмаган. Аммо алоқа линияларини каттадан – катта узунликда бўлиши ва оптик кучайтиргичларни тадбиқ этилиш ҳисобига қутбли мода дисперсия эффекти маълумотларни узатув масофасига ва узатиш тезликлар каби параметрларга таъсир кўрсата бошлади. Бунда айниқса ҳамма сатхлардаги ўтказиш полосаси кенглигига қўйиладиган талаблар айниқса магистрал тармоқлардан бошлаб имконият тармоқларигача бўлган ҳамма тармоқларда ҳосил бўлувчи поляризацияли мода дисперсиясига қаттиқ талаблар қўйилмоқда ва бу параметр алоқа линияларини қурилишида ва уларга техник хизмат кўрсатиш жарёнида қаттиқ назоратга олинмоқда.

## 2.8. Ночизикли тафсилотлар.

Одатда ночизикли оптик эффектлар узатилувчи оптик толали муҳитда электромагнит нурлантиришнинг ёриғмас тўлқинлари ўзаро таъсири ҳисобига ҳосил бўлади.

Бундай эффектлар катта узунликдаги линияларда ва юқори интенсивликка эга бўлган ёруғлик сигнал шароитида ҳосил бўла бошлайди, чунки ночизикли ўзаро таъсирлараро бутун узунликдаги регенерация

участкасида йиғиб боради. Ёруғлик сигналини ва оптик толанинг кварцдан иборат бўлган муҳитидаги таъсири бир қанча ночизикли эффектларни келиб чиқишига сабаб бўлади, улар ўз навбатида иккита категорияга бўлинади:


**Ўйилиб кетиш эффекти:**

- мажбуран ҳосил бўлувчи бриллюэн ўйилиши;
- мажбуран ҳосил бўлувчи раманов ўйилиши.

*Керр эффекти табиатида эга бўлган эффектлар*, яъни муҳит синиш кўрсаткичини узатув нурланиш интенсивлиги ҳисобига ўзгариши:

- фазоларнинг ўз-ўзига модуляцияси;
- фазоларнинг ўз-ўзига модуляцияси;
- тўрт тўлқинли силжиш.

Сигнал қувватини ошиши ҳисобига биринчи бўлиб тўрт тўлқинли эффект ҳолати пайдо бўлади. бу ҳолат иккита қўшни спектрал каналлар энергиясини ночизикли ўзаро таъсири натижасида иккита паразит каналларга ўтиб боради (2.27 - расм).



2.29. – расм. Бир модал толада тўртта тўлқинларни аралашувининг дисперсияга таъсири:

- а) 25 кмли  $\lambda_0=1546,55$  нм тўлқин узунликда  $D = \text{Опс/нм} \times \text{км}$  – дисперсияси силжитилган бир модал тола: б) 50 кмли True Wave русумдаги бир модал тола  $\lambda_0=1546,55$  нм да  $D = 25 \text{ пс/нм} \times \text{км}$  қийматда дисперсияси силжитилиб нол бўлмаган бир модал тола.

Бунинг ҳисобига янги каналлар ишчи каналлар устига жойлашиб ҳалақитлар ҳосил қилади. Бундай эффектнинг таъсири жуда ҳам юқори бўлади, чунки дисперсияси нол бўлган тўлқин узунлик ишчи тўлқин узунлик диапозонида жойлашгандир. Бу ҳолат дисперсияси силжитилиб нол бўлмаган G. 653 туридаги тола яққол сезилади.

Ночизикли эффектлар айникса, юқори тезликдаги узатув воситаларида муаммолар яратадаи, чунки уларда эрбийли оптик кучайтиргичлар қўлланилиши ҳисобига бўлиб, унда оптик толага юқори қувватли сигнал киритилади, спектрал зичлаштириш техникасини қўлланилиши ва улар жуда ҳам катта узунликка эгадирлар.

Оптик толалар бир қанча ночизикли тавсилотларга эга, булар ичидан бугунги кунга қадар ўрганилган икки турини кўриб чиқамиз [2.7].

**Эффектив майдон юзаси** –  $A_{эфф}$ . Бу параметр оптик тола кўндаланг юзадаги фазовий областни характерлайди, чунки бу ерда ночизикли ўзаро таъсирлар рўй боради. Дисперсияси силжитилмаган (G.652 ва G.654 турлари) толанинг поғонасимон синиш кўрсаткичли оптик толанинг эффектив юз –  $A_{эфф}$  ҳисоби учун толанинг юзасида фундаментал мода функциясини интеграллаштирилган тақсимланиш учун гаусс апроксимациясидан фойдаланган ҳолда бу ифода қуйидаги кўринишига эга:

$$A_{эфф} = \pi\omega^2 \quad (2.14)$$

бу ерда:  $\omega$  - мода майдонининг радиуси.

Чегаравий тўлқин узунликка нисбатан катта тўлқинлар учун дисперсияси силжитилган ва дисперсияси силжитилиб нол бўлмаган G.653 ва G.654 туридаги толалар учун бир мунча умумлаштирилган эмпирик формула кўлланиб, унга кўшимча равишда тўғриловчи коэффициент – корректирловчи  $k$  фактори киритилади:

$$A_{эфф} = K \cdot \pi \cdot \omega^2 \quad (2.15)$$

Шундай қилиб, маълум бир турдаги толанинг эффектив кесим юзасини маълум бир тўлқин узунлик учун аниқ равишда аниқлаш учун мода майдони ва мода майдони диаметрини  $A_{эфф}$ га нисбати кўринишидаги корректирловчи факторни билмоқ зарур.

Умумий ҳолатда корректирловчи  $K$  фактори тўлқин узунликка, толанинг синиш кўрсаткич профили каби конструкциясига боғлиқ. Турли синиш кўрсаткич профилига эга бўлган бир неча турдаги толалар учун корректирловчи фактор қиймати 2.12-жадвалда келтирилган.

Корректирловчи K- фактор қиймати		2.12. – жадвал	
Тола тури (ХЭИ – Т тавсифи)	1310 нм	1550 нм	
	Тўлқин узунликлар учун тўлдирувчи фактор		
G.652	0,970... 0,980	0,955...0,965	
G.654	–	0,975...0,985	
G.653	0,940...0,950	0,945...0,960	

Агар 1520...1560 нм бўлган бир мунча кичик диапазондаги тўлқин узунлигидаги дисперсияси силжитилмаган ва дисперсияси силжитилиб нол бўлмаган G.653 ва G.655 туридаги толалар учун корректирловчи фактор ҳеч қачон тўлқин узунлигига боғлиқ бўлмайди.

**Ночизикли коэффициент.** Жуда ҳам катта интенсивликка эга бўлган майдонда оптик толанинг ўзак материални синиш кўрсаткичи.

Нурланишнинг интенсивлигига боғлиқ бўла бошлайди ва қуйидагича аниқланади .

$$n = n_0 + n_2 I = n_0 + n_2 \frac{P}{A_{эфф}}, \quad (2.16)$$

бу ерда:  $n$ -синиш кўрсаткичи;  $n_0$ -синиш кўрсаткичининг чизикли қисми;  $n_2$ -синиш кўрсаткичининг ночизикли қисми;  $I$ -ёруғлик оқимининг интенсивлиги;  $P$ -нурланиш қуввати.

Синиш кўрсаткичининг ночизикли қисми  $n_2$ -фақатгина оптик тола шишасининг хусусиятини характерлайди. Оптик толада бу қийматни узлуксиз равишда ўлчов усули халигача тўлиқ равишда ишлаб чиқарилмаган. Оптик тола ўзак шишаси кўндаланг юзаси таркиби ва физик тафсилотлари бир жинслик эмас ва умумий ҳолатда синиш кўрсаткичининг ночизиклиги тола ўзагининг турли областларида турли хил бўлиши керак.

*Ночизиклик коэффиценти* –  $n_2 / A_{эфф}$ -оптик толалардаги ночизиклик хусусиятини тўлиқ равишда характерлайди ва тезлиги чегараланиш масалаларини кўриб чиқишда ва инженерлик ҳисоблари учун қўлланади. Аммо ночизиклик коэффиценти  $-n/A_{эфф}$  нинг ночизиклигини  $-n_2$  сонли қийматларига қўйиладиган талаблар ҳозирга қадар ишлаб чиқарилмаган (неформализован).

## 2.9. Геометрик тафсилотлар.

Оптик толали алоқа ўзатув линияларини қуриш ва уларни эксплуатация учун қўлланувчи оптик толаларнинг асосий тавсилотларидан бири геометрик тавсилотлар ҳисобланади. Умуман оладиган бўлсак толанинг геометрик тавсилотлари асосий сифат кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади ва оптик толанинг узунлиги бўйича унинг параметрлари стабиллаштирилади бу эса тола ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштируви билан боғлиқдир.



2.30 – расм.Оптик толанинг геометрик ўлчамлари

Оптик толанинг геометрик параметрлари асосий факторлардан бўлиб ҳисобланади ва бу параметрлар асосида алоқа линияларини қурилиши учун лозим бўладиган сарф – харажатлар сатҳини толаларни бир – бири билан пайвандлаб улаш сони ва сифатига боғлиқдир. Оптик толаларнинг геометрик параметрларига қўйиладиган қаттиқ талаблар толаларни пайвандлаб улаш жараёнини тезлаштиради ва соддалаштиради, текширув бўйича талабларни камайтиради бу эса ўз навбатида оптик толаларни пайвандлаб улашни юқори сифатли бўлишини таъминлайди. Бунга мисол қилиб оптик толаларнинг қобиқ диаметрига қўйиладиган талаб рухсатларига эътибор бермаслик ўз навбатида оптик улагичларга киритилиб уланиши дала шароитида бир мунча қийнлаштиради, тола ўзагини тола қобиғига нисбатан концентрик бўлмаганлиги эса кутилмаган ҳолда пайвандлаб уланган жойлардаги йўқотувчанликни ошишига олиб келади. Толанинг кичик эгилиш радиуси ҳисобига унинг бир мунча миқдорда шахсий эгилиши ўз навбатида бир вақтнинг ўзида бир нечта толаларни пайвандлаб улашда катта ўзгариш ҳолатига олиб келади, натижада, эса пайвандлаб уланган жойларда катта йўқотувчанлик бўлишига олиб келади. Бундай ҳолатлар бўлмаслиги учун тола ишлаб чиқариш жараёнида толанинг геометрик параметрларини қаттиқ назорат остига олиш зарур.

Оптик тола ишлаб чиқарувчи фирма томонидан ҳар бир тола паспортда оптик толанинг геометрик параметрларини тавсифловчи параметрлар комплекси ёрдамида ёритилиши лозим:

- тола қобиқ диаметри;
- тола қобиғи диаметрига рухсат;
- тола ўзак диаметри;
- тола ўзак диаметрига рухсат;
- тола қобиғининг максимал ва минимал диаметр қийматларига ўртача диаметр қиймати бўлиш ҳисобига ҳосил бўлувчи тола қобиғининг думалоқ бўлмаганлиги;
- тола ўзаги ва тола қобиғи марказлари оралиғидаги масофа ёки тола ўзагига тола қобиғига нисбатан концентрик бўлиши ҳисобига ҳосил бўлувчи хатолик;
- мухофазаловчи қоплаш диаметри;
- тола қобиғи ва толанинг мухофазаловчи қоплам марказлари орасидаги масофа ёки толанинг мухофазаловчи қопламини тола қобиғига нисбатан концентриклиги ҳисобига ҳосил бўлувчи хатолик;
- шахсий эгилиш радиуси;
- қурилиш узунлиги.

Жаҳоннинг етук Corning Inc, OFS Sumitome ва бошқа фирмалари томонидан ҳозирги пайтга қадар етказилган бирмунча толаларнинг геометрик параметрлари қийматлари ҳақида маълумот 2.13-жадвалда келтирилган.

2.13. – жадвал.

Параметр	Ўлчов бирлиги	Қиймати
Қобик диаметри	мкм	$\pm 0,7$
Қобикнинг думалоқ бўлмаслиги	%	$\leq 1$
Тола ўзагининг концентриклигидаги хатолик	мкм	$\leq 0,4$
Қоплаш диаметрининг рухсат этилиши	мкм	$\pm 5$
Қоплаш концентриклигидаги хатолик	мкм	$\leq 12$
Шахсий эгилиш радиуси	метр	$\geq 4,0$

## 2.10. Механик тафсилотлар ва эксплуатацион ишонччилик

Оптик толаларнинг механик тафсилотларига асосий параметрлардан ҳисобланади ва у орқали оптик-толали алоқа линияларини қуриш ва монтаж жараёнида кабелларни ётқизиш, уларни монтаж, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш каби жараёнларнинг эффективлигини аниқлаб беради. Бу тафсилотлар оптик кабелларни ва ўз навбатида алоқа линияларини кўп йиллар давомида эксплуатацион ишонччилик каби муаммоларни ечиш учун лозим бўлади.

Потенциал жиҳатдан қарайдиган бўлсак оптик тола жуда ҳам юқори мустаҳкамликка эга. Бизга маълумки дефектсиз бўлган оптик толанинг мустаҳкамлиги худди шундай юзага эга бўлган пўлат симдан юқори. Аммо амалиётда эга алоқа линияларда қўлланувчи оптик толаларга бир мунча миқдорда бўлган иккала ҳисобига узилишлар ҳосил бўлиб туради. Шишадаги микро ёрилишлар ва дефектлар оптик толанинг мустаҳкамлигини бир неча ўнлаб маротаба мустаҳкамлигини камайтиради, чунки толларнинг чўзилиши, намгарчилик ва юқори ҳарорат микро ёрилишларни нормал шароитида тезда ошиб кетишга олиб келади ва бир неча йил ёки бир неча ой ичида узилишлар сони ошиб кетишга олиб келади.

Шундай қилиб, оптик толанинг узоқ вақт мобайнида механик асосий фактор бўлиб, у ўз навбатида эксплуатация жараёнида оптик толанинг механик мустаҳкамлигини таъминлаб беради. Оптик толани узоқ вақт мобайнида ушлаб туриш статистик чарчаш параметри  $n$  орқали аниқланиб у ўз навбатида ўлчов бирлиги сўз бўлган параметрдир. Бу параметр ёрилишларни ўсиш сонини толани чўзилишини ўзаро боғлайди.  $n$ -қиймати қанчалик катта бўлса, оптик толанинг мустаҳкамлиги шунчалик юқори бўлади.  $n$ -параметрининг қиймати эксперимент натижасида аниқланади ва ҳар доим оптик толанинг паспортида кўрсатилиши керак. стандарт толалар учун  $n$ -қиймати 20 бўлса, махсус мустаҳкамликка эга бўлган толалар учун  $n=25$  қадар етиб боради.

Толанинг бошланғич инерт мустаҳкамлиги оптик толанинг эксплуатацион мустаҳкамлигини баҳолашда иккинчи фактор бўлиб ҳисобланади. Бу параметр бутун узунликдаги толада кўплаб равишдаги дефектлар ўлчови орқали аниқланади. Бундай энг бўш бўлган звенони аниқлаш учун тола тайёрлаш процессида юклама остида қайта ўралади

(proof-test) қурилиш узунлигидаги толани қайта ўралишда лозим бўладиган (фиксированная) тортиш кучи тайинлаб қўйилади. Қайта ўралишдаги тортилиш кучи ГПа ўлчов бирлигига ёки толани узайиши % орқали кўрсатилади.

Узунлиги 100 км бўлган линияни 25 йил мобайнида бузилиш эҳтимоллиги 0.001 жуда ҳам кичик қийматдаги линияни авариясиз хизмат кўрсатиш муддатини гарантиялаш учун тортиб қайта ўрашни эксплуатацияга бўлган нисбати қайта ўраш захираси деб аталади ва унинг қиймати 3-4 бўлади. бундай ҳолда оптик толани юклама остида қайта ўралиш жараёни толани мустахкамлигини ўзгариши ва ўз навбатида ёмонлашувини тақсимланиши эътиборга олиш керак.

Ишлаб чиқариш амалиётида кўпчилик толалар учун қайта ўралиш ҳолатидаги тортилиш куч қиймати 0.7 ГПа бўлса, сув ости кабеллари учун қўлланувчи толалар учун эса тортилиш кучи 1.4 ГПа бўлади. одатда бу қийматлар тола учун берилган паспортда кўрсатилади.

*Эксплуатацион жараёнида толани чўзилиши* учун фактор бўлиб ҳисобланади ва у орқали эксплуатацион механик ишончлилик аниқланади. кабел ичидаги оптик толанинг кучланганлик ҳолати ўз навбатида механик ишончлигини камайишига олиб келади ва турли сабаблар ҳисобига бўлади, булар: оптик кабел тайёрлаш технологияси бузилиш, яъни лозим бўлган тола узунлигини тўғри танламаслик ёки кабел тайёрловчи ускунани ишлашидаги турли тўхташлар, кабел ётқизилиш технологиясини бузилиши, ер кўчишлари каби сейсмик ўзгаришлар, эксплуатация жараёнида осилган кабелларни музлаши ва х.к.

Юқорида келтирилган маълумотдан шуни хулоса қилиш мумкинки, кабел ичида ва ётқизилган линияларда оптик толаларни чўзилиши назорати асосий параметр бўлиб ҳисобланади. Кабел ичидаги толаларни чўзилиш бўйича ҳозирги замон диагностикаси учун толалар ичида ёруғлик нуруни спектрларни бриллюэн сочилишини анализига асослангандир. Бундай усул ёрдамида толаларни чўзилишини баҳолашда линияларни мустахкам бўлмаган участкалари аниқланди ва у ёрдамида эксплуатация жараёнида толаларни механик мустахкамлиги баҳоланади.

Линиядаги оптик толаларни чўзилиш чегараларини баҳолашда 100 км линия 25 йил мобайнида узилиш эҳтимоллиги 0.001 бўлган қиймат учун линиянинг эксплуатацион мустахкамлигини кафолатлаш учун унинг нисбий чўзилиши ёки рухсат этиладиган чўзилиш қиймати 0.2...0.25% дан ошмаслиги керак. бу қиймат толани рухсат этиладиган чўзилиш критария бўлиб, у бриллюэн рефлектометри ёрдамида алоқа линияларининг мустахкам бўлмаган участкаларини ўлчов натижасида аниқлаш имконини беради .

*Тола устидаги мухофазаловчи қопламани тозалаш* кучи ҳам толанинг механик тавсилотларига таалукли бўлиб, алоқа линияларида қўлланувчи оптик толани алоқа линияларини қурилиши, таъмирлаб қайта тиклаш ишлари ҳамда алоқа линияларига техник хизмат кўрсатиш жараёнида бундай ишларни бажаришни бир мунча енгилроқ ва эффектив бўлишини кўрсатувчи бўлиб ҳисобланади. Юқорида қайд этилган ишларни бажаришда оптик

толаларни осон равишда очиб ташлаш, оптик толаларни пайвандлаб улашда ҳамда уланувчи толаларни текис равишда кесиш ишларидан ташкил топади.

Оптик толани мухофазаловчи қопламини тозалаш куч қиймати оптик толаларнинг паспортида кўрсатилади. Бундай куч қиймати қуруқ ва намгарчилик атмосфераси остида бўлган толалар учун бир хил қийматга эга.

### **Ташқи таъсир омили остида бўлган оптик толалар тафсилоти**

Оптик толани ўраб турувчи ташқи таъсир фактори тола параметрларини стабил бўлишига минимал равишда бўлиш лозим. Одатда оптик толаларнинг паспортида толанинг эскириш тадқиқотида рухсат этиладиган сўниш коэффициентини ўзгариш қиймати қуйидаги ҳоллардаги таъсирларда кўрсатилади:

- хона ҳарорати  $+23^{\circ}\text{C}$  бўлган толани қийматларда;
- $-600\text{C}$  дан  $+850\text{C}$  ҳарорат интервалида;
- $23^{\circ} \pm 2^{\circ}\text{C}$  ҳароратдаги сувда чидам бардош бўлиши;
- $+85^{\circ} \pm 2^{\circ}\text{C}$  бўлган иссиқлик бўйича эскириш ҳароратида

Хозирги замон оптик толалар учун ўраб турувчи муҳитнинг таъсир этувчи ташқи факторларида сўниш коэффициентининг ўсиши  $0.05\text{ дБ/км}$  бўлган қийматдан ошмаслиги керак.

### **Оптик толалар бўйича Ҳалқаро электр алоқа ташкилотининг тавсиялари**

Алоқа соҳаси учун қўлланувчи оптик тола ва кабелларнинг тавсилотлари ва улар параметрларини ўлчаш усуллари халқаро электр алоқа иттифоқини электр алоқани стандартлаштириш секторининг (ХЭИ-Т) 15 та масалалари, тўртта ишчи гуруҳи ва 15 та тадқиқот комиссия томонидан регламентлантирилади ва тавсифланади.

Бу масалалар бўйича қуйидаги тавсилотлар кўриб чиқилади [27; 2.11...2.15]:

- ХЭИ-Т нинг G.650 тавсифи 2001 йилда ишлаб чиқилган бўлиб, у бир модели толаларнинг параметрларини ва ўзини ўлчов усуллари аниқлайди (ITU-T Recommendation G. 650 Definition and test methods for the relevant parameters of single mode fibers, 2001);

- ХЭИ-Т нинг G.651. 50/125 мкм ўлчов градиент синиш кўрсаткич профилли оптик тола ва шу асосдаги кабелнинг тавсифи 1998 йилда ишлаб чиқилган (ITU-T Recommendation G. 651 Characteristics of a 50/125  $\mu\text{m}$  multimode graded index optical fiber cable, 1998);

- ХЭИ-Т нинг G.652 тавсифи. Бир модели тола ва шу асосдаги кабелнинг тавсифи, 2001 йилда ишлаб чиқилган. (ITU-T Recommendation G. 652 Characteristics of a single mode optical fiber cable, 2001);

- ХЭИ-Т нинг G.653 тавсифи. Дисперсияси силжитилган бир мода тола ва шу асосдаги кабелнинг тавсифи, 2001 йилда ишлаб чиқилган (ITU-T

Recommendation G. 653 Characteristics of dispersions-shifted single mode optical fiber cable, 2001);

- ХЭИ-Т нинг G.654 тавсифи. Кесиш тўлқин узунлиги силжитилган бир модали тола ва шу асосдаги кабел тавсифи 2001 йилда ишлаб чиқилган (ITV-T Recommendation G. 654 Characteristics of a cut – off Shifted Single mode optical fiber cable, 2001);

- ХЭИ-Т нинг G.655 тавсифи. Дисперсияси силжитилиб нол бўлмаган бир модали тола ва шу асосдаги кабел тавсифи, 2001 йилда ишлаб чиқилган. (ITV-T Recommendation G. 655 Characteristics of a non-zero dispersion – shifted single mode optical fiber cable, 2001).

Бир модали толаларни кўп сатхли иерархия асосидаги қоидага киритилишда қуйидагиларга эътибор берилади:

- тавсиф битта турдаги толани ёритади;  
- тола тури ўз ичига қуйида тахминий келтирилган бир хил бўлган шартларни ўз ичига олади:

- ишчи тўлқин узунлигининг асосий области;
- ишчи тўлқин узунлигининг асосий областидаги хроматик Дисперсия қиймати;

- ҳар бир турдаги тола ўз навбатида бир қанча синфларга бўлинади ва улар тавсилоти умумий иккита (признаки) шартлари асосида бўлади<sup>4</sup>

- базавий (асосий) синф – қай бири учун биринчи маротаба яратилган тавсиф кўрсатиладиган жадвалда ҳар доим биринчи ўринди ёрилади.

Оптик толанинг геометрик, оптик, узатув ва механик параметрлари толанинг кабелнинг ва алоқа линиянинг хусусияти бўйича урта тоифага бўлинади.

Монтаж қилиб тугатилган линия бир нечта қурилиш узунлигидаги оптик кабеллар бир-бири билан улагинишдан ташкил топади, шунинг учун линиянинг узатиш параметрлари фақатгина бошқа-бошқа қилиб уланган қурилиш узунликларидаги кабелни пайвандлаб уланган жойлари ва комплектлари билан уланган жой ҳамда ётқизилиш жараёнидаги параметрларнинг статистик маълумотларини ҳам эътиборга олмоқ зарур.

Маълумотлар учун ХЭИ-Т нинг бир модали толалар ва шу асосдаги кабел бўйича ишлатилиши мумкин бўлган алоқа узатиш тизимларининг тавсифи келтирилган:


- ХЭИ-Т нинг G.957 тавсифи. Синхрон рақамли иерархия тизимлари ва ускуналари учун оптик интерфейслар, 1999 (ITV-T Recommendation G. 957. Optical interfaces for equipment and systems relating to the synchronous digital hierarchy, 1999).

- ХЭИ-Т нинг G.691 тавсифи. STM-64 ва STM-256 сатҳидаги бир каналли тизимлар ва оптик кучайтиргичли синхрон рақамли иерархиянинг бошқа тизимлари учун оптик интерфейслари, 2001. (ITV-T Recommendation G. 691. Optical interfaces for channel STM-64, STM-256 Systems and other SDH systems with optical amplifiers, 2001);

- ХЭИ-Т нинг G.692 тавсифи. Оптик кучайтиргичли кўп каналли тизимлар учун оптик интерфейслар, 1998 (ITV-T Recommendation G. 692. Optical interfaces for multichannel systems with optical amplifiers, 1998).

### 2.11.Оптик толанинг асосий тафсилотлари.Оптик толанинг асосий тузилмаси

Оптик тола ёки нур ўтказгич асосан икки қатламдан иборат бўлиб, улар толанинг ўзак қисмидан ва толанинг қобик қисмидан ташкил топади(1.1-расм). Оптик толанинг марказида жойлашган ўзак асосан ёруғлик нур кўринишидаги маълумотларни узатиш учун ишлатилса, уни ўраб турувчи синдириш кўрсаткичи бўйича бир мунча фарқ қилувчи қобик тола ўзагини ўраб туради ва у ўз навбатида тола ўзаги бўйлаб ҳаракатланувчи ёруғлик нурларини тўлиқ ички қайтув ҳолатини таъминлаб туради. Кварцдан тайёрланган тола ўзаги ва тола қобиғини монтаж ишлари жараёнини осонлаштириш мақсадида тола қобиғи устидан мухофазаловчи қоплам қопланади.




2.31-расм. Оптик толанинг конструктив тузилиши



2.32- расм. Бир модали оптик толанинг конструкцияси

Одатда оптик тола тайёрлашда оптик тола қобиғининг синдириш кўрсаткичи оптик тола ўзак синдириш кўрсаткичидан маълум бир миқдорда кичик бўлиши керак ( $n_2 < n_1$ ). Оптик тола ишлаб чиқарувчилар лозим бўлган тавсилотларга эга бўлган оптик тола ишлаб чиқариш жараёнида тола ўзаги ва тола қобиғининг синдириш кўрсаткичларини ўта қаттиқ ҳолда назоратлаб турадилар. Шунини таъкидлаш керак бўладики, оптик толанинг ташқи муҳофазаловчи қоплами битта ёки иккита полимер қатламлардан иборат бўлиб, улар ўз навбатида тола ўзаги ва тола қобиғининг оптик хусусиятларига таъсир қилмаслик учун турли хил механик ва бошқа таъсирлардан ҳимоялайдилар. Шунинг учун оптик толанинг ташқи муҳофазаловчи қоплами тола ўзаги ичида ҳаракатланувчи ёруғлик нурини тарқалиш жараёнига таъсир кўрсатмайди, фақатгина у толани турли хил зарбалардан сақлайди.

2.33-расмда оптик тола бўйлаб ёруғлик нурини тарқалиш жараёни кўрсатиб ўтилган. Агар ушбу расмга назар соладиган бўлсак толани ажратиб турувчи тола ўзаги ва тола қобиғи”ни ажратиб турувчи чегарага катта критик бурчак остида тушувчи ёруғлик нури ушбу чегарада тўлиқ равишда ички акс қайтув ҳолати остида бўлади, шунинг учун тола ўзагига киритилган нур тола ўзагини кесиб ўтиб, толани “ўзак-қобиқ” чегарасига тушувчи нурнинг тушиш бурчаги тола қобиқ чегарасидан қайтувчи нур бурчагига тенг бўлади ва шу ҳолда тола ўзаги бўйлаб ёруғлик нури тола ичида ҳаракатланади. Шундай қилиб, ёруғлик нури бутун тола бўйлаб зигзаг кўринишида ҳаракатланиб боради.



2.33-расм. Оптик тола бўйлаб ёруғлик нурунинг ҳаракатланиши.

Оптик толанинг ўзагига критик бурчакдан кичик бурчакда тушувчи ёруғлик нури толанинг қобиғига кириб боради ва тола ичида ҳаракатланиб бориши жараёнида сўниб боради, одатда толанинг қобиғи ёруғлик нурини ўтказиш учун мўлжалланмаган, шунинг учун тола ичида ҳаракатланувчи ёруғлик нури тезда ютилиб сўниб боради. Шунингдек, бу ҳолатда, яъни 2.31-расмда кўрсатиб ўтилганидек ёруғлик нури “ҳаво-тола” чегарасида синиб боради. Бундай ҳолатда ёруғлик нурини ҳаракатланиб бориши

Снеллиус синдириш қонуни бўйича ва толанинг ўзак ва қобик синдириш қийматлари бўйича бўлиб ўтади. Тўлиқ ички қайтуви асосан оддий оптик тола бўйлаб ҳаракатланиш асоси бўлиб хизмат қилади. Ушбу ҳолат тахлили шуни кўрсатадики, тола бўйлаб фақатгина тола ўзак ўқи бўйлаб ўтиб бориб, ҳар бир қайтувчи меридин нурлари ҳисобга олинади. Бошқа, асимметрик деб аталувчи нурлар эса тола бўйлаб ҳаракатланиб боради ва улар тола ўзак ўқи бўйлаб ўтиб бормаيدилар. Асимметрик нурларнинг ҳаракатланиш траекторияси спирал кўринишда бўлиб, улар фақатгина марказий ўқ атрофида айланиб ўралиб борадилар. Қоида бўйича асимметрик нурлар кўпчилик оптик толали жараёнларни тахлил қилишда эътиборга олинмайди.

Оптик тола бўйлаб бўйлаб ҳаракатланувчи ёруғлик нурларининг махсус авзалликлари оптик толанинг ўлчамлари, тола таркиби, тола ичида ёруғлик нурларининг ҳаракатланиш жараёни каби кўплаб омилларга боғлиқдир.

Бундай турли хил омилларнинг ўзаро таъсирларини билиш учун кўплаб оптик толанинг ривожланиш босқичларини тушунтириб беради. Чунки оптик толанинг ўлчамлари жуда ҳам кичик бўлишлиги ҳамда тола бўйлаб ҳаракатланувчи ёруғлик нури учун қўлланувчи тола ўзагининг ўлчамлари 8 ... 100 мкм гача борса ҳам, тола қобиғининг ўлчамлари 125 дан 140 микрометргача боради, буларни таққослаш учун соғлом инсоннинг соч диаметри 70 дан 100 микрометргача боришини эътиборга олиш мумкин бўлади. Одатда оптик толанинг ўлчамларини кўрсатишда аввал толанинг ўзак диаметри кўрсатилади ва ундан кейин толанинг қобик диаметри кўрсатилади, мисол учун 50/125 деган белгиланишда 50 рақами оптик толанинг ўзак диаметрини билдиради ва 125 рақами оптик толанинг қобик диаметрини билдиради.

### **Оптик тола туркумлари**

Оптик толалар иккита усул бўйича туркумланади: биринчидан, оптик тола тайёрланувчи материал бўйича ва иккинчидан оптик толанинг ўзак синдириш кўрсаткичи ҳамда ёруғлик нурининг мода тузилмаси бўйича туркумланади. Одатда кварц шишадан тайёрланган оптик тола шишадан тайёрланган ўзакдан ва синдириш кўрсаткичи бир мунча кичик бўлган шишадан тайёрланган қобикдан иборатдир. Ушбу оптик тола учун қўлланган кварц шиша учун ўта тоза бўлган ҳамда ўта шавфоф бўлган кремний диоксиди ёки эритилган кварц қўлланади. Агар оптик тола денгиз сувидай жуда ҳам шавфоф бўладиган бўлса, у ҳолда Тинч океанида жойлашган 11022 метрли Мариан чуқурлигидаги жуда ҳам чуқур жойни кўриш мумкин бўлади. Шунинг учун оптик тола тайёрлашда керак бўлган синдириш кўрсаткичига эга бўлиш учун шиша таркибига бир қанча қўшимчалар қўшилади. Мисол учун, германий ва фосфор қўшимчалари кварц шишани тайёрлашда қўшиладиган бўлса, у ҳолда шишанинг синдириш кўрсаткичи ошиб боради, бор ва фтор қўшиладиган бўлса, у ҳолда шишанинг синдириш кўрсаткичи камайиб боради. Бундан ташқари оптик тола тайёрлаш учун қўлланувчи шишани тортиб олиш вақтида шиша тарибида бир қанча

аралашмалар бўлиши мумкин. Бундай аралашмалар ҳам оптик толанинг хусусиятига таъсир этиб ёруғлик нурини сочилиш ва ютилиши ҳисобига сўниш қийматини ошириб юбориши мумкин.

Оптик толанинг шишадан тайёрланган тола ўзаги ҳамда пластикли қобиқга эга бўлган тавсилотлари тўлиқ равишда кварц шишадан тайёрланган оптик толага қараганда унчалик яхши бўлмаса ҳам улар бир қанча жойларда қўлланмоқда.

Пластикли оптик толаларнинг ўзаги ва тола қобиғи пластикдан тайёрланади. Агар пластикли оптик толаларни бошқа турдаги толалар билан солиштириладиган бўлса, улар сўниш қиймати ва ўтказиш полосаси нуқтаи назаридан бир қанча чегаралангандир, аммо бундай пластикли толаларнинг тан-нархи кичик бўлишлиги ва уларни содда бўлишлиги ҳисобига сўниш қиймати ва ўтказиш полосасини унчалик кичик бўлмаганлиги бўлса ҳам бундай толаларга бўлган талаблар ҳам бўлмоқда. Бундай пластикли толалар бўйлаб электромагнит тўлқинларни узатувида электромагнит тўлқинларга чидамбардошлиги ва маълумотлар узатувининг ҳавфсизлиги ҳисобига уларни қўлланилиши ўзини анча оқламоқда. Пластикли толалар шишадан тайёрланган толаларга қараганда бир мунча мустаҳкам бўлишлиги, эгилиш радиусини кичик бўлишлиги ҳамда ишлатилгандан сўнгра тезда ўз ҳолига қайтиши ҳисобига анча авзалликга эгадир. Бундай турдаги толалар ҳозирги пайтда автомобилсозликда, ҳаракатдаги ҳарбий техникада ва самолётсозликда ҳамда турли хил маиший техникаларни ишлаб чиқариш жараёнида кенг равишда қўлланмоқда.

Иккинчи туркумга мансуб бўлган оптик толаларнинг учта асосий профиллари ва толалар бўйлаб электромагнит тўлқинларни ёруғлик нури кўринишида ҳаракатланиши 2.24- расмда келтирилган.

Агар ушбу расмга назар соладиган бўлсак, унда бир қанча фарқланишларни кўришимиз мумкин бўлади.


**Биринчи фарқланиш** – оптик толага киритилувчи ва оптик толадан чиқувчи импульсларни турли хилда бўлишлигидир. Импульс амплитудасининг кичрайиб бориши толанинг сўниши билан боғлиқдир, импульснинг кенгайиб бориши эса толанинг ўтказиш полосасининг охириги қиймати ва тола бўйлаб узатилаётган маълумотлар сиғимини чегараланиши билан боғлиқдир.

**Иккинчи фарқланиш** эса тола бўйлаб ҳаракатланувчи ёруғлик нурининг траекторияси билан боғлиқдир.

**Учинчи фарқланиш** турли хил толалар учун тола ўзаги оптик тола қобиғининг синдириш кўрсаткичлари қийматларини тақсимланиши билан боғлиқдир. Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳар бир фарқланишларнинг тушунчаси ҳамма турдаги толаларни кўриб чиқилганидан сўнгра тушунарли бўлади. Оптик толанинг синдириш кўрсаткич профиллари оптик толанинг ўзак ва оптик қобиқ синдириш кўрсаткичлари орасидаги фарқланишларини билдиради. Ҳозирги пайтда иккита асосий синдириш

кўрсаткичлар кўринишлари мавжуд, булар, поғонасимон ва секин-аста текисланиб борувчи градиент синдириш кўрсаткич профиллари.

Поғонасимон синдириш кўрсаткичига эга бўлган оптик тола ўзаги бир таркибли синдириш кўрсаткичига эга бўлиб, унда синдириш кўрсаткичлар фарқи оптик тола ўзаги ва оптик тола қобик чегарасида кескин сакраш кўринишига эга. Агар оптик толанинг ўзак синдириш кўрсаткичи бир таркибли бўлмайдиган ҳолат бўладиган бўлса, у ҳолда синдириш кўрсаткичи марказда максимал қийматда бўлади, толанинг ўзак ва қобик орасида синдириш кўрсаткичлар кескин равишда сакраб ўзгарувчан ҳолати бўлмайди.



2.32-расм. Ёруғлик нурларини оптик тола бўйлаб ҳаракатланиши:

а– поғонасимон синдириш кўрсаткич профилига эга бўлган кўп модали оптик тола бўйлаб нурларни ҳаракатланиши; б– градиент синдириш кўрсаткич профилига кўп модали оптик тола бўйлаб нурларни ҳаракатланиши; в– бир модали оптик тола бўйлаб нурларни ҳаракатланиши


Юқорида кўрсатиб ўтилганлар асосида учта кўринишдаги оптик толалар мавжуддир: поғонасимон синдириш кўрсаткич профилига эга бўлган кўп модали оптик тола; тола ўзак синдириш кўрсаткичи тола қобик томонга секин-аста ўзгарувчан профилидаги кўп модали оптик тола ва у градиентли

синдириш кўрсаткичига эга бўлган оптик тола деб аталади;поғонасимон синдириш кўрсаткич профилига эга бўлган бир модали оптик тола ва у бир модали оптик тола деб аталади.

Кўриб чиқилган ҳар бир турдаги оптик толанинг тавсилотлари толаларнинг қўлланиш жараёни билан аниқланади.

**Поғонасимон синдириш кўрсаткич профилига эга бўлган кўп модали оптик тола** - жуда ҳам оддий турдаги толалардан ҳисобланади, одатда бундай оптик толанинг ўзак диаметри 50 дан 970 микрометрга қадар боради ва тоза кварц шишадан ёки пластикдан тайёрланади. Ушбу турдаги оптик тола жуда ҳам кенг равишда қўлланивчи ҳисобланса ҳам максимал ўтказиш полосасини ва минимал йўқотувчанликни таъминлаб бермайди. Оптик тола бўйлаб ҳаракатланувчи ёруғлик нурлари турли хил бурчак остида акс қайтувлар ва турли траектория бўйлаб ҳаракатланиши (турли хил модалар) ҳисобига турли модаларга тўғри келгани учун уларнинг ҳаракатланиш йўллари ҳам бир-биридан фарқланади. Шундай қилиб, тола ичида ҳаракатланувчи турли хил нурлар битта оптик тола ичида турли хил кичик ва катта вақт сарфлайдилар. Толанинг ўзак марказ ўқи бўйича ҳеч қандай акс қайтувчисиз нурлар толанинг охир томонига биринчи бўлиб етиб борадилар, эгри нурлар эса тола охир томонига кечроқ етиб борадилар. Бу билан эса тармоқ томонидан юборилган импульс вақт бўйича ёйилиб боради, бундай ҳолда импульснинг ёйилиб кетиш ҳолати мода дисперсияси деб аталади. Аввалига жуда ҳам кичик кенгликда бўлган маълум бир профилдаги бирламчи ёруғлик нури кўринишидаги импульс тола бўйлаб ҳаракатланиб бориб маълум бир вақтдан сўнгра кенгайиб боради. Дисперсия бир неча сабаблар ҳисобига ҳосил бўлиши мумкин. Мода дисперсияси асосан тола ичида ҳаракатланувчи турли хил модаларни турли хил траектория узунлиги натижасида ҳосил бўлади. Поғонасимон синдириш кўрсаткич профилига эга бўлган оптик тола учун мода дисперсиясининг намунавий қиймати 15 дан то 30 нс/км га қадар бўлиши мумкин, бу дегани тола ичига бир вақтнинг ўзида киритилувчи ёруғлик нурлар бир километр узунликдаги толанинг охир томон учига 15 дан 30 наносекунд интервалида етиб боради. Бунда биринчи навбатда толанинг ўзак ўқи бўйлаб ҳаракатланувчи нурлар биринчи бўлиб етиб боради. Юқорида кўрсатиб ўтилган вақт интерваллари унчалик катта бўлмаган кўринишда бўлса ҳам, бундай мода дисперсияси оптик толанинг лозим бўлган ўтказиш полосасини анча чегаралайди. Тола ичида ҳаракатланиб борувчи импульснинг вақт бўйича кенгайиб бориши қўшни импульсларнинг қанотларини ёйилиб кетишига олиб келади, натижада бундай импульсларни бир-биридан ажратиш қийин бўлиб қолади ва охир оқибатда унинг ичидаги маълумотлар йўқолиб кетади. Дисперсия қийматини камайтириш оптик толанинг ўтказиш полосасини ошириш имконини беради. Оптик ёруғлик узатгичлар икки турга бўлинади: ясси оптик ёруғлик узатгичлар ва ёруғлик узатувчи оптик толалар. Ясси оптик ёруғлик узатгичлар ўз навбатида плёнкали (2.24,а-расм) ва каналлига (2.33,б-расм) бўлинади. Ёруғлик

узатувчи оптик толалар эса бир қатламли (2.33,а-расм), икки қатламли (2.33,б-расм), уч қатламли (2.33,в-расм) ва ҳ.к. бўлиши мумкин.



2.33-расм. Ясси оптик ёруғлик узатгичлар  
Оптик ёруғлик узатгичларнинг синдириш кўрсаткичи:

$$n = \sqrt{\epsilon \mu}, \quad (3.1)$$


бу ерда  $\epsilon \cdot \mu$ -мос равишда нисбий диэлектрик ва магнит ўтказувчанлик.  $n > n_0$  бўлганда ( $n_0$ -атроф муҳитнинг синдириш кўрсаткичи) нур чегарадан тўлиқ ички қайтади.

Ясси оптик ёруғлик узатгичларда (2.33-расм) тўлиқ ички қайтиш бўлиши учун  $n_1 > n_2 \geq n_0$ , шарт бажарилиши керак. Бу ерда  $n_1$ -плёнканинг синдириш кўрсаткичи;  $n_2$  -тагликнинг синдириш кўрсаткичи;  $n_0$ -ташқи муҳитнинг синдириш кўрсаткичи. Плёнка қалинлигини танлаб, узатиладиган тўлқинлар сонини чегаралаш мумкин. Битта асосий тўлқинни узатиш учун плёнка қалинлиги 0,1 мкм бўлиши керак. Бундай плёнкани тайёрлаш мурраккабдир. Синдириш кўрсаткичларининг нисбий фарқини камайтириб, плёнканинг қалинлигини, яъни диаметрини оширишимиз мумкин. Кўпгина оптик қурилмалар: актив (генератор, модулятор, демодулятор ва б.к.) қурилмалар ясси оптик ёруғлик узатгичларнинг қирқимлари асосида тайёрланади. Ёруғлик узатувчи оптик толалар ўзак ва қобикдан иборат бўлади. Улар қиймат бўйича бир-бирига яқин турли синдириш кўрсаткичларига эга. Ўзак узатувчи муҳит, қобик эса ўзи ва ўзак орасида чегара хосил қилувчи сифатида ишлатилади. Бу чегара ёруғликни йўналтирувчи физик канални шакллантириб, у орқали узатилган сигналнинг ташувчиси ёруғлик нури тарқалади.

Ёруғлик нурининг фақатгина ўзак бўйлаб тарқалишини таъминлаш учун (2.34-расм)


$$n_1 > n_2 > n_3 > n_0,$$

шарт бажарилиши керак. Мос равишда бу ерда  $n_1$  ўзакнинг синдириш кўрсаткичи,  $n_2, n_3$  қобикларнинг синдириш кўрсаткичлари,  $n_0$  ташқи муҳитнинг синдириш кўрсаткичи.



2.34- расм. Ёруғлик узатувчи оптик толалар

ОТни таркибий қисмлари 2.35-расмда тасвирланган. Ўзак ва қобиқчун асосий материал кварц шишаси ( $\text{SiO}_2$ ) ҳисобланади. Керакли синдириш кўрсаткичларини олиш учун кварц шишасига бор, германий ва шунга ўхшаш бошқа қўшимчалар қўшилади. Толани қўшимча қобиқлари химоя қобиғи ҳисобланади. 2.36-расмда ташқи пластик қоплама кўрсатилган.



### Оптик толанинг асосий параметрлари. Сўниш

Оптик сигнал тола орқали узатилганда ёруғлик тўлқинларини тола муҳити билан чизиқли ва ночизиқли ўзаро таъсири натижасида сигнал қувватини йўқолишидан оптик сигнал сўнади. Сўниш толали оптик алоқа узатиш тизимларининг регенерациялаш участкаси узунлигини аниқловчи, оптик толанинг энг муҳим параметри ҳисобланади. Сўниш бу толада ёруғлик оқимларининг кучсизланишидир. Тола узунлиги бўйича сўнишни ўзгариш қонуни қуйидаги умумий кўринишга эга:

$$P = P_0 \exp(-\alpha * L), \quad (4.1)$$


бу ерда  $P_0$  – толага киритиладиган қувват;  $L$  – тола узунлиги;  $\alpha$  - сўниш коэффициенти ёки толадаги йўқотишлар.

Бу формулани қўллаб солиштирма йўқотишларни баҳолашимиз мумкин:

$$\alpha_{\text{солиштирма}} = - (10/L) * \lg(P/P_0) = 4,343 \alpha. \quad (4.2)$$

Умумий ҳолда сўниш сигналларни сочилиши ва ютилишидан ҳосил бўлувчи йўқотишлар ва кабел йўқотишларидан юзага келади.


Ютилиш ва сочилишдан ҳосил бўладиган йўқотишлар хусусий йўқотишлар, кабел йўқотишлари эса қўшимча йўқотишлар дейилади.



2.35-расм. Толадаги йўқотишларнинг асосий турлари.

Тола йўқотишларини тўлиқ уларнинг йиғиндиси кўринишида ёзишимиз мумкин:

$$\alpha = \alpha_x + \alpha_k = \alpha_{ю} + \alpha_c + \alpha_k, \text{ (дБ/км)}. \quad (2.10)$$



2.36 – расм. Оптик тола ичида ёруғлик нурининг сўниши

### Толанинг хусусий йўқотишлари

Хусусий йўқотишларга ютилиш ва сочилишдан ҳосил бўладиган йўқотишлар киради. Ютилишдан ҳосил бўладиган йўқотишлар ички ва ташқи бўлади. Ички ютилиш йўқотишларини тоза кремний материали ҳосил қилиши мумкин. Хар бир материал молекуляр тузилишига кўра маълум тўлқин узунликларида сигналларни ютиши мумкин. Масалан, SiO<sub>2</sub> ни ультра бинафша диапазонда  $\lambda < 0,4$  мкм тўлқин узунлигида электрон резонанслари мавжуд. Шунингдек, инфрақизил диапазонда  $\lambda > 7$  мкм тўлқин узунлигида


тебранувчи резонанслари мавжуд. Демак бу резонанслар кўринадиган частота диапазонида ютиш полосаси кўринишида бўлади. Иккинчи ва учинчи ойналарда ютилишнинг бу тури 0,03 дБ/км дан кўп бўлмаган йўқотишларга олиб келади. Ташқи ютилиш йўқотишлари ёруғликни тола қўшимчаларида ютилишидан хосил бўлади. Замонавий ишлаб чиқариш технологиялари бу йўқотишлар таъсирини жуда кичик даражага камайтирган. Бу йўқотишлар темир, мис, никел, магний, хром қўшимчаларини толага қўшиш натижасида хосил бўлади. Замонавий ишлаб чиқариш жараёнида бу металлларни таркиби бир миллиард қисмгача камайтирилган. Шунинг учун улар умумий ташқи ютиш йўқотишларининг жуда кичик қисмини ташкил этади. Булардан фарқли равишда гидроксил ион (ОН) лар қолдиғини мавжудлиги, яъни ишлаб чиқариш жараёнида толада сув қолдиқларини қолиши ташқи ютиш йўқотишларини сезиларли даражада оширади. Оптик тола таркибида ОН ионлари бирни юз миллиондан кам қисмини ташкил этиш керак.

Замонавий оптик толаларда микроқўшимчалар миқдори жуда кичиклиги учун ташқи ютилиш шовқинлари минимал бўлиб, уларни ҳисобга олмаса ҳам бўлади. Лекин ОН концентрацияси бирдан миллион қисмни ташкил этганда, 1390 нм тўлқин узунлигида йўқотишлар 50 дБ бўлиши мумкин.

Нурни сочилишидан хосил бўладиган йўқотишлар ички йўқотишлар ҳисобланиб, оптик тола ўзагининг дефектлари: хаво пуффакчалари, ёриқлар, толани бир турда эмаслиги, яъни қўшимчалар қўшилишидан шиша зичлигини тасодифий ўзгариши туфайли юзага келади. Бу омиллар ёруғлик оқими йўналишини ўзгартириб, оғишига олиб келади, натижада синиш бурчаги ошиб, ёруғлик нури қобикдан ташқарига сочилиб кетади.

Бундан ташқари оптик толани бир турда эмаслиги, яъни қўшимчалар мавжудлиги ёруғлик оқимини маълум қисмини тесқари томонга акс этишига - тесқари сочилишга олиб келади (2.37 - расм).

1550 нм тўлқин узунлигида Релеевск сочилишлари умумий йўқотишларнинг асосийси ҳисобланади. Релеев сочилиши тўлқин узунлигига тесқари пропорционал бўлиб, тўлқин узунлиги ошиши билан йўқотишлар камайди.



2.37 – расм. Оптик толада ёруғликнинг сочилиши ва акс этиши

## 2.12. Кабел йўқотишлари

Кабел йўқотишлари микробукилишлар ва макробукилишлар ҳисобига ҳосил бўлади.

### ЭЪТИБОР БЕРИНГ!!!


**Микробукилишлар**-тола ишлаб чиқариш жараёни технологиясининг бузилиш натижаси бўлиб, тола ўзаги геометриясининг микроскопик ўзгариши туфайли юз беради.

Микробукилишлар ишлаб чиқариш жараёнида толани етарли текис бўлмаган ташқи химоя қопламалари билан қопланиши натижасида ўзакни ўқмарказида жойлашмаслиги, ўққа нисбатан қийшиқжойлашишидан юзага келади. Микробукилишлар кабел йўқотишларини оширади. Бу йўқотишлар жуда катта бўлиши ва баъзи ҳолларда 100 дБ/км. дан ҳам ошиши мумкин. Микробукилишлар 1.23,б–расмда кўрсатилган.

**Макробукилишлар.** Минимал рухсат этилган радиусдан ошган катта букилишларга макробукилишлар дейилади. Бир модали толаларни букишни рухсат этилган минимал радиуси 10 см. ни ташкил этади

Бундай букилишда ёруғлик импульслари кучсиз бузилиш билан тарқалади. Букилиш радиусини камайиши, толани рухсат этилгандан ортиқ букиш оптик импульсларни тола қобиғи орқали сочилиш эффеқтини оширади.

Ишлаб чиқарувчилар томонидан кабелни минимал букиш радиуси кўрсатилган бўлиши керак. Кабел (катушка) ғалтакка ўралганда, албатта ғалтак радиуси бўйича букилади. Кабел биноларда ётказилганда, уни бино бурчакларида букиш керак бўлади. Кабелни ётказувчи букиш радиусини минимал рухсат этилган қийматдан камайтирмаслиги, ортиқча букмаслиги керак. Толали оптик кабелни рухсат этилган чегарадан кучли букиб, кабелни яроқсиз қилиши, хаттоки кабелда толаларни узилишига олиб келиши мумкин. Макробукилишлар 2.38,а-расмда кўрсатилган.



2.38–расм. Оптик толанинг макробукилишлари (a) ва микробукилишлари (b).


Ишлаб чиқарилган оптик толани мукамал эмаслиги, тола геометриясининг ўзгаришлари толаларни осон, тез ва сифатли пайвандланмаслигига олиб келади. Пайвандлашда, толаларни улашда йўқотишларга олиб олиб келадиган сабаблар қуйидагилар:

- тола ўзагини ўлчамларини мослашмаганлиги;
- толани синдириш кўрсаткичларини фарқланиши;
- толаларни улашда узунасига ўқларни чатишмаслиги;
- толаларни бурчак апертураларини фарқланиши;
- толаларни зич уламасликдан ҳаво пуффакчаларини ҳосил бўлиши.

Бу омилларни барчаси сўнишни, йўқотишларни оширади. Сўниш ва йўқотишларни камайтириш учун ишлаб чиқариш жараёнида тола геометриясининг юқори аниқбўлишига катта эътибор бериш керак. Бунинг учун ишлаб чиқаришда ўзакни қобикшишасида марказлашган ҳолда жойлашишига, ишлаб чиқарилган толаларни диаметрларини бир хил бўлишига, толани шахсий букилишларига катта талаблар қўйилади.

Оптик толанинг тўлиқ сўниш коэффициентини аниқлаш учун юқорида айтиб ўтилган барча омиллар ҳисобга олиниши керак (2.39 - расм) .

Оптик нурланишни берилган тўлқин узунлиги учун сўниш коэффициенти толага киритиладиган оптик қувватни толадан қабул қилинган оптик сигнал қувватига нисбати орқали аниқланади. Одатда сўниш коэффициенти децибелда (дБ) ўлчанади ва оптик тола параметрларига, шунингдек тўлқин узунлигига ҳам боғлиқ.



2.39– расм. Оптик сигнални узатиш сифатига таъсир қилувчи омиллар

Сўнишни тўлқин узунлигига боғлиқлиги нозиклиги характерга эгадир. Сўниш коэффициенти тўлқин узунлигига боғлиқ бўлиб, турли тўлқин узунликлари учун сўниш қиймати 2.1-жадвалда берилган.

### Турли тўлқин узунликлари учун сўниш қийматлари

Шаффофлик ойналари	Тўлқин узунлиги $\lambda$ , мкм	Сўниш $\alpha$ , дБ/км
1	0,85	2-3
2	1,3	0,4–1,0
3	1,55	0,2–0,3

Биринчи шаффофлик ойнаси 0,8-0,9 мкм тўлқин узунлиги кенг полосали ёруғлик нурланиш манбалари ва қисқа тўлқинли лазердан фойдаланиб, сигналларни яқин масофаларга узатишда қўлланилади.

Иккинчи шаффофлик ойнасининг 1,28-1,33 мкм тўлқин узунликлари телекоммуникацияда кўп қўлланилади. Бу ойна нисбатан кам сўниш коэффициентига эга бўлиб, бу диапазонда сигналларни узатиш учун кенг полосали оптик нурланиш манбалари ишлатилинади. Бунинг асосий сабаби ушбу диапазонда кварц шишаси минимал хроматик дисперсия қийматига эга бўлиб, у арзон нурланиш манбаларидан фойдаланиш имконини беради.

Учинчи ойна 1,525-1,575 мкм оралиғида бўлиб, бу ойнанинг асосий афзаллиги сўниш коэффициентини минималлиги ҳисобланади. Бироқюқори тезликли тизимларни оқимларини узатишда дисперсия қиймати ошиб кетади. Дисперсия қийматини камайтириш учун дисперсияни компенсация қилувчи қурилмаларни қўлланилиши талаб этилади, бу эса толали оптик алоқа тизимларини нархини оширади.


### 2.13.Оптик толаларнинг тафсилотлари

**Дисперсия**(кенгайиб ёйилиб кетиш, фарқланиш) деганда оптик тола бўйлаб ҳаракатланувчи ёруғлик нур кўринишидаги импульсларни вақт бўйича ёйилиб кетиши тушунилади. Ўз навбатида дисперсия ёруғлик нур кўринишидаги импульс формасини бузилишга ва импульс давомийлигини ошиб боришга олиб келиши билан бирга толанинг ўтказиш полосасини бир мунча чегаралайди ҳамда кабел ичидаги маълумотлар сиғимини камайишга олиб келади. Бунда тола бўйлаб узатилувчи маълумотларни ташкил этувчи битлар анча кичик бўлади ва у ўз навбатида турли хил импульсларни бири-бири устига жойланиб қолиш олдини ола олмайди, маълумотларнинг сигнал узатув тезлиги қанчалик кичик бўлса, битта занжирда кетма-кет жойлашган импульслар ҳам камроқ ҳолда жойлашади ва у ўз навбатида ўрнатилган нормадаги дисперсиядан катта бўлади.

Уч хил кўринишдаги дисперсия мавжуд:

1. мода жисперсияси;
2. молекуляр дисперсия;
3. тўлқин ўтказгичли дисперсия.

**Мода дисперсияси** асосан кўп модали толаларда бўлиб ўтади. Бундай дисперсия нурларни турли хил йўлларда ҳаракатланиши ҳисобига ҳосил бўлиб, улар ўз навбатида толанинг охири уч томонига турли хил вақтда етиб борадилар. Модалар дисперсиясини пайдо бўлиши асосан тўлқинларни ҳаракатланиш тезликлари муҳитнинг синдириш кўрсаткичларини тўлқин узунлигига боғлиқлиги ҳисобига бўлиб ўтади. Тола ичида тўлқиннинг маълум бир қисми тола ўзаги бўйлаб ва маълум бир қисми кварцдан тайёрланган қобик каби иккита муҳит бўйлаб ҳаракатланади ва улар учун синдириш кўрсаткичлари тола ўзагининг ва тола қобигининг ўртача синдириш кўрсаткичлари асосий ролни ўйнайди (2.40-расм).



2.40-расм. Модалар дисперсияси тўлқин узунлигини ўзгаришини ўртача модалар диаметрининг синдириш кўрсаткичи ҳисобига бўлиб ўтади.

Бундай ўртача синдириш кўрсаткичинини ўзгариши иккита сабаб бўйича бўлиб ўтади, биринчидан, тола ўзак ва тола қобик синдириш кўрсаткичлари тўлқин узунлигига боғлиқдир, иккинчидан эса, тўлқин узунлигини ўзгариши ҳисобига майдонни кварцдан тайёрланган қобик ичига кириб бориши ўзгариб боради ва у ўз навбатида ўртача синдириш кўрсаткичларини ўзгаришга олиб келади. Бундай ҳолат модалараро эффектнинг ўзи бўлгани учун унинг ҳисобига дисперсия ҳосил бўлади ва у модалар дисперсияси деб аталади.

***Модалар дисперсиясини ҳисобга олиш усули ёрдамида камайтириш мумкин:***


1. кичик диаметрга эга бўлган ўзакни қўллаш ҳисобига бўлиб, унда камроқ модалар ҳаракатланади. Тола ўзак диаметри 100 мкм бўлганда ўзак диаметри 200 мкмга қараганда камроқ модалар ҳаракатланади;
2. синдириш кўрсаткичи секин-асталик билан текисланиб боровчи толаларни қўллаганда ва унда ёруғлик нурлари жуда ҳам катта бўлган траектория бўйлаб ҳаракатланганда уларнинг тезликлари ўртача тезликдан ошиб боради ҳамда у толанинг охири уч томонига кичик траектория бўйлаб ҳаракатланувчи нурлар тезлигида бўлиб ўтади;
3. модалар дисперсиясидан ҳалос этиш мақсадида бир модалар толалардан фойдаланиш талаб этилади.

**Материал дисперсия** асосан оптик сигнал спектри кенглиги маълум бир охир қийматга эга бўлгани ҳамда сигнал ташкил этувчилари турли тезликларда ҳаракатланиши ҳисобига ҳосил бўлади(1.5-расм). Натижада ёруғлик кўринишидаги импульс дисперсион муҳит орқали ўтиб борганидан сўнгра кенгайиб боради. Бундай ҳолат битта мода ичида турли хил тўлқин узунликларга эга бўлган ёруғлик нур кўринишидаги нурлар турли хил тезликлар ҳисобига бўлиб ўтади. Одатда синдириш кўрсаткичининг қиймати  $n = c/v$  бўлиб, унда  $c$  - ёруғлик нурни вакуумдаги тезлиги;  $v$  - муҳит ичидаги тўлқин узунлигига тўғри келувчи тезлик.

Ҳар бир тўлқин узунлик турли хил тезликда ҳаракатлангани учун, унда  $v$  - тезлик қиймати ҳар бир тўлқин узунлигига боғлиқ ҳолда ўзгариб боради. Шундай қилиб, синдириш кўрсаткич қиймати тўлқин узунлигига боғлиқ ҳолда ўзгариб боради, демак бу ҳолат билан боғлиқ бўлган дисперсия молекуляр дисперсия деб аталади чунки у тола махсулотининг физик хусусиятига боғлиқдир. Дисперсия даражаси иккита омилни аниқлаб беради:

- тола ичига киритилувчи ёруғлик нур манбаининг тўлқин узунлик диапозонини. Қоида бўйича ёруғлик нур манбаи битта тўлқин узунликни нурлантириб бера олмайди ва у бир нечта ёруғлик нурларни нурлантириб беради. Одатда тўлқин узунлик диапозони нанометрда ифодаланади ва у ёруғлик нур манбаининг спектрал кенглиги деб аталади. Оптик толали узатиш тизимлари учун ёруғлик нурлантирувчи диодлар ва лазерлар қўлланади. Ёруғлик нурлантирувчи диодларнинг спектрал кенглиги 30 ...50 нм бўлса, ёруғлик нурлантирувчи лазерларнинг спектр кенглиги 2 ... 3 нмни ташкил этади. Бугунги кунда тармоқларда қўлланувчи узатиш тизимларида 0,1 ... 0,5 нм спектр кенглигига эга бўлган лазерлар қўлланмоқда;

- ёруғлик нур нурлантирувчи манбаининг марказий ишчи тўлқин узунлиги. Бизга маълумки, 850 нм тўлқин узунлигига эга бўлган худудда қизил рангли бир мунча катта тўлқинлар яшил рангли бир мунча кичик тўлқинларга қараганда анча катта тезликда ҳаракатланади, кварц шишадан тайёрланган оптик тола ичида ҳаракатланувчи 860 нм тўлқин узунлигига эга бўлган тўлқинлар 850 нм тўлқин узунлигига эга бўлган тўлқинларга қараганда катта тезликда ҳаракатланади. 1550 нм тўлқин узунлик худудида эса бир мунча кичик тўлқин узунликлар бир мунча катта бўлган тўлқин узунликларга қараганда катта тезликда ҳаракатланади, 1560 нм тўлқин узунлик 1540 нм тўлқин узунлигига қараганда кичик тезликда ҳаракатланади. Спектрнинг маълум бир нуқталарида айниқса ҳаво рангли ва қизил рангдан катта бўлган тўлқин узунликлар бир хил тезликда ҳаракатланадилар. Бундай ҳолат, айниқса 1300 нм тўлқин узунлик худудида бўлиб ўтганлиги учун бундай тўлқин узунлик дисперсияси ноль бўлган тўлқин узунлик деб аталади.



2.41-расм. Толанинг материал дисперсияси

Материал дисперсия бир модали тизимларда асосий кўринишдаги дисперсия бўлиб хисобланади, кўп модали тизимларда эса асосий ролни мода дисперсияси ўйнайдиган бўлса ҳам материал дисперсияни эътиборга олмаса ҳам бўлади. Кўпчилик ҳолларда мода дисперсияси оптик толали тизимларни яратишда ҳеч қандай рол ўйнамайди, чунки уларда узатув тезлиги кичик ёки оралиқ масофа унчалик катта эмас.

Одатда ёруғлик нурунинг 820дан то 850 нмгача бўлган тўлқин узунлик диапазолини кўплаб оптик толали тизимларда қўлланади ва ушбу тўлқин узунлик диапазолида материал дисперсия 0,1 нс/км бўлган спектр кенглиги қийматини ташкил этади.

**Тўлқин ўтказгичли дисперсия** бир модали оптик тизимларда асосий кўринишдаги дисперсия бўлиб хисобланади ва у оптик энергияни толанинг ўзаги ва толанинг қобиғи бўйлаб ҳаракатланиши ҳисобига ҳосил бўлади. Оптик толанинг ўзак ва қобиқ синдириш кўрсаткичлари турли хил қийматларга эга бўлгани учун тола ичига нурлангириб киритилган нур толанинг ўзаги ва толанинг қобиғи бўйлаб бир-биридан фарқланувчи тезликда ҳаракатланиб боради. Оптик толанинг ички тузилмасини ўзгариши тўлқин ўтказгичли дисперсияга бир мунча таъсир кўрсатиши мумкин ва у ўз навбатида толанинг умумий ташкил этувчи дисперсияни ўзгаришига олиб келади. Бу эса ўз навбатида келажакда бир модали тизимларни ишлаб чиқариш йўлларида бўлиб хисобланади.


Тўлқин ўтказгичли дисперсия бир модали толаларда ёруғлик нурларини кутбланишидан ва икки нур синишларида ҳосил бўлиши мумкин ва у тола тайёрланиш жараёнида думалоқ кўринишда тайёрланиб тола ўзагини унчалик катта бўлмаган эллиптик бўлмаслиги учун ва ички кучланганлик бўлмаслиги учун аксил симметрияни келтирмаслиги учун олдиндан тайёрланади (2.41-расм). Толага таъсир этувчи кучланганлик маълум бир йўналишда бўлмаганлиги учун икки нурни синиш азимути ва қиймати бутун толанинг ўқи бўйлаб тасодифий равишда ўзгариб боради.



2.42-расм. Оптик толада кутбланишни(икки нур синиши) ҳосил бўлиш сабаблари

Агар бир модали толада ҳаракатланувчи ёруғлик нурини иккита ортогонал кутбланган мода суммаси кўринишида тасаввур қиладиган бўлсак, унда тезда кўзғатилувчи ва секин-асталик билан кутбланувчи модалар бутун тола бўйлаб ўзининг қувватини ўзгартирмаган ҳолда ҳаракатланиб борадиган бўлса, у ҳолда 2.43-расмда кўрсатиб ўтилганидек кутбланувчи модаларнинг  $\Delta\tau$  кечикувчи фазалар фарқини ҳосил қилади ва у ўз навбатида импульснинг кенгайишга олиб келади.

### Тезкор ўқ



### Секинлашган ўқ

2.43-расм.Кутбланган толада импульсларнинг кенгайиши

**Сўниш (сочилиш, ютилиш ҳисобига ҳосил бўлувчи йўқотувчанлик)** деб аталади ва у оптик тола бўйлаб ҳаракатланувчи ёруғлик нури кўринишидаги оптик энергиянинг йўқотувчанлиги деб аталади. Бир километр узунликдаги толанинг сўниш қиймати децибелда - дБ/км ўлчов бирлигида ўлчанади. Агар  $L$  узунликдаги линиянинг бош томон учига  $P_0$  қувватига эга бўлган оптик сигнал киритиладиган бўлса, ҳамда оптик толанинг қарама-қарши охири томон учигадаги оптик сигнал қуввати  $P_1$  бўладиган бўлса, у ҳолда толанинг бир километрдаги оптик сўниш қиймати куйидаги ифода орқали аниқланади:

$$\alpha = (10 L) \lg (P_0 P_1). \quad (1.1)$$

Толанинг сўниши пластикли тола учун 300 дБ/км қийматида бўлса, бир модали оптик толанинг сўниш қиймати 0,19 дБ/кмга қадар боради.

Одатда толанинг сўниш қиймати ёруғлик нур тўлқин узунлигига боғлиқдир. Оптик тола учун тўлқин узунликларнинг учта шавффофлик дарчалари мавжуд бўлиб, унда тола бўйлаб ҳаракатланувчи нур энг кичик йўқотувчанликга эга бўлган дарчалари ҳисобга олинган. Оптик тола

Ўзининг ривожланиш жараёнида асосан 820 дан то 850 нм бўлган тўлқин узунлигида ишлаган бўлиб, у биринчи шавффофлик дарчаси деб аталиб келинган, кейинчалик иккинчи шавффофлик дарчасида дисперсия қиймати ноль бўлган худуд 1300 нм тўлқин узунликда бўлган ва 1550 нм тўлқин узунлик худуди учинчи шавффофлик дарчаси деб ном олган. Бугунги кунга келиб учта шавффофлик дарчалари асосида тўртинчи ва бешинчи шавффофлик дарчалари яратилган. Намунавий синдириш кўрсаткичи структурага эга бўлган 50/125 кўп модали толанинг сўниш қиймати 850 нм тўлқин узунликда 4 дБ/км бўлса, 1300 нм тўлқин узунликда 2,5 дБ/км қийматда бўлиб, унинг узатув самарадорлиги 30% қадар оширилган.

Оптик толанинг энг юқори йўқотувчанлиги 730, 950, 1250 ва 1380 нм тўлқин узунлик худудига тўғри келади, шунинг учун ушбу тўлқин узунликликларда ишлатишдан холис бўлиш керак. Оптик толанинг йўқотувчанлигини созлаш учун узатув учун керак бўладиган тўлқин узунликни танлаш керак бўлади.

Оптик тола йўқотувчанлигини камайтириш учун жуда ҳам кичик йўқотувчанликга эга бўлган тўлқин узунликда ишлайдиган ёруғлик нурлантирувчи манба танланиши керак. Пластикли толалар асосан 650 нмга эга бўлган кўринувчи диапазонда ишлайди.

Оптик тола йўқотувчанлигининг асосий омилларидан бири ўтказиш полосаси ичида модуляция частотасига боғлиқ бўлмаслиги керак. Мис симлардан тайёрланган ток ўтказгичли алоқа кабелларининг йўқотувчанлиги кабел бўйлаб узатилаётган сигнал частотаси ошиб борган сари ошиб боради, демак узатилаётган сигнал частотаси қанчалик катта бўладиган бўлса, сигналнинг йўқотувчанлиги шунчалик ошиб боради ва охир натижада сигнал частотаси узатилувчи сигнал масофасини анча камайтириб беради. Узатилувчи сигналнинг узатув масофасини ошириш учун линияда регенератор талаб этилиб, у ўз навбатида узатилувчи сигнални регенерация қилиб беради, оптик тола бўйлаб узатилаётган сигнал частота ошган сари маълум бир сўниш қийматига эга бўлади.

Оптик толанинг сўниш қиймати иккита эффект ёрдамида аниқланади, булар сочилиш ва ютилиш ҳолатларидир.

**Сочилиш** ҳолати асосан оптик толанинг бир таркибли ва толанинг геометрик тузилмаси ҳисобига ҳосил бўлади. Бир таркибли бўлмаслиги ҳисобига ҳосил бўлувчи сочилиш бутун тола йўналиши бўйича бўлиб ўтади ва унда ёруғлик нури йўналтирилган бўлмайди. Тўғри йўналишда жойлашган оптик толаларнинг ўлчамлари тўлқин узунликдан кичик бўлган (рэлеев сочилиши) бир таркибли бўлмаган жойларидаги сочилиши тахминан  $\lambda^{-4}$  миқдорга қадар камайиб боради, мисол учун,  $\lambda = 1550$  нм тўлқин узунликдаги йўқотувчанлик  $\lambda = 1310$  нм тўлқин узунликга қараганда анча кам бўлади. Рэлеев сочилишлари асосан тола тайёрлаш жараёнида толанинг таркиб аралашмалари ва тола зичлиги билан боғлиқдир.

Тола ичидаги сочилиш интенсивлиги тўлқин узунлигининг тўртинчи даражасига қарама-қарши пропорционал бўлгани учун у тўлқин узунлик

ошиб борган сари тезда камайиб боради. Сочилиш 820 нм тўлқин узунликда 1,7 дБ/км, 1300 нм тўлқин узунликда 0,26 дБ/км ва 1550 нм тўлқин узунликда 0,13 дБ/км бўлган теоретик минимал йўқотувчанликни аниқлаб беради

**Ютилиш** деб оптик энергияни тола материали ичида ютилиб иссиқлик кўринишига ўтиш жараёни тушунилади ва унда нурлантирилган ёруғлик нурининг харакатланиш интенсивлиги камайиб боради. Нур ўтказгич материалнинг шахсий ютилиши (шиша панжара дефектларидаги ютилиш) ва фон ютилишлари билан боғлиқ бўлгани учун 1550 нм тўлқин узунликда 0,03дБ/км қийматидан ошиқ бўлмайди. Шунингдек ёруғлик нурининг ютилиши тола тайёрланувчи шишани лозим бўлмаган ҳолда қуритиш хисобига ҳосил бўлади.

Бундан ташқари ютилиш жараёни ифлосланган аралашмалардан темир, мис, кобальт, ванадий ва хром каби ионлари билан ҳам боғланган бўлиши мумкин. Тола ишлаб чиқарувчилари тола ишлаб чиқарилиш жараёнида йўқотувчанликни камайтриш мақсадида юқорида кўрсатиб ўтилган ионлар концентрациясини миллиардан бир даражада сақлаган ҳолда ушлаб турадилар. Хозирги замон оптик тола ишлаб чиқарилиш технологияси тола ишлаб чиқариш жараёнида ўраб турувчи муҳитни ўта тоза ҳолда назоратлаган ҳолда таъминлаб берганлар.


**Микроэгилиш хисобига ҳосил бўлувчи йўқотувчанлик.** Ушбу йўқотувчанлик кўриниши оптик “тола - ўзак” чегарасидаги унчалик катта бўлмаган профил вариантлари билан боғлиқдир. Ушбу чегарани ўзгартириш вариантлар юқори тартибли модаларни акс қайтув бурчагини ва кейинчалик акс қайтув бўлмаслигини таъминлаб беради ва унда ёруғлик нури толани тарк этади.

Микро бир таркибли бўлмаслик чегаралари тола ишлаб чиқариш жараёнида бўлиб ўтиши мумкин, шунинг учун тола ишлаб чиқариш технологияни кескин равишда ривожланиб бориши ушбу микро бир таркибли бўлмасликга каттиқ эътибор берадилар.

Эгилган ва тўғри ётқизилган ҳолда бўлган толаларда йўқотувчанлик спектри бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Тўғри йўналишдаги толалардаги йўқотувчанлик асосан рэлеев сочилишлари билан чегараланади ва унинг қиймати тўлқин узунлик ошиб борган сари камайиб боради. Шу вақтнинг ўзида эгилган ҳолдаги толаларда йўқотувчанлик қиймати аксинча тўлқин узунлик ошиб борган сари ошиб боради. Толаларнинг кўплаб маротаба эгилишлари ва турли хил бўлиниш текисликлар чегарасида тола ичидаги нурланувчи мода тола ташқарисига чиқиб кетиш ҳолатига олиб келади.

Толани эгилиш хисобига йўқотувчанликни пайдо бўлишига иккита сабаб бўлади, биринчидан толани бир-бири билан тўғри ва эгилган толаларни уланган жойларида ҳосил бўлувчи йўқотувчанлик, бунга сабаб эгилган толанинг мода майдрн маркази уланувчи толанинг ўқиға нисбатан  $d$  қийматға қадар силжиши эгилган толанинг радиусига боғлиқдир (2.43-расм). Натижада тўғри ва эгилган толаларни бир-бири билан уланган жойларидаги мода майдонлари  $d$  қийматға қадар бир-бирига нисбатан

силжигандир, шунинг учун "тўғри" ҳолдаги  $w$  диаметрига эга бўлган мода кувватининг маълум бир қисми эгилган толага модаси узатилади, қолган қисми эса қобик модаларига ўзгариб кетиб йўқолиб кетади.



2.44-расм. Тўғри ва эгилган ҳолдаги толаларни бир-бири билан уланган жойларида йўқотувчанликнинг юзага келиш сабаблари:

а – эгилган толада мода майдон маркази тўғри уланувчи тола ўқиға нисбатан  $d$  қийматга силжиган ҳолати; б - “тўғри” ва эгилган тола мода майдонлари бир –бирига нисбатан  $d$  қийматга қадар ўзгарган ҳолат

Иккинчидан эса тола бўйлаб узатилган сигнал куввати тўғридан-тўғри равишда толанинг эгилган жойининг ўзида йўқотилиши мумкин. Бундай ҳолат айниқса толанинг эгилган жойларида харакатланувчи тола ўзагидан узоқ масофасидаги модаларнинг маълум бир қисми ташқи муҳит бўлмиш тола қобиғи бўйлаб харакатланувчи ёруғлик нур тезлигидан катта бўлган ҳолда харакатланади, моданинг бундай қисми тола қобиғи ичига қараб ютилиб кетади ва натижада йўқолиб кетади (2.45-расм). Бундай йўқотувчанлик қиймати толанинг ўрам сонидан катта бўлади ва толанинг эгилиш радиусидан кичик бўлади. Юлдуз кўринишидаги белги муҳит бўйлаб фаза фронти тарқалиш тезлигини ёруғлик нурининг тезлигидан ошиб кетиш нуқтаси бўлади.



2.45-расм. Толанинг эгилган жойида йўқотувчанликни пайдо бўлиши.

**Сонли апертура (Numeric aperture – NA)** деб, тола ичида нурларни йиғиш ҳолати тушунилади. Бизга маълумки, толанинг кириш томонига

критик бурчакдан катта бўлган нурлар йиғилиб тола бўйлаб ҳаракатланиши мумкин. Апертура ўлчов бирлигига эга бўлмаган қиймат бўлиб, у толанинг материал хусусиятига боғлиқ, у тола ўзаги ва тола қобик синдириш кўрсаткичлари бўйича аниқланади


$$NA = \sqrt{n_1^2 - n_2^2} \quad (1.2)$$

Шунингдек тола бўйлаб ёруғлик нурларини тарқалиб ҳаракатланиш бурчак қийматларини аниқлаш мумкин ва бу бурчаклар конусни ҳосил қилиб, у кириш конуси деб аталади ҳамда унинг ёрдамида бурчак фарқи толага киритилувчи ёруғлик нурнинг максимал бурчагини аниқлаб беради. Киритилувчи конус апертура  $NA$  билан қуйидагича боғлиқдир:

$$\theta = \arcsin ( NA ), NA = \sin\theta \quad (1.3)$$

бу ерда:  $\theta$  – толага киритилувчи нур бурчагининг ярми.

$NA$  деб аталувчи апертура тола учун асосий тавсилотлардан бўлиб ҳисобланади, чунки у толага нур тўлиқ равишда киритилиб тола бўйлаб тўлиқ равишда ҳаракатланиш ҳолатидир. Катта апертура  $NA$  қийматига эга бўлган ҳолда нур тўлиқ равишда толага кириб боради, кичик қийматга эга бўлган апертурада  $NA$  эса кичик йўналтирилган ёруғлик нур боғламини киритиш мумкин.



2.46-расм. Сонли апертура

Қоида бўйича кенг ўтказиш полосасига эга бўлган тола кичик қийматли апертурага –  $NA$  эга, шунинг учун тола жуда ҳам кам бўлган модаларни ўтказа олади ва у ўз навбатида кичик дисперсияга ва жуда ҳам кенг бўлган ўтказиш полосасини ташкил этади. Одатда  $NA$  – апертура қиймати каварц шишадан тайёрланган толаларда 0,5 қийматидан бошлаб ва пластикли толаларда ва синдириш кўрсаткич профили секин-аста ўзгарувчан толаларда эса 0,2 қийматига қадар ўзгариб боради.

Катта қийматга эга бўлган апертура -  $NA$  деганда мода дисперсияси тушунилади ва унинг ҳисобига ёруғлик нур траекториялари бўлиши тушунилади.

Бир модали толада ёруғлик нури акс қайтув ёки синиш ҳолатларида бўлмайди, чунки у тола чегарасига қадар бурчак остида ҳаракатланмайди. Ҳудди шундай ҳолат бўлгани учун бир модали толага ёруғлик нури тўлиқ ички ҳолатида бўлтиш учун кириш конусига бурчак остида киритилмайди, шунинг учун бир модали толада  $NA$  –апертура қийматини аниқлаш талаб этилмайди ва бу қиймат амалиётда унчалик аҳамиятга эга эмас.

Узаткич сифатида қўлланувчи ёруғлик нур манбалари ва қабул қилгич ҳам ўзининг апертурасига эга, нурлантиргич манбанинг апертураси –  $NA$  чиқувчи нурнинг апертура бурчагини аниқлаб беради. Детекторнинг апертураси –  $NA$  қабул қилгич учун ишчи бурчак диапозонини аниқлаб беради. Нурлантиргич манба учун  $NA$  апертурани тола билан келишилган ҳолда билмоқ керак бўлади, чунки нурлантиргич манба томонидан нурлантирилган нур тўлиқ равишда толага киритилиб унинг ичида тўлиқ равишда ҳаракатланиши керак. Келишилмаган апертура эса ёруғлик нурни узатуви пайтида қўшимча йўқотувчанликга олиб келади.

**Мода** тушунчаси математик ва физик тушунчага эга бўлиб, у электромагнит тўлқинларни муҳит бўйлаб тарқалиш жараёни билан боғлиқдир. Математик нуқтаи-назардан, мода назарияси Максвелл тенгламасига асосланган. Джеймс Клерк Максвелл ўтган XVIII асрда яшаб ўтган шотландиялик физик бўлиб, у биринчилардан бўлиб электр ва магнит энергия орасида математик нисбийлик қийматини исботлаб берган. У электр ва магнит энергиялар электромагнит энергиянинг битта кўринишдаги турли шаклдалигини ҳамда улар турли хил энергия эмаслигини кўрсатиб берди. У ушбу кўринишдаги нурланиб тарқалиши қаттиқ қоидага бўйсунганини кўрсатиб берган тенгламада кўришимиз мумкин, шунинг учун Максвелл тенгламаси электромагнит назария асоси бўлиб хисобланади.

Мода Максвелл тенгламасининг маълум бир ечими кўринишига эга.

### **МОДА НИМА?**

**МОДА** деганда ёруғлик нурининг ҳаракатланувчи траектория кўриниши тушунилади. Оптик тола ичида ҳаракатланувчи модалар сони 1 тадан то 100 000 гача бўлиши мумкин. **модалар сони толанинг ўлчамлари ва тола хусусиятига боғлиқдир.**

**Ионлаштирувчи нурланиш таъсири.** Радиацион мустаҳкамлик қурилмани ядрели таъсир эффе́ктларига бўлган хусусияти тушунилади. Оптик толани электр ток ўтказгичларидан фарқи шундаки оптик тола радиация таъсири остида статистик зарядларни ўз атрофига йиғмаслигидан иборатдир.


Толаларнинг юқори интенсивликга эга бўлган доимий радиоактив нурланиши шароитида ҳам йўқотувчанлиги ошмайди, радиацион нурланиш толанинг бир таркибли бўлмаган жойларида ютилишни ошириб беради, шунинг учун толанинг сўниш қийматини ошиб бориши нурланиш интенсивлиги ва йиғилиб борган доза қийматига боғлиқдир.

**Оптик толанинг механик мустаҳкамлилиги ва хизмат кўрсатиш муддати.** Оптик толанинг физик ва механик хусусиятлари тола тайёрланувчи материал хусусиятидан бир мунча фарқланади, айниқса бу ҳолат оптик толанинг механик мустаҳкамлилиги тола тайёрланувчи шиша материал мустаҳкамлигидан анча каттадир. Одатда шишани анча қаттиқ ва

синувчи деб биламиз, айниқса дераза учун қўлланувчи ойна учун қўлланувчи шиша ҳақиқатдан ҳам эгилмайди, аммо шишадан тайёрланган оптик толани унчалик катта бўлмаган диаметрда бураб ўраш мумкин ёки бемалол равишда тугун қилиб боғлаш мумкин. Толанинг мустахкамлилик чегараси толани ёки симни чўзилишга бўлган мустахкамлиги ёки уни эгиб букишда ҳеч қандай шикастланишлар бўлмайдиган мустахкамлилик тушунилади. Агар шишанинг чўзилишга бўлган мустахкамлиги  $(3,9 \dots 9,8) \times 10^7$  Па бўладиган бўлса, диаметри 3 ... 9 мкм бўлган оптик тола ҳудди шундай шишадан тайёрланган бўлса, у ҳолда унинг мустахкамлиги  $(1,47 \dots 1,9) \times 10^9$  Па бўлган қийматга эгадир. Оптик толанинг чўзилиб узилишга бўлган мустахкамлилик чегараси ушбу ўлчамдаги пўлат сим чўзилиб узилиш мустахкамлигидан анча ошиқдир. Бундан ташқари мисдан тайёрланган ток ўтказгич сим диаметри икки марта катта бўлган диаметрга эга бўлиб, у ўз навбатида тола сингари мустахкамлилик чегарасини таъминлаб бериши керак.

Толанинг тезда синувчанлигига асосий сабаб толанинг ташқи юзасида микроёриқларни бўлишлиги ва ички томонида дефектлар бўлишлигидир, шунинг хисобига толанинг ташқи юза томонларидаги ёриқларни бир мунча кўплигидир. Ташқи юза дефектлари асосан толани чўзилиш юкламаси таъсири хисобига ошиб бориши, асосан оптик кабелларни ётқизиш жараёнида бўлиб ўтади. Хароратнинг ўзгариш ҳолатлари, механик ва кимёвий таъсирлар ва эскириш ҳолатлари ҳам дефектларни пайдо бўлишга олиб келади.

Оптик толали алоқа линияларнинг асосий афзалликларидан бири уларнинг потенциал узоқ муддатлиги хисобланади, бу дегани оптик тола кварц шишадан тайёрланганлиги бўлиб, у юз йиллар давомида сақланиб қолишлигидан иборатдир. Узоқ йиллар мобайнида ишловчанликни таъминлаш учун лозим бўлган шароит талаб этилади ва асосан механик кучланганлик таъсир этмаслиги керак, демак оптик толанинг хизмат кўрсатиш муддати толадаги микроскопик ёриқларни ўсиб бориш жараёни бўйича аниқланади. Бундай ёриқларни ошиб бориш маркази асосан толанинг ташқи юзасида бўлади ва у доимо ўсиб бормаслиги ҳам бўлиши мумкин. Аммо оптик тола тортилган бўладиган бўлса, у ҳолда толанинг ёриғи тезда лава кўринишда ўсиб боради ва тола тезда узилади. Толанинг хизмат кўрсатиш муддати унинг чўзилиш характериға боғлиқ бўлиб, унинг кўриниши 2.46-расмда келтирилган, чўзилиш қиймати бутун узунлик бўйича чўзилиш ўлчов бирлигида кўрсатилган. Ушбу расмда кўрсатиб ўтилган маълумотлар Япониянинг FUJIKURA компанияси томонидан ишлаб чиқарилувчи намунавий стандарт телекоммуникацион бир модали оптик тола маълумотлари асосида тайёрланган.



2.47-расм. Оптик толанинг хизмат кўрсатиш муддатини чўзилишга бўлган ҳолатига боғлиқлиги

Агар келтирилган маълумотларга назар соладиган бўлсак, унда толанинг микро шикастланиш ёки намликнинг таъсири каби бир қанча омилар эътиборга олинмаган, лекин толанинг бир мунча чўзилишининг ошиб бориши кўплаб маротаба толанинг хизмат кўрсатиш муддатини камайишга олиб келади. Шунинг учун, оптик толали алоқа линиялари ҳолатини баҳолашда кабел ичидаги оптик толанинг чўзилиши ҳақидаги маълумотларга эга бўлмасдан уни баҳолай бўлмайди. Бундай масаланинг долзарблиги тола ичидаги жуда ҳам кичик бўлган оптик эффектларни тадқиқот қилмасдан аниқлаб бўлмайди, шуни ҳисобига нима сабабдан бриллюэн рефлектометрияни ҳосил бўлиш сабабларини билиб бўлмайди. Бизга маълумки, фойдаланувчилар томонидан оптик толали алоқа линиянинг хизмат кўрсатиш муддати 25 йил қилиниб, у ўз навбатида 0,36% дан кам бўлмаган чўзилиш қийматини таъминлаб бериши билан бирга локал механик чўзилиш юклама қиймати 3 Н бўлган чегарада аниқлаб беради. Оптик тола тайёрланувчи шишанинг бузилиш жараёнига асосан ўраб турувчи муҳитнинг физика-кимёвий хусуситлар, биринчи навбатда тола таркибида сув парларини бўлиши кўпроқ таъсир қилади. Оптик толанинг мухофазаловчи қоплами нур ўтказгич толани ўраб турувчи муҳит билан ўзаро таъсирлардан ҳимоялайди. Бундай қарайдиган бўлсак, полимерли қоплам оптик толали нур ўтказгич ташқи юзасига сув молекулаларини тўлиқ равишда кириб боришидан ҳимоя қила олмайди, аммо у сув молекулаларини кириб боришини қийинлаштиради.

### Оптик тола тоифалари

Кўп модали толаларнинг стандартига асосан улар  $g$  параметрига боғлиқ равишда туркумланади ва толанинг синдириш кўрсаткич профилини тавсифлайди. Тола тоифаси  $g$  параметри орқали аниқланади, улар асосан 2.2- жадвалда кўрсатиб ўтилган тоифа таркибига кирувчи энг яхши нормаллаштирилган синдириш кўрсаткич профилига тўғри келиши керак.

Кўп модали толаларнинг тоифалари

2.2-жадвал

Тоифа	Тола материали	Тури	Диапазони
A1	Шиша ўзак, шиша қобик	Градиент синдириш кўрсаткичига эга бўлган тола	$1 \leq g \leq 3$
A2.1	Шиша ўзак, шиша қобик	* Квази поғонали синдириш кўрсаткичига эга бўлган тола	$3 \leq g \leq 10$
A2.2	Шиша ўзак, шиша қобик	*Поғонасимон синдириш кўрсаткичига эга бўлган тола	$10 \leq g \leq \infty$
A3	Шиша ўзак, шиша қобик	*Поғонасимон синдириш кўрсаткичига эга бўлган тола	$10 \leq g \leq \infty$
A4	Полимерли тола	-	

\* Баъзи бир ҳудудларда  $g$  қўлланилиши  $x$  функцияси бўлиши мумкин.

Ҳозирги пайтда қўлланувчи бир модали толаларнинг тофалари ҳақидаги маълумотлар 2.3-жадвалда келтирилган.

### 2.3-жадвал

Тоифа	Материал	Дисперсияси ноль бўлган номинал тўлқин узунлик, нм	Нормаллаштирилган номинал тўлқин узунлик, нм
B1.1	Шиша ўзак, шиша қобик	1300	1300
B1.2	Шиша ўзак, шиша қобик	1300	1550
B2	Шиша ўзак, шиша қобик	1550	1550
B3	Шиша ўзак, шиша қобик	1300 ва 1550	1300 ва 1550

Бир модали оптик толаларнинг эксплуатацион тафсилотлари фақатгина оптик толанинг конструктив тузилишига боғлиқ бўлмасдан, толанинг асосий параметрлари ва тизимнинг асосий параметрлари бўлмиш, мода майдонига боғлиқ бўлади.

**Кесувчи тўлқин** узунлик деганда, умумий қувват орасидаги нисбийликдан катта бўлган тўлқин узунлик тушунилади ва у ўз ичига юқори тартибдаги нурланувчи модаларни олади ҳамда унда асосий мода қувват қиймати ўрнатилган қийматга қадар камайиб боради, шунингдек унда модалар бир текисда кўзғатилади. Ўрнатилган қиймат бўйича икки метр узунликда тўғри равишда ётган тола бўлаги учун ҳамда 140 мм радиусда битта ўралган ўрам учун 0,1 дБ қиймат деб олинган.

Умумий дисперсия деганда тарқалиш параметрини тўлқин узунлигига боғлиқлиги тушунилади. Агар нурлантирувчи манба линиянинг спектрал кенглигига тенг бўладиган бўлса, у ҳолда дисперсия сигналнинг бузилиб ёйилиб кетишига сабаб бўлади. Умумий дисперсия нур ўтказгичнинг материал ва тўлқин ўтказгич дисперсияси натижасида ҳосил бўлади.

## ХУЛОСА

- Уч хил кўринишдаги оптик толалар мавжуд: поғонасимон ва секин-асталик билан ўзгарувчан бўлган градиент синдириш кўрсаткичига эга бўлган кўп модали ҳамда бир модали оптик тола;
- Толанинг ўзак диаметри тола сифатини аниқ бўлмаган ҳолда баҳолай беради: тола ўзак диаметри қанчалик кичик бўладиган бўлса, толанинг ўтказиш полосаси шунчалик катта бўлади ва толанинг сўниш қиймати шунчалик кичик бўлади;
- Турли сифатга эга бўлган оптик толалар турли хил техник ҳудудларда қўлланмоқда;
- Дисперсия - оптик толанинг сифатини бир мунча чегараловчи омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Дисперсияни камайтириш учун секин-аста текисланиб ўзгарувчан профилли ёки бир модали тола қўлланади;
- Дисперсия асосан бутун оптик тола бўйлаб ёруғлик нурининг тарқалиши жараёнида нур импульсининг ёйилиб кетиш асосида ётади;
- Уч хил кўринишидаги дисперсия мавжуд: мода дисперсияси, материал дисперсия ва тўлқин ўтказгичли дисперсия;
- Дисперсия ўтказиш полоса кенглигини анча чегаралайди:
- кўп модали оптик толаларда модали ва молекуляр дисперсияси мавжуд;
- бир модали оптик толаларда тўлқин ўтказгичли ва материал дисперсия мавжуд;
- Сўниш деганда оптик сигнал қувватининг йўқотувчанлиги ҳисобига ҳосил бўлади;
- Сўниш қиймати ёруғлик нур частотасининг ўзгариши ҳисобига ўзгаради;
- Сўниш қиймати тола бўйлаб ҳаракатланувчи сигналнинг тезлигига боғлиқ эмас;
- Сонли апертура толада ёруғлик нурларини бир жойга жамланиб йиғилишини аниқлаб беради ва у толага ёруғлик нурини тола ичига киритилиб тола бўйлаб ҳаракатланувчи ёруғлик нур бурчак қийматини аниқлаб беради;
- Оптик тола мис симли ток ўтказгичга қараганда бир мунча катта мустаҳкамлилиқ чегарасига эга.

## Назорат сақоллари

1. Оптик толанинг асосий тафсилотлари
2. Оптик толанинг асосий тузилмаси
3. Оптик тола туркумлари
4. Оптик тола бўйлаб ёруғлик нурининг тарқалиш назарияси.
5. Бурчак апертураси
6. Оптик тола турлари ва уларнинг тавсифлари
7. Оптик толанинг асосий параметрлари. Сўниш

### **3.ОПТИК КАБЕЛЛИ АЛОҶА ЛИНИЯЛАРИ.**

#### **3.1. Оптик толали алоқа линиялари бўйлаб сигналларни узатиш**

Бугунги кунда Республикамизнинг телекоммуникация тармоқларидан ташқари бошқа соҳаларда ҳам кенг равишда оптик толали алоқа линияларини қўлланилиши асосан уларнинг нарҳини кичиклиги ва жуда ҳам юқори ишончилиги хисобига бўлиб ўтмоқда.

Оптик толали нур ўтказгичлар бўйлаб электр сигналларни узатиш учун оптик узатиш тизимлари қўлланмоқда, уларнинг асосий ташкил этувчилари сифатида линиянинг бош томонида ёруғлик нури кўринишидаги сигналларни узатувчи қурилма сифатида электрон-оптик ўзгартиргич, оптик толали линия ва охири қурилма сифатида қўлланувчи ёруғлик нури кўринишидаги сигналларни қабул қилгич қурилмаси сифатида қўлланувчи опто-электрон ўзгартиргичдан иборат бўлган қабул қилгич қурилмалар қўлланмоқда. Металли ток ўтказгич тизимларидагидек линиянинг бош томонида ва линиянинг охири уч томонида охириги қурилмалар қўлланилади. Бундай охириги қурилмалар орасида аналогли узатувлар учун кучайтиргичлар қўлланса, рақамли узатув тизимларида регенераторлар қўлланади.

Оптик ва электр узатув тизимлари бир хил электр бирлаштирувчи қурилмаларга эга, бу дегани оптик толали технологияни қўллашда аввалдан хизмат кўрсатиб турган тармоқни тезда кенгайтириб бориш имконини беради.

Оптик толали нур ўтказгичлар бўйлаб узатувни ташкил этиш учун асосан рақамли технология талаб этилади, чунки у телефон тармоқлари, маълумотлар узатув тармоқлари ва шунга ўхшаш бўлган турли хилдаги узатув тезликларини маълумотлар манбаидан битлар кўринишида узатувни таъминлаб беради. Оптик толали технологияни кенг равишда ривожланиб бориши ўз навбатида аналогли технология ўз ўрнини рақамли технологияга тезда бўшатиб бермоқда.

Рақамли узатув технологиясида асосий функцияни аналог-рақамли ўзгартиргичлар яъни товуш кўринишидаги сигналларни рақамли сигнал кўринишига ўзгартириб беради, мультиплексорлаштириш (бирлаштириш) эса рақамли сигналларни бирлаштириш ва рақамли сигналларни оптик толали нур ўтказгичлар бўйлаб узатиш учун ишлатилади. Рақамли технологияни кенг равишда қўлланилиши телефон алоқа, маълумотлар узатуви, телевидение дастурларин узатиш каби турли хизматларни бирлаштиришдан иборатдир. Бу мақсадларни амалга ошириш учун ХЭАИ-Т(Халқаро электр алоқ итфоқининг телекоммуникация) сектори томонидан маълум бир узатув тезликлари учун узатиш тизим стандартлари ишлаб чиқилган(3.1-жадвал).

Оптик толали алоқа кабелларнинг конструктив тузилишида қўлланувчи оптик ва полимер толаларнинг асосий авзалликлари тола бўйлаб узатилувчи электромагнит тўлқин узунликлари ва частотасига боғлиқдир (3.1-расм).

## Узатиш тизим стандартлари

3.1-жадвал


Плезиохрон рақамли иерархия						
64Кбит/с тезлигидаги каналлар сони	узатиш	30	120	480	1920	7680
Узатиш тезлиги, Мбит/с		2	8	34	140	565 <sup>1</sup>
Синхрон рақамли иерархия						
Синхрон транспорт модули сатхи		STM-1	STM-4	STM-16	STM-64	STM-256
Узатиш тезликлари, Мбит/с		155	622	2488	10000	40000
<sup>1)</sup> ХЭАИ-Т томонидан ушбу сатҳ қабул қилинмаган						

Оптик толали алоқа кабелларининг бошқа турдаги узатиш тизим кабелларига бўлган афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- турли хил халақитларга чидамли бўлишлиги, ташқи электромагнит майдонларга чидамли ҳамда бир жойда бир қанча кабеллар ётқизилганда толалар орасида ўзаро таъсирлар умуман бўлмаслиги
- толанинг ўтказиш полосасининг кенг бўлишлиги;
- масса ва габарит ўлчамларининг кичикли бу дегани бугунги кунда қўлланивчи электр алоқа кабеллари ёрдамида бир хил каналлар сонига эга бўлган узатув тизимларидан тахминан 10 марта ва ундан ҳам кичик бўлишлигидан иборат, бу эса ўз навбатида оптик кабелларни нархини камайишига ва қурилиш ишлари учун сарф бўладиган вақтни камайишига олиб келади;
- тизимга кириш ва тизимдан чиқиш томонлари орасида электр томондан изоляциялангани ҳисобига узаткич ва қабул қилгични умумий ер билан улаш ишлари талаб этилмайди, бу билан узатув-қабул қилгич қурилмаларни ўчирмаган ҳолда оптик кабелни таъмирлаш ишларини олиб бориш мумкин бўлади;
- оптик толали кабел ичидаги нур ўтказгичлар орасида қисқа туташувлар бўлмагани учун оптик толали алоқа линияларни турли хил ҳавфли кесишувлар бўлган жойларда ҳам қўллаш имкони бор, чунки толаларда қисқа туташув ҳисобига ҳавф туғдирувчи ва ёнғинга сабаб бўлмаслиги учун тезда аланга бўлиб ёниб кетувчи муҳитларда қўллаш имкони бор;
- потенциал томондан нархининг кичик бўлишлиги, чунки оптик толалар асосан ўта тоза бўлган шишадан тайёрланади ва унинг таркибида миллиондан бир қанча кичик заррачали аралашмалар бўлса ҳам, кўплаб равишда оптик тола ишлаб чиқарилиш жараёнида уларнинг нархи анча кичик

бўлади. Бундан ташқари оптик толаларни ишлаб чиқаришда қиммат баҳо ва камёб бўлган мис ва кўрғошин каби рангли металллар қўлланмайди. Электр алоқа кабелли линиялардан симметрик, коаксиал ва тўлқин ўтказгичли узатиш тизимларининг нархи ортиб борса ҳам ҳеч қамайиб бормайди, чунки мис ва электр алоқа кабеллари учун қўлланувчи кўплаб рангли металллар камёб бўлиб уларнинг энергетик захиралари ер юзасида анча қамайиб бормоқда.

Оптик толали тизимлар ўзининг афзалликлари билан бирга камчиликларга ҳам эга, булар монтаж ишлари учун қўлланувчи прецензион яъни аниқ равишда ишловчи қурилмаларнинг нархини анча баланд бўлишлиги билан бирга лазерли нурлантирувчи манбаларнинг нархини анча баланд бўлишлиги ва оптик толаларни ҳимоялаш учун қўйиладиган махсус талабларни юқори бўлишлигидир. аммо оптик толали алоқа тизимларини қўлланилиши ҳисобига уларнинг афзалликлари анча юқоридир ва келажакда ушбу тизимлар кенг қўламда ривожланиб боради.



3.1-расм. Частота ва тўлқин узунлик спектр кенглиги

1996-йили ХЭАИ-Т сектори томонидан ишлаб чиқилган тавсияга асосан *пассив оптик ташкил этувчиларга* қуйидагилар киради:

- \* - мультиплексорлар ва демультимплексорлар, шу жумладан WDM қурилмалари;
- \* - тармоқлагичлар, (сплиттерлар);
- \* - аттенюаторлар;
- \* - изоляторлар;
- \* - қайта улагичлар, коммутаторлар;
- \* - дисперсияни компенсацияловчи пассив қурилмалар;
- \* - коннекторлар ва бошқа улагичлар;
- \* - акс қайтувни йўқотиш учун қўлланувчи охириги қурилмалар;
- \* - адаптерлар;
- \* - оптик толали циркуляторлар;
- \* - оптик муфталар;
- \* - таъмирлаш учун қўлланувчи вақтинча улагичлар.


Тармоқнинг ҳар қандай тури юқорида кўрсатиб ўтилган умумий ва махсус қурилмалардан фойдаланишни талаб этади. Бундан ташқари ёруғлик нуруни узатиш схемасида қўлланувчи кўрсатиб ўтилган ҳар қандай қурилма ўз навбатида маълум бир йўқотувчанлик беради ва акс қайтув манбаи бўлади бўлиб акс қайтув йўқотувчанликни тавсилаб беради ва бу йўқотувлар одатда децибелл ўлчов бирлигида ўлчанади.

### **3.2. Оптик алоқа кабелларининг туркумланиши**

Турли хил тармоқларда қўлланувчи оптик алоқа кабеллари ҳаво алоқа линияларининг симёғочларига, темир йўллarning контакт тармоқ симёғочларига, электр узатиш линия симёғочларига, электр узатиш линия кабеллари орасида, телефон кабел канализацияси ва сув узатиб берувчи қувурлари ичида, дарё ва турли хил сув кечувлари ҳамда дарё туби остида ҳамда автомобил йўллари ёқасида ётқизилиб эксплуатация қилинади.

ХЭАИ-Т секторининг тавсияларига асосан оптик кабелларни бино ичида ва бино ташқарисида ётқизилувчи кабелларга бўлиш мумкин. Бино ташқарисида ётқизилувчи кабеллар ёки улар линия кабеллари деб юритилиб, уларнинг туркумлари 3.2-расмда келтирилган.

Оптик толали алоқа линияларини лойихалаштириш жараёнининг кабел танловида иложи борича оптик кабел ичида жойлашган оптик толаларни қўшимча йўқотувчанлик бермаслиги учун ҳимояланган бўлиши билан бирга турли хил эксплуатация шароитларида оптик кабелнинг узатиш параметрларига таъсир этувчи омилларга, жуда ҳам кучли механик деформациялардан ҳимоя ишлари талаб этилиши ва кабелнинг турли хил геометрик ўзгаришлари эътиборга олиниши керак.




Бино ташқарисида ётқизилувчи оптик кабелларнинг туркумлари

Бино ичкарасида ётқизилувчи оптик кабелларнинг туркумлари қуйидаги расмда келтирилган.



Бино ташқарисида ётқизилувчи оптик кабелларнинг туркумлари

Оптик кабелларнинг қўлланилиш шароити бўйича осма, ер остига ётқизилувчи ва сув остига ётқизилувчи оптик кабелларга бўлинади. Булар ичида кенг равишда қўлланувчи оптик кабелларнинг туркумлари ер остига ётқизилувчи оптик кабеллар хисобланади (3.2-расм).



3.2-расм. Ер остига ётқизилувчи оптик кабелларнинг туркумлари

Осма ётқизилувчи ва сув остига ётқизилувчи оптик кабелларнинг туркумлари 3.3 ва 3.4-расмларда келтирилган.


Бундан ташқари оптик толаларни ётқизиш ишлари осон бўлиши билан бирга оптик кабел муфталари ичида оптик толаларни пайвандлаб улаш ишлари ёки оптик толаларни стойкаларга киритиш ва уларнинг охир учларини жихозлаш ишлари билан боғлиқ бўлган ишлари осон бўлишига катта эътибор этилади.

Агар оптик толали алоқа кабелларини оддий мис симли электр алоқа кабеллари билан солиштириладиган бўлса, оптик кабеллар кўплаб афзалликларга эга:

- масса ва ўлчамларини кичик бўлишлиги;
- каттадан-катта масофаларга ётқизиш мумкинлиги;
- йўқотувларнинг кичиклиги;
- ўзаро таъсирларни бўлмаслиги;
- ўтказиш полосасини катта бўлишлиги;
- электромагнит таъсирларни бўлмаслиги.

Бино ташқарисида ётқизилувчи оптик кабеллар турли хил шароитларда ётқизилганда улар турли хил кучли табиий таъсирлар остида бўлиши

мумкин, шунинг учун кабел танловида турли хил ўраб турувчи мухит таъсирларига катта эътибор бериш керак бўлади.



3.3-расм. Осма оптик кабелларнинг туркумлари.



3.4-расм. Сув остига ётқизилувчи оптик кабелларнинг туркумлари.

Кўрсатиб ўтилган оптик кабеллар ичида келажаги порлоқ кабеллардан тўлиқ диэлектрик алоқа кабеллари ҳисобланади, чунки бундай кабеллар жуда ҳам кучли электромагнит таъсирларга ҳам чидамбардошдир, аммо бундай тўлиқ диэлектрик оптик кабелларни қўлланилишида оптик кабелни ва айниқса оптик кабел ичида жойлашган оптик толаларни зилзила, музликлар, ер ости кўчкилари, тоғлик ерларда тош кўчкилари ва сув тошқинларини ҳосил қилувчи селлар каби табиий ҳолатлар ҳисобига ҳосил бўлувчи механик таъсирлардан, кабел ўзаги ичига турли ҳил аралашмага эга бўлган сув парларидан, водород атомлари каби манбалардан, ер ости кемирувчилардан, хизмат талаб этилмайдиган регенерация пунктлари учун электр манба билан таъминлашда, теле назорат, теле механика ва хизмат алоқасини ташкил этиш учун қўлланувчи мис симли ток ўтқагичларни ҳамда ер остида жойлашган алоқа кабелларини ва оптик кабеллани шикастланган жойларини аниқлаш ишларини бажариш учун ҳимояланиш талаб этилади.

Бугунги кунда таркибида метал элементлар бўлган оптик кабеллар кенг равишда ер остига ётқизишда, кабелларни осиб ётқизишда ва сув остига ётқизилувчи оптик кабеллар магистрал, ҳудудий ва маҳаллий тармоқларда, кучли зилзилалар бўладиган ҳудудларда, кўплаб ер ости кемирувчилари бўлган жойларда ҳамда кучли селлар ҳисобига ер кўчкилари бўлувчи жойларда қўлланмоқда.

Таркибида метал элементлар бўлган оптик кабелларни туркумлашда 3.5-расмда кўрсатиб ўтилганидек диэлектрик ва таркибида металл элементлар бўлган иккита катта гуруҳга ва учта кичик гуруҳчаларга бўлиш мумкин:

- оптик кабелнинг ўзак марказида жойлашган диэлектрик ва металл кучлантирувчи элементларга эга бўлган оптик кабеллар;
- оптик кабелнинг ўзак марказидан олисда ва ташқи қобик орасида жойлашган кучлантирувчи элементларга эга бўлган оптик кабеллар;
- кучлантирувчи элементлари кабел ўзагининг марказида ва марказ ташқарисидаги олис томонида жойлашган оптик кабеллар.

Бундан ташқари таркибида металл элементлар жойлашган оптик кабеллар иккита гуруҳчага бўлинади, булар:

1. пассив металл элементли;
2. пассив ва актив металл элементли.

Кўпчилик оптик кабеллар ўзининг конструктив тузилиши бўйича металл элементли оптик кабелларга бўлинади:

-  оптик кабел ўзагини механик муҳофазаловчи кўринишидаги ташқи металл элементли;
-  марказда жойлашган металл элементли;

✚ металл элементи ташқарида жойлашган ва дистанцион манбани узатиш учун мис симли.

Шунингдек оптик кабел ичида жойлашган оптик толаларни хизмат кўрсатиш муддаини ошириш мақсадида металлштирилган оптик толалар қўлланади. Тўлиқ диэлектрик конструктив тузилига эга бўлган оптик кабелларни тўғридан-тўғри равишда ер остига ётқизиш учун ва бугунги кунда қўлланувчи симёғоч ва таянчларга осиб ётқизиш мумкин(1.9-расм).

Оптик кабелларни тўғридан-тўғри равишда ер остига юқори вольтли кучланишга эга бўлган электр кабеллар билан биргаликда ҳамда юқори вольтли кабелнинг ўзаги ичида оптик кабеллар жойлаган ҳолда ва туннеллар ичида ҳамда юқори вольтли электр узатиш линиялар билан кесишган ҳолда ҳам ётқизиш мумкин. Бундай ҳолатларда оптик кабелнинг полимер элементларининг харорати ошиб кетиши ва вақт ўтиши билан охири оқибатда полимерларнинг механик хусусиятларини йўқотувига олиб келади ва ишлатилувчи оптик кабелнинг хизмат кўрсатиш муддатини камайишга бўлади.

Оптик толанинг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда оптик толали алоқа линияларини юқори вольтли линия ва ёриткич тармоқ линия, темир йўл, трамвай ва троллейбус линия симёғочларига осиб ётқизиш мумкин. Бундай ҳолатларда юқори вольтли линияларнинг жуда ҳам катта кучланишга эга бўлган юқори сатхларда доимо ҳавфли таъсир этувчи электр майдонлар таъсири пайтининг ёғингарчилик, атмосферанинг кучли ифлосланишлари каби маълум бир шароитларида кенг полосали ёй ҳосил бўлишга олиб келади, бу эса ўз навбатида осма оптик кабелнинг бузилиб шикастланишга олиб келади. Бир вақтнинг ўзида жуда ҳам катта кучланишга эга бўлган кучланганлик майдони оптик толанинг синдириш кўрсаткичини ўзгаришига олиб келади ва бу ҳолат сўниш қиймати ва дисперсияни ошиб кетиши Кэрри эффектига сабаб бўлиши ўз навбатида узоқ муддатли халақит берувчи таъсирга сабаб бўлади(1.10-расм).

Яшин пайтидаги разрядларда Кэрри ва Фарадей каби қисқа вақтлик эффектлар ҳосил бўлиб, улар халақит берувчи таъсирларга сабаб бўладива улар метал элементли оптик кабелларга таъсир этиб оптик кабелларга кескин таъсир этувчи ҳолатлар асосан оптик кабелларни ер остига ва оптик кабелларни осиб ётқизиш жараёнида бўлиб ўтади.

Оптик кабелнинг конструктив тузилишига асосий сабаб оптик толага ҳавфли яшин таъсирлари, юқори вольтли линия, электрлаштирилган темир йўл линияларининг авария ва қисқа туташув иш режимларида бўлиб ўтади. Яшин уришлари ва юқори вольтли линияларнинг қисқа туташув ҳолатларида оптик кабелнинг шикастланиши мумкин, чунки бундай ҳолатларда кучли токнинг оқиб ўтиши пайтида иссиқлик таъсири полимер материалларнинг бузилиб шикастланишига ёки хизмат кўрсатиш муддатини қисқаришга олиб келади. Халақит берувчи таъсирлар асосан Кэрри ва Фарадей эффектлари хисобига ҳосил бўлади.

Оптик кабелнинг диэлектрик, металл, металлодиэлектрик каби қобик турини танлашда электромагнит таъсирлардан ташқари қуйидаги ва бошқа таъсирларни эътиборга олиш керак бўлади:

- водород атомининг генерациясини;
- иқлим шароитини;
- кабел ўзаги ичига ҳавони кириб боришини;
- кабел таркибига кириб борувчи аралашмалар қаршилигини;
- механик стабилликни;
- кимёвий қаршилиқни;
- кабел диаметрини;
- кабел массасини;
- турли хароратларга ва ёнғинга чидамбардошлигини;
- ер ости кемирувчилари ва турли хашоратларга бўлган қаршилиқни;
- қурилиш узунликларидаги кабел қобикларини бир-бири билан улашиш усулларини.

Актив ва пасив элементларга эга бўлган оптик кабеллар учун кучли электромагнит майдонлар шароитида электромагнит мослашувчанлик асосий омил бўлиб ҳисобланади.

Бино ичида ётқизилувчи оптик кабелларга абонент, ички станцион боғловчи каби кабеллар киради.

Оптик толали алоқа кабелларини лойихалаштирувчи омиллар қуйидагилардан иборат:

- механик тафсилотлар ва ўраб турувчи муҳит тафсилоти;
- узоқ муддатли ишонччилик;
- кабелларни ётқизиш ва кабелларни бир-бири билан улаш ишларини осон бўлишлиги;
- турли тармоқларда қўллаш имкони бўлиши керак.

Ўраб турувчи муҳит шароити оптик кабелларни ётқизиш турига боғлиқ ҳолда кўриб чиқилади. Шунинг учун оптик кабелларни ётқизиш ишлари қуйидагича бўлади:

- ✚ ҳавода осиб ётқизиш;
- ✚ тўғридан-тўғри ер остига ётқизиш;
- ✚ телефон кабел канализациясига ётқизиш;
- ✚ туннеллар ичига ётқизиш;
- ✚ бино ичида ётқизиш;
- ✚ сув остига ётқизиш.

Бино ташқарисида ётқизилувчи оптик кабелларни турли хил кўринишдаги ўраб турувчи шароитларда ётқизиш мумкин ва охир оқибатда ётқизилувчи оптик кабеллар кучли табиат таъсирлари остида бўлади. Ўраб турувчи муҳит диапозони иложи борича ўта ўрганган ҳолда кўриб чиқилиб, унда иложи борича қандай конструктив тузилишдаги оптик кабел танланиши керак бўлиб, у узоқ вақт давомида ўзининг лозим бўлган тавсилотларини

алабларига жавоб берувчи ва оптик кабелларни ётқизиш ҳамда кабелларни эксплуатация жараёнида бўладиган механик шароитларидан ҳимоялаш талабларига жавоб берувчи ҳолда оптик кабел қобиғи қопланиши керак. Бундай қобиқ жуда ҳам мураккаб бўлган конструктив тузилишга эга бўлиши билан бирга конкрет ўраб турувчи муҳит шароитларида қониқарли бўлган кучлантирувчи элементлар ва муҳофазаловчи зирх қатламига эга бўлиши керак.

***Оптик кабелнинг асосий конструктив элементлари қуйидагилардан иборат:***

- оптик тола;
- оптик модул;
- оптик кабелнинг ўзаги;
- қаттиқловчи элементлар;
- гидрофоб материаллар;
- зирх қатлами;
- кабел қобиғи.

Оптик кабелларни ишлатиш жойига ҳамда қўлланиш шароитига қараб бир қанча элементлари кабел ўзаги ичида бўлмаслиги мумкин.


***Оптик тола*** – оптик кабелнинг асосий элементи бўлиб, у ўз навбатида йўналтирувчи узатув муҳити вазифасини бажаради. Оптик толаларнинг турлари ва уларнинг техник параметрлари 2 – бўлимда келтирилади.

***Оптик модул*** – оптик кабелнинг (муस्ताқил равишдаги) маълум бир конструктив элементи бўлиб, унинг ичида битта ёки бир нечта оптик толалар жойланиши мумкин. У ўз навбатида толани муҳофазаловчи элементи вазифасини бажариши билан бирга оптик толани узилиш ҳолатини бир мунча камайтиради, ҳамда муҳофазаланган ҳолда толага кўндаланг ва узунасига тушувчи турли хил кучлардан муҳофазалайди ва уларни бир мунча стабил равишда ишлашини таъминлаб беради.

***Оптик модуллар қуйидаги турлардан иборат:***

-  найчасимон;
-  профилланган яъни кўндаланг кучланганликга эга бўлган ўзакдан иборат;
-  тасмали.

Найчасимон турдаги оптик модул ичида жойлашган оптик толалар бемалол равишда ўрамсиз ҳолатда ( 3.6.а – расм ) ёки марказий қаттиқловчи элемент атрофида ўралган ҳолда ( 3.6.б – расм ) ёхуд муस्ताқкам қаттиқ ҳолдаги буфер кўринишдаги қоплам орасида ( 3.6.в – расм ) жойланиши мумкин.




3.6–расм. Оптик модул тузилишига мисоллар:

а), б) ва в)–найчасимон; г)–профилланган

1–найча; 2–хаво ёки гидрофоб компаунд; 3–муҳофазаланган қоплам орасидаги оптик тола; 4–марказий қаттиқловчи элемент; 5–тасма; 6– профилланган ўзак V–кўринишдаги; 7–зич равишдаги буфер қатлам

Тасмали кўринишдаги оптик модул ичида жойлашган оптик толалар сони иккитадан бир нечтаси линия кўринишида бир – бири яқинида жойлашиб линия элементини ташкил этади. Линия элементида жойлаштирилган оптик толалар бутун узунлик бўйича полимер материал ёрдамида маҳкамланади. Бундай ҳолатда оптик толаларни маҳкамланиши ўз навбатида иккиламчи муҳофазаловчи қатлам вазифасини бажаради (3.7а – расм ) ёки у адгезив қатлами деб аталади, чунки у полимер синтетик тасмалардан иборатдир (3.7 – расм ).

Тасма туридаги оптик модул ичида жойлаштирилган толалар ёрдамида бирламчи блокни ташкил этиш мумкин ва матрица деб юритилади. Бундай матрица ичида маълум бир сонли қийматга эга бўлган оптик толалар полимер найча ичида ёки спирал кўринишдаги профилланган элемент ва бир қатор ўралган оралиқлар ичига жойлаштирилади



3.7–расм. Оптик модулларнинг тасмасимон кўринишига мисоллар:

а) полимерли муҳофазаловчи материал билан; б) адгезив қатлам ва синтетик тасмалар ёрдамида қўшимча муҳофазаловчи қоплам билан; 1-муҳофазаловчи қоплам орасидаги оптик тола; 2–полимер материал; 3–адгезив қатлам; 4–синтетик тасма.

Оптик кабелнинг ўзаги одатда марказда жойлаштирилган бир дона оптик модулдан ёки бир нечта оптик модуллардан ёхуд бир – бири билан

боғламли ўрам тури кўринишида ўралган оптик модуллар боғламидан иборат бўлиб, қоида бўйича улар марказий қаттиқловчи элемент атрофида ўралган бўлади. Агар марказий қаттиқловчи элемент атрофида бир дона модуль ўралган бўлса, у бир модуль кўринишдаги оптик ўзак деб юритилса бир қанча модуллар ўрами эса кўп модулли конструктив элементга эга бўлган оптик ўзак деб юритилади.


Одатда оптик ўзак оптик толали – кабел ичида жойлашиб улар оптик толаларни турли хил эгилишлардан, чўзилиш бўйича турли юктамалардан ва эзилишлардан иборат бўлган механик мустахкамлигини оширади. Ҳамда бундай механик таъсирлардан муҳофазалайди. Марказий қаттиқловчи элемент асосан узатиш параметрларини муҳофазалайди ва кабелга тушувчи функционал юклама вазифасини бажаради.

Ўз навбатида кабел ўзаги қуйида келтирилган қўшимча элементларни ўз ичига олади:

- тўлдиргич элементлари;
- оптик толаларга эга бўлмаган элементлар яъни кордел тўлдиргичлар;
- мис симлар;
- жуфтлик ёки тўртлик ўрамидан иборат бўлган мис симлар ўрами.

Одатда оптик ўзак кабел ўзаги ичида жойлаштирилган элементлардан иборат бўлган қатлам ёрдамида ёки ёпишқоқ мустахкам синтетик тасма ёрдамида мустахкамланади. Оптик кабел ичига киритилган оптик толалар тури, уларнинг сифими ва ўзак ичида жойлашган мис симлардан иборат бўлган жуфтлик ёки тўртликлар сони, тўлдиргич элементлар тури каби оптик кабел элементларига эга бўлган конструкцияли оптик толали – кабелни қўллаш шароити ва ишлатилиш жойга эга бўлган функцияси орқали аниқланади.

Турли хил ерларда қўлланувчи бўлган яъни осийш учун ёки тўғридан – тўғри равишда ерга кўмиш учун ҳамда бино ичида ётқизиш учун қўлланувчи ва турли хил шароитларда ишлатиладиган турли хил оптик модулдан ташкил топган оптик кабел ўзагидаги конструктив тузилишга эга бўлган кабелларга мисоллар 3.8 – расмда кўрсатилган.



3.8–расм Турли хил оптик модулли ўзакдан иборат бўлган ер ости осилувчи оптик кабелларга мисоллар: а)найчасимон; б)профилланган; в)тасмали;

1—марказий қаттиқловчи элемент; 2—найчасимон турдаги оптик модул; 3—мухофазаловчи қоплам (найча, махкам ушлаб турувчи полимер тасма ва х.кз); 4—полимер найча; 5—мухофазаловчи қатлам орасидаги оптик тола; 6—профилланган турдаги оптик модул; 7—профилланган турдаги ўзак; 8—тасмасимон оптик модулнинг бирламчи блоки; 9—тасмасимон оптик модул

Сув остида ётқизилувчи оптик кабелни турли хил оптик ўзакга эга бўлган конструктив тузилишдаги оптик кабеллар мисоли 3.9. – расмда кўрсатилган.



3.9–расм Оптик сув ости кабелнинг ўзак тузилишига мисоллар

а) Fujitsu фирмасиники б) Alcatel фирмасиники.

1–рух қоплами билан қопланган пўлат симдан иборат бўлган марказий қаттиқловчи элемент; 2–оптик толалар; 3–ультрабинафша нурланиши билан тикилган полимер; 4–девор қалинлиги 0,2 мм ва ташқи диаметри 2,3 мм бўлган пўлат найча; 5–тиксотропик тўлдиргич

Оптик кабелнинг қаттиқловчи элементлари кабелнинг талаб этиладиган механик мустахкамлигини ва кабел ичидаги элементларни талаб этиладиган жараёндаги деформация қийматида бўлишини таъминлаб беради. Кабелнинг қаттиқловчи элементи материалларини танлашда қуйидаги асосий факторларга эътибор берилади: Юн модули, механик мустахкамлик ва массасининг нисбати, маълум бир вақт мобайнида параметрларини рухсат этиладиган хароратда ўзгариш чегараси бўлишлиги, коррозияга нисбатан чидамлик бўлиши, қайтадан ётқизиш ва монтаж қилиб бўлишлиги учун ва оптик кабелнинг ишлаш шароити каби параметрларини стабил равишда ишлашини таъминлаб беради.

Қаттиқловчи элемент материали сифатида пўлат, мис ва алюминий каби симлар, ҳамда араид иплари ва шиша пластик стерженли ўзаклар қўлланади, уларнинг параметрлари ҳақидаги маълумотлар 1.4. – жадвалда келтирилган. Жадвалда келтирилган  $n$  – қиймати қаттиқловчи элемент учун қўлланивчи материалнинг қўлланиш коэффициенти бўлиб у материалларнинг яхши ҳолатларда бўлишини таъминлаб беради.

**Кабел марказида жойлаштирилган** қаттиқловчи элементлар унинг эгилувчанлигини таъминлаб берса, кабел ўзагидан узоқроқда жойлаштирилган қаттиқловчи элементлар эса кабелни турли хил зарбаларга ва чўзилиш бўйича юклама каби кучли чидамбардошлигини таъминлаб беради. Гидрофоб материаллар оптик кабел ичига турли хил

намгарчиликларни ва сув парларини кириб кетишидан сақлайди ва бу билан бирга оптик толанинг ишлаш муддатини ошириб боради. Одатда тўлдиргич вазифасини махсус гидрофоб компунд бажариб, у сув тегиши билан шишиб кетувчи бўлади ҳамда сувни итарувчи тасма ёки уларнинг комбинациясидан иборат бўлган махсус тўлдиргичлар билан тўлдирилади қўлланади. Кабел ўзак ичи, модуллар ичи, профилланган ораликлар ораси ва қаттиқловчи элементлар орасидаги бўшлиқ жойлар ҳам гидрофоб тўлдиргичлар билан тўлдирилади.

**Оптик кабелнинг қобиги** – оптик кабелнинг ўзагини ташқи таъсирлардан ва механик шикастланишлардан муҳофазалайди. Оптик кабелнинг қобик тури кабелни турли хил эгилишлардан, турли хил буралиб кетишлардан, қўндаланг равишда сиқилишлардан ва шунга ўхшаш турли механик таъсирларга чидамлилигини ошириш билан бирга климатик ва химиявий таъсирларга, ёнғинга чидамбардошли ва ёнғин пайтида водород ажратиб чиқариш каби ташқи мухитдан муҳофазалашни чидамлилигини ошириш мақсадида, кабел қобигининг диаметри ва массаси каби материалнинг физик тавсилотини ошириш ҳамда монтаж жараёнини осон бўлиши учун қўлланади.


**Оптик кабелнинг зирх қатлами** – оптик кабелнинг механик хусусиятларини оширади ва кабелнинг муҳофазаловчи функцияларини яхшилади. Одатда оптик кабелнинг зирх қатлами учун рух қатлам билан қопланган тўлқинсимон пўлат тасма ёки зангламайдиган пўлат симлардан иборат бўлиб, улар бир ёки бир неча қатлам кўринишидаги ўрамлардан ташкил топади. Мисол учун уни чуқур бўлмаган дарёлар кечуви учун икки қатламли зирх қўлланса, денгиз қирғоқлари ва чуқур дарёлар кечуви учун эса жуда ҳам юқори кучланганликга эга бўлган пўлат симлардан иборат зирх қатлами қўлланади. Турли хил ер ости кемирувчиларидан кабелни муҳофаза этиш учун бутун кабел узунлиги бўйлаб ўралган тўлқинсимон пўлат тасмадан иборат бўлган зирх қатлами қўлланади. Диэлектрик оптик кабелларда зирх қатлами учун араמיד ип тўқималари, шиша пластик ўзакли стерженлар қўлланади.

### **3.3.Оптик кабелларга қўйиладиган техник талаблар.**

Телекоммуникация тармоқларида қўлланиш шароити бўйича оптик кабеллар 3.10 – расмда кўрсатилган асосий конструктив элементлардан ташкил топади.

Бизга маълумки оптик кабеллар бўйлаб ҳамма турдаги маълумотларни ҳозирги замон ҳамда келажакдаги оптик узатиш технологиялари асосида маълумотларни узатиш мухити бўлиб ҳисобланади. Қонун бўйича линияда қўлланувчи оптик кабелларнинг оптик ўзаги ичида металл элементлар бўлмаслиги керак, чунки бундай металл элементларни ташқи электромагнит таъсирлардан муҳофаза этиш учун қўшимча сарф – харажатлар керак бўлади.

Оптик кабелнинг конструкциясини ва техник эксплуатацияси учун мураккаблаштирмаслик ва унинг нархини оширмаслик учун улар ўзгармас хаво босими остига қўйилмасликлари лозим.



3.10–расм Оптик кабелнинг асосий конструктив элементлари

Оптик кабелларнинг қобиғи бутунлай ишлаш даври мобайнида герматик бўлган ҳолатини сақлаб туриши керак. Бундан ташқари оптик кабелларнинг қобиғи герматик бўлиши билан бирга улар намгарчиликни бутунлай ўтказмайдиган ва сингдирилмайдиган, электр томондан мустаҳкам, шўрхоқ тупроқлар таъсирига чидамли, қуёш нурларини нурланишига, гидростатик ўзгармас босимга, пастки ва юқори хароратларга чидамбардош бўлиб, ўз навбатида у бутунлай ёнмаслиги ва ёнғинга чидамбардош бўлиши ҳамда чўзилишга, эгилишга, турли зарбаларга ва турли эзилишлар каби механик хусусиятларга эга бўлиши керак.

**Оптик кабеллар учун қўлланувчи зирхнинг механик хусусияти** оптик кабелларни ётқизиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича тўлиқ шартларни бажариш билан бирга бутунлай хизмат кўрсатиш даврида бу хусусиятларини сақлаган ҳолда турли кемирувчилардан муҳофаза эта билиши керак. Оптик кабеллар ўз навбатида сертификатга эга бўлиб бу сертификат ҳалқаро талаб ва нормаларга жавоб бермоғи лозим.

Оптик толаларнинг параметрлари ва уларга қўйиладиган талаблар иккинчи бўлимида келтирилган. Бу тавсифлар ҳамма талабга жавоб бериши билан бирга улар ёрдамида жуда ҳам катта узунликдаги регенерация участкалари ташкил этилиб улар бўйлаб каттадан – катта бўлган маълумотларни узатиш тезлигида толали – оптик узатиш тизимларини яратиш, қурилиш ва бундай тармоқларга хизмат кўрсатиш ҳамда келажақда бундай тармоқларни реконструкция қилиш учун кетадиган сарф –

харажатларни камайтириш керак. Оптик кабелдаги толаларнинг сўниш коэффициенти келтирилган.

Оптик кабелларни қўлланиш жойидан қабтий назар циклик хароратга чидамли бўлиши керак. Циклик харорат деганда энг пастки ва энг юқори ишчи харорат диапозони тушунилади.

**Осма оптик кабеллар** атмосферадан ҳосил бўлувчи турли ёғингарчиликларга, шўрхок туманларга, қуёш нурланиши каби таъсирларга чидамбардош бўлиши керак.

**Сув ости оптик кабеллари** денгиз қирғоқлари ва денгиз ости участкаларида ётқизилганда 70 МПа бўлган гидростатик ҳаво босимига ва унча чуқур бўлмаган дарё кечувларидан ўтган кабеллар 0,7 МПа қийматга эга бўлган гидростатик босимга чидамбардош бўлиши керак.

Оптик кабеллар ичига тўлдирилувчи гидрофоб тўлдиргич +70° С хароратга қадар оқиб кетувчи бўлмаслиги керак, ҳамда оптик кабел ичида жойлашган турли хил материаллар билан мослашган бўлмоғи лозим. Гидрофоб компаунд оптик толаларнинг параметрларига таъсир этмаслиги керак, шунингдек у монтаж жараёнида осон ажралувчи бўлиши билан бирга инсон ҳаётига ҳавф солмайдиган ва келажакда коррозия келтириб чиқмайдиган бўлиши керак. Бино ичида, тоннеллар ва коллекторлар ичида ётқизилувчи оптик кабелларнинг ташқи қобиғи ёнмайдиган материалдан тайёрланиши керак. Оптик кабелларнинг хизмат қилиш муддати 25 йилдан кам бўлмаслиги ҳамда, оптик кабелнинг конструктив тизимларида махсус ҳавфсизлик чораларини қўлланиши лозим бўлмаслиги керак.

### **3.4.Оптик тола. Оптик толаларнинг туркумлари**

Оптик толали алоқа кабелларининг асосий элементи бўлиб, оптик тола хисобланади ва у ўта тоза ва юқори сифатли кварц шишадан тайёрланиб, унинг асосий вазифаси ёруғлик нури кўринишидаги сигналларни бутун тола узунлиги бўйлаб тарқатишини таъминлаб беради.

Бугунги кунда асосан бир модали ва кўп модали градиент синдириш кўрсаткичига эга бўлган оптик толалар қўлланмоқда.

Турли хил телекоммуникация тармоқларида қўлланувчи оптик толаларнинг ўлчамлари ва турли хил тавсилотлари ХЭАИ-Тнинг тавсифларига жавоб бериши керак:

G.651 – ўлчамлари 50/125 мкм градиент синдириш кўрсаткич профилига эга бўлган кўп модали оптик тола ва шу асосда тайёрланган оптик кабел тафсилотлари;

G.652 – стандарт бир модали оптик тола ва шу асосда тайёрланган оптик кабел тафсилотлари;

G.653 – дисперсияси силжитилган бир модали оптик тола ва шу асосда тайёрланган оптик кабел тафсилотлари;

G.654 – 1550 нм тўлқин узунлигида сўниш қиймати минимизацияланган бир модали оптик тола ва шу асосда тайёрланган оптик кабел тафсилотлари;

G.655 – дисперсияси силжитилиб ноль бўлмаган, шу жумладан кичик дисперсия эгри чизиғига эга бўлган ҳамда жуда ҳам катта самарали мода майдонига эга бўлган бир модали оптик тола ва шу асосда тайёрланган оптик кабел тавсилотлари;

G.656 – дисперсияси 1625 нм тўлқин узунлигига қадар силжитилиб ноль бўлмаган кенг полосали бир модали оптик тола ва шу асосда тайёрланган оптик кабел тавсилотлари;

G.657 – эгилиш радиуси минималлаштирилган ҳамда абонент фойдалана оладиган тармоқлар учун қўлланувчи бир модали оптик тола ва шу асосда тайёрланган оптик кабел тавсилотлари.

Амалиётда эса иложи борича оптик толанинг максимал қисқа вақтли деформацияси 1% дан , узоқ вақтли деформация қиймати эса максимал деформация қийматидан унчалик катта бўлмаган (доля)қийматдан ошиқ бўлмаслиги керак. Шунингдек оптик толалар эгилишлар, хаво хароратини кескин ўзгариши ва водород таъсири ҳамда оптик алоқа кабелининг конструктив тузилиш элементлари таркибига кирувчи элементлар томонидан ажралиб чиқувчи водород каби таъсир этувчи омилларга жуда ҳам сезгирдир. Оптик толанинг бундай хусусиятлари оптик толали алоқа кабелларининг конструктив тузилишини турли хил муҳит шароитларида қўлланишини аниқлаб беради. Оптик толани стабил равишда ишлашини таъминлаш мақсадида ва оптик толаларни турли хил кўндаланг ва бутун узунлик бўйича узилишга бўлган таъсирлар олдини олиш мақсадида оптик толалар бирламчи ва иккиламчи мухофазаловчи қоплам билан химояланади. Бирламчи мухофазаловчи қоплам оптик толани тортиб олиш жараёнидан сўнгра оптик тола қобиғининг устига тўғридан-тўғри равишда тўлиқ қатламда қопланади ва у ўз навбатида тола ташқи юзасини турли хил шикастланишлардан химоялаб толага кўшимча равишда механик мустахкачилигини ошириб беради. Оптик толанинг иккиламчи мухофазаловчи қопламининг қуйидаги турлари қўлланади:

- ✚ - найча ёки бирламчи мухофазаловчи қопламга эга бўлган оптик толалар орасига бемалол жойланувчи ораликлар;
- ✚ тўлиқ полимерли қоплам;
- ✚ бирламчи мухофазаловчи қопламга эга бўлган оптик толалар линиявий матрицани ҳосил қилувчи тасмали элемент.

Найчасимон элемент (найча кўринишида) асосан иккиламчи мухофазаловчи қатлам вазифасини бажаради, бирламчи мухофазаловчи қопламга эга бўлган оптик толалар одатда ўрамсиз ҳолатда ёки марказий кучлантирувчи элемент атрофига айлангириб ўралган ҳолда бўлади.

Кўп модали оптик толаларда бир вақтнинг ўзида бир нечта тўлқинлар турли хил тушиш ва қайтиш бурчакларида тарқалиб ҳаракатланади, одатда тола бўйлаб ҳаракатланувчи тўлқинлар мода деб аталади. Турли модаларнинг ҳаракатланиши ҳисобига бирламчи сигналнинг формасини ёйилиб кетиш ҳолати рўй этади, бу эса ўз навбатида толанинг узатув жараёнини бир мунча чегаралаб қўяди. Кўп модали толаларни тайёрлаш ва

уларга ёруғлик нурларини киритиш осон ҳамда толаларни бир-бири билан улаш ишлари осондир. Ўз навбатида кўп модали толалар ўзининг синдириш кўрсаткич профилини тола ўзак марказидан кўндаланг юза бўйича ўзгариши бир-биридан фарқланади. Шунинг учун тола ўзагини тола қобиқ томонга кескин равишда яъни зинасимон ҳолда ўзгариши поғонасимон синдириш кўрсаткичига эга бўлган кўп модали оптик тола деб юритилса, тола ўзагида тола қобиғи томон секин-асталик билан ўзгарувчан синдириш кўрсаткичига эга бўлган тола градиент синдириш кўрсаткичига эга бўлган кўп модали оптик тола деб аталади.

Градиент синдириш кўрсаткичига эга бўлган оптик толалар ичида биринчидан харакатланувчи модалар сони кам бўлса ҳам иккинчидан уларнинг тушиш ва қайтиш бурчаклари бир-биридан камроқ фарқ қилади, демак анча яхши шароитга эга бўлган узатув муҳити яратилади(2.1-расм).

Турли шаффофлик дарчаларидаги сўниш коэффициенти –  $\alpha$  турли қийматларга эга, айниқса кўп модали толаларда бу қиймат анча сезиларлидир. 3.2-жадвалда бир модали оптик толаларни кўп модали оптик толаларга бўлган авзалликлари кўзга ташланади, шунинг учун бир модали оптик толаларни ишлаб чиқариш хажми ва уларни қўлланилиши кўп модали оптик толаларга қараганда юқори.

Оптик толаларнинг ўртача сўниш қийматлари, дБ/км 3.2-жадвалда келтирилган.

3.2-жадвал

Тўлқин узунликлар нм	Градиент синдириш кўрсаткичига эга бўлган кўп модали тола	Бир модали тола
850	3,07	-
1310	1.03	0,4
1550	-	0,24

Оптик толалар ташқи таъсирлардан айниқса механик таъсирларга ва турли хил эгилишларга, хароратга, айниқса гидроксил парларга – ОН каби турли таъсирларга жуда ҳам сезгирдир, шунинг учун юқорида кўрсатиб ўтилган турли таъсирлардан ҳимоялаш учун оптик тола албатта иккиламчи мухофазаловчи қоплам билан қопланиши шарт, қоида бўйича бундай мухофазаланиш ишлари икки қатламли акрилат билан бажарилади. Бу ишларни бажариш учун бошқа материаллар ҳам қўлланилиши мумкин. Иккиламчи мухофазаловчи қопламнинг қалинлиги унчалик катта бўлмаган қалинликда, 60 мкм қалинликда қопланади.

Мухофазаловчи қопламга эга бўлган оптик тола оптик толали алоқа кабелининг асосий элементи бўлиб, у асосан тола бўйлаб ёруғлик нури

кўринишидаги оптик сигналларнинг узатув муҳити бўлиб хисобланади ва электр алоқа кабелининг изоляцияланган ток ўтказгич вазифаси сингари функцияни бажаради. Оптик толанинг умумий мухофазаловчи қатлам диаметри стандартлаштирилган бўлиб, у 245 мкмни ташкил этади.

Оптик толаларнинг монтаж ишларини осонлаштириш мақсадида толанинг мухофазаловчи қатлами устидан қалинлиги 3 ... 6 мкм бўлган турли хил рангдаги бўёқлар билан бўялади. Мухофазаловчи қоплам устига қопланган бўёқнинг ишончлилиги ультра бинавша нурлари ёрдамида интенсив равишда қопланиб назоратланади.

Бугунги кунда турли хил телекоммуникация тармоқларида кенг равишда қўлланувчи оптик толанинг дисперсияси нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, уларни учта асосий турга бўлиш мумкин:

- дисперсияси силжитилмаган ёки поғонасимон синдириш кўрсаткичига эга бўлган стандарт бир модали оптик тола – SF туридаги (2.5a-расм);
- дисперсияси силжитилган бир модали оптик тола DSF туридаги(2.5б-расм);
- дисперсияси силжитилиб ноль бўлмаган бир модали оптик тола -NZDSF туридаги.

Юқорида қайд этиб ўтилган ҳамма турдаги оптик толалар сўниш қиймати бўйича 1310 нм ва 1550 нм бўлган бир модали узатув дарчаларида бир-бирига яқин, аммо улар бир-биридан хроматик дисперсия тавсилотлари бўйича фарқланади, чунки дисперсия асосан максимал рухсат этиладиган регенерация участкалари масофасига таъсир кўрсатади. Шу мақсадда дисперсия қиймати жуда ҳам кичик бўлган қийматга эга бўлган оптик толани конкрет тўлқин узунлик учун қўллаш имкони бўлган масалани ечиш керак бўлади, булар ичида айниқса битта тўлқин узунликни узатиш учун бир каналли узатув тизимини танлаш керак бўлади. Кўп каналли мультиплексорлаштиришни (WDM) 1550 нм тўлқин узунлик дарчасида эса бошқа турдаги оптик толани танлаш талаб этилади. Олиб борилган кўплаб тадқиқот ишлари шуни кўрсатадики, агар дисперсия қиймати ноль бўлган тўлқин узунлик мультиплексорлаштирилувчи сигнал худудига тўғри келиб қоладиган бўлса, у ҳолда номуносиб бўлган интерферицион эффектларни ҳосил бўлишига олиб келиб, у ўз навбатида жуда ҳам катта бўлган сигналнинг деградациясига олиб келади.

**Стандарт SF туридаги оптик тола.** Ўтган асрнинг 80-йилларида оптик толани узатиш тизимларининг узаткичлари 1550 нм тўлқин узунликда жуда ҳам қимматбаҳо ва жуда ҳам кичик ишонччиликга эга бўлган, шунинг учун жаҳон бозорида 1300 нм тўлқин узунлигида ишлайдиган узаткичлар рақобатли бўла олмаган, шу мақсадда шу вақтда ишлаб чиқарилган стандарт поғонасимон- SF туридаги оптик тола(2.5a-расм) биринчилардан тижорат оптик толаси бўлган ва у телекоммуникация тармоқларида кенг равишда қўлланиб келинган. Бундай турдаги оптик тола асосан 1310 нм тўлқин узунлигида дисперсия бўйича ишлатилиш учун оптимизацияланган бўлса

хам 1550 нм тўлқин узунлик дарчасида жуда ҳам кичик сўниш қийматини таъминлаб бергани учун ХЭАИ-Тнинг G.652 тавсифига жавоб беради.

**DSF туридаги тола.** Алоқа узатиш воситаларининг ўзлаштирилиб хозирги замон талабларига яъни 1550 нм тўлқин узунликда ишлатилиш мақсадида дисперсия қиймати ноль бўлган бир модали оптик толани ишлаб чиқариш бошланди. Натижада ўтган асрнинг 80-йил ўрталарида дисперсияси силжитилган DSF туридаги оптик тола ишлаб чиқарила бошланди ва бундай тола тўлиқ равишда 1550 нм тўлқин узунликдаги шавффофлик дарчасида сўниш қиймати ва дисперсия қиймати бўйича оптимизациялаштирилди. Кўп йиллар давомида DSF туридаги оптик тола келажаги порлоқ толалардан бири бўлиб хисобланиб келди, янгидан-янги технологияларни кириб келиши ўз навбатида оптик сигналларни мультимплексорлаштириб узатиш тизимларига эрбий билан легирлаштирилган EDFA туридаги оптик кучайтиргичлар асосий роль ўйнай бошлади, чунки бундай оптик кучайтиргичлар кўп каналли сигналларни кучайтириб бериб узатиш имконига эгадир. Аммо 90-йилларнинг бошларида кўплаб олиб борилган тадқиқод ишлари дисперсияси ноль бўлган 1550 нм тўлқин узунлик эрбий билан легирлаштирилган кучайтиргичнинг ишчи диапозони ичига тўғри келиб, у ўз навбатида ночизикли эффектларнинг потенциал манбаи бўлиб, унинг хисобига тўрт тўлқинли силжиш хисобига кўп каналли сигнални тарқалишида кескин равишда кўплаб шовқинларни ҳосил бўлишига сабаб бўла бошлади. Дисперсияси силжитилган оптик толалар ХЭАИ-Т сетори томонидан G.653 тавсифига жавоб беради.

Кейинчалик аниқланишича DSF туридаги дисперсияси силжитилган бир модали оптик тола WDM тизимларини қўллаганда бир қанча камчиликга эга бўлганлигини кўришимиз мумкин. DSF туридаги дисперсияси силжитилган бир модали оптик толани WDM тизимлари учун қўллаганда ночизикли эффектлардан халос этилиш учун тола ичига киритилувчи оптик сигналнинг қувватини камайтирилиши ҳамда каналлар орасидаги масофани ошириш керак ва жуфтлик каналларни узатувини таъминлаш керак бўлмайди ( $\lambda_0$  нисбатан симметрик каналлар).

**Тўрт тўлқинли силжиш** деганда иккита тўлқинни сочилиши хисобига янгидан керак бўлмайдиган тўлқин узунликларни ҳосил бўлиш эффектидир. Янгидан ҳосил бўлган тўлқинлар тола бўйлаб тарқалувчи оптик сигнални деградацияга келтириб, у билан интерференцияланади ёки фойдали тўлқин каналидан қувватни тортиб сўриб олади. Тўрт тўлқинли силжиш эффекти хисобига янги турдаги оптик тола яратиш ва уни ишлаб чиқариш керак бўлиб, унда  $\lambda_0$  -симметрик каналнинг тўлқин узунлиги иложи борича тола бўйлаб узатилувчи ҳамма каналларнинг чап ёки ўнг томонида жойланиши керак.

**NZDSF туридаги тола.** Бундай турдаги оптик тола ўтган асрнинг 90-йиллар бошларида яратилиб, унда DSF туридаги оптик толанинг камчиликлари йўқотилиб, у  $\lambda$ - тўлқин узунлиги силжитирилган тола

сифатида қаъд этилди. Унинг асосий авзалликларидан бири дисперсия қиймати ноль бўлган тўлқин узунлик эрбий билан легирлаштирилган ўтказиш полосасидан ташқарига чиқарилганидир, бу эса ўз навбатида ночизиқли эффектларни камайтириб беради ва оптик толани DWDM узатиш воситаси ёрдамида ташкил этилган сигналларни узатишда тола тавсилотларини анча ошириб бергани учун у ХЭАИ-Т нинг G.655 тавсифига жавоб беради. Дисперсияси силжитилмаган оддий бир модали оптик тола 1310 нм тўлқин узунликда минимал дисперсияга эга бўлиб, унинг қиймати тахминан 17 пс/(нм х км) бўлгани учун дисперсияни компенсациялаш учун махсус толани қўшиш ҳисобига дисперсияни компенсациялаш ва кўплаб регенераторларни қўллаш учун кўшимча харажатлар талаб этади.

True Wave туридаги оптик толада махсус толанинг ўзак синдириш кўрсаткич профили қўлланади. Бундай турдаги оптик толанинг ўзак қобиғи турли хил синдириш кўрсаткичига эга бўлган синтетик кремний оксидан тайёрланган айланма қатламли кўринишидаги ҳолда ўраб турувчи бўлгани учун, EDFA ишчи диапозонида жуда ҳам кичик сўниш қийматига ва жуда ҳам кичик бўлган дисперсияси ноль бўлмаган қийматга эришилади. Шундай йўл тутиш орқали дисперсияни компенсациялаш учун кетадиган харажатлар анча камаяди ёки дисперсия умуман йўқотилади, бундан ташқари бундай турдаги оптик тола жуда ҳам кичик ва стабиллаштирилган модаси кутбланган дисперсияга (Polarization Mode Dispersion - PMD ) эришилади.

Келтирилган маълумотларга назар соладиган бўлсак, дисперсия тавсилотлари бўйича LEAF туридаги толанинг тавсилотлари True Wave туридаги тола тавсилотларига яқин бўлса ҳам, унинг асосий фарқланиши бошқа толаларга қараганда унинг самарали юзаси ёруғлик нур оқими учун анча катта ёки унинг мода майдон диаметри 1 мкм га ошган.

Тола таркибида бошқа молекулалар билан бирга сув молекуласи миллиардан бир қисмини ташкил этади. Янги технология эса бундай молекулаларни йўқота олади, натижада янги тола пайдо бўлиб, аввалги толалардан анча авзалликларга эга ва бу тола AllWave (ҳамма тўлқинлар учун)деб аталади. Бундай толанинг сўниш қийматини тўлқин узунликга боғлиқлик эгри чизиғида тўртта шавффофлик дарчаси битта дарчага бирлаштирилгани учун у шундай номга эга бўлди.

Оддий бир модали оптик толаларнинг ишчи тўлқин узунлик диапозони AllWave туридаги оптик толанинг ишчи тўлқин узунлик диапозони 10 нмга кенгдир. 1350 ... 1450 нм тўлқин узунликга эга бўлган бешинчи шавффофлик дарчасини кашф этилиб очилиши ҳисобига AllWave туридаги оптик тола 120 та ва ундан ортиқ бўлган тўлқин каналларини ҳалқаро ёки худудий тармоқларда жуда ҳам катта интенсив юкламаларга эга бўлган алоқа линияларида қўллаш имконини беради.

Оптик толаларнинг умумий тафсилотларига асосан синдириш кўрсаткич профиллари бўйича оптик толаларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин бўлади:

- тўғри бурчакли поғонасимон профилли тола;

- махсус турдаги, мисол учун уч тишли кўринишида, учбурчак кўринишида, W –кўринишидаги профилига эга бўлган толалар ва бошқалар.

Баъзи бир пайтларда синдириш кўрсаткич профилларини бошқача турларга ҳам бўлиш мумкин:

- дисперсияси силжитилмайдиган профилли оптик тола;
- дисперсияси силжитилган профилли оптик тола;
- дисперсияси текисланувчи профилли оптик тола.

Дисперсия бўйича бир модали оптик толалар қуйидагиларга бўлинади:

- стандарт бир модали оптик тола (SF — Standard Fiber) ёки дисперсияси силжитилмаган бир модали оптик тола (SSMF — Standard Single Mode Fiber);
- дисперсияси силжитилиб ноль бўлган бир модали оптик тола (DSF — Dispersion Shifted Fiber);
- дисперсияси силжитилиб ноль бўлмаган бир модали оптик тола (NZDSF — Non Zero Dispersion Shifted Fiber).

Охириги пайтларда оптик кучайтиргичларни ва WDM асосидаги тизимларини тезда ривожланиб бориши хисобига махсус турдаги кварц оптик толалар пайдо бўлди:

- дисперсияни компенсацияловчи оптик толалар (DCF — Dispersion Compensating Fiber) махсус модулларда қўлланувчи, мисол учун, DCM — Dispersion Compensating Module — дисперсияни компенсацияловчи модуллар — ДКМ);
- эрбий билан легирлаштирилган оптик толалар (EDF — Erbium Doped Fiber) асосан EDFA — Erbium Doped Fiber Amplifier туридаги оптик кучайтиргичларда қўлланмоқда;
- неодим билан легирлаштирилган (NDF — Neodim Dopped Fiber) асосан NDFA — Erbium Dopped Fiber Amplifie туридаги оптик кучайтиргичларда қўлланмоқда;
- кутбланиш ҳолатини сақлаб турувчи (PMF — Po-larization Maintaining Fiber) туридаги оптик толалар асосан оптик толали датчикларда кутбланиш ҳолатини сақлаб туриш учун қўлланмоқда;
- ультра бинафша ҳудуд спектри учун қўлланувчи оптик толалар, мисол учун, 190 ... 250 нм тўлқин узунлик диапозонида ишлайдиган ва турли махсус қўлланувлар учун қўлланувчи оптик толалар;
- катта кўндаланг юзага эга бўлган оптик тола, мисол учун, 300 ... 800 мкм юзага эга бўлган толалар жуда ҳам катта ёруғлик ва қувватга эга бўлган ёруғлик оқимларини яратиш учун ҳамда ўлчовлар ва махсус қўлланувлар учун қўлланувчи оптик толалар

Жуда ҳам каттадан-катта бўлган сув ости тизимлари бўйлаб каттадан-катта маълумотлар хажмини узатиш учун катта кўндаланг юзага эга бўлган ўзакли -  $A_{\text{эффект}}$  ҳамда дисперсияси силжитилган оптик толаларга талаб ошиб бомоқда.

Бир модали оптик толаларнинг қўлланиш жойлари ҳақидаги маълумотлар 3.3 - жадвалда келтирилган. Агар келтирилган жадвалга назар соладиган бўлсак, жадвалнинг бош томонида стандарт бир модали оптик толалар кўриб чиқилган, юқорида қабйд этиб ўтилганидек бугунги кунда Республикамиз телекоммуникация тармоқларида асосан бир модали стандарт толалар қўлланмоқда.

Бир модали оптик толаларнинг қўлланилиш жойлари 3.3-жадвал

Оптик тола тури ва тола ишлаб чиқарувчи компания	Қўлланилиш жойлари
Стандарт бир модали оптик тола (SF)	
SMF-28, Duraclad SMF-28(Corning), VAD-MC (Lucent) ва (Sumitomo, Hitachi, Fujikura, Furikawa, Pirelli, Alcatel) нинг SM-1 туридаги толалари	Магистрал, худудий, маҳаллий ва абонент тармоқлари, кабелли телевидениеда
Сув аралашмаларидан (OH) тозаланган SM туридаги тола: AllWave (Lucent), SMF-28e (Corning), SMR (Pirelli)	Магистрал, худудий, маҳаллий валокал тармоқлари, кабелли телевидениеда
Дисперсияси силжитилиб ноль бўлмаган ( мусбат қийматли дисперсия) оптик тола (+DNZDSF)	
<p>Модалар майдони катталаштирилган +DNZDSF туридаги тола: LEAF(Corning), FreeLight (Pirelli), TeraLight(Alcatel);</p> <p>Дисперсия коэффициенти кичик эгилишга эга бўлган +D NZDSF туридаги тола: TrueWaveRS (Lucent), TeraLight (Alcatel)</p>	Каттадан-катта ўтказиш қобилиятига эга бўлган юқори тезликдаги ер усти узатиш тизимларида
Дисперсияси силжитилиб ноль бўлмаган ( манфий қийматли дисперсия) оптик тола (-D NZDSF)	
<p>Учинчи шавффофлик дарчасида(C) дисперсияси оптималлаштирилган -D NZDSF туридаги тола: TrueWaveXL(Lucent), ва SMF-LS(Corning)</p> <p>Тўғри модуляцияланган DFB лазер қўлланганда оптимал дисперсияга эга бўлган D NZDSF туридаги тола: MetroCore (Corning),</p>	Катта ўтказиш хусусиятига эга бўлган ўртача узунликдаги унчалик қиммат бўлмаган тармоқларда

WideLight(Pirelli)	
Дисперсияни компенсациялаш учун қўлланувчи (DC)тола	
DCM (Corning), DK (Lucent), P-DCFM (Sumitomo), 15DC 15DSC (Fujikura) туридаги модулла	Юқори тезликдаги ер усти алоқа тизимларида

Бугунги кунда Республикаимизнинг ҳамма телекоммуникация тармоқларида стандарт бир модалли - SM туридаги оптик толалар хорижий Corning ва Lucent (OFS) (АҚШ), Sumitomo, Hitachi, Fujikura ва Furukawa (Япония), Pirelli (Италия), Alcatel (Франция) ва бошқа етук компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган оптик толалар асосидаги оптик толали алоқа кабелларидан фойдаланмоқдалар. Бундан ташқари жаҳон телекоммуникация бозорида стандарт бир модалли толаларнинг турли хил намлик ва сув аралашмаларидан (ОН) жуда ҳам яхши ҳолда тозаланган толалар пайдо бўлмоқда, бундай оптик толалар бешинчи шавффофлик дарчасида (S) ишлайдиган DWDM тизимлари учун оптимал дисперсияга эгадир.

Агар 3.3-жадвалга назар соладиган бўлсак, NZDS туридаги оптик тола учинчи шавффофлик дарчасида (C) ишлайдиган DWDM тизимлари учун ҳам оптимизациялаштирилган. Каттадан - катта узунликда ишлайдиган узатув линияларида мусбат қийматга эга бўлган дисперсияли(+D NZDS) туридаги оптик тола ишлатилса анча мақсадга мувофиқ бўлар эди, чунки бундай турдаги оптик толада тўлқинларни нозикли эффектларни бўлмаслиги хисобига манфий дисперсияга эга бўлган оптик толага қараганда импульсларни камроқ ҳолда кенгайишига олиб келади.

Хозирги замон талабига жавоб берувчи NZDS туридаги тола стандарт бир модалли толага қараганда кичик модал майдонида эга ва дисперсия коэффициенти нисбатан катта эгилишга эга. Кичик эгилишга эга бўлган дисперсияни таъминлашдан асосий мақсад фақатгина учинчи шавффофлик дарчасида (C) эмас балки қўшни бўлган тўртинчи(L) ва бешинчи шавффофлик дарчасида(S) ҳам  $-4$  пс/(нм х км) бўлган оптимал қийматга эга бўлган дисперсия коэффициенти таъминлаб бериши керак.

Ҳар қандай тармоқ учун қўлланувчи оптик толани танлаш кўплаб омилларга боғлиқдир ва ҳар бир тола ишлаб чиқарувчи компания ўзининг шахсий критерийларини қўллайди. Alcatel компанияси асосан оптик технологияга асосланган ҳолда кўплаб тавсиялар ишлаб чиқарди ва бу

Стандарт бир модалли оптик толалар (SMF ёки E-SMF) дисперсия бўйича тўлиқ равишда компенсациялаш учун линияга 2.8- жадвалда кўрсатиб ўтилган масофалардан ортиқ бўлганда қўллаш мумкин бўлади, аммо бу ҳолатларда умумий ушланиб қолишлар суммаси ошиб кетади ва у ўз навбатида тармоқ мураккаблашиб қолади.

ХЭАИ-Т нинг G.652 тавсиясига жавоб берувчи стандарт бир модалли оптик тола иккинчи шавффофлик дарчасида (O-диапазон) ишлаш учун

махсус ҳолда ишлаб чиқарилган, шунингдек ушбу диапазонда ишлаш учун TeraLight™ Metro туридаги тола ҳам тўғри келади.

Сув чўққилари худудида (Water Peak Area) E-SMF туридаги оптик тола алоқа ташкил этиш масофаси 70 кмдан кичик бўлган ҳамма шавффофлик дарчаларида (шу жумладан E диапазонида ҳам) ишчи параметрларни оптимал ҳолда ишлашини таъминлаб беради.

50/125 ва 62,5/125 мкм ўлчамларга эга бўлган кўп модали оптик толалар асосан локал тармоқларда ишлаш учун мўлжалланган. Glight™ савдо белгисига эга бўлган кўп модали оптик тола 300 метргача бўлган масофада 10 Гбит/с маълумотлар узатувини таъминлаб беради.

SMF, E-SMF ва TeraLight™ туридаги оптик толалар шавффофлик дарчасининг C, L ва S диапазонларида ишчи параметрларини оптимал ҳолда ишлашини таъминлаб беради, аммо SMF ва E-SMF туридаги оптик толаларни 70 километрдан ортиқ бўлган катта участкаларда қўллаш тавсия этилмайди.

TeraLight™ Ultra туридаги оптик тола каттадан-катта ва ўта узун алоқа магистралларида 300 километргача масофада 10,2 Тбит/с бўлган ўтказиш қобилятини таъминлаб беради.

### **3.5. Бир модали оптик толалар**

Бизга маълумки бир модали оптик толалар асосан бир дона модани узатиш учун қўлланади, кутбланиш ҳолатини сақламайдиган бир модали тола нурланган сигнални узатиш учун унчалик катта бўлмаган 10 мкмга қадар бўлган диаметрдаги оптик тола ўзаги ва жуда ҳам қалин бўлган тола қобиғига эгадир. Оптик тола бўйлаб узатилган ва тола бўйлаб ҳаракатланувчи сигнал дисперсиясига бўладиган сабаблар асосан, мода гуруҳ тезлигини частотага боғлиқлиги (тўлқин ўтказгичли дисперсия), материалнинг синдириш кўрсаткичини ўзгариши частота ўзгаришига боғлиқ (материал дисперсия) ва учинчи сабаб, кўп модали ишлаш режимида маълум бир модаларнинг гуруҳ тезликларини сочилиб кетиши (модалараро дисперсия).

Оптик толанинг тўлқин ўтказгичли дисперсияси толанинг синдириш кўрсаткичига боғлиқ бўлиб, бир модали худуднинг мусбат томонга ўзгариши  $V$  оптик толанинг тавсилот параметри ва нормаллашган частота каби параметрларни ўзгаришига боғлиқдир. Агар  $V = 2,9$  бўлган ҳолда бир модали худуд чегарасидан ташқарисида бўлганда тўлқин ўтказгич дисперсия ноль орқали ўтиб боради ва манфий қийматга эга бўлиб қолади ва у 4,57 бўлган қийматда минимумга эришади.

Жуда ҳам яхши хусусиятга эга бўлган материал дисперсия одатда узун тўлқинли худудда мусбат қийматга эга бўлади ва у эритилган кварц учун  $\lambda = 1280$  нм тўлқин узунликда ноль орқали ўтади.

Нормал шароитларда материалнинг дисперсияси тўлқин ўтказгичли дисперсиядан устун туради. Бундан ташқари иккала ташкил этувчи компонентлар мусбат белгига эга бўлиши мумкин ва улар тўлқин узунликга боғлиқ ҳолда фарқланиши мумкин бу эса ўз навбатида толанинг умумий

дисперсиясини ўзгариб кетишига сабаб бўлади. Тўлқин узунлик ошиб борган сари тўлқин ўтказгичли дисперсияни унчалик ошиб боришлиги кичик синдириш кўрсаткичига эга бўлган оптик толанинг легирлаштирилган атрофида жойлашган тола қобиғи бўйлаб харакатланувчи кувват заррачаларини ошиб бориши ҳисобига бўлиб ўтади.

Қутбланишни сақламайдиган бир модали оптик тола бўйлаб нурланиш битта камчиликга эга бўлиб, унда кичик дисперсияли дарча кенглиги бир мунча чегараланган бўлса ҳам кичик йўқотувчанликга эга бўлган дарча билан келишмайди. Эритилган кварц учун( кварц шиша) минимал йўқотувчанлик қиймати 1550 нм тўлқин узунликга тўғри келади

### **ЭНГ КЎП ТАРҚАЛГАН ОПТИК ТОЛА!!!**

Поғонасимон синдириш кўрсаткичига ва оптик тола қобиғи билан конструктив тузилишга эга бўлган оптик тола оддий ва конструктив тузилиши бўйича кенг равишда тарқалган ҳисобланади

Энг оддий ва конструктив тузилиши бўйича кенг равишда тарқалган тола поғонасимон синдириш кўрсаткичига ва оптик тола қобиғи билан конструктив тузилишга эга бўлган оптик тола ҳисобланади. Ҳозирги пайтда бундай оптик толанинг конструктив тузилиши қайтадан модификацияланган. Бир модали оптик толанинг модификацияланиши учта йўналишда олиб борилиб, унинг ёрдамида модификацияланмаган, дисперсияси силжитилган ва дисперсияси текисланган каби бир модали оптик толалар яратилган. Оптик толанинг энг кичик бўлган йўқотувчанлигини дисперсия тўлқин узунлиги билан келиши мақсадида дисперсияси силжитилган бир модали оптик толалар қўлланади. Дисперсияси силжитилган бир модали оптик толалар 1550 нм тўлқин узунлигида жуда ҳам кичик йўқотувчанликга эга.

### **3.6. Кўп модали оптик толалар**

Кўп модали оптик толалар иккита гуруҳга бўлинади:

1. поғонасимон синдириш кўрсаткичига эга бўлган;
2. градиент синдириш кўрсаткичига эга бўлган(3.4-жадвал).

Кўп модали оптик толаларнинг туркумлари

3.4-жадвал

Тоифа	Материал	Тури	Диапазон
A1	Шиша ўзак, шиша қобик	Градиент синдириш кўрсаткичига эга бўлган тола	$1 \leq q < 3$
A2.1	Шиша ўзак, шиша қобик	Квази поғона синдириш кўрсаткичига эга бўлган тола	$3 \leq q < 10$

A2.2	Шиша ўзак, шиша қобик	Поғонасимон синдириш кўрсаткичига эга бўлган тола	$10 \leq q < \infty$
A3	Шиша ўзак, шиша қобик	Поғонасимон синдириш кўрсаткичига эга бўлган тола	$1 \leq q < \infty$
A4	Полимерли тола	C	-

3.4-жадвалда кўп модали оптик толаларни туркумлари кўрсатиб ўтилган бўлиб, унда асосан тола ўзаги кварц шиша ва тола қобиғи кварц шиша, тола ўзаги кварц шиша ва тола қобиғи полимерли, оптик тола ўзаги ва оптик тола қобиғи кўп компонентли шиша, тола ўзаги ва тола қобиғи полмер материалдан тайёрланган бўлишини кўришимиз мумкин.

Кўп модали оптик тола A туркумига мансуб бўлгани учун уларни турли гуруҳларга бўлиниши, асосан синдириш кўрсаткичи – q бўйича ва уни аниқловчи синдириш кўрсаткич профили ва унинг таркибига кирувчи ифода орқали аниқланади:

$$n(r) \begin{cases} n_1 \sqrt{1-2\Delta (r/a)^q}, & 0 < r < a \\ n_2, & r \geq a \end{cases}$$

бу ерда:  $n_1$  ва  $n_2$  – тола ўзак ва тола қобик ўқидаги синдириш кўрсаткичи;

r - жорий радиус;

a – тола ўзак радиуси.

Градиентли кўп модали оптик тола асосан синдириш кўрсаткич профили бўйича тавсифланиб, у ўзак чегараси ташқарисида радиус функциясини монотон равишда камайиб боришини кўрсатади. Оптик толанинг оптимал синдириш кўрсаткич профили параболик кўринишда бўлиб, унинг қиймати  $q = 2$  бўлади. Синдириш кўрсаткич қиймати ўзак чегарасида доимий бўладиган бўлса, у поғонасимон тола турига киради.

Кўп модали оптик толалар бир нечта модаларни ёки тўлқин турларини оптик нурланишини таъминлаб беради ва улар майдонни кўндаланг юза бўйича маълум бир тақсимланишини маълум бир фаза тезликларида тавсифлайди

### Пассив оптик қурилмаларнинг асосий параметрлари

ТОА тизимларини нормал ишлаши учун уларни таркибига, турли хил пассив оптик қурилмалар киритилади. Пассив оптик қурилмаларга қуйидагилар киради: оптик сигнални киритиш ва чиқариш қурилмалари, улагичлар, изоляторлар, тармоқлагичлар, фильтрлар, аттенюатор ва бошқалар. Бу қурилмалар учун қуйидаги параметрлар умумий ҳисобланади:

турғун тўлқин коэффициентини, киритилувчи шовқин, тўлқин узунлигини ишчи диапазоли, рухсат этиладиган қувват сатҳи.


1. Турғун тўлқин коэффициентини  $k_{\text{ТТ}}$  ва югурувчи  $k_{\text{ЮТ}}$  тўлқин коэффициентлари қурилмани оптик тракт билан мослашиш даражасини аниқлайди, Улар акс этиш коэффициентини  $\rho$  билан боғлиқ:

$$k_{\text{ТТ}} = 1 / k_{\text{ЮТ}} = (1 + \rho) / (1 - \rho), \quad (3.1)$$

бу ерда  $\rho = \sqrt{P_{\text{акс.э}} / P_{\text{туш}}}$ ;

$P_{\text{акс.э}}$  ва  $P_{\text{туш}}$  – мос равишда акс этган ва тушаётган тўлқин қувватлари. Идеал мослашишда акс этган тўлқинлар мавжуд бўлмайди, яъни  $P_{\text{акс.э}} = 0$ ,  $\rho = 0$  ва  $k_{\text{ТТ}} = k_{\text{ЮТ}} = 1$

Мослашмаганлик узатилган сигнални бузилишига ва қўшимча йўқотишларга олиб келади. Импульсларни такрорий акс этиш туфайли бузилиши 3.11-расмда кўрсатилган.



3.11-расм. Такрорий акс этиш натижасида импульсларнинг бузилиши **a)** мослашмаган оптик қурилма тўлқинлари; **b)** вақт диаграммалари.

Оптик қурилма чиқишида, тўғри тўрт бурчак кўринишида кўрсатилган, такрорий акс этиш натижасида  $E$  йиғинди сигнал бошланғич тўғри бурчакли сигнални такрорламайди. 3.11–расмдан кўришиб турибдики, ушбу ҳолда импульс кенгайди.

2. Киритилувчи сўниш (йўқотиш)лар  $a$ , дБ қиймати, оптик қурилманинг кириш  $P_{\text{кир}}$  ва чиқиш  $P_{\text{чик}}$  қувватлари нисбатини логарифми орқали аниқланади:

$$a = 10 \lg(P_{\text{кир}} / P_{\text{чик}}). \quad (3.2)$$

Киритилувчи сўниш оптик тўлқинларни ёки ёруғликни ютилиши, сочилиши ва акс этиши билан шартланади.

3. Қурилманинг асосий параметларини берилган техник нормалар доирасидан чиқмайдиган тўлқин узунлиги диапазони  $\lambda_{\min} \dots \lambda_{\max}$  ёки частота диапазони  $f_{\min} \dots f_{\max}$  ишчи дейилади.

4. Асосий параметрлари берилган техник нормалар доирасидан чиқмайдиган қувват сатҳи рухсат этиладиган ҳисобланади. Рухсат этилган сатҳдан юқори қуввати сигнал ўтганда, қурилмани куйиши истисно этилмайди. Бошқа параметрлар муайян қурилмаларни бажарадиган вазиадан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

### Нурланишни киритиш ва чиқариш қурилмалари

Нурланишни киритиш ва чиқариш қурилмалари максимал мумкин бўлган қувватни мос равишда манбадан толага ва толадан фотоқабулқилгичга узатишни таъминлаши керак. Бу қурилмани тузилиши, нурланиш манбалари, фотоқабулқилгичлар ва оптик тола характеристикалари билан аниқланади.

Ёруғлик диодлари кам ёрқинли ва катта нурланиш майдонли (тўғри келадиган қийматлар  $S=0,2 \dots 5,6 \text{ мм}^2$ ) ва тескари, юқори ёрқинли ва кичик нурлантирувчи юзали бўлиши мумкин. Охиргиларни (шунингдек, инъекцион лазерларни) бевосита туташадиган жойида оптик толага улаш мумкин.

Кўп модалли толада нурланишни киритишдаги йўқотишлар:

$$a_{\text{нк}} \approx \eta + A_{\text{акс.э}} + A_{\text{нур}}, \quad (15.3)$$

бу ерда  $\eta = 10 \lg(P_{\text{н.м}}/P_{\text{от}})$  - киритиш самарадорлиги, дБк;

$P_{\text{н.м}}$  - нурланиш манбаини қуввати, Вт;

$P_{\text{от}}$  - оптик толага киритилган қувват, Вт;

$A_{\text{акс.э}}$  - акс этиш ҳисобига йўқотишлар, дБк;


$A_{\text{нур}}$  - модаларни стационар ҳолати ўрнатиладиган тўлқинда нурланиш йўқотишлари, дБк.

Нурланиш манбаини кўп модалли тола билан энг яхши ва барқарор мослашуви, нурланиш манбаи юзасини тўрт тўлқинли қатлам  $n_{\text{т}} = \sqrt{n_{\text{н.м}} \cdot n_{\text{от}}}$  билан қоплаш ва тирқишни  $n_{\text{от}}$  ли иммерсион суюқлик билан тўлдириш ҳисобига эришилади. Бунда акс этиш йўқотишлари кам.

Нурланишни бир модалли толага киритишдаги муаммолардан бири лазер нурлантирган тўлқин ва ёруғлик диодини асосий модалари  $HE_{11}$  майдонларини тақсимланишини мос келмаслиги ҳисобланади. Бу мос тушмаслик, оптик сигналларни киритиш қурилмаларни жуда катта аниқликда тайёрланишини талаб этади.

Оптик сигналларни киритиш қурилмаларидан бири конус шаклидаги қурилма (3.12-расм) ҳисобланади. Конус кўндаланг юзасини катта

диаметрларида (1...2 мм) юқори тартибли модалар ҳосил бўлиши мумкин. Буни бартараф этиш мақсадида конусни кўндаланг ёни ва лазер ўртасига фаза коррекцияловчи элемент-сферик линза киритилади. Бундай қурилма 1,6...2,2 дБ самарадорликка эга



3.12-расм. Нурланишни киритиш қурилмаси:

А - нурланиш манбаи; БМОТ - бир модали оптик тола; 1- сферик линза; 2 - бир модали оптик конус; 3 - ў зақ.


### Ажраладиган ва ажралмайдиган оптик улагичлар

ТОВА линиялари бўйлаб ахборотни узатишни энг муҳим масалаларидан бири оптик толаларни ишончли уланишини таъминлаш ҳисобланади. Оптик улагич – бу нурланишни киритиш ва чиқариш жойида, толали оптик алоқа линия трактининг турли компонентларини улаш учун мўлжалланган қурилма. Улагичлар оптоэлектрон модулларни (қабул қилгич ва ўтказгичларни) кабел толалари билан улайди, кабелнинг қурилиш узунликларини

бир-бири ёки бошқа компонентлар билан улайди. Улагичлар ажраладиган ва ажралмайдиганга бўлинади. Ажралмайдиган улагичлар кабел тизимларини доимий монтаж жойларида қўлланилади. Ажралмайдиган уланишни таъминловчи, асосий монтаж усули пайвандлаш ҳисобланади. Ажраладиган улагичлар (коннектор, connectors термини кенг қўлланилади) кўп марталаб улаш/ ажратиш имконини беради. Амалиётда ажраладиган оптик улагичлар кабелни иккала охирида ва ажралмайдиган оптик улагичлар оралик секцияларни улашда қўлланилади. Бунга қуйидагилар сабабдир: ажралмайдиган улагичлар киритувчи йўқотишлар сатҳи минимал бўлиб, 1 та улагичда 0,04 дБни ташкил этади. Ажраладиган оптик улагичлар киритувчи йўқотишлар эса катта. Бундан ташқари ажралмайдиган улагичлар аниқ доимийликни таъминлайди, бу ажраладиган оптик улагичларни юқорида айтиб ўтилгандек бир неча ва кўплаб улаш ажратиш қутиладиган жойларда, масалан, коммутацион панелларда ёки уланишли кроссларда ишлатишни талаб этади. Агар биз қурилмани алмаштиришни истасак, унда буни ажралмайдиган оптик улагичларга қараганда ажраладиган оптик улагичлар орқали амалга ошириш қулай .

### Ажраладиган оптик улагичларнинг тузилиши

3.13-расмда штекерли ажраладиган оптик улагич кўрсатилган. Бу улагичда уя ва штир қисмлари уланади. Уланишдан сўнг гайка билан мустаҳкамланади. 3.3-расмда улагични уяли қисмини юзасида резба ва гайка кўрсатилмаган.



3.13-расм. Штекерли улаш:

*a* - уя; *b*-штир; *d*-ажраладиган улагич; 1 – тола; 2 - канал; 3 - бирлашувчи юзалар.


Улагичларга қуйидаги талаблар қўйилади: киритувчи йўқотишлари тескари ва тескари акс этишлари кам, ташқи механик, климатик ва бошқа таъсирларга бардошли, юқори ишончли тузилиши содда ва кўп марталаб такрорий уланишлардан сўнг характеристикалари бир озгина ёмонлашиши керак.

### 3.7. Оптик толаларни ажралмайдиган улашлар


Ажралмайдиган оптик улашни кенг тарқалган усулларида бири шишадан тайёрланган **трубка** ёрдамида улаш ҳисобланади (3.14-расм). Бундай улашда киритилувчи сўниш қиймати 0,29 дБни ташкил этади.

**Думалоқ ариқчали**–пластина ёрдамида толаларни улаш (3.14-расм) усулида киритиладиган сўниш сатҳи 0,5 дБ ни ташкил этади . Тола охирлари аниқ марказлаштирилиб, сўнг ёпиштирилади ёки пайвандланади.

Оптик толаларни доимий улаш учун пайвандлашдан кенг фойдаланилади. ҳозирда пайвандлаш қурилмалари, амалиёти такомиллашиб бормоқда. Натижада пайвандлашли улаш усули қўлланилганда киритилувчи сўниш қийматлари бир модали ва кўп модали толалар учун 0,04-0,1 дБ ни ташкил этади.



3.14-расм. Трубка ёрдамида толани улаш: 1-втулка; 2-ёпиштирувчи компаундни қуйиш учун тешик; 3, 4-тола.



3.15-расм. Думалок ариқчали пластина ва V-турдаги форма ёрдамида толани улаш: 1-тола; 2-ариқчалар; 3-пластина; 4-қопқоқ

Кўп модали толаларда пайвандлашли улаш сифатига таъсир қилувчи, толани ўзига боғлиқ бўлган омиллар мавжуд. Бу омилларга тола диаметрларини, сонли апертураларини ва синдириш кўрсаткичларини мос келмаслиги, ўзакни қобиқ марказида жойлашмаслиги киради.

Бир модали толаларда (дисперсияси силжимаган ҳолда) пайвандлаш сифатига таъсир қилувчи асосий омил бу толаларни мода майдони диаметрларини мос келмаслиги ҳисобланади.

Шунингдек, бўйлама ва бурчакли силжишлар, ўзакни ифлосланиши ва деформацияси ҳам пайвандлаш сифатига таъсир қилувчи омиллардир. Бу омилларни таъсири малакали техниклар, толани автоматик тенглаштирувчи қурилмаларни ва замонавий пайвандлаш қурилмаларни ишлатиш ҳисобига минимумга етказилиши мумкин.

### 3.8.Оптик тармоқлагичлар: дарахтсимон ва юлдузсимон тармоқлагичлар,атеннюаторлар,изоляторлвр,шахоблантир гичлар

ТОА тизимларини энг муҳим пассив элементларидан бири оптик тармоқлагич (coupler) ҳисобланади. Тармоқлагичлар кабелли телевидениенинг тақсимланган толали-коаксиал тармоқларини қуришда,

шунингдек давлатлараро тўлиқ оптик тармоқларни лойihalаштиришда кенг қўлланилади. Иккала ҳолда ҳам тармоқлагичлар қўлланилмаганда, тармоқ жуда қимматга тушарди. Тармоқлагичлар ёруғлик оқимларни бир неча йўналишларга ажратади ёки бир неча оқимларни битта йўналишга бирлаштиради.

**Сплиттер (splitter)**-одатда бир кириш ва бир неча чиқишдан иборат қурилма. У сигналларни икки йўналишда узатиш учун ёки оқимни икки ёки ундан ортиқ қурилмаларга ва фойдаланувчиларга тақсимлаш учун ишлатилиниши мумкин.


**Комбайнер (combiner)**-одатда битта чиқиш ва икки ёки ундан ортиқ киришига эга қурилма. У бир йўналишли ёки икки йўналишли операцияларни бажариш учун қўлланилиши мумкин.

Тармоқлагични-асосий турлари қуйидагилардир: дарахтсимон тармоқлагич; юлдузсимон тармоқлагич; шахоблантиргич.

**Дарахтсимон тармоқлагич (tree coupler)** сигнал оқимини битта киришга қабул қилиб, уни бир неча чиқишларга тақсимловчи ва бунга тескари вазифани бажарувчи қурилма. У сигнални манбадан бир неча фойдаланувчиларга тақсимлаш учун қўлланилади (16.1,а-расм). Одатда дарахтсимон тармоқлагичларда қувват ҳамма чиқишларга тенг тақсимланади. Дарахтсимон тармоқлагични ҳозирги моделида чиқишлар сони 2 дан 32 гача бўлиши мумкин. Кўпгина дарахтсимон тармоқлагичлар сигналларни бирлаштириш вазифасини ҳам бажариши мумкин.

**Юлдузсимон тармоқлагичда (star coupler)** кириш ва чиқишлар сони бир хил. Оптик сигнал  $n$  киришлардан бирига тушади ва  $n$  чиқишлар ўртасида тенг тақсимланади. 2x2 ва 4x4 юлдузсимон тармоқлагичлар кенг тарқалган. Аралаштириб юбормаслик учун киришлар лотин харфлари ва чиқишлар сон билан белгиланган (16.1,б-расм). Юлдузсимон тармоқлагичлар барча чиқишлар ўртасида қувватни тенг даражада тақсимлайди.

**Шахоблантиргич (ответвитель) (tap)** -бу чиқишларига қувват тенг тақсимланмайдиган, дарахтсимон тармоқлагични умумлашганидир



3.16-расм. Тармоқлагич турлари: а) дарахтсимон тармоқлагич; б) юлдузсимон тармоқлагич; в) шахоблантиргич.

Улар 1x2, 1x3, 1x4, 1x5, 1x6, 1x8, 1x16, 1x32 тузилишли бўлиши мумкин. Чиқиш қувватини маълум бир қисми (50% дан кам) шахоблантиргич каналига (каналларига) боради, катта қисми эса магистрал каналда қолади. Чиқишлари қувватни камайиши тартибида рақамланади. Оптик тармоқлагичлар селектив (тўлқин узунлигига сезгир) ва носелектив (тўлқин узунлигига сезгир бўлмаган)га бўлинади. Юқорида кўриб чиқилган оптик тармоқлагичлар носелектив элементларга киради.

### **Оптик аттенюаторлар**

Оптик аттенюаторлар кириш оптик сигналларни қувватини камайтириш мақсадида ишлатилинади. Рақамли сигналларни узатишда ҳам, аналог сигналларни узатишда ҳам бунга зарурият вужудга келиши мумкин. Катта сатҳли рақамли сигналларни узатишда қабул қилувчи оптоэлектрон модулни тўйинишига олиб келиши мумкин. Аналог сигналларни узатганда хаддан ташқари катта сатҳ ночизиқли бузилишларга ва тасвирни ёмонлашишига олиб келади. Аттенюаторлар кўпинча лазер узатгичдан кейин жойлаштирилади. Аттенюаторлар лазерни чиқиш қувватини, ундан кейинги EDFA кучайтиргичлари каби қурилмалар талаб этадиган сатҳ билан мослаштиради. Ёруғлик жадаллиги фотодиодни динамик диапазони доирасидан чиқадиган даражада катта бўлган, қисқа оптик толали секцияларда аттенюатор ўрнатиш мумкин. Улар интенсивликни қабул қилгичнинг динамик диапазониغا мос келадиган сатҳгача камайтиради. Ишлаш принципи бўйича аттенюаторлар сўниш қиймати бўйича ўзгарувчан ва сўниш қиймати қайд этилган турларга бўлинади.

Ўзгарувчан аттенюаторлар сўниш қийматини 0-20 дБ ораликгача ўзгариш имконини беради. Қайд этилган аттенюаторларда сўниш қиймати ишлаб чиқарувчи томонидан ўрнатилган бўлади. Уларни қиймати 0, 5, 10, 15 ёки 20 дБни ташкил этиши мумкин. Аттенюаторлар томонидан киритиладиган сўниш  $\pm 15\%$  дан ошиқ бўлмаслиги керак. Оптик акс этиш қобилияти максимал-40 дБ сатҳда бўлиши керак. Аттенюаторларни ишчи тўлқин узунликлари диапазони максимал 1360 нм дан 1580 нм гачани, минимал 1200 нм дан 1480 нм гачани ташкил этиши керак. Типик ишчи тўлқин узунлиги кенглиги 1310-1580 нм. Аттенюаторларда ҚМДга боғлиқ бўлган йўқотишлар 0,3 дБ дан юқори бўлмаслиги керак.

### **Оптик изоляторлар, уларнинг тузилиши ва ишлаш принципи**

Оптик сигнал тола бўйлаб тарқалиб, турли бир турда эмасликлардан, айниқса оптик уланган жойлардан акс этади. Бундай акс этиш натижасида энергиянинг қандайдир бир қисми тескари томонга қайтади. Агар лазер нурланиш манбаларидан фойдаланилса, акс этган сигнал лазерни

резонаторига тушиб, мажбурий (индукцияланган) кучайиш қобилиятига эга бўлиб, паразит сигналларни ҳосил қилади. Айниқса, манба рақамли ва кенг полосали сигналларни нурлантирганда бундай акс этишлар камроқ бўлиши керак. Кўпроқ коннектор уланишларига ва бошқа оптик қурилмаларга (тармоқлагич, спектр бўйича зичлаштириш қурилмалари, оптик кучайтиргичлар) эга мураккаб кенг полосали тармоқларда бундай тескари алоқа кучаяди ва нурланиш манбаини шовқин сатҳини ошишига олиб келади. Тескари оқимларни бартараф этиш оптик изоляторларниқўллашга асосланган. Оптик изоляторлар деярли йўқотишларсиз ёруғликни бир йўналишда узатишни, бошқа (тескари) йўналишда эса катта сўниш билан узатишни таъминлайди. Хозирги кунда оптик изоляторлар кўпгина лазерли тизимлар ва оптик кучайтиргичларнинг асосий элементи ҳисобланади, шунингдек оптик алоқа линиясининг алоҳида элементи сифатида ҳам қўлланилади.


Оптик изоляторнинг иши Фарадей эффекти бўйлама магнит майдон таъсирида оптик ноактив мода билан ёруғлик қутбланиши текислигини бузилишига асосланган. Қутбланиш текислигининг бурилиш бурчаги  $\theta = VB_z d$  га тенг, бу ерда  $V$ -Верде доимийси (verdet)-модданинг табиати, ҳарорати ва ёруғликни тўлқин узунлигига боғлиқ бўлган, солиштирма магнит бурилиши;

$B_z$  - магнит майдон индукциясининг бўйлама ташкил этувчиси;

$d$  - моддада ёруғлик йўли узунлиги-Фарадей ячейкаси ўлчами.

Бурилиш йўналиши фақатгина мода табиати ва магнит майдон йўналишига боғлиқ. Қутбланиш текислигини магнит бурилиши, магнит майдон таъсирида модданинг оптик хусусиятларини асимметриясини юзага келиши билан шартланади. Қутбланиш текислиги бурилишини тўлқин узунлигига боғлиқлиги айланма дисперсия дейилади.

**Оптик изоляторнинг ишлаш принципи.** Оптик изолятор уч элементдан ташкил топган: қутблантиргич (1), Фарадей ячейкаси (2) ва анализатор (3) чиқиш қутблантиргичи (3.17-расм).



### 3.17-расм. Оптик изолятор схемаси:

а) - тўғри йўналишдаги фойдали сигнал эркин ўтади; б) - тескари йўналишдаги сигнал қутблантиргичда ютилади.

Фарадей ячейкасининг параметрлари шундай танланадики, ундан ўтадиган ёруғликнинг қутбланиш ўқи  $45^{\circ}$  га буриладиган бўлиши керак. Қутблантиргич ўқи ҳам шундай бурчак остида ўрнатилади. Фойдали кириш сигнали қутблантиргич (1) орқали ўтиб, горизонтал ташкил этувчисини бартараф этиб, ўзини вертикал ташкил этувчисини ўзгартириши мумкин.


Сўнг вертикал қутбланган ёруғлик Фарадей ячейкаси (2) орқали ўтади, қутбланиш текислигини  $45^{\circ}$  га буради ва анализатор (3) орқали қаршиликсиз ўтади. Ёруғликнинг тескари йўналишда тарқалишида (3.9-расм) у яна анализатор (3) текислигида қутбланади, сўнг Фарадей ячейкаси (2) орқали ўтиб, горизонтал қутбланган холга келади. Шу тариқа, ёруғликни қутбланиш ва қутблантиргич (1) ўқлари  $90^{\circ}$  бурчакни ташкил этади, шунинг учун қутблантиргич (1) тескари нурланишни ўтказмайди.

### Оптик филтрлар

Оптик филтрлар умумий узатилаётган оптик спектрдан оптик каналларни ажратиш учун қўлланилади. Филтрлар қўшни оптик каналларни бартараф этиш имкониятига эга, чунки фотоқабулқилгичлар спектрал танлашга эга эмас. Оптик филтрлар сифатида демультимплексорлар ҳам қўлланилиши мумкин.

Алоҳида оптик филтрлар кўп қатламли диэлектрик тузилиш ва дифракцион панжарадан иборат бўлади.

Кўп қатламли диэлектрик тузилишли оптик филтрларнинг ишлаш принципи қуйидаги расмда тасвирланган (3.18-расм).



3.18-расм. Кўп қатламли диэлектрик филтрнинг ишлаш принципи:

а) - кўп қатламли диэлектрик тузилиш; б) - акс этиш коэффициентининг спектрал боғлиқлиги.

Кўп қатламли тузилишда турли синдириш кўрсаткичли икки турдаги диэлектриклар ўзаро кетма-кетликка эга. Қатламнинг қалинлиги  $\alpha (1/4) \lambda$  да (танланган оптик каналнинг тўлқин узунлиги) тушиш бурчагини  $\alpha \{ (1/4) \lambda \cos \alpha \}$  тўғрилашни ҳисобга олсак, тушаётган нур кетма-кет қатламлар чегарасида қисман қайтади.  $\lambda$  тўлқин узунликли нурланиш синфаз қайтади ва йиғилади, қолган нурланиш кучсиз қайтади ва ютилади. Қатламларни қалинлигини ўзгартириб, филтрларнинг ўтказиш полосасини ўзгартириш мумкин.

Хозирги кунда қўшни оптик каналлар орасидаги масофа 100 ГГц ни ташкил этади ( $\Delta\lambda=0,8$  нм) ва 50 ГГц ( $\Delta\lambda=0,4$  нм) да қўшни каналлар орасидаги масофа ўтиш тахмин қилинади.

## Хулоса

Оптик кабелли алоқа линиялари

Оптик толали алоқа линиялари бўйлаб сигналларни узатиш Оптик алоқа кабелларининг туркумланиши Оптик кабелларга қўйиладиган техник талаблар.

### Назорат саволлари

1. Қандай тола поғонасимон ва қандай тола градиент нур ўтказувчи тола деб аталади?
2. Нур ўтказгич толанинг апертураси.
3. Нур ўтказгич толанинг тўлқин узунлиги ва критик частотаси. Нур ўтказувчи толаларнинг сўниши
4. Қандай тола поғонасимон ва қандай тола градиент нур ўтказувчи тола деб аталади?
5. Нур ўтказгичлар бўйлаб электромагнит тўлқинларнинг тарқалиш жараёни.
6. Нур ўтказгичларнинг ўтказиш қобилияти дисперсияси.
7. Оптик аттенюаторлар қандай мақсадларда қўлланилади?
8. Оптик изоляторларнинг вазифаси ва уларнинг ишлаш принципини тушунтиринг.
9. Оптик филтрларнинг ишлаш принципини тушунтиринг.
10. Пассив оптик қурилмалар қандай параметрлар билан характерланади?
11. Қисмларга ажраладиган ва ажралмайдиган оптик улагичлар қачон қўлланилади?
12. Оптик толаларни ажралмайдиган улашнинг қандай усулларини биласиз?
13. Кабел йўқотишлари деганда нима тушунилади?
14. Қандай тола поғонасимон ва қандай тола градиент нур ўтказувчи тола деб аталади?

## 4.ТОАЛ ҚУРИЛИШИ

### 4.1. Тупроққа оптик кабелларни ётқизиш ва уларни ҳаво-устун таянчларга ўрнатиш(осиш).Оптик-толали алоқа линия қурилиши.

Оптик-толали алоқа линиянинг қурилиши бўйича бажариладиган ишларнинг технологияси ва уларнинг ташкилий ишлари электр алоқа кабелли линияларнинг қурилиш ишлари сингари бўлиб, аммо оптик-толали кабелларининг тафсилотлари ва параметрларини бир мунча фарқланишидан иборат. Унда асосан кабел ўзак элементлари ва муҳофазаловчи қопламлари бўлмиш изоляция қаршилиги ва электр мустаҳкамлиги, кабел қобиғининг герметиклиги каби кабел элементларининг ҳолатини тавсифловчи параметрларнинг бўлмаслиги бўлиб, бундан ташқари чўзилиш бўйича кучланганлигининг чегараланиши, ўлчамларининг ва массасини кичик бўлиши, қурилиш узунликларининг катта бўлиши, оптик кабелларнинг металл элементларини бўлмаслиги ҳисобига оптик-толали алоқа линиясининг қурилиш жараёнида хизмат алоқасини ташкил этишда бир қанча қийинчиликлар туғдириши билан бирга шикастланган жойларни аниқлаш қийин бўлишлиги, оптик-толали алоқа линиясининг ўлчов ва монтажи учун ускуналар ва ўлчов приборлар баҳосининг бир мунча юқори бўлишлигидир.

#### **ТОАЛ ҚУРИЛИШИДА КЎЗДА ТУТИЛАДИГАН ТАДБИРЛАР**

ТОАЛ қурилиши деганда қурилишга тайёргарлик, оптоптик кабелларни ётқизиш ёки осиш, оптик-толали алоқа линиясининг монтажи ва ўлчов ишлари ҳамда уларни техник эксплуатацияга топшириш каби ташкилий ва техник тадбирларнинг мажмуи тушунилади.

Оптик-толали алоқа линиясининг қурилишини олиб боришда ва қурилиш ишларини ташкиллаштириш жараёнида қоида бўйича қуйидаги тадбирлар бажарилади:

- ✚ -тайёргарлик тадбирлари ташкил этилади ва олиб борилади;
- ✚ -оптик кабеллар ётқизилади ва осилади;
- ✚ -оптик-толали алоқа линиясининг монтаж ишлари бажарилади;
- ✚ -оптик-толали алоқа линиясини эксплуатацияга топшириш ва қабул қилиш – топшириш бўйича ўлчов ишларини бажариш.

Оптик-толали алоқа линиясининг қурилишида оптик толали кабелларни турли усуллар ёрдамида ерга ётқизиш усуллари қўлланилади:

- -олдиндан қавланган траншеяга қўл ёрдамида ётқизиш;
- -траншеясиз усул бўйича пичоқли кабел ётқизгичлар ёрдамида;
- -ер остига юқорида кўрсатиб ўтилган усуллар ёрдамида ётқизилган муҳофазаловчи полиэтилен қувурлар ичига.

Оптик кабелни кабел канализациясига ётқизиш:

- ❖ -тўғридан-тўғри равишда кабел канализациясининг каналлари ичига;

- ❖ -кабел канализациясига ётқизилган муҳофазаловчи полиэтилен қувурлар ичига.

Оптик кабелларни бино ва иншоотлар ичига ётқизиш, ўз-ўзини ушлаб турувчи оптик кабелларни симёғочларга осиб:

- ✚ -темир йўл транспорти, электрлаштирилган шаҳар транспорти, ёриткич симёғочларига ва хоказо;

- ✚ -электр узатиш линиялари.

Оптик кабелларни сув тўсиқлари орқали ётқизиш оптик-толали алоқа линиясининг қурилиши олдиндан тасдиқланган лойиҳалар асосида бажарилади.

Қурилишга тайёргарлик олиб боришда қурилиш-монтаж ишларининг технологик равишда ёйиш ва қурилиш ишларида қатнашувчи ҳамма иштирокчиларнинг ўзаро боғланганлик таъсирларини ёйишдан иборат.

Оптик-толали алоқа линияларининг тайёргарлик жараёнида қуйидаги тадбирлар бажарилиши лозим:

- ❖ қурилиш ишлари учун пудратчилар билан шартнома тузиш;
- ❖ лойиҳа-смета ҳужжатларини ўрганиш; трасса ва ишларни бажариладиган қурилиш ишларини ташкил этиш лойиҳасида (ПОС-проект организация строительство) келтирилган маълумотларни эътиборга олиш ва лозим бўлса қурилиш буюртмачиси (лойиҳа тайёрловчи ташкилот билан биргаликда) кўрсатган камчиликларни бартараф этиш бўйича келишиш; керак бўладиган ишчи кучларни аниқлаш;
- ❖ керак бўладиган автотранспорт, механизмлар, ўлчов, технологик ва бошқа қурилмаларни тайёрлаш ва аниқлаш;
- ❖ қурилиш-монтаж бўлимларини трасса бўйича жойлаштириш масалаларни ечиш.

Бундан ташқари тайёргарлик даврида албатта бир қанча техник тадбирлар ҳам бажарилиши лозим бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Кабел майдончасидаги ҳамма кабел ғалтакларидаги кабелларнинг кириш назоратини ўтказиш шу жумладан ҳамма оптик кабелларни назоратдан ўтказиш.
2. Кабел ўралган кабел ғалтакларини трассага олиб чиқиш, кириш назоратидан ўтмаган кабелларни ётқизиш рухсат этилмайди. Кириш назорати ўтказилган натижа баённомалари билан тасдиқланиб, бу баённомалар буюртмачига ишчи ҳужжатлари билан биргаликда бажарилиши лозим бўлган ҳужжатлар билан тақдим этилади; қурилиш узунликдаги кабелларни гурухлаштириш.
3. Кабелларни танлашда қуйидагилар эътиборга олинади, битта регенерация участкасида қўлланивчи кабел битта завод томонидан ишлаб чиқарилиши, бир хил конструктив тузилишда бўлишига (сув ости ёки ҳаво орқали ўтувчи оптик кабелларни бир-бири билан улаш учун қўлланивчи кабеллардан ташқари), бир хил турдаги оптик-тола ва толанинг муҳофазаловчи қоплами бир хил бўлишига эътибор берилди. Қурилиш узунликдаги кабелларни гурухлаштиришда ерга ётқизилувчи кабелларни иложи бориша трассанинг турли хил кесиб ўтилувчи жойлари кабел қурилиш узунлигининг охири учларига келтирилишга ҳаракат қилиш, бир-бири билан уланувчи муфтларнинг жойланиш жойи монтаж-ўлчов ишларини бажарувчи автомашинани бориш имкони бўлиши керак.

Регенерация участкаи учун гурухлаштириш натижалари бўйича ётқизилувчи қайднома тузилади. Ҳар бир кабел ғалтаги учун кабел ишлаб чиқарувчи завод томонидан тақдим этилган ҳамма паспортлар, ётқизилувчи кабеллар қайдномалари биргаликда йиғилиши керак.

Ўрганилган лойиха хужжатлари асосида, ҳамда оптик-толали алоқа линия трассасини тўғридан-тўғри равишда жойида ўрганилган маълумотлар, қурилиш-монтаж ишларини бажарувчи бош пудратчи ташкилот билан буюртмачи биргаликда бажариладиган ишлар келишилгандан сўнгра ишларни бажариш лойихаси (ППР-Проект производства работ) ўрнатилган тартиб услуби ва ҳисобланиб тақдим этилган хужжатлар 3.01.01-85 қурилиш нормалари ва қоидаларида кўрсатилган услубда ишлаб чиқилади. Оптик кабеллар ҳамма категориядаги ер тупроқларига ётқизилади. Оптик кабелларни ботқоқлик жойлар ва сув кечувлари орқали ётқизилиш жараёни маълум бир лойиха ечимлари бўйича аниқланади.

### **ЁДДА ТУТИНГ!!!**

**Оптик кабелларин ерга ётқизишда электр алоқа кабеллари учун қўлланувчи оддий усуллар ишлатилади**

Кабелларни ётқизиш олдиндан кавлаб тайёрланган траншеяга қўл ёрдамида ётқизиш усули ёки пичоқли кабел ётқизгич ёрдамида траншеясиз усул бўйича бажарилади. Агар муҳофазаловчи пластмасса қувурлар қўлланадиган бўлса, у ҳолда аввал юқорида кўрсатиб ўтилган усуллардан бири бўйича ер остига муҳофазаловчи пластмасса қувур ётқизилади, ундан сўнгра эса қувурлар ичига оптик кабел ётқизилади.

Бундан ташқари муҳофазаловчи пластмасса қувурлар ичига олдиндан ётқизилган кабеллар билан ётқизилиши мумкин. Тўғридан-тўғри равишда оптик кабелларни ерга ётқизиш учун тасмали зирх ёки пўлат симли зирх қатламига эга бўлган кабеллар қўлланади.

Оптик кабелларни ерга ётқизишда атроф-муҳит ҳарорати  $-10^{\circ}$  С дан кам бўлмаган ҳолатда ётқизилиши керак, бир мунча кичик ҳароратларда ( $-30^{\circ}$  С дан кам бўлмаганда) эса ётқизилувчи кабелни икки сутка мобайнида иситиладиган хонада ушлаб турилгандан сўнгра ётқизиш тавсия этилади ва ётқизилувчи кабел ётқизилишидан аввал албатта кабел ўралган ғалтак иситилиши лозим.

Ҳар қандай кабелни ерга ётқизилиш вариантларида ер билан боғлиқ ишлар бажарилади, уларга қуйидагилар киради:

-  -ерни юмшатиб кавлаш ва траншея ҳамда котлованларни кўмиш;
-  -автомобил, темир йўл ва бошқа коммуникациялардан кесиб ўтилиб ётқизилувчи оптик кабеллар учун траншеясиз усул ёрдамида горизонтал равишда ёпиқ ҳолда скважиналар орқали ўтказиш;
-  -траншеяларни механизмлар ёрдамида кавлаш ва траншеяларга оптик кабелларни ётқизиш ёки муҳофазаловчи пластмасса қувурларни кабел ётқизгичлар ёрдамида ётқизиш учун кабел трассасини планировка қилиб текислаш;

✚ -тупроқ қатламларининг бузулишини олдини олиш мақсадида рекультивация ишларини бажариш.

Ер билан боғлиқ бўлган ишлар алоқа тармоқларининг линия иншоотларини қуриш бўйича ҳужжатлар талабига жавоб берган ҳолда бажарилиши керак.

Оптик кабелларни газ ва нефт магистрал қувурлари, электр узатиш тармоқлар каби қўриқлаш зоналарини кесиб ўтадиган жойлар бўйлаб ётқизишда кўрсатиб ўтилган коммуникациянинг қўриқлаш ҳудудларида бажариладиган ер билан боғлиқ инструкция талабларига жавоб берган ҳолда бажарилиши керак.

Турли хил коммуникация қўриқлаш ҳудуд чегараларида ер билан боғлиқ бўлган ишларни бажариш учун бундай коммуникацияларга техник хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан берилган ёзма рухсатнома асосида ва эксплуатация қилувчи корхона вакили қатнашган ҳолда бажарилади.

Ер билан боғлиқ бўлган ишларни бажаришда алоқа тармоқларининг линия иншоотларини қуриш бўйича рахбарий ҳужжат талабларидан ташқари, бугунги кунда қўлланилувчи ҚН ва Қ (қурилиш нормалари ва қоидалари), алоқа линияларини қўриқлаш қоидалари ва бошқа нормалар талабларига жавоб берган ҳолда бажариш лозим.

#### **4.2. Кабелни олдиндан қавланган траншеяга ётқизиш.**

Оптик кабелларни олдиндан тайёрланган траншеяга ётқизишда максимал эътиборни оптик кабелнинг чегараланган минимал эгилиш радиусига қаратган ҳолда, ётқизишдан аввал кабел остига юмшоқ тупроқ ёки қумдан иборат бўлган ёстикга ва кабелни кўмишга қаратилади.

Оптик кабелни олдиндан тайёрланган траншеяга ётқизишдан аввал траншея ости текисланиб тошлардан, қурилиш чиқиндилардан ва бошқа предметлардан тозаланган бўлиб, оптик кабел ётқизилган траншеяларни кўмишда шикастланишлар олди олинадди. Оптик кабелларни тоғлиқ ва қаттиқ тошлоқ бўлган тупроқлар остига ётқизишдан аввал траншея ости қаттиқ ва ўткир учли ҳамда катта тошлардан тозаланиб, кабел остига ва кабел устига юмшоқ тупроқлардан ёки қалинлиги 10см дан кам бўлмаган қалинликда муҳофазаловчи қатлам ётқизилиши керак.

Ғалтакга ўралган кабелни айлантириб бўшатиш ва кабелни олдиндан тайёрланган траншеяга ётқизиш учун махсус механизмлардан фойдаланилади.

Олдиндан тайёрланган траншеяга кабелни ётқизишда қуйида келтирилган усуллардан бири бўйича бажарилиб, уларни қўллашда трасса шароитига боғлиқ:

-кабелни траншея ичига ёки траншеянинг ён томонига кабел ғалтагидан бўшатган ҳолда ёки кабел транспортёридан траншея четига траншея бўйлаб ҳаракатланган ҳолда бажарилади;

-бутун қурилиш узунликдаги оптик кабелни траншея бўйлаб қўл кучи ёрдамида бўшатилади.

Кўрсатиб ўтилган иккала вариантда ҳам кабелларни ғалтакдан бўшатиш жараёнида кабел ғалтаги махсус механизмлар ёрдамида ёки қўл кучи ёрдамида секин-асталик билан айлантирилиб бўшатилади, кабелни ғалтакдан силтаб тортиб бўшатиш қаятиян маън этилади. Кабел ғалтагининг айланиш тезлиги кабелни


трасса бўйлаб ётқизилиш тезлиги билан доим мослашган бўлиши керак. Кабелни ғалтакдан бўшатишда тезда айлангириб тугун кўринишида бўшатиш рухсат этилмайди, кабелни бўшатиш чоғида ғалтакдаги ўрамлар устма-уст тушмаслиги ва ётқизилувчи кабелни кескин равишда тортмаслик ҳамда кабел ғалтагидан бўшатилиб ётқизилувчи кабелни кескин равишда бўшатмаслик зарур. Ҳаракатланувчи автомашинадан кабелни ётқизишда машина кетидан келаётган ишчилар оптик кабелни кабел ғалтагидан бўшатиб, уни тўғридан-тўғри траншея ичига ёки траншея четига бўшатиб ётқизиш кетадилар, ундан сўнг у кабел секин-асталик билан траншея ичига ётқизилади. Траншея бўйлаб ҳаракатланувчи автомашинанинг тезлиги 1 км/соатдан ошмаслиги керак.

Агар кабел ётқизиладиган ер рельефи ва йўл шароити техникадан фойдаланишга имкон бермайдиган бўлса, у ҳолда бутун қурилиш узунликдаги кабел қўл кучи ёрдамида бутун трасса бўйлаб траншея четига бўшатилади ва ундан сўнг кабел секин-асталик билан траншея ичига туширилиб ётқизилади. Оптик кабелларни ётқизишда ишчилар сони бир ишчига массаси 35 кг бўлган кабел юклама ҳисобидан ошмаслиги керак ва шу асосда ҳисоблаб чиқилади. Кабелни ғалтакдан бўшатиб ётқизишда ишчилар сони кабелни бўшатиш жараёнида ётқизилувчи кабел ерга тегиб ишқаланмаслиги керак. Агар кабел ётқизилишда ишчилар сони кам бўладиган бўлса, у ҳолда "ҳалқа" яъни саккиз рақам кўринишидаги усул қўлланади. Бундай усулда кабел ўралган ғалтак траншея трассасининг ўртасидан ёки олдиндан ўлчаб қўйилган трассанинг маълум бир нуқтасига ўрнатилади.

Одатда оптик кабеллар траншеянинг ўртасига қадар чўзиб тортилмасдан траншеянинг ётқизилиши лозим бўлган чуқурлигига текис ва зич ҳолда ётқизилиши лозим. Агар битта траншеяга бир нечта кабеллар ётқизиладиган бўлса, у ҳолда ётқизилувчи кабеллар параллел равишда ётқизилиб, кабеллар орасидаги масофа 50 миллиметрдан кам бўлмаган ва кабеллар бир-бири билан кесишмаган ҳолда ётқизилиши лозим. Агар кабел трассадаги турли хил ер ости иншоатларидан иборат бўлган турли хил тўсиқлар учрайдиган бўлса, у ҳолда ётқизилувчи кабел саккиз рақам кўринишидаги тугун усули ёрдамида ётқизилади.

### **4.3. Траншеясиз усул ёрдамида кабелларни ётқизиш.**

Кабелларни траншеясиз усул ёрдамида ётқизиш деганда кабел ётқизгич ёрдамида кабелни ётқизиш тушунилади. Бундай усул жуда юқори ишлаб чиқариш хусусиятига ва самарадорликка эга. Оптик толали кабелларни траншеясиз усул ёрдамида ётқизишда махсус кабел ётқизгич механизмлардан фойдаланилади. Бундай кабел ётқизгичларнинг ишчи органи бўлмиш кабел ётқизгич пичоғи ер қаърини ингичка ариқ кўринишда кесади ва у кесилган жойга кабел лоциха бўйича белгиланган чуқурликка ётқизилади. Бундай усул ёрдамида кабелни ётқизишда лозим бўлган ва талаб этиладиган эгилиш радиуси кассетадан чиқишда эришилади ва бу билан кабел ётқизилиш жараёнида унинг шикастланиш олди олинади.



4.1-расм.КВГ-1 туридаги кабел ётқизгич.


4.1-расмда КВГ-1 туридаги кабел ётқизгич кўрсатилган бўлса 4.1-жадвалда эса КВГ-1 ва КВГ-2 туридаги кабел ётқизгичларнинг техник тавсилотлари келтирилган.

4.1-жадвал.

Кабел ётқизгич тури Параметрлар	КВГ-1	КВГ-2
Ишланадиган тупроқ категорияси	I...IV	I...IV
Кабел ётқизилиш чуқурлиги, мм	1500	1500
Ётқизиладиган кабел диаметри, мм	80	80
Ётқизиладиган полиэтилен қувур диаметри, мм	32;40;50;63:	32;40;50;63:
Кабел ётқизилиш тезлиги, км/соат	0,4...1,5	0.....2,5
Кабел ғалтак диаметри, мм, кабел ётқизгич устига жойлашадиган ғалтаклар сони, дона	2250мм/2дона 2250мм/1дона	2250мм/2дона 2250мм/1дона
Кабел ғалтагининг тўлиқ массаси, кг	4000	4000
Ишчи органининг силжиб харакатланиш қиймати, мм	-	1140
Ётқизилган кабел борлигин кўрсатувчи сигнал тасма кенглиги, мм	75	75
Осилган ускуналар билан биргаликдаги кенглик ўлчами, мм	3760	3760
Ёрни кесиш чуқурлиги, м	1,1	1,1
Массаси, кг	23000	24000
Тракторнинг асосий модели	Т-170 МБ 01 Т-10 Б 02(ГМТ)	

Ёр қаъри жуда ҳам катта зичликга эга бўлган тупроқли ёрларда кабел ётқизгичнинг пичоғи ётқизилиши лозим бўлган чуқурликда ёрни кеса олмайдиган бўлса ёки кабел трассаси тошлоқ ёхуд бошқа турли аралашмага эга бўлган

ерларда ер юзаси олдиндан бўшатилиб-текислаб олиниши керак. Бу ишларни ерни бўшатгичлар (пропоршиклар) бажаради. 4.2- расмда уларнинг кўриниши келтирилган бўлса, 4.2-жадвалда бундай механизмларнинг техник тафсилоти келтирилган.



4.2-расм. Пропоршиклар. (Ер юмшатгичлар.)

4.2-жадвал.

Ишлов бериладиган тупроқ категорияси		I...IV
Максимал бўшатиладиган чуқурлик, мм		1500
Тупроққа ишлов бериш тезлиги, км/соат		0.5...1.5
Минимал қайирилиш радиуси метр		16
Тупроқни кесиш чуқурлиги, м		1.0
Ерга тушадиган нисбий босим, МПа		0.034
Тўлиқ масса, кг		20500
Харакатланиш ҳолатидаги габарит ўлчамлари, мм	узунлик	7850
	кенглик	7850
	баландлик	3154
Трактор таянч модели.		T-170 T-170 Б

Кабел ётқизгич пичоғини кўтариш ва тушириб чуқурлаштириш жараёни олдиндан кавлаб тайёрланган котлованда (ўрада) олиб борилади, чунки бундай ҳолда кабел ётқизгич пичоғи чуқурлаштирилмайдиган бўлса оптик кабелнинг рухсат этиладиган эгилиш радиусига эришиб бўлмайди. Битта қурилиш узунлиги тугаган жой билан иккинчи қурилиш узунлиги бошланиш жойида ҳам котлавон (ўра) кавланади, қурилиш узунлиги тугаган жойда ётқизилувчи кабел кассетадан бўшатилади ва котлованда 8 метрдан кам бўлмаган узунлик қолдирилади, котловоннинг бошқа томонидан эса худди шу узунликда захира узунликдаги оптик кабелнинг кейинги қурилиш узунлиги кассетага киритилади. Котлованда қолдирилган икки томондан 8 метр узунликдаги оптик кабеллар кейинчалик монтаж қилиниб, бир-бири билан уланади.


Одатда оптик кабелнинг сўниш қиймати доимий равишда назорат остида бўлади, бундай назорат оптик тестр, рефлектометр ёки бошқа шунга ўхшаш ўлчов асбоблари ёрдамида олиб борилади.

Қурилиш узунликлигидаги оптик кабел толаларини назоратлаш учун кабел ётқизиладиган аввал шлейф бўйича толалар бир-бири билан пайвандланиб уланади. Кабелларни мураккаб рельефли ва зич бўлган тупроқли ерларда ётқизиш жараёнида кабел ётқизгич ҳаракати текис равишда бўлмаслиги мумкин, шунинг учун кабелни кабел ғалтагидан бўшатиш жараёнини синхрон равишда ва кабелни кассетага киритилишда кабелнинг бўшлигини қаттиқ назорат қилиш зарур. Оптик кабелни ётқизишда қуйидагиларга қаттиқ эътибор бериш керак:

-мураккаб тупроқли ерларда кабелни ётқизиш жараёнида тупроқ ичида турли хил тупроқлар бор ерларда ётқизиладиган кабелни силталлаб тортирмаслик керак.

Оптик кабелларни турли усуллар бўйича ерга ётқизишда қурилиш узунликлари бир-бири билан уландиган жойларда захира узунлигидаги оптик кабелларни жойлаштириш учун ўлчамлари 3000×1200×1200 мм бўлган котлован қавланади. Оптик кабелнинг захира узунлиги муфтани монтаж қилинадиган ишчи ўрни осон бўлган жойга қадар етиши лозим. Муфтага киритилган ҳар бир кабелнинг захира узунлиги кабелни муфтага киритиб муфта ерга жойлаштирилгандан сўнг унинг узунлиги 10 метрдан кам бўлмаслиги керак.


Оптик кабелларни ётқизишда қолдириладиган захира узунлик ҳар иккала томонда 5 метрдан ортиқ бўлган узунликда бўлиши керак. Бундай узунликда қолдирилган захира учун ётқизилган қурилиш узунликлари муфта монтажи учун ва ўлчов ишлари учун керак бўлади. Қурилиш узунликларини бир-бири билан улаш учун бир томони берк муфталар қўлланади. Муфталар монтажи инструкция асосида бажарилади, монтаж қилиб бўлинган муфталар ерга ётқизиладиган аввал мухофазаловчи чўян муфта ичигага жойлаштирилади. МТОК туридаги муфтани мухофазаловчи чўян муфта ичига жойлаштирилиш ҳолати 4.3-расмда кўрсатилган.




4.3-расм.МТОК туридаги муфтани мухофазаловчи чўян муфта ичида жойланиши.

Ҳар бир қурилиш узунлигини ёки бир нечта қурилиш узунликларидан ташкил топган участкаларда ётқизилган оптик кабелларнинг ташқи қобик изоляция қаршилигини ўлчаш учун ер улагич симларининг контейнерларидан (КПЗ-контейнер проводов заземления) зирх қатлами билан уланган ер билан улагич симлари чиқарилади. 2.5-расмда улагич симлари контейнерида бир нечта

улагичлар ёрдамида оптик кабелнинг зирх қатламини улаш мумкин. Бундай улагичлар ёрдамида ажратилган ҳолда изоляция қаршилигини ўлчаш мумкин. 5.6-расмда муфта ҳамда оптик кабелнинг захира узунлиги ва ер улагич симлар контейнерини ерга ётқизилган ҳолати кўрсатилган.



4.4-расм. Ер улагич симлар контейнерини ер улагич симлари ёрдамида улаш.




4.5-расм. Оптик кабелнинг захира узунлиги, муфта ва ер улагич сим контейнеори ер оситда жойланиши:

1-кабел ўлчам устунчаси; 2-асбестоцемент қувур бўлаги; 3-ер улагич симларконтейнери ; 4-Ер улагич симлар контейнери (КПЗ-1) ёпқичи; 5- Ер улагич симлар контейнери (КПЗ) платасининг ўлчов сими;6-оптик кабел зирхини ер улагич симлар контейнер (КПЗ) платаси билан улайдиган сим; 7-пўлат симдан

тайёрланган ер улагич; 8-мухофазаловчи чўян муфта; 9-оптик кабелнинг захира ўрами (бухтаси).

4.6-расмда муфта ичидаги оптик кабелнинг зирх қатлами ва муфта ер улагичини ўлчовчи симлар ва уларнинг турли хил уланиш схемалари кўрсатилган.



4.6-расм. Оптик кабел зирх қатлами ва ер улагич симларини бир-бири билан уланиш схемаси:

1-оптик кабел; 2-умумий контакт пластина; 3-пўлат втулка; 4-ГПП ( Грунтовой провод перемычек)симларини киритиш тугуни; 5-ГПП симлари; 6-ер улагич симлар контейнери; 7-ер улагич; 8-диэлектрик втулка; 9-ер улагичга уланадиган сим.

#### 4.4. Оптик-толали кабелларни мухофазаловчи полиэтилен қувурлар ёрдамида ерга ётқизиш.

Оптик-толали линия қурилишида мухофазаловчи полиэтилен қувурлардан фойдаланиш бошқа турдаги электр кабелларни тўғридан-тўғри равишда ерга ётқизиш усулидан бир қанча авзалликларга эга:

-мухофазаловчи полиэтилен қувурлар оптик кабелнинг механик мухофазалаш вазифасини бажаради, бу эса оптик кабелларни мухофазаловчи зирх қатламсиз ётқизиш усулини қўллаш имконини беради, бунинг ҳисобига қурилиш ишлар учун сарф бўладиган харажатлар қурилиш баҳоси камайтиради ва анча арзонлаштиради;

-мухофазаловчи полиэтилен қувурларни ётқизишда оптик кабелларни ётқизиш учун қўлланган ўша ускуналар ва қурилмалар ёрдамида бажарилади. Бундай усул қўллангани учун ер билан боғлиқ бўлган ишлар бажарилиш чоғида

оптик кабелнинг шикастланиши бутунлай бўлмайди, чунки оптик кабел мухофазаловчи полиэтилен қувурлар ётқизиш ишларидан сўнг бажарилади ва ерга ётқизилувчи кабеллар қувур ичига ётқизилади;

-келажакда тармоқни кенгайтириш чоғида қайтадан ер билан боғлиқ бўлган ишларни бажаришда ва келажак учун захиралаштиришда бир вақтнинг ўзида бир нечта мухофазаловчи полиэтилен қувурлар ётқизилиши мумкин;

-оптик кабел шикастланган ҳолатда ёки керак бўлган талабларни қондира олмаган ҳолда оптик кабелни мухофазаловчи полиэтилен қувур ичидан тортиб олиниб бошқа кабел билан алмаштирилиши мумкин

-мухофазаловчи полиэтилен қувурларнинг ички томон юзаси қаттиқ оптик антифрикация қатламига эга бўлганлиги учун катта қурилиш узунлигидаги оптик кабелларни ётқизиш имконини беради.

Мухофазаловчи полиэтилен қувурлар ичида оптик кабелларни ётқизиш жараёни Россия ва бошқа хорижий давлатларда кенг равишда оммалашмоқда. 4.3 ва 4.4 -жадвалларда “Стройполимер” ёпиқ акционер жамиятининг ишлаб-чиқариш бошқармаси томонидан ишлаб чиқарилувчи мухофазаловчи полиэтилен қувурларнинг техник тавсилотлари кетирилган.

4.4-жадвалда мухофазаловчи полиэтилен қувурнинг ишлаб чиқарилувчи стандарт қурилиш узунликлари ва уларнинг массаси ҳамда техник тавсилотлари ҳақида маълумотлар кўрсатилган.

Агар кўрсатиб ўтилган жадвалларга назар соладиган бўлсак, у ҳолда мухофазаловчи полиэтилен қувурлар 25 миллиметрдан 63 миллиметргача бўлган диаметрда ишлаб чиқарилмоқда. Мухофазаловчи полиэтилен қувурлар ичида ишқаланиш кучини камайтириш учун қувурнинг ички томон деворлари қаттиқ антифрикация қоплам билан ёки суяқ мойловчи суяқлик билан қопланмоқда, ерга ётқизилган мухофазаловчи полиэтилен қувурларнинг хизмат кўрсатиш муддати 50 йил. Завод томонидан ишлаб чиқарилувчи мухофазаловчи полиэтилен қувурлар бухталар кўринишида бўлиши ёки кабел ғалтағларига ўралган ҳолда бўлиб,


4.3-жадвал ва 4.4-жадвал.

Мухофазаловчи полиэтилен қувурнинг ташқи диаметри, мм	Қурилиш узунлик,м		масса, кг/м
	ғалтакда	бухтада	
25	4000±2	4000±2	0.15
32	3000±2	3000±2	0.28
40	2000±2	2000±2	0.41
50	1100±2	1100±2	0.65
63	700±2	700±2	0.92


Мухофазаловчи полиэтилен кувурнинг ўлчам турлари, мм	Кувурнинг ташқи диаметри, мм	Мухофазаловчи полиэтилен кувурнинг ички диаметри, мм	Мухофазаловчи полиэтилен кувурнинг қалинлиги, мм	Узоқ вақтли чўзилиш юкласи, кН;	Рухсат этиладиган қисқа вақтли чўзилиш кучланганлик юкласи, кН	Рухсат этиладиган юмшаш чидамлилиги, кПа	Мухофазаловчи полиэтилен кувур ичида рухсат этиладиган ҳаво босими, мПа
21	25	21	2.0	1.44	2.02	1500	2.0
26	32	26	3.0	2.73	3.82	1500	2.0
27	32	27	2.5	2.73	3.25	1300	2.0
33	40	33	3.5	2.32	5.61	1300	2.0
34	40	34	3.0	4.01	4.89	1100	2.0
41	50	41	4.5	6.43	9.00	2000	2.0
42	50	42	4.0	5.78	8.09	1500	2.0
53	63	53	5.0	9.11	12.75	1400	2.0
55	63	53	4.0	7.41	10.37	800	2.0

Мухофазаловчи полиэтилен кувурлар монтажи учун махсус механик ёки электр пайвандланувчи муфтлар қўлланади (4.9-расм) ва улар махсус асбоб-ускуналар ёрдамида керакли бўлган миқдорда кувурлар герметизацияси ушлаб турилади (4.10-расм).

Рухсат этиладиган юмшалиш чидамлилиқ қиймати дейилганда мухофазаловчи полиэтилен кувурнинг сиқилиш шароити олинган бўлиб, унинг ички диаметри 15% миқдорига қадар камайиши мумкин.



4.9-расм. Мухофазаловчи полиэтилен кувурларнинг механик ва электропайвандловчи муфтлари.



4.10-расм. Мухофазаловчи полиэтилен қувурлар учун ишлатиладиган махсус асбоб-ускуналар; а-фаска тозаловчи; б-МПК кескичи; в-муфталар монтажи учун махсус калитлар.

Одатда мухофазаловчи полиэтилен қувурлар траншеясиз усул билан ёки олдиндан тайёрланган траншея ичига ётқизиш усулидан фойдаланган ҳолда  $-10^{\circ}\text{C}$  дан  $+50^{\circ}\text{C}$  ҳаво ҳароратида ётқизилиши ва бундай қувурлар  $-50^{\circ}\text{C}$  дан  $+50^{\circ}\text{C}$  муҳит ҳароратида эксплуатация қилиниши мумкин. Мухофазаловчи полиэтилен қувурларни ерга ётқизилиши худди электр алоқа кабелларини ерга ётқизилиши сингари бўлиб, бу ишларни бажаришда раҳбарий ҳужжатлар ва инструкция талабларга жавоб берган ҳолда бўлиши керак.

Мухофазаловчи полиэтилен қувурни кабел ётқизгич ёрдамида ёки олдиндан траншеяларга ётқизилишда қувурларни кескин равишда тайёрлаб қўйилган тортиб ётқизилиши ва катта бурчакли эгилишларда ётқизилиши керак. Мухофазаловчи полиэтилен қувурларни ётқизилиши пайтида рухсат этиладиган минимал эгилиш радиуси 1.5 метр бўлиб, трассанинг бурилиш жойларида мухофазаловчи полиэтилен қувурнинг эгилиш радиуси 2 метрдан кам бўлмаслиги керак.

Оптик-толали алоқа линияларини қурилишида мухофазаловчи полиэтилен қувурлар ичида оптик кабелларни ётқизишда қуйида келтирилган усуллар қўлланади:

- қўл кучи ёрдамида тросни тортиб ётқизиш усули;
- механизация ёрдамида тросни тортиб ётқизиш усули;
- поршен ёрдамида пневма ётқизиш усули;
- поршенсиз пневма ётқизиш усули;
- оптик кабелни итариб киритиб ётқизиш усули.

Булар ичида оптик кабелларни мухофазаловчи полиэтилен қувурлар ичида трос ёрдамида ётқизиш энг оддий ва содда ётқизиш усулларидан бўлиб, у қўл кучи меҳнати ёрдами билан ёки механизмлар қўлланган ҳолда ётқизилиши мумкин. Бу усул ёрдамида кабел ётқизилиш узунлиги пневма ётқизилиш усули бўйича ётқизилиш узунлигида бир мунча кам бўлганлиги учун оптик-толали алоқа линия қурилишида жуда ҳам кам самара берувчи усулларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун бундай усул ёрдамида мухофазаловчи полиэтилен қувурлар ичида оптик кабеллар ётқизилиши унча катта бўлмаган масофаларда (1км узунликгача) қўлланилиши мумкин.

Оптик кабелларни мухофазаловчи полиэтилен қувурлар ичида ётқизилишида пневма ётқизилиш усули анча самарали бўлиб, уни каттадан-катта масофаларга бутун қурилиш узунликларини ётқизишда фойдаланиш мумкин. Кабелларни ётқизиш учун махсус ҳаво билан тўлдирилувчи қурилма-насос қўлланиб, у ёрдамида мухофазаловчи полиэтилен қувур ичида ҳаво босими 0.8 дан 1.2 мПа ва ҳаво ишлаб чиқарилиш ҳажми  $4\div 15$  м<sup>3</sup>/минут бўлган ҳолда қувур ичига киритилувчи кабел ётқизилади.

Поршен усули ёрдамида ётқизилувчи оптик кабелга иккита куч таъсир кўрсатади: оптик кабелнинг устидаги поршен худди парашут сингари бўлиб, уни қўллаш ҳисобига ҳосил бўлувчи тортилувчи куч вазифасини қўшимча механик ускуна бажаради.

Бундай усул ёрдамида кабелни ётқизилишида кабелни чўзилиш бўйича кучланганлик юкмасини парашут бошқариб ростлаб туриши керак.

Бундай технология пневмо ётқизиш ускуналари ёрдамида бажарилади, мисол учун РКР-60 ва FIBER cat ускуналари Германиянинг Lander компанияси томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Ускунада қўлланувчи парашут вазифасини бажарувчи поршен мухофазаловчи полиэтилен қувурнинг ички диаметридан бир мунча кичик бўлиши лозим, бундай шартнинг бажарилиши мухофазаловчи полиэтилен қувурнинг ички юза бўйлаб поршеннинг ишқаланиши ҳисобига ҳосил бўлувчи йўқотувчанликни бир мунча камайтиради, ҳаво оқими эса қўшимча тортувчи (итарувчи) куч ҳосил қилиб боради.

Поршенсиз усул ёрдамида кабелларни ётқизиш энг самарали пневма ётқизиш усулларида бўлиб ҳисобланади ва унинг асосий авзаллиги мухофазаловчи полиэтилен қувур ичида ҳаракатланувчи оптик кабел доим ҳаво остида бўлади. Бундай усул ёрдамида кабел ётқизилганда парашут бўлмайди ва унда “ҳаво босими остидаги ёстик” эффекти қўлланади. Бундай ҳолда оптик кабелга таъсир кўрсатувчи куч бир текис равишда тақсимланади, шунинг ҳисобига эса оптик кабелларни ётқизишда бўладиган тўхташлар ва бу тўхташлар бартараф этилгандан сўнг пневма ётқизиш жараёнини қайта ишга туширилишидан ҳосил бўлувчи ортиқча кучланганликлар бўлмайди. Бундан ташқари оптик кабел ҳаракатлантирувчиси устига тушувчи қўшимча тортилиш кучланганлиги бўлмайди ва бундай усул қўлланганда пневма ётқизилишнинг ўртача тезлиги 90 метр/минутга қадар етиши мумкин. Мухофазаловчи полиэтилен қувурлар ичига киритилувчи кабел привод ёрдамида пневма ётқизилишининг бошланғич momentiда уни ушлаб туради, агар кабелни итарувчи куч ҳосил қилиш учун ҳамда оптик кабелни умумий ётқизилиш масофасини ошириш учун қўлланади.

Мухофазаловчи полиэтилен қувурлар ичида пневма ётқизишнинг поршенсиз усули асосан Швейцариянинг Plumettaz S.A компаниясининг Cablejet ва Superjet ускуналари ёрдамида бажарилади. Бу ишларни бажариш учун АҚШ нинг Atlas-Corso компаниясининг компрессорларидан кенг равишда фойдаланилади.

Бундай битта жамланмадаги ускуна ёрдамида оптик кабелларни уч километргача бўлган масофада ётқизиш мумкин. Ускуналарни каскадли фойдаланиши ҳисобига эса оптик кабеллари ётқизилиш масофасини 6 км га қадар етказилади.

#### 4.5 Оптик кабелларни телефон кабел канализациясига ётқизиш.

Оптик-толали кабелларни телефон кабел канализациясига ётқизишда қўл кучидан ёки турли хил механизмлар ва ускуналардан фойдаланиш мумкин. Бу ишларни бажаришда доимо қуйида келтирилган талабларни бажаришга катта эътибор берилади:

-чўзилиш бўйича кучланганлик;


-кабелларнинг рухсат этиладиган эгилиш радиусини лойиха бўйича ётқизиладиган кабелнинг техник шарт талабларига жавоб бериши лозим.

Оптик кабелларни телефон кабел канализациясига ётқизишдан аввал канализация каналлари ичидан кабелни ўтиш-ўтмаслиги текширилади, агар канализация таъмирлашни ёки канализациядаги кабел қудуқларини таъмирлаш бўйича ишлар талаб этиладиган бўлса у ҳолда бу ишлар кабел ётқизилмасдан аввал бажарилиши керак. Телефон кабел канализация каналларидан самарали равишда фойдаланиши учун ва оптик кабелларни мис симлардан иборат бўлган электр алоқа кабелли билан бирга битта телефон каналида ётқизиш учун мухофазаловчи полиэтилен қувурлар ичида ётқизилади.

Оптик кабелларни кабел канализациясида ётқизишда қўл кучи меҳнати ёрдамида ёки тортиб олиш механизмидан иборат бўлган лебёдкадан фойдаланган усуллардан фойдаланилади. Оптик кабелни мухофазаловчи полиэтилен қувурлар ичига ётқизишда кабелни итариш усулидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Оптик кабелни телефон кабел канализациясига ётқизишда қуйидагилар қўлланади:


-охирида қўлланувчи лебёдкалар - улар қўл кучи ёрдамида, ёқилги ёки электр токи ёрдамида ҳаракатлантирувчи механизмлардан фойдаланилади ва тортилиш кучини маълум бир миқдорда чекланган равишда ўзгартирувчи механизмлар ишлатилади (2.10-расм);



2.10-расм. Охириги тортувчи лебедка.

4.11-расм. Охирги тортувчи лебедка.

-кабелларни ўралган ғалтакдан бўшатиб олувчи (домкрат, кабел аравачаси) қурилмалар (4.11-расм);



4.12-расм. Кабелни ғалтакдан бўшатиш жараёни.




5.12-расм. Кабелни телефон кабел канализация қудуғидан тортиб олиш жараёни.

-кабелни телефон кабел канализациясининг қудуғи орқали кўндаланг равишда кесилган ғижимланган қувурлар (4.12-расм);




4.13-расм. Кабелни телефон кабел канализация қудуғида тортиб олишда роликлардан фойдаланилади.

-телефон кабел канализациянинг қудуқ люки орқали кабелни тортиб олиш ёки транзит равишда ўтказишда кабел қобиғи шикастланмаслиги учун қўлланувчи люк томонга буралган роликлар (4.13-расм);




4.14-расм. Кабелни қудуқ ичида тортиб олиш ускунаси.

-бурчакда жойлашган қудуқларда кабелларни секин-асталик билан буралишини таъминловчи кабел блоклари ва горизантал равишда ушлаб турувчилар (4.14-расм);



4.15-расм. Телефон канали учига ёрма карнайни кийдириш жараёни.

-телефон кабел канализациясининг каналлари ёки мухофазаловчи полиэтилен қувурлар ичида рухсат этиладиган эгилиш радиусини ҳамда кабел канализациясининг каналдан кабел чиқишида ёки канал ичига кабел киритишда кабел қобиғини мухофазалаш учун кесилган йўналтирувчи карнайлар (4.15-расм);



4.16-расм. Тортилувчи кабелга кабел пайпоғини улаш.

-кабелни тортиш учун кабел учига уловчи охирлаш ускунаси ва кабелни тортиш учун қўлланувчи кабел пайпоғи (4.16-расм);

Кабел ётқизилувчи канализациясининг унчалик катта бўлмаган участкаларда ётқизилувчи трассадаги биринчи қудуқдан бошланса, узунлиги бир километрдан ортиқ бўлган трассага эга бўлган участкаларда ёки кўплаб маротаба бурилишларга эга бўлган участкаларда эса одатда трасса участкасининг ўртасидан ёки кўплаб бурилишли жойлардан бошлаб тортиш бошланади, узунлиги 2000 метрдан ортиқ бўлган қурилиш узунликларидаги оптик кабелларни

полиэтилен қувурлар ичида ётқизилади. Оптик кабелларни телефон каналлизациясида ётқизилиши схемаси 4.17-расмда келтирилган.

Оптик кабел ўралган ғалтак қудуқ люкидан 1.5÷2.0 метр нарида ўрнатилади ва қудуқ люкига каналлизация каналига кабелни тўғри равишда киритиш учун люк томонига эгилиб буралган гофрланган қувур орқали киритилади. Трассанинг қарама-қарши томонидаги қудуқнинг люки орқали люкдан 2.....3 метр нарироқда охирловчи бураш механизми - лебедга ўрнатилади. Транзит, яъни трассанинг ораликларида жойлашган қудуқлар каналларига кирувчи ва чиқувчи томонида эса мухофазаловчи карнайлар ўрнатилади. Агар мухофазаловчи полиэтилен қувурлар қўлланиладиган бўлса, у ҳолда қўшимча равишда қарама-қарши томонга тортиб турувчи ускунадан фойдаланилади, ҳар бир бурилиш қудуқларида горизонтал тирговучлар ва кабел блоклари қўлланади.

Оптик кабелларни ётқизиш учун махсус ажратилган каналлардан фойдаланилади, бу каналлар телефон кабел каналлизация блокининг ўртасида вертикал бўйича жойлашган бўлиб горизонтал равишда эса каналлизация каналининг четида бўлиши керак. Телефон кабел каналлизацияси олдиндан ажратилган ва текширув назоратидан ўтган каналлар ичига кабел ётқизишдан аввал каналлар ичидан тортувчи тросс тортиб чиқарилган бўлиб, бу троссга кабел пайпоғи ичига ўрнатилган кабелнинг бир учи ҳамда улар орасида кабел канали ичида кабелни тортиш пайтида айланиб кетмаслиги учун айланмани мослаштирувчи компенсатор уланади.

Оптик кабелларни телефон кабел каналлизация канали ичидан кабелни тортиб олиш учун охирги қудуқ олдида ўрнатилган лебедкадан фойдаланади. Лебедкани айланиш жараёнида кабел силтанмаган ҳолда тортилиши лозим. Кабелни тортиш жараёнида ғалтакга ўралган кабел секин-асталик билан текис равишда айлантириб бўшатилади. Кабелни ғалтакдан бўшатишда лебедканинг силтаб тортиш кучидан фойдаланиш қаътиян маън этилади.

Агар лозим топиладиган бўлса транзит қудуқ ичида оптик кабелларни қўшимча равишда тортиш учун оралик лебедкалардан ёки қўл кучидан фойдаланилади.


Трассанинг мураккаб участкаларида ва катта қурилиш узунлигига эга бўлган кабелларни ётқизишда трассанинг ўртасидаги қудуқдан ёки бурчакда жойлашган қудуқдан бошлаб икки томонга йўналтирилади ва ётқизиш ишлари олиб борилади. Бунинг учун аввал узун томондаги катта узунликдаги кабел ётқизилади, ундан сўнг эса кабел ғалтагига ўралган кабел ғалтакдан бўшатилади, кабелни бўшатилиш чоғида кабел ғалтаги ёнига “саккиз” кўринишда айлантириб бўшатилади ва ундан сўнг қарама-қарши томон йўналишда тортиб олинади.

Кабелни тортиш жараёнида ётқизилувчи кабел охирги қудуқдаги каналдан чиққандан сўнг торувчи лебедкани қудуқдан 20...25 метр масофага узайтириб борилади ва кабелни телефон каналлизация канали учидан тортиб чиқариб олиб лозим бўлган узунликда монтаж учун захира узунликдаги кабел қолдирилади.

Кабел телефон каналлизация ичида тортиб ётқизилгандан сўнг ётқизилувчи кабел секин-аста равишда тортиб текисланади ва кабел қудуғи ичидаги форма кўринишда айлантирилиб консолларга ётқизилади. Бундай ишларни кабел ётқизиладиган трассанинг ўртасидан бошлаб икки томон йўналишда олиб

борилади. Муфталар монтажи учун телефон кабел каналызация канали ичидан чакирилиб 8 метрдан кам бўлмаган узунликда захира узунлиги бўлиши керак. Муфта монтажи учун ётқизилган кабелнинг захира узунлиги икки томондан 5 метрдан ортиқ узунликда бўлиши керак. Оптик кабеллар телефон каналызациясига ётқизилиб қудуқлар ичидаги консолларга осилгандан сўнг қурилиш узунликлари учун оптик толаларнинг сўниш қийматини назоратловчи ишлар бажарилади ва ётқизилган кабеллар талаб этиладиган нормаларига тўғри келиши баҳоланади.

Қудуқ ичида монтаж ишлари учун қолдирилган захира узунлик кабелнинг ўрам диаметри 1000 миллиметрдан кам бўлмаган ҳолда айлантририлиб ўрам қилиб ўралади ва кабел каналызациясининг қудуқ ичидаги кронштейнларга осиб боғланади. Оптик кабелларнинг телефон кабел каналызацияга ётқизишда ханызацияни жойланиш схемаси 4.17-расмда келтирилган.




4.17-расм .Оптик кабелни кабел каналызацияси ичига ётқизишда механизмларни жойланиш схемаси.

Монтаж ишлари тугагандан сўнг монтаж қилинган муфта ёнида ҳамда ҳамма транзит қудуқлар ичида ётқизилган кабел қобиғи устига рақамлаштирилган халқа ёки белги қўйилади.


Қурилиш узунликлардаги оптик кабеллар бир-бири билан уланиш учун тўғри ёки бир томони берк бўлган турли хил конструктив тузилишга эга бўлган муфталардан фойдаланилади.

Лозим бўлган турдаги муфта қудуқ ичида жойланиш шароитига боғлиқ бўлиб, лойиха ҳужжатларида кўрсатилади 4.18 ва 4.19-расмларда кабел телефон канализация қудуқларида оптик муфталарни жойланиши кўрсатилган.

Оптик кабелларни коллектор ичида ётқизилгандан сўнг ғалтакга ўралган кабел коллектор ичига кирувчи люк олдига ўрнатилади ва шу ҳолда кабел тепа томондан ғалтакдан бўшатилиб коллектор ичига киритилади. Кабелни ётқизиш 3 та асосий операциядан иборат: кабелни кабел ғалтагидан бўшатиб олиш, коллектор ичига олиб юриб тортиш ишлари ва кабелни консол устига ётқизиш. Бунинг учун ғалтакдан бўшатирилган кабел люк орқали туширилади, коллектор ичига кабелни туширишда коллектор ичидаги ишчилар томонидан қабул қилиб олинади ва кабелни қўлда кўтарган ҳолда бутун коллектор узунлик бўйича олиб борилади ҳамда уни коллектор полига қўйилади. Бутун қурилиш узунлик бўшатиб коллектор полига ётқизилгандан сўнг кабелни лойиха бўйича кўрсатилган қаторга ва консолдаги жойга жойлаштирилади.



4.18-расм МОГ-М ва МОГy-М туридаги муфталарни кабел канализация қудуғи ичида ёки коллектор ичида жойланиши.



4.19-расм МТОК-96 ва МОГт-М туридаги бир томони берк муфталарни кабел канализация қудуғи ичида ёки коллектор ичида жойланиши.

#### 4.6. Оптик кабелларни осиш.

Оптик кабелларни осиш вариантлари бошқа қурилиш усулларидадан бир қанча авзалликларга эга:

- кабел ётқизилган ерни ажратмаслик ва бошқа ташкилотлар билан келишиш ишларининг бўлмаслиги;
- қурилиш муддатларини қисқартириш;
- шаҳардаги қурилиш районларида ва ишлаб чиқариш зоналарида шикастланиш эҳтимоллигини камайиши;
- мураккаб тупроқли ер худудларда эксплуатация жараёнларини камайиши.

Оптик-толали алоқа кабелларини осишда олдиндан ўрнатилган симёғочлардан фойдаланилади, бу эса кабел ётқизиладиган трассани олдиндан тайёрлаш ишлари талаб этилмайди, шунинг учун бундай технология ерга кабелни ётқизиш технологиясидан бир мунча осон ва содда. Оптик-толали алоқа кабелларни симёғочларга осишда кабелнинг толаларида ҳосил бўлувчи қўшимча бутн узунлик бўйича ҳосил бўладиган юклама 1,5% миқдорда чўзилиш бўйича кучланганликда кам бўлди.

Ҳозирги пайтда оптик кабелларни турли хил телекоммуникация ва электр тармоқларидаги сим ёғочларга осишда қуйидаги технологиялар кенг равишда қўлланмоқда:

- ўз-ўзини ушлаб турувчи оптик кабелларни осиш;
- тросс ичига ўрнатилган оптик кабелни осиш;
- ташқи ушлаб турувчи элементларга кабелларни маҳкамлаб осиш;
- оптик кабелни мухофазаловчи тросс ичига мослаштириб осиш;
- фаза симларига оптик кабелларни жойлаштириб осиш;

Бугунги кунда оптик кабелларни турли хил кучланишларга эга бўлган электр узатиш линия сим ёғочларига, контакт тармоқлар симёғочларига ва темир йўл транспортининг авто-блокировка симёғочларига ҳамда шаҳар ёритиш тармоқларининг, ердаги электр транспорти симёғочларига ва бошқа шунга ўхшаш симёғочларга осиш усули кенг равишда қўлланилади.

Оптик толали алоқа линия қурилиши учун кабелларни юқори волтли электр узатиш линиялари ва темир йўл транспорт симёғочларига осиш усулида фақатгина диэлектрик ўз-ўзини ушлаб турувчи оптик кабеллар қўлланади, чунки бундай кабеллар эксплуатация жараёнида бир мунча ҳарорат ўзгариши, шамол тезлиги, ёғингарчилик ва вибрация остида бўлади ва осилган кабеллар технологиясига бир мунча таъсир кўрсатади. Булар ичида энг катта таъсир кабел қобиғига механик таъсир кўрсатади ва у оптик кабелни чўзилишига, узилиш юкламасига таъсир кўрсатади, шунингдек оптик кабел трассасидага бурилиш бурчаклари ҳам анча таъсир кўрсатади. Оптик-толали кабелларни осиш технологияси кабелларни осиб-тортиш жараёнида кескин равишда юпқа қоплаган қобиғини шикастланишдан мухофазалашиши лозим, шикастланиш асосан трассада жойлашган турли хил предметларга ишқаланиши ҳисобига рўй беради. Кабелнинг ташқи мухофазаловчи қобиғининг шикастланиши ҳисобига айниқса шамол ҳисобига ва юқори намлик ҳамда муз парлари ҳисобига ҳосил бўлувчи қўшимча таъсир манбаларидан шикастланиш юкламаси ошиб боради. Агар

шикастланган қобик ичига қобик кирланиши таъсир этса, у ҳолда қуёш нури таъсирлари кир бўлиб қолган кабел қобиғининг исишига олиб келади, исиш ҳароратига кабел кўникмаган ванатижада кабелни тезда эскиришига олиб келади.

Кабел трассанинг бурилиш бурчаги ошиб борган сари оптик толали кабел ўзагининг деформациясига олиб келади ва у толада кучланиш қолдиғини ошиб кетишига сабаб бўлади, шунинг учун трассанинг рухсат этиладиган бурилиш бурчаги нормал ҳолда осилган кабел учун 30 градусдан кам бўлмаслиги керак.

Оптик толали алоқа кабелларни осииш учун олиб бориладиган қурилиш ишларидаги ҳарорат минус 10 градусдан кам бўлмаслиги лозим. Агар шароит тақозоси билан ҳарорат минус 10 градусдан кам бўладиган ҳолда қурилиш ишларини ҳамма эҳтиёткорлик чоралари кўрилиши лозим яъни кабелни осииш жараёни максимал эҳтиёткорлик билан олиб борилади ва кабел ғалтакларини иситиш чораларини сақлаган ҳолда фақатгина тўғри линия участкаларида кабелни осииш мумкин.

Оптик толали кабелларни осиишда асосий моментлардан бири осииш технология усулларини тўғри равишда танлаш ҳисобланади.


Технология усулларининг стандарт комплекси ўз ичига қуйидагиларни олади:

- тортиш кучини созланган ҳолда ушлаб турувчи лебедка (3.1-расм);
- тўхташ қурилмасига эга бўлган кабел домкрати (3.2-расм);
- диэлектрик тросс (3.3-расм);
- махсус ғалтак (3.5-расм);
- транзит ва охирловчи кабел пайпоқлари (3.6-расм);
- айланиб кетиш олдини олувчи компенсатор (3.7-расм);
- катта ва кичик монтаж роликлар жанланмаси (3.8-расм);
- динанометр.

Оптик кабелларни осииш жараёнида лебедка тортилувчи кабел кучини бир текисда бўлишини ва аста-секин созланган бўлишини таъминлаб беради. Тортиш кучини энг юқори чегарасида тортувчи лебедка тури осилган оптик кабелнинг механик параметрларининг асосида симёғочлар орасидаги максимал оралик узунликлари учун лойиха асосида танланади.

50....110 метр бўлган ўрта узунликдаги ораликлар учун максимал тортиш кучи 100 килограмгача бўлган лебедка бўлиб ҳисобланади ва бу лебедкани 40 м/мин бўлган механик тезликда тортиш мумкин.

Оптик кабелларни осиишда қўлланувчи кабел домкратлари албатта тўхташ қурилмаларга эга бўлиши керак. Бундай тўхтатиш қурилмалари оптик-толали кабелларнинг турли томонга айланиб кетишга йўл қўймайди ва у ўз навбатида бир хил тезликда бўлишини таъминлаб беради.




4.20 -расм Турли хил гидромотоледка турлари.

Диэлектрик тросс ёки лидер-тросс вазифаси учун (4.20-расм) кабелларни осийда мураккаб тузилишга эга бўлган махсус диэлектрик тросс бажаради, у мустахкам физик хусусиятга, кичк чўзилиш коэффициентига ва кичик айланиш коэффициентига эга бўлиши лозим. Диэлектрик тросснинг ташқи юзаси полиэтилен қопламга эга бўлиб, у ўз навбатида кучли ва чидамбардош бўлиши керак. Тросс-лидер ёки диэлектрик тросс стандарт 1000м ёки 500м узунликда бўлиб, махсус улагич комплеклари кабелнинг қурилиш узунлигига тўғри келиши лозим. 3.3-расм ЛСИ-20 туридаги тросс лидер. Диэлектрик тросснинг стандарт узунлиги битта қурилиш узунлигидаги оптик-толали кабелдан ортиқ бўлиши лозим. Стандарт узунликдаги диэлектрик троссларни бир-бири билан улаш учун 4.21-расмда келтирилган улагичлардан фойдаланилади.



4.21-расм. ЛСИ-16 тузилишдаги тросс лидер улагичи.

Диэлектрик троссни ёки тросс-лидерни ўраш учун махсус ғалтаклар қўлланади улар 4.22-расмда кўрсатилган.



4.22.-расм. ЛСИ-11 ва ЛСИ-12 туридаги ғалтақлар.

Осилувчи оптик кабелни диэлектрик тросс билан уланиш 4.23-расмда кўрсатилган пўлатдан таёрланган кабел пайпоғи ёрдамида бажарилади.



4.23-расм. Кабел пайпоғи.

Оптик-толали кабелларни кабел ғалтагидан бўшатишда кескин равишда ҳосили бўлувчи турли силтаниш юкламалари осилувчи кабелни узиб юбориши мумкин, шунинг учун турли хил юкламалардан мухофаза этиш мақсадида махсус айланма компенсаторлар (мослаштиргичлар) қўлланади (5.25- расм).



4.24- расм. ЛСИ-15 туридаги айланма компенсатор. (мослаштиргичлари).

Бундай айланма компенсаторлар кабел пайпоғи ва тросс лидер оралиғига уланади. Ўзини ушлаб турувчи оптик толали кабелларни осилиш учун кенг равишда икки турдаги роликлар қўлланади:

-ташқи диаметри 200 мм ва ички диаметри 138 мм бўлган кичик турдаги роликлар тўғри йўналиш участкаларда қўлланади;

-ташқи диаметри 676мм ва ички диаметри 604мм бўлган катта турдаги роликлар чизикли йўналишида, ҳамда тўғри йўналишдан 20 марта катта бўлган бурилишлардан иборат бўлган трассаларда қўлланади (4.25-расм).



4.25 -расм. Монтаж роликлари.

Бундай технологик роликлар кичик ишқаланиш коэффициентига эга бўлиб, конструктив тузулиши бўйича симёғочларга ўрнатилган кронштейнларга осилади.

Оптик-толали алоқа кабелларни симёғочларга осилган ҳолатда қуйидаги шарт бажарилиши керак: осилувчи тиргак ёки симёғочнинг ушлаб туриш хусусияти етарли бўлиши, оптик кабелни осилган билан боғлиқ бўлган ҳар қандай қўшимча юкларни қўтариши билан бирга осилган линияга кўрсатилувчи техник хизматларни бажариш учун техник хизматчиларга ҳеч қандай халақит ва тўсиқлар кўрсатмайдиган бўлиши керак.

Оптик кабелларни осилган ҳолатидаги жойланиши уни нормал шароитда хизмат кўрсатиш имконини яратиб бермоғи лозим.


Ҳозирги пайтда оптик кабелларни осилган технологияси иккита босқичдан иборат:

биринчи босқич - тайёргарлик жараёни бўлиб, у ўз ичига умумий қурилиш ишларини, дефектли ва шикастланган симёғочларни алмаштириш, қўшимча симёғочлар ўрнатиш, осилдиган оптик кабелларнинг турларига қараб осилган учун махсус қўлланувчи кронштейнларни, захира узунликдаги кабелларни ва оптик муфтларни, маҳкамловчи кронштейнларни ва анкер тугунларини тайёрлаб қўйишдан иборат;


иккинчи босқич – оптик кабелларни осилган ишлари билан боғлиқ бўлиб, у ўз ичига симёғочларга кронштейнларни маҳкамлаш, кабелларни осилган ва симёғочларга маҳкамланган кронштейнларга кабелларни тросс-лидер ёрдамида тортиш учун технологик роликларни маҳкамлаб ўрнатиш, кабелни маҳкамлаш, осилишдан олдин қолган захира узунликдаги кабелларни маҳкамлашдан иборат, бу ишларни бажариб бўлгандан сўнг осилиб тортилган оптик кабелни тросс қурилмаларига улаш, оптик-толали алоқа линия параметрларини ўлчаш ва оптик тизимнинг пассив қисмини паспортлашнинг тайёрлашдан иборат.

Оптик кабелларни симёғочларга осилган билан боғлиқ бўлган ишлар бугунги кунда ўрнатилган нормалар ҳамда лойихада кўрсатилган техник шартлар асосида бажарилиши керак.

Оптик кабелларни ғалтакдан бўшатиб ёйиб чиқишдан аввал симёғочларга тортувчи ва тортилувчи қурилмаларни маҳкамлаш учун ва қисқичларни (зажимларни)ушлаб туриш учун кронштейнлар ўрнатилади, кронштейнларнинг турлари эксплуатация жараёнида аниқлаб ҳисоблаб чиқилади. 4.26 ва 4.27-расмда турли тортиш ва маҳкамлаб ушлаб туришини таъминлаб берувчи арматуралар кўрсатилган.



4.26-расм. Турли хил турдаги симёғочларга ўз-ўзини ушлаб турувчи оптик кабелни тортиб маҳкамлаш ҳолати.




4.27-расм. Турли хил симёғочларда ўз-ўзини ушлаб турувчи оптик кабелни маҳкам ушлаб турувчи ҳолати.

Бу расмда кўрсатилган арматуралар шаҳар электрлаштирилган транспортда,шаҳар ёруғлаштириш тармоқларида ва 35 кВ бўлган электр узатиш линияларида қўлланилади.

Симёғочларга ўрнатилган кронштейнларга монтаж учун (ёйувчи) роликлар осилади. Монтаж қилинадиган участканинг охириги симёғочига эса бурилиш бурчаги 10° дан ортиқ бўлган бўлиниш жой ларда ва тўғри чизиқли йўналишлардан турли томонга ажралиб кетувчи жойларда диаметри 600 мм

бўлган роликлар ўрнатилса, бурчақда ўрнатилган симёғочларга ва бурилиш бурчаги 30° дан ортиқ бўлган бурчақли симёғочларга эса бирлаштирилган иккиталик роликлар ўрнатилади.



4.28 –расм. Типичные изделия, применяемые для строительства воздушной волоконно-оптической линии связи

Ғалтакга ўралган оптик кабел ва тортувчи лебедка кабел осиладиган участканинг охириги чегаравий симёғочнинг учидан ергача бўлган масофадан уч марта узун бўлган бўлиб, унга ёйилувчи ролик ўрнатилади ва у ер билан уланиши керак.


Тросс-лидер ўралган ғалтакдаги лебедка бўшатилади ва ҳар бир симёғочга бўшатувчи усти берк бўлган оралик орқали бўшатувчи роликлар ёрдамида

#### 4.7. Оптик-толали алоқа линиясининг дистанцион назорати ва мониторинги

Оптик-толали алоқа линиясининг интенсив равишда ривожланиши ва унинг эксплуатациянинг асоси мақсади тизимни носоз ҳолда ишлашини баргараф этиш, деградация ҳолатларини олдиндан башорат эта олиш, тармоқнинг рухсат этилмаган жойларга кириш имкониятини фактларини аниқлашдан иборат. Бундай масалаларни ечиш фақатгина оптик кабелларнинг мониторинг (дистанцион) тизими ёрдамида бажариш мумкин бўлиб, у тармоқ бўйлаб назорат-ўлчов воситаларини тақсимлаш, дастурлар билан таъминланган кўринишдан иборат. Дастурий таъминланганлик ёрдамида назорат натижаларини таҳлил қилиб, уларнинг натижаларини оптик-толали алоқа линия схемасига боғлаш билан

бирга, оптик-толали алоқа линия назорат натижаларининг маълумотлар базасини яратиш мумкин.

Бу ерда назорат ўлчов воситалари оптик-толаларни тестловчи коммутатор ва импульсли рефлектометрларнинг оптик вақти кўринишда бўлиб, унинг ёрдамида оптик-толали кабелнинг толаларини тестдан ўтказиш мумкин. Бунинг учун аввал захирадаги оптик тола тестдан ўтказилади ва унинг натижалари бўйича оптик-тола кабелнинг тузуклик ҳолатини баҳолаш мумкин. Ундан сунг эса ишчи оптик толалар тестдан ўтказилади. Бунинг учун маълумотлар узатуви учун қўлланилаётган тўлқин узунлигидан бошқа тўлқин узунлик қўлланилади. Қабул қилгич томонда эса узатилган тўлқин узунликлар бир-бирдан ажратиб бўлинади. Бундай усулни назоратловчи кабелнинг ҳамма оптик-толалари учун қўллаш мумкин.



4.29- расм. Типы кабелей воздушной ВОЛС

Тест натижалари махсус дастурий таъминот ёрдамида таҳлил қилинади ва ўз навбатида ўрнатилган норма чегараларидан фаркланиши аниқланади, оптик толали алоқа линия сифатининг бузулиши фактлари фиксация қилинади ва йиғилиб борган статистик маълумотлар ёрдамида оптик-толанинг дегредация ҳолат даражалари аниқланади.

Ҳозирги пайтда кўрсатиб ўтилган оптик толали алоқа линиянинг мониторинг усули Acterna, Agint, EXFO га Nettek компанияларидаги бир қанча мониторинг тизимларида қўлланилмоқда. Қуйида оптик-толаларининг мониторинг тизими Сайрус Системс компаниясининг AMFICOM комплекс таркибига киритилган бўлиб, унинг ёрдамида рефлектограмма таҳлил усули ҳисобига оптик толанинг маълум бир сабабларини аниқлаган ҳолда уларнинг ривожланишини башорат қилиш ва киришга рухсат этилмаган имконият жойларини аниқлаш мумкин.

## **Оптик толали алоқа линиянинг асосий мониторинг вазифалари.**

Оптик толали алоқа линиянинг мониторинг тизими кенг маънода оптик толали алоқа линияни лойihalаштириш қурилиш ва эксплуатация масалаларини ечиш учун қўлланиб, у ёрдамида қуйидаги имкониятлар ҳосил бўлади:

- оптик толали алоқа линия параметрларини ўрнатилган тартибдаги нормаларга келтириш, параметрлар ишончлилигини ошириш ва параметрлар маълумотини тезда назорат қилиш;

- оптик толали алоқа линия параметрларини оддий оптик кабел назорат усулига қараган параметрлар ўзгариш вақтини аниқлашни бир мунча қисқартириш мумкин:

- оптик толанинг аниқланган жойларини оптик толали алоқа линия схемасига, географик картага боғлаш ҳисобига уларга хизмат кўрсатиш бир мунча енгилаштиради:

- оптик кабелга механик таъсир фактларини аниқлаш ҳисобига вандализм ва рухсат этилмаган жойларга кириш имконияти бўлган фактларни бартараф этиш мумкин:

- тармоқда носозлик бўлишлигини олдиндан башорат қилишни назорат натижаларини таҳлил қилиш ва систематик равишда йиғиб бориш ҳисобига эришиш мумкин:

- тармоқдаги кабелларнинг тадқиқот ишларини бажариш фақатгина битта квалификацияланган мутахассис томонидан олиб бориш, бу эса жуда ҳам катта тармоқ ҳудудида хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширади:

- тармоқ участкаларига хизмат кўрсатиш учун лозим бўлган ускуна ва жиҳозларни бир ҳил таркибга келтириш йўли билан жиҳозлар мажмуини қисқартириш мумкин.

Келтирилган тўлиқ равишдаги масалалар мажмуини ечишда энг самара бериш фақатгина оптик кабелларнинг мониторинг тизими ёрдамида эришиш мумкин бўлиб, унинг ёрдамида тармоқ архитектурасини оптимизациялаштириш ва топология ечимларини ҳал қилиш мумкин, бу эса оптик-толали алоқа линиянинг математик моделлаштириш талаб этилади ва унда тестдан ўтказиш, қайта ишлаш ва олинган натижаларни таҳлил қилишда энг замонавий усулларни қўллаш керак бўлади.

## **АМФИКОМ мониторингининг автоматлаштирилган комплекси.Комплекс архитектураси.**

Ўзаро таъсир тизимини ташкил этиш учун АМФИКОМ комплекси СОБРА стандарти ҳисобига олган ҳолда бажарилган бўлиб, у комплекснинг тақсимлаган объектлари орасида мижоз-сервер архитектураси асосида турли ҳудудлардаги объектларни ўзаро боғланган, имкониятини яратиб беради. Ушбу комплекс тармоқ маълумотлар базасини бошқариш Oracle ва махсулаштирилган қўшимча дастурий таъминот қўлланилган бўлиб, у Java (мижоз ва сервер) платформаси асосида бажарилган.

Оптик кабелнинг мониторинг тизим архитектурсининг таянч компонентлари кўйидагилар:

-сервер (PC ОС VNIХ билан, Linux ёки Windows NT) Oracle СУБД билан;

-тизим операторларининг ишчи ўрни (PC мижоз Windows бошқаруви остида);

-узокда жойлашган жойлар (PC ёки Web-мижоз, Windows бошқаруви остида); -узокда жойлашган оптик-толали алоқа линияни тестдан ўтказувчи назорат ўлчов воситаси.

COBRA техналогиясини қўллаш ҳисобига маълум бир конкрет жихоздан қутилиш имконини беради ва бу билан тизим элементлари орасида бир-бирига боғлиқ бўлмаган аппаратлар учун шавофор ўзаро таъсир мухитини яратиб беради. Бу эса ўз навбатида нафақат оптик толанинг бутунлигини мониторингдан ўтказиш билан бирга толанинг бошқа тавсилотларини ҳам мониторингдан ўтказиши. Бунинг учун назорат ўлчов тизими ва COBRA агент адаптерлари учун ташкил этилади. Назорат ўлчов тизим адаптер нистандарт имконият интерфейсидан иборат бўлиб унинг ёрдамида назорат ўлчови тизими билан лозим бўлган ўзаро боғланганликни ташкил этиб беради. COBRA агент адаптери эса назорат ўлчов тизим адаптерларини ва сервер оралиғда боғловчи вазифасини бажаради. Бу ерда агент сервер билан боғланади ва узок жойда жойлашган COBRA объектдан чакирув ёрдамида тест борлигини текширади шунингдек у тестларини хотирада сақлайди ва уларни бажарган вақти бўйича тақсимлаб чиқади. Тест ўтказиш жараёнидан аввал назорат ўлчов восита адаптерига ишлаш учун команда берилади ва тест ўтказилгандан сўнг олинган натижалар адаптер назорат ўлчов восита агентига юборилади, у эса ўз навбатида узок масофада жойлашган COBRA объект чакирув усули ёрдамида серверга қайтариб юборилади. Бундай ўзаро боғланганлик ёрдамида топшириқ-вазифа логикасини тўлиқ равишда ажратиб юбориш имкониятини яратиб беради ва турли ҳил назорат ўлчов воситасида бажарилган ишлар натижалари тест ишларини бажарилаганини билдиради.

СУБД Oracle қўлланилиши биринчи навбатда жуда ҳам кўплаб бир вақтда ишлайдиган фойдаланувчиларга самарали хазмат кўрсатиши мумкин, аммо комплексларнинг ишлаб чиқариш ҳолатини фойдаланувчилар сони ошгани учун анча камайиб боради. Сервер ўзи лозим бўлган ҳамма блокировкаларни таъминлаб беради ва улар маълумотларини сақлаш учун эътибога олинади. Бундан ташқари Oracle серверининг унверсаллиги ҳисобига ҳар қандай ечилувчи масалани комплексини мослашиб қилиб беради.

Биринчи навбатда Java платформасини танлаш шахсий компьютер тизимида изоляцияловчи кросс-платформа қўшимчаларига боғлиқ. Бундай ечимлар AMFICOM ни келажак қўшимчалар киритишни тезлаштириш имконини беради.

Назоратловчи ўлчов тизими юқорида қайд этиб ўтилган ОВИР асосида бўлиб, у ўз ичига битта ёки бир нечта назоратловчи дистанцион модулларга эга, бўдан ташқари у оптик-толаларни тестдан ўтказувчи бир нечта коммутаторлардан иборат. Улар оптик-толаларни дистанцион назоратловчи модулларга лозим бўлган портлардан ташкил топган. Бундан ташқари қўл билан бошқарилувчи

ҳамма имкониятлар учун назорат ўлчов воситалари функциялар ўз ичига локал имконият модулини олади. Тизимга киришнинг бошқа воситаси бўлиб, дистанцион жойлашган модул ҳисобланиб, у РС ёки Web- мижоз кўринишда бўлиб тармоқнинг ҳар қандай нуқтасида тизимга дистанцион кириш имконияти бор.

Оптик-толаларни тестловчи коммутатор кабел тармоғини самарали равишда ёпиши мумкин бўлиб, уларнинг тугунлар ичида жойлаштириш мумкин. Битта дистанцион назоратловчи модул кўп тугунли тармоқни мониторингдан ўтказиши мумкин. Оптик толаларни тестдан ўтказувчи коммутатор бошқаруви дистанцион назорат модулидан дистанцион равишда TL-1 протоколи (Bellcore) бўйича олиб борилади, бу билан эса турли ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг оптик-толалари тестдан ўтказувчи коммутаторини қўллаш мумкин.

### **Тизим конфигурацияси.**

Оптик-толали алоқа линия мониторинги учун оптик кабелларининг мониторинг тизими конфигурациялашнинг асосий факторлари қуйидагиларга аниқланади:

- тармоқнинг келажак хусусияти архитектураси ва топологияси;
- оптик-толали алоқа линия параметрлари;
- тармоқни бошқариш тузилмаси;
- қўлланивчи алоқа кўринишлари.

Оптик кабелларнинг мониторинг тизим адаптациясини оптик-толали алоқа кабелларнинг кўп сонли конфигурацияси учун назорат-ўлчов воситаларининг параметрларини аниқлаш учун мониторинг тармоқ архитектурасини оптимизациялаш керак ва оптик кабел мониторинг тизим компонентлари орасида алоқа ташкил этиш усулини турли каналлар бўйлаб аниқлаш керак. Шундан сўнг эса AMFICOM да ташкил этиш учун алоқа каналларини танлаш керак:

- умумий фойдаланувдаги телефон тармоқлари бўйлаб;
- X.25 тармоғи орқали V.11 интерфейс протоколи бўлаб;
- WAN/LAN тармоғи орқали TCP/IP протоколи бўйлаб;


Алоқа каналларининг жуда ҳам кўплаб танлов техник ечимларга катта мослашув техник яратиб беради.

### **Тизимнинг функционал хусусиятлари.**

Кўриб чиқилган оптик кабелларнинг мониторинг тизими ёрдамида оптик-толали алоқа линияларини тестдан ўтказиш ишларини дистанцион равишда бошқариш билан бирга, улардан моделлаштириш, оптимизациялаштириш, картографикациялаш, бошқариш ва тармоқ ҳужжатларини мониторинглаш ва функциясини бажариш учун фойдаланиш мумкин.

Рефлектограмма тахлилининг хусусиятларини кенг равишда аниқлаш ва у ёрдамида сўниш қийматининг йўқотувчанлигини, акс қайтишни ва масофани жуда ҳам аниқликда ҳоҳ автоматик равишда, ҳоҳ ярим автоматик режимда қўл билан бажариш режимларида бажарилади.

Вазиятларнинг бажарилиш хусусияти топшириқ вазифаси асосида бажарилиб йўқотувчанлик ва акс қайтиш параметрларини бир-биридан фарқланиши толанинг узилган жойини ва тола учини аниқлаш жуда кенг, юқори аниқликда аниқлаш мумкин. Ўлчов натижалари график ёки жадвал кўринишда кўришимиз мумкин. (4.30-расм)



4.30-расм «Амфитон» оптик кабел мониторинг тизимининг информацион экран кўриниши.

Оптик кабел мониторинг тизимидаги оптик-толали алоқа линия трассасини тузлиш кўриниш функциясидаги географик карта бўйича ва оптик-тола параметрларининг ўзгариш жойини визуал кўриниш ҳисобига географик картадаги масофалар қийматларини маркерлар орасидаги масофани аниқлаш имкони оптик ўлчов усули ёрдамида бажарилади.

Оптик кабелларнинг мониторинг тизимида оптик-толали алоқа линиянинг моделлаштириш функциясини киритилиши ҳисобига оптик тавсилотларни ҳисоблаш имконини теоретик рефлектограммасини тузиш имконини беради ва шу йўл билан лойihalаштирилган тармоқ натижаларини тестлаш натижалари билан солиштириш имкони беради. Бу эса келажак тармоқни лойihalаштириш ишларини анча енгиллаштиради.

### Администрациялаштириш (бошқариш) ва ҳужжатлаштириш.

Йиғиб-олинган маълумотларни ва конфигурацияни ҳужжатлаштиришда, кабел хақидаги маълумотларни сақлаш ва кўрилиш жараёнини назоратлаштириш ҳамда тармоқни ривожлантиришни ҳужжатлаштириш мақсадида оптик кабеллар мониторинг тизимида ишчи дарчаларига эга бўлган график интерфейс қўлланади. Конфигурацияни редакциялаш ва яратиш учун «Окно схемы» (схема дарчаси)

дан фойдаланилади. Шу мақсадда бу дарча ёрдамида фойдаланувчи тизимнинг бошқа функцияларини активлаштириш мумкин ёки тармоқ тузилишини кўшимча янги тармоқ элементларини қўшиш ҳисобига эришиш мумкин.

Оптик толали узатиш тизимини ва тармоқ мониторингини (кабеллар, тугунлар, қурилмалар ва уларнинг портлари) кўриб туриш учун жойнинг географик картасида «Окно топологи» (топология дарчаси) хизмат кўрсатади. Бу дарчада оддий равишда тармоқхудудини танлаш ва фильтрация параметрларини киритиш имкони ҳисобига тезда тугунларини ва бошқа компонентларни ҳамда уларга тўғри келувчи боғланишларни тезда топиш имконини беради ва бу билан тестланувчи алоқа линиянинг бошланғичидан то охириг портга қадар ўтиш имконини беради. Фойдаланувчи танланган тола бўйлаб бутун трассани виртуал равишда ҳаракатланиб туриб, ҳар бир тола ҳақидаги тўлиқ маълумотларни ва улар ҳақидаги авзалликларни кўриб туриши мумкин. Бу дарчада шунингдек экранда танланган толанинг рефлектограммасини кўриш мумкин. Бундай пайтда дарчада кўриниб турган оптик участка тасвири рефлекторграммадаги ҳаракатланувчи маркер ҳолатларига тўғри келади.

Тармоқ элементларига таълуқли бўлган район, тугун, стойка, секция, ускуна ва порт (бундай ҳолатда топологик ва логик иерархияга ўтиши ташкил этилган бўлиши мумкин) ларни редакторлаштиришда ва яратишда «Окно компонентов» (компонентлар дарчаси) қўлланади. Ушбу дарча линия ускуналарига таълуқли бўлган муфтлар, линия кросслари, регенераторларни ҳам кўриш мумкин. Ускуналар билан стойкаларни тўлдириш жараёни олдиндан тайёрланган шаблон билан бажарилиб, унда турли хил ранглар ёрдамида ускуналар туркуми белгиланади. Ҳар бир ускуналарнинг портлари ҳақидаги тўлиқ маълумотлар «Окно портов» (Портлар дарчаси)да келтирилган бўлиб, унга каналнинг интерфейснинг, кабелнинг, толанинг сўниш каби тавсилотлари ҳақидаги маълумотлар киритилади.

Оптик кроссда боғланувчи кабелларнинг бир-бири билан боғланиши тавсилотларини фойдаланувчи махсус «Соединительные кабели» (боғловчи кабеллар) дарчаси кўзда тутилган бўлиб ундаги маълум бир портларида уланиш учун «Окно кабелей» (кабеллар дарчаси) хизмат кўрсатади. Шунингдек бу дарчага сигнаметрларнинг, охириги пунктлар, толалар тартиб рақами (ранги) номлари ҳам киритилган ва у қуйидаги номларга эга: бўш, актив, шикастланган, захиралаштирилган ва х. к. з. Ушбу дарча билан «Окна сварок» (пайвандланиш дарчаси) кенг равишда боғланган бўлиб, у ўз навбатида толаларнинг бир-бири билан пайвандлаб уланган жойларини назорат қилиб тушуриш мумкин. Бундай текширилишда ҳар бир пайвандлаб уланган толани яқин ва узоқ охири томонлари бўйича назоратланиб турилади. Ушбу дарчада келтирилган маълумотлар пайвандловчи бригада учун маълум бир инструкция вазифасини бажаради.

Ажратилган каналлар билан ишлаш ва ундаги маълумотларни рўйхатга олиш ҳамда бундай маълумотларни сақлаш учун махсус «Окно иерархии информационных потоков» (информацион оқимларнинг иерархик дарчаси) кўзда тутилган бўлиб, унда оптик толани узатиш тизими бўйлаб утувчи информацион каналлар ёзилиб боради.

Юқорида кўриб чиқилган дарчалардан ташқари тизим рефлектограммалар тахлили қилиш билан бирга уларни кузатиш ҳам мумкин. Рефлекторграммаларни кузатиш олдиндан тайёрланган шаблон бўйича бажарилади ва экранда кўрсатилиши, оқ қоғозга босилган ҳолда ёки маълумотларни қаттиқ дискда олиш мумкин. Оптик кабелларнинг мониторинг тизими бошқа авзаликларга ҳам эга, булар олинган маълумотларни тахрирлаш имкони, парол ёрдамида маълумотларни муҳофаза этиш мумкин. Шунингдек бу тизим диалог дарчасига эга бўлиб оптик компонентлар ҳақидаги тўлиқ маълумотларни келажакда алоқа тизимини лойихалаштиришда, кабелларни ётқизишда ва оптик толали кабелларни қайта тиклаш жараёнида олдиндан олинган маълумотларни қўллаш мумкин. Маълум бир манзилгоҳ билан алоқани боғлаш учун ва кўрилатган тармоқ участка компонентларининг тавсилотларини аниқлаш учун тармоқ фойдаланувчиси керак бўладиган тармоқ нуқтасини ёритиб бериши мумкин. Бунинг учун фойдаланувчи стандарт идентификаторларини адрес учун телефон рақами учун фойдаланиши мумкин ёки унинг географик харитасида тўғридан-тўғри равишда кўрсатиш мумкин.

### **Методологик мониторинг.**

Оптик кабелнинг методологик мониторинги биринчи навбатда оптик толали узатиш тизимига оптик кабелларнинг мониторинг тизимини киритиш бошқичидан аниқланиб боради. Мисол учун тармоқ қурилиши жараёнида қурилиш ишларини бажарувчи бригада қўйилан талаблар бўйича портатив компьютерни қўлланган ҳолда Интернет тармоғи орқали оптик кабелларни мониторинг тизимига уланиб кириш мумкин. Бундай ҳолатда тармоқ фойдаланувчисини ўзига лозим бўлган участка маълумотлари базасига киради, ундан сўнг бу участкани текширади ва тармоқнинг кейинги участкасини яратишдан аввал бажариладиган ишларни тасдиқлайди, бу ишларни бажариш, ҳамда географик боғланиш учун ва оптик аниқлаш учун вақтинчалик толанинг охири учун маркерни қўллайди. Бу билан у кабел монтажи дистанцион назоратдан ўтказилади ва унда толаларни бир-бири билан пайвандлаб уланган тугунларнинг сифатини аниқлайди, ҳужжатлар яратилади, марказлашган ҳолда ҳужжатлар юритилади ва марказлашган ҳолда назорат ишлари бажарилади ҳамда дистанцион равишда оптик трасса ўтган жойга боғланиши ишлари бажарилади.

Оптик толали узатиш тизимини эксплуатация жараёнида мониторинг ўтказишнинг ўранитилган тартибда бажариш учун қуйидагилар белгиланади:

Мониторинг процедурасини бажариш шароити:

- зудлик билан маълум бир оралиқ вақтларда ёки вақт бўйича буюрилган дастур бўйича;

- тревога бўлган вақтда;

Қуйидаги шартлар бажариш вақтида бузилиш ҳолатлари аниқланган шароитда:

- алоқа тармоғидаги назаротловчи нуқтада;

- курсорлардан фойдаланган ҳода қўл билан бажариладиган ўлчовларда;

- йўқотувчанлик ташкил этувчиларини ва акс қайтувчи чегарани аниқлашда;

- маскалар қўлланган ҳолда автоматик равишда ўлчов ишларини бажаришда;

- қизиқиш уйғотувчи параметрлар ўлчовини эътиборга олишда;  
Бажарилувчи ҳолатлар режимларида:

- визуалҳолатда;
- сақланган ҳолатда;
- тревога жараёнидаги қайта тиклаш ишларида;

Кузатув босқичида кабелдаги автоматик бузилишлар ҳолатлари қуйидаги кетма-кетликда бўлиб ўтади.

- рефлектограммалар олишда;
- қурилмалар топшириғи ва солиштириш чегараларида;
- бузилишларни аниқлаш ва механизация қилишда.

Оптик тола параметрларининг фарқланиши аниқланган пайтда хабарларни тўлиқ равишда узатуви бўлиб ўтиб, унда идентификация фарқланиши локализацияси ва оптик кабел компонент параметрлари ва топологик идентификация натижалари ҳақидаги тўлиқ маълумотлар узатилади.

Профилактик хизмат кўрсатиш жараёнида оптик толанинг ўлчанган параметралар натижалари (сўниш йўқотувчанлик акс қайтувчи йўқотувчанлик рефлектограммалари ва х.к. з) ва тавсилотлари маълумотлар базасига автоматик тартибли равишда йиғилиб борилади ва бу билан қуйидагиларга эришилади:

- хизмат курсатувчи биригада линияга чиққунга қадар бузилишларни аниқлаш ва созлаш.

- оптик кабелнинг сифатини назоратлаш;
- бир қанча сифат индикаторлари ёрдамида ҳисоблаш ишларини ўтказиш;
- тармоқ структурасини ўрнатиш;

Хизмат кўрсатиш тартибли равишда гарантиялаш учун оптик кабелларнинг мониторинг тизими Nettek компаниясининг ОВІР рефекторгарама функциясини ҳамда Bellcore файлнинг ва фороментларини таъминлаб беради. Кўриб чиқилган ҳар бир чора тадбирлар (процедура) ўзининг сатҳига эга бўлиб позин бўладиган бўлса уларни ўзгаритириш мумкин. Асосий эътибор ўлчов жараёнига бағишланди. Бундан ташқари тизим администратор (бошқарувчиси) ҳар бир фойдаланувчига шароит яратиб беради ва бузғунчи фойдаланувчилар гуруҳини аниқлаб беради. Баъзи бир гуруҳлар учун афзаллик умумий бўлиб, у ўз навбатида гуруҳларга бўлинади. Алоқа терсесини эътиборга олиш учун махсус файллар ташкил этади. Оптик кабелнинг мониторинг тизими кабелдаги бузилишларнинг сигнализация ёрдамида бошқарувчи қуйидаги функцияларни бажаради:

-аниқланган фарқланишларни чегараларини активизация қилиб беради:

-бошқарув тизимига ёки бошқа адресацияга маълумотлар узатилади:

-сигнализация маълумотларини архивлаштиради ёки керак бўлса уларни йўқотади.

Бундай ҳолатда аниқлашнинг бир нечта гетораларини топшириш ва сигнализациянинг турли ҳолатлари учун қўшимчалар киритиш мумкин. Натижада йиғилиб борилган маълумотлар ва йиғилиб борилган асбоблар жамламаси эътиборга олганҳолда уларни таҳлил қилиш мумкин. Бундан фойдаланувчи оптик компьютерлар тавсилотларининг вақт бўйича ўзгаришини назорат қилиши, сифат индикаторларининг ривожланишининг кўздан кечириб туриши, умумий ривожланиш такденцияни ўрганган ҳолда тармоқга хизмат кўрсатиш сиёсатни

ишлаб чиқади. Ўлчов натижалари ва бошқа маълумотларни қайта ишловчи тизимга узатиш мумкин. Маълумотларни қандай ишловчилар учун EXCEL, Word дастурларидан фойдалинади ёки бундай маълумотлар қаттиқ диск кўринишда келтириш мумкин.

Юқорида келтирилганларни умумлаштирилиб оптик кабелларнинг мониторий тизимини AMFICOM муҳотида қўлланиши тизим нархи нуқтаи назарида оптимал бўлиши таъминлаб беради. Бу эса ўз навбатида қўйилган масалаларини автоматик равишда аниқлаб беради. Оптик-толали алоқа линияни географик корбада фарқланиши тавсилотларини кўрсатиб белгиланган ҳолда тармоқга рухсат этилмаган ҳолда кириш фактларини аниқлаб беради, оптик кабелдаги бузулишларни тезда баргараф этиш вақтини минимал ҳолга келтиради ва келажакда бузулишларни ҳосил бўлиши ҳолатларини таҳлил қилиб беради. Этиш вақтини миинимал ҳолага келтиради ва келажакда бузулишларини ҳосил бўлиши ҳолатларини таҳлил қилиб беради. Телекомутисацион компанияларининг иқтисодий сохаларидагига кузатиладиган талабалар ўсиб бориши ҳисобига тизимнинг кўриб чиқилган хусусиятлари аниқ бўлиб бормоқда ва улар ўз навбатида ҳозирги замон телекоммуникацион тизим масалаларини ечмоқдалар.

#### **4.8. Оптик-толали узатиш тизими жиҳозларининг монтаж учун стандарт тузилмалар.**

##### **4.8.1.Оптик кросс шкафлари.**

Ҳар қандай оптик толали алоқа линияси актив ускуналар билан уланади ва у телекоммуникацион шкафда ёки стойкада жойлашади. Бундай ускунани линияга уланиши оптик боғловчи шнурлар ёрдамида бажарилади. Шнурнинг бир томонидаги оптик разъём (улагич) ускунага уланса, шнурнинг иккинчи томонидаги разъём (улагич) эса оптик кроссга уланади. Оптик шкафнинг асосий вазифаси магистралдаги оптик-толани кроссировка қилиб уланган жойини муҳофазалаб беради ҳамда кабелнинг оптик-толасини оптик шкаф билан улаб беришда минимал оптик йўқотувчанлик қилиб беради.

Ҳозирги пайтда телекоммуникация тармоқларида қўлланувчи телекоммуникацион стойка, шкаф ва жиҳозларининг тўртта стандарт ўлчамлари кенг равишда қўлланилмоқда, улар 19 ва 23 дюймдаги халқаро стандартлар метрли Европа стандартлари ва Россия стандартлари универсал каркасли стойкалардир.

Халқаро электр қўмитасининг МЭК 297 стандартига таълуқли бўлиб, унга Германиянинг DIN 41494 стандарти ва ДСТ 28601-90 стандартларига тўлиқ равишда жавоб берган ҳолда у телекоммуникацион шкаф ва уни ташкил этувчи блоклар ўлчамларини тўлиқ равишда аниқлаб беради. Ўлчов стандартининг асосий ўлчов бирлиги дюйм ( $1=25,4$  мм) бўлиб, у блокнинг кенглигини аниқлаб беради. Ҳамма вертикал ўлчовлар Unit (U ёки «юнит») деб аталувчи қийматга тўғри келади, кенглиги  $=1,15= 44,45$ мм деб юритилади, баъзи бир ҳолларда эса бу қиймат қисқартирилган немис NE қийматини билдиради.

Шкафнинг баландлиги қуйидаги қатор қийматлари бўйича аниқланади: 800; 1000; 1200; 1400; 1600; 1800; 2000; 2200 мм бўлиб унинг ичига оёқчалар баландлиги киради ва улар одатда юнитда ўқилади. Шкафнинг чуқурлик қиймати

400; 600 800 ёки 900 мм бўлса, шкафнинг кенглик қиймати 550: 600: 700: 800: 900 мм. Маҳкамловчи тешиklar орасидаги қадам ўзгарувчан 23-дюймлик стандарт. Ушбу стандарт 19-дюймлик стандартнинг модификацияланган кўриниши ҳисобланади. Конструктив тузилишга киритилган блоklar кенглиги 584,2 мм ташкил этади. Блоklarни маҳкамлаш учун тешиklar 1,15= 44,45 мм қадамда тайёрланади. Кенг равишда 2000 x 800 x 800 мм ўлчамлик конструкция тузилишдаги шкафлар қўлланади.

**Европанинг метрик стандарти.** Ҳалқаро МЭК 917 стандарти ҳалқаро ISO 1000 ва ISO 31/1 стандартларига тўғри келади, уларнинг конструктив ўлчамлар ҳар қандай томонда 25 мм қийматга қисқа.

**Россия стандарти.** Унификацияланган каркас стойкаларнинг кенглиги 600 мм конструктив тузилишдаги таянч асосларини ўрнатиш учун ишлаб чиқарилган бўлиб, уларнинг маҳкамловчи тешиklarиди 160 мм. Улар анча вақт илгари ишлаб чиқарилган бўлиб соҳа стандартига тўғри келади.

### Стандарт ускуналарнинг солиштирма таҳлили.

Стандартларнинг солиштирма қийматлари 5.7.1-жадвалида келтирилган.

4.7- жадвал.

Стандарт	Норматив ҳужжат	Маҳкамловчи тешиklar орасидаги масофа	Блок кенглиги
19	МЭК 297	465,1 мм	19-482,6 мм
23	-	566,7 мм	23-584,2 мм
Метрик	МЭК 917	515 мм	533 мм
Унификацияланган каркас стойкалари	-	578 мм	600 мм

#### 4. 8.2. Конструктив тузилмаларни ташқи муҳит таъсиридан ҳимоялаш.

Телекоммуникацион ускуналарини ташқи муҳит таъсиридан ҳимоялаш EN 60523 ва ТЕС 529 стандартлари бўйича аниқланади, EN 60529 стандартининг нормалари электр ускуналарнинг корпус, қопқоқ ва бошқалардан ҳимоялаш масалаларини кўриб чиқади ва у ўз ичига қўйидагиларни олади:

- ✚ остидаги кучланиш ускуналарнинг характерланувчи ёки характерланмайдиган ички элементларига инсонни тўғри равишда тегиб кетишдан ҳимоялайди, шунингдек у ускуналарга ташқи таналарни тегиб кетишидан ва уларни ушлаб олиш ҳисобига бўладиган контакт каби тошқи тегиб кетишдан ҳам ҳимоялайди;

- ✚ - ускуналарни сувдан ва намликдан ҳимоялайди.

Халқаро даражада муҳофазаланиш сатхи ва чора-тадбирларининг белгиланишга эга ҳимоялаш чора тадбирлари IP- символи ёрдамида ва иккита ҳарф ёрдамида белгиланиб, улар ҳимояланиш даражасини билдиради. Мисол учун IP-44 код ҳарфи –IP, коддаги биринчи рақам 4 ва коддаги иккинчи рақам 4. Рақамли кодларнинг ўқилиши 4.9-ж.адвалда (биринчи рақам) да 4.9-жадвалда (иккинчи рақам) келтирилган.

4.9-жадвал.

Биринчи рақам	Ҳимояланиш даражасининг биринчи коди белгиланиши.	
	Қиймати	Тушунтириш
0	Ҳимояси йўқ.	–
1	Диаметри 50 мм дан кичик бўлмаган қаттиқ предметлардан ҳимояланиш.	Диаметри 50 мм бўлган шар қурилма ичига кириб бормаслиги керак.
2	Диаметри 12,5 мм дан кичик бўлмаган қатта предметлардан ҳимоялаш.	Диаметри 12,5 мм бўлган шар қурилма ичига кириб бормаслиги керак.
3	Диаметри 2,5 ммдан кичик бўлмаган қаттиқ предметлардан ҳимоялаш.	Диаметри 2,0 мм бўлган шар қурилма ичига кириб бормаслиги керак.
4	Диаметри 1.0 мм дан кичик бўлган қаттиқ предметлардан ҳимоялаш.	Диаметр 2,0 мм бўлган шар қурилма ичига кириб бормаслиги керак.
5	Чангдан ҳимоялаш.	Корпус ичига чангни кириб боришидан тўлиқ равишда ҳимоя қила олмайди, аммо унчалик кўп миқдорда чанг кириб бормайди.
6	Чангни сингдириб олмайдиган ҳимоя.	Мутлақо чанг кириб бормайди.
Изоҳ: Кўрсатилган диаметрдаги шар мутлақо прибор ичига кира олмайди.		

4.7-жадвал

Иккиламчи рақам.	Ҳимоялаш даражаси бўйича иккинчи кодли рақам ўқилиши.	
	Қиймати	Тушунтириш.
0	Ҳимоя йўқ.	Мутлақо ҳимоялаш бўлмайди.
1.	Томчи тушишдан ҳимояланган.	Перпендикуляр равишда тушувчи томчи хавфли таъсир кўрсата олмаслиги керак.
2.	Корпус 15 <sup>0</sup> га қадар эгилганда томчилар тушишдан ҳимояланган.	Корпус 15 <sup>0</sup> га қадар эгилган ҳолда перпендикуляр равишда тушувчи томчилар хавфли таъсирлар кўрсатилмаслиги керак.
3.	Сувларни сочилиб кетишдан	Сувни корпусга 60 <sup>0</sup> бурчак остида

	химояланган.	тушишда ҳавfli таъсирлар кўрсатилмаслиги керак.
4.	Сувларни қаттиқ сочилиб кетишидан химоялаш.	Сувни корпусга ҳар қандай бурчак остида тушганда ҳавfli таъсирлар кўрсатилмаслиги керак.
5.	Сувни тўғридан-тўғри равишда тегишидан химояланган.	Сувни корпусга ҳар қандай бурчак остида тўғридан-тўғри равишда урилиши ҳисобига ҳавfli таъсирлар кўрсатилмаслиги керак.
6.	Кучли сув урилишидан химояланган.	Кучли сув сачраши корпусга ҳар қандай бурчак остида тўғридан-тўғри равишда урилиши ҳисобига ҳавfli таъсирлар кўрсатилмаслиги керак.
7.	Вақтинчалик сув остида долганда химояланиш.	Прибор корпус вақтинчалик сув остида бўлганда сувни ҳисобига таъсир кўрсатмаслиги керак.
8.	Узоқ вақт мобайнида сув остида қолиб кетишдан химояланиш.	Прибор корпуси узоқ вақт мобайнида сув остида қолиб кетиш ҳолатида ҳавfli таъсир кўрсатмаслиги керак, шартлар буюртмачи ва жихоз тайёрловчиўртасида келишиб олинган бўлиши керак ва шарт 7 рақам остида.

Одатда шкафлар ва стойкалар турли хил рангдаги кукунли бўёқлар билан бўялган ҳолда буюртмачига етказиб берилади. Уларни бўёқ билан бўялишнинг сифатли ҳолда бўлиши учун бўяш жараёни уч босқичда технологик тайёргарлик жараёнида ўтказилади:

- турли хил ёғлардан тозаланиш:
- фосфор билан қолаш:
- анод ёрдамида электрофорез қолам қолашниқўллаш (грунтовка).

Немис Rittal компанияси маълумотлари бўйича технологик жараён қуйидагича бажарилади. (7.4-жадвал).

7-4 жадвал

Қайта ишлов жараёни.	Техник тафсилот.	Техник маълумотлар.
Ёғсизлантириш фосфор ёрдамида ювиш.	Пассивлашган ҳол учун қўлланилиб, вақтинчалик антикоррозияхимояси учун ва бўёқларни чидамли ҳолатда қолашиш	


	вазифасини бажаради.		
<b>Қуритиш.</b>			
Анод ёрдамида электрофорез қопламбилан қопланиш (грунтовка).	Ҳамма юзаларини, четларини ва орқаларини текис равишда бўёқ билан қопланиб юқори антикоррозия химояланиши.	Бўёққатламининг қалинлиги.	20мматрофид а.
		Тешилишлар ҳосил бўлиш индекси DIN53156.	≥ 4 мм
		Беркол бўйича қаттиқлиги DIN 53151.	≥80
		Кўндаланг юклама DIN 53151.	Gto
Қопламбилан қопланган корпус юпқа ҳолда бўялади, чунки корпусда оғир металлар, ва кремний бўлмаслиги учун.			
<b>Ўтхонада (печкада қуритиш ).</b>			
Чангланиб пуфлаш ёрдамида.	Механик таъсирларга чидамлиги билан фарқланади, коррозията ва кимёвий мустаҳкамлиги юқори, харорат тебранишларига номуносиб об-ҳаво шароитларида ҳам юза томони растворитель (эритгич) ёрдамида тозалаш имконини беради.	Ташқи томонидан бўёқ қалинлиги.	70...110 мкм
		Тешилишлар ҳосил бўлиши индекс DIN 53156.	≥4 мл
		Беркол бўйича қаттиқлиги DIN 53151.	≥80
		Кўндаланг юклама DIN 53151.	
Ўтхонада (печкада) қуритиш.		Ташқи қопламининг умумий қалинлиги.	90...135мкм

#### 4.8.3. Шкаф ва стойкалар конструктив тузилиши.

Телекоммуникацион ускуна ва жихозларнинг конструктив тузилишини иккита гуруҳга бўлиш мумкин:

- телекоммуникацион шкафлар;
- телекоммуникацион стойкалар;

Телекоммуникацион шкафлар ерга яъни полга ўрнатувчи ва деворга осилувчи кўринишда тайёрланади. Ерга ўрнатиловчи телекоммуникацион шкафнинг кўриниши 5.23-расмда келтирилган.




4.31-расм. Полга ўрнатиловчи телекоммуникацион шкаф: 1-шкаф асоси; 2-ён томон қопқоқлари; 3-тепа томон қопқоғи; 4-ички йўналтиргичлар;

Агар расмга назар соладиган бўлсак, шкафнинг конструктив тузилиши жуда ҳам мураккаб ва уни бир жойга фойдаланиш учун ўрнатишда анча билим керак бўлади. Бундай шкафларни тайёрлашда турли усуллар қўлланилади:

- пайвандлаб йиғиш;
- винтлар ёрдамида маҳкамлаб йиғиш.

Ушбу шкафнинг асосий элементи бўлиб, асос (цокал), ён томон деворлари, тепа томон қопқоғи, ва ички йўналтиргичлар ҳисобланади.


Ҳозирги вақтда турли хил кўринишдаги шкафлар ишлаб чиқарилган ва ишлаб чиқарилмоқда. Шкафлар билан биргаликда жуда ҳам кўплаб конструктив элементлар етказилиб берилиб, улар ёрдамида ускуналар монтаж учун жуда ҳам мураккаб ишлар бажариш мумкин. Ушбу турли хил кўринишдаги конструктив тузилишларидан бири деворга осилувчи телекоммуникацион шкафлар ҳисобланади. Одатда бундай шкафларнинг ўлчамлари унчалик катта эмас бўлса ҳам уларнинг конструктив тузилиш полга ўрнатиловчи шкафлардан фарқ қилмайди. Деворга осилувчи шкафлардан бирининг кўриниши 4.32- расмда келтирилган.



4.32-расм. Деворга осилувчи телекоммуникацион шкаф.

Деворга осилувчи шкафнинг конструктив тузилиши жуда ҳам оддий ва содда бўлиб у учта секциядан иборат. Бу эса шкаф ичида ускуна ва жиҳозларни монтаж қилувчи монтажчилар учун кўшимча имконият ва шарт-шароитлар яратиб беради.

Охирги ускуналарни механик томонидан химоялаш учун талаблар қўйилмаганлиги учун очик телекоммуникацион стойкалар қўлланади. Бундай стойкаларга мисоллар 4.33 - расмда келтирилган.




4.33 - расм Телекоммуникацион стойкалар: а-битта рамали; б-икки рамали .

Одатда стойкалар жуда ҳам кўплаб қўшимча комплектловчилар билан жиҳозланади, булар: полкалар органайзерлар, фиксаторлар. Булар ёрдамида охирги қурилмаларда турли ҳил вариантдаги монтаж ишларини олиб бориш мумкин.

Охирги пайтда тармоқларда жуда ҳам кўплаб равишда ETSI деб аталувчи стойкалар кенг кўламда қўлланмоқда, уларнинг конструктив тузилиш Европа стандартларига тўғри келади.

Бундай стойкаларнинг асосий фарқланадиган томони ички чуқурлиги 300 мм га қадар боради. Уларнинг ташқи кўриниши 4.34 -расмда келтирилган.



4.34 -расм ETSI туридаги очик ва ёпик стойкалар.


#### 4.8.4. Охирги оптик кросс ускуналари.

Одатда телекоммуникацион шкафлар ва стойкалар турли ҳил кўринишдаги охирги ускуналар ва жиҳозлар билан тўлдирилади. Булар ичида энг қизиқиш туғдирадиган ускуналардан бири оптик кабелларни монтажи учун қўлланувчи охирги блоклардир.

Кўпчилик хорижий компаниялар ва ишлаб чиқарувчилар оптик-толаларни бир-бири билан пайвандлаб уланмайдиган ва коммутацион шнурлар (Pigtail) қўлланувчи монтаж жиҳозларини ишлаб чиқармоқдалар.

Чунки булар учун тақсимловчи оптик кабеллар қўлланади. Бундай тақсимловчи оптик кабелларнинг оптик толалари тўлиқ зич қопламга эга бўлиб, уларнинг диаметри 900 мкм. Тақсимловчи оптик кабел ёрдамида оптик кросс монтаж қилинадиган жойда оптик разъёмлар (улагичлар) қўлланилади. Ушбу ускуна оптик-толаларни павандалаб уланган жойига жойлаштириш учун сплайс – пластиналарга эга эмас.

Монтаж қиладиган жойларни зич равишда жойлаштириш мақсадида ҳамда режалаштирилган регламент ишларини ўтказиш осон бўлиши учун кўпчилик стойка кўринишдаги конструктив тузилишлар-олдинга тортиб чиқарилувчи панелга эга. Улар панеллар жамланмаларидан иборат бўлиб, уларнинг кўриниш 4.35- расмда келтирилган.




4.-35 расм Олди панели тортиб чиқариб ҳаракатланувчи стойканинг кўриниши.

Одатда ҳаракатланувчи панелнинг ранги стандарт қора бўлиб ўлчамлари 483x330x45 мм. Улар қуйидаги афзалликларга эга:

- олдинга тортиб ҳаракатланувчининг маҳкамлагичи шарнирда бўлиб, унинг ёрдамида панелнинг олди ва орқа томонига қараш имконияти оддий;
- тепадаги панел осон зашелка (қисқич) ёрдамида ечиш мумкин;
- русумларини билдирувчи ёпиштирмаларга эга бўлган модулларни ўрнатиладиган жойига осон ўрнатилади, бу эса тизимни кенгайтириш ва демонтаж ишларини анча енгилаштиради;
- органайзер ёки коммутацион шнурларни жойлаштириш учун қўлланувчи полкалар буюртмачи (талаби бўйича ) етказиб берилади.

Оптик кросс горизонтал подсистема (горизантал равишда жойлашган тизим элементлари) ва бино ичига ёки бинолар орасида ётқизилган магистрал кабел орасида коммутация ёки боғлаш учун мўлжалланган. Сплейс-палстинали оптик

кросснинг конструктив тузиши 4.36-расмда келтирилган.



4.36 - расм Сплейс-пластинали оптик кросс тузилиши.

Сплейс-пластинали кроссларнинг ўлчамлари 483x343x178 мм бўлиб, улар қуйидаги авзалликларга эга:

-сплейс-панелни кроссдан бўшатиб олиш мумкин, бу эса монтаж ва демонтаж ишларини анча осонлаштиради;

-олд панели 89 миллиметрга қадар чуқурлаштирилган бўлиши учун кабелни анча ҳимоялайди ва кабел белгиси бўлмиш маркери учун жой қолдирилади;



-орқа томон эшиги маҳкамловчи винтларини чоракам бир айланишга бураб очилади ва эшик осон равишда ошиқ-мошиқдан ечилади;

-тепа-пастки ва ён томондаги панеллардаги 45 миллиметрли тешик орқали диаметри 32 миллиметр бўлган кабелни киритиш имкони бор;

-кросс эшиги синмайдиган қулф ўрнатилган оргшишадан тайёрланганлиги учун кабеллар уланган жойларини ва тугунларини мустаҳкам равишда ҳимоялайди;

-корпус қалин пўлатдан тайёрланган, узок вақт ҳизмат кўрсатиш учун узок муддатли кукун қатлами лазер ёрдамида қопланган.

Изоҳ; Полка ичига фақатгина 305 мм (12) сплейс-пластиналари ўрнатилиши мумкин. Оптик кросслар баҳосини камайтириш мақсадида баъзи бир ускуна ишлаб чиқарувчилар оптик кроссларни пластмаса кўринишда ишлаб чиқармоқдалар (4.37-расм).



4.37-расм. Корпуси  
пластмассали оптик кросс

4.38- расм Сифимли оптик-кросс  
конструктив тузилиши

Ҳамма оптик кроссларнинг ўлчамлари стойка ёки шкаф ўлчов турларига тўғри келиши керак. Кроссларнинг ўрнатиш учун гайкаси чиқиб кетмайдиган махсус винтлардан фойдаланилади. Оптик кросс корпуси стойкага ёки шкаф ичига алмашинувчи кронштейнлари ёрдамида махкамланиши керак, бу эса турли хил стандартлардаги стойка ёки шкафлар ичига бемалол ўрнатилади, бу эса шкаф ёки стойкани универсал бўлишини таъминлаб беради.

Ҳозирги пайтда буюртмачи операторлар телекоммуникацион стойка ва шкафларнинг ўлчамларини ва баҳосини камайтиришга интилоқдалар, бунинг учун эса кўпгина жиҳоз ишлаб чиқарувчилар рақобат, кураш олиб бориш мақсадида турли специфик авзалликларга эга бўлган кросс ускуналарни ишлаб чиқариб етказиб бермоқдалар, бунга мисол қилиб чуқурлиги 250 ёки 300 мм стойкаларни кўрсатиш мумкин. Бундай ҳоларда энг тўғри йул кросс ва ускуналарга ўрнатиш учун режалаштирилаётган «геометрия» жуда ҳам катта аҳамиятга эга.

Кросс ускуналарининг монтаж жараёнидаги энг бошланғич даврида келажакдаги кабелни ётказилувчи трассани ва коммутацион шнурларни танлашга катта эътибор бериб, уларни кросс корпусдаги ёки унинг яқинида жойлашган узатиш аппаратураси ичидаги ёки бошқа ускуна ичидаги хулосани тўғри ўйлаб кўриш керак. Оптик-толали кабелни киритишда энг яхши вариантлардан бири шкафга ёки стойкага киритишда кабелнинг ташқи қобиғини ва зирх қатламларини стойка ёки шкаф асосига (цоколига) яқин жойда жойланиши анча аҳамиятли ҳисобланади. Ундан сўнгра кабел махкамланувчи органайзерга киритилиб махкамланади ва у ерда кабел қобиғи ёки зирх қатлам ер билан уланади. Органайзернинг чиқиш томонидан кроссга боровчи кабелни белбоғли изоляцияси полиэтилен тортиб махкамлагичлар ёрдамида шкафнинг вертикал ва горизонтал органайзерларига ёки стойкага махкамлаб боғланади. Лозим бўладиган бўлса кабелнинг белбоғли қобиғи ғижимланган (кодирланган) шланг ичига киритилиши мумкин. Оптик-толали кабелнинг охириги манзилгоҳ томонидаги учи оптик кросснинг корпусига киритилади. Кросс корпусига махкамланувчи кабел ва кроссга киритилувчи бурчагига, унинг ўлчамларига ва кабелнинг бошқа конструктив элементларига, кабелни корпусига киритилишдаги химояланишга, максимал киритилувчи кабеллар сонига асосий эътибор қаратилиши керак. Энг яхши ҳолат оптик-толали кабелларни «ён томонидан» киритиш ҳолати ҳисобланади, чунки унда шкаф ёки стойка ичидаги чуқурлик бўйича бўшлиқ монтаждан ортиб қолган захира узунликлардаги кабелни осон ҳолда ётқизиш имконини беради ва бу билан оптик толали кабелнинг марказий кучланувчи элементи (агар кабелда булса) махкам ҳолда боғлаш ҳисобланади. Кросс корпусининг конструктив тузулишда ҳам кабел зирх қатламининг ва кабелнинг марказий кучлантирувчи элементини агар стойка кроссига кабел киритишда ер билан уланган бўлса, у ҳолда улар ер билан албатта уланиши керак.

Кросснинг конструктив тузилишидаги органайзер корпус ичидаги оптик-толалар кабелнинг захира узунликларини ётқизиш учун қўлланади ва органайзер хисобига кабелнинг монтажи сифатли бўлишини таъминлаб беради.

Кросснинг асосий элементларидан бири сплайс-кроссларнинг (сплейс-пластика) ҳисобланади ва у оптик-толаларни бир-бири билан пайвандлаб уланган жойларини, КДЗС Co'relink ёки Fiberlock туридаги гильзалар билан ҳимояланган жойларни жойлаштириш учун қўлланилади. Сплайс-кассетанинг тузилиши КДЗС гильзаларини мустаҳкам ҳолда жойланишини кафолатлайди ва оптик-толаларни яхши жойланишини таъминлаб беради ва толани эгилиш радиусида бўлиш талабларини бажарган ҳолда таъминлаб беради. Кассетанинг ташқи юқори томонидаги қопқоғи бўлиши керак. Монтаж жараёнида қўлланувчи КДЗС туридаги гильзаларни режалаштирилувчи гильзалар ўлчамларини бир-бирига мос келишига ва улар элементларига катта эътибор бериш керак. Кассета КДЗС да 1,2 мм бўлган диаметрда жойланиши мумкин.

Кросснинг яна бир аҳамиятли жойидан бири коммутацион панел (патч-панель) бўлиб унинг устида оптик адаптерлар (портлар) жойланади. Оптик портлар турини танлаш анча аҳамиятли ҳисобланади. Агар оптик кросснинг порт турлари ва жохозлари бир-бири билан уланмайдиган бўлса, у ҳолда фойдаланувчи ускуна ишлаб чиқарувчига бир-бирига ўтиб боғланадиган оптик коммутацион шнурларга буюртма беради. Оптик коммутацион шнурларнинг хизмат кўрсатиш муддати стандарт шнурлардан анча юқори. Чунки уларнинг иккала томон учидан бир хил оптик разъёмлар (улагичлар) мавжуд. Бу эса оптик-тола узатиш тизимни қуриш муддатларида бир мунча таъсир кўрсатади.

Ҳозирги замон оптик кроссларнинг коммутацион панелларининг асосий авзаллиги уларни кросс корпусидан тортиб чиқариб олиш хусусиятидир. Бунинг хисобига таъмирлаш ва профилактик ишларни ўтказиш бир мунча енгиллаштиради, аммо оптик-толаларни бир-бири билан пайвандлаб уланган жойларига тегиб кетиш олиндини олиб бўлмайди. Бунинг учун бу ерда асосий талаблардан бири корпуснинг тортиб чиқариб олинмайдиган қисми қаттиқ қилиб ўрнатилиб, буларга кулфлар қўйиш керак бўлади. Шунини таъкидлаш керакки ҳар бир коммутацион панел ҳар бир оптик порт (адаптер) русумловчи рақамига эга бўлиши керак. Тармоқнинг келажак ривожланиши адаптер уланмаган тарқишлар албатта қопқоқлар билан беркитилиш керак.

Кроссдан аппаратураларгача боровчи коммутацион шнурлар стойкага ўрнатиш пайтида шикастланиш олдини олиш мақсадида кросснинг олд қисми албатта муҳофазаловчи экран билан беркитиш керак бўлади, деворга осилувчи кросс монтажида эса пластик ёпма билан ҳимоялаш талаб этилади.

Ускуна ва жохозларни сотиб қабул қилши пайтида асосий эътибор етказиб берилувчи ускуналарнинг комплектларга (жамланмасига) монтаж бўйича инструкцияларга, паспорт ва бошқа лозим бўладиган ҳужжатларга эътибор берилса, у ҳолда монтаж қилинувчи линия сифати ва мустаҳкамлигини оширишга олиб келади. Қуйида 7.4- жадвалда оптик кабелнинг бир қанча намуналари ҳақидаги маълумотлар келтирилаган.

<b>Шкаф тури.</b>	<b>Қўлланилиш жойи.</b>
ШКО-С-1V-...	19,23, 1U стойкаларига монтаж учун.
U1КО-С-2U-...	19,23, 2U стойкаларига монтаж учун.
ШКО-С-1U-ВП-...	19,23, тортиб чиқариб олинувчи. 1U стойкаларига монтаж учун.
ШКО-С-2U-ВП-...	19,23, тортиб чиқариб олинувчи, 2U стойкаларига монтаж учун.
ШКО-СУ-1U-НП	19,23, қисқартилиган, 1U стойкаларига монтаж қилиш учун.
ШКО-СУ-2U-НП	19,23, қисқартилиган, 2U стойкаларига монтаж қилиш учун.
ШКО-С-3U-...	19,23,3Uстойкаларига монтаж қилиш учун.
ШКО-С-СК-...	Универсал каркасли стойкаларга жойлаштириш учун.
ШКО-Н-МИ-...	Деворга ўрнатиш учун, МИНИ/МИНИ 2.
ШКО-Н-МИЗ-...	Деворга ўрнатиш учун, МИНИ.
ШКО-Н-СТ-...	Деворга ўрнатиш учун, СТАНДАРТ/СТАНДАРТ 2.
ШКО-Н-МА-...	Деворга ўрнатиш учун, МАКСИ/МАКСИ2.
ШКО-Н-96F-...	Деворга ўрнатиш учун, катталаштирилган сиғимда, 96 та порт
ШКО-К-...	Комбинацияланган кросс шкафи

ООО «Волоконая оптика» МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилувчи кросслар ҳақидаги маълумотларни [WWW/fot.ru](http://WWW/fot.ru) сайтидан олиш мумкин.

### **Хулоса**

Тупроққа оптик кабелларни ётқизиш ва уларни ҳаво-устун таянчларга ўрнатиш(осиш).Оптик-толали алоқа линия қурилиши Кабелни олдиндан кавланган траншеяга ётқизиш Траншеясиз усул ёрдамида кабелларни ётқизиш  
Оптик-толали

кабелларни мухофазаловчи полиэтилен қувурлар ёрдамида ерга. Оптик кабелларни телефон кабел канализациясига ётқизиш ётқизиш. Оптик кабелларни осиш Оптик-толали алоқа линиясининг дистанцион назорати

ва мониторинги Оптик-толали узатиш тизими жиҳозларининг монтаж учун стандарт тузилмалар Оптик кросс шкафлари Конструктив тузилмаларни ташқи муҳит таъсиридан

ҳимоялаш. Шкаф ва стойкалар конструктив тузилиши Охирги оптик кросс ускуналари.

## Назорат саволлари

1. ТООАЛ қурилиши.
2. Тупроққа оптик кабелларни ётқизиш ва уларни ҳаво-устун таянчларга ўрнатиш(ошиш).
3. Оптик-толали алоқа линия қурилиши Кабелни олдиндан қавланган траншеяга ётқизиш
4. Траншеясиз усул ёрдамида кабелларни ётқизиш
5. Оптик-толаликабелларни мухофазаловчи полиэтилен қувурлар ёрдамида ерга Оптик кабелларни телефон кабел канализациясига ётқизиш ётқизиш.
6. Оптик кабелларни ошиш
7. Оптик-толали алоқа линиясининг дистанцион назорати ва мониторинги
8. Оптик-толали узатиш тизими жиҳозларининг монтаж учун стандарт тузилмалар Оптик кросс шкафлари
9. Конструктив тузилмаларни ташқи муҳит таъсиридан ҳимоялаш.
- 10.Шкаф ва стойкалар конструктив тузилиши
- 11.Охириги оптик кросс ускуналари.

## 5. ТОЛА ОПТИК АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИДА ЎЛЧАШЛАР

### 5.1. Ўлчов турлари

ТОАЛни монтаж ва эксплуатация қилиш жараёнида назорат қилинадиган асосий оптик параметрлар қуйидагилар ҳисобланади:

- ❖ линиядаги суммар йўқотишлар, дБ;
- ❖ ТОАЛ даги сўнишлар ва унинг тақсимланиши, дБ/км;
- ❖ ТОАЛ боғловчилари ва элементларида сўнишлар (кавшарланувчи боғловчилар, ажратгичлар, разъемлар), дБ;
- ❖ тракт узунлиги ва ва носозликларгача (бир турли бўлмаган жойларгача) бўлган масофа, м;
- ❖ трактдаги акс этиш коэффициенти, дБ;
- ❖ аварияларда оптик толаларнинг узилган жойини аниқлаш, км;
- ❖ хроматик ва поляризацион (кутб)-модали дисперсиянинг фактик қийматини ўлчаш, пс.

### **ЎЛЧАШЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ !!!**

**Ўлчашлар** – алоқа объектларини қуриш ва эксплуатациясида реал параметрларни берилган талабларга мослигини ўрнатиш ва агар ушбу натижалар талабларга жавоб бермаса шикастланган жойни аниқлашнинг ягона усули ҳисобланади.

ТОАЛ қурилиши лойиҳа ҳужжатларига киритилган ўлчашлар нархи жуда юқори бўлади. Бунга сабаблар иккита: ўлчов аппаратураси нархининг жуда юқорилиги ва ўлчашлар сонининг ортиқчалигидир яъни жуда кўп сонлигидир.

Қурилиш-монтаж ишларининг технологияси бирор-бир босқичда бузилганда ОК шикастланиши мумкин, шунинг учун назорат ўлчовлар, ишлар бошланишидан аввал ва қурилиш жараёни тугагандан сўнг амалга оширилиши зарур. Барча ўлчашларнинг натижалари линия паспортининг алоҳида шаклига(жадвал) ёзилади.

Толали тракт монтажида уланган жойларни ўлчашлар ҳажмининг катталиги унинг параметрларини ўлчашнинг хусусиятларидан ҳисобланади. Кавшарланган уланишлар сифатини назоратлашда киритилаётган сўниш катталигини 0,001-0,05дБ тартибида ўлчаш талаб қилинади.

***ТОАЛ қурилишида қуйидаги ўлчовлар ҳажми тавсия этилади.***

Буюртмачидан кабел қабул қилинганда рефлектметр билан ташқи шикастланишларга ёки паспорт бўйича сўнишнинг чегаравий қийматларига

эга бўлган битта тола параметрлари ўлчаниб ушбу кабелни ётқизиш мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилинади.

ОК ни ётқизишдан олдин ҳар бир қурилиш узунлигида рефлектометр билан барча ОТларда сўниш ўлчанади. Ўлчовларни паспортда кўрсатилган шароитларда ўтказиш тавсия этилади (тўлқин узунлиги, индекс ёки тарқалиш тезлиги коэффиценти, зондлайдиган импульс давомийлиги ва ҳк.), агар ушбу шароитларни таъминлаш имкони бўлмаса, у ҳолда ўлчанган маълумотлар паспортда келтирилган маълумотлар билан солиштирилганда инобатга олинади.

ОК ётқизилгандан сўнг ҳар бир қурилиш узунлигида барча ОТларда сўнишнинг назорат ўлчашлари бажарилади. Паспортга ундан ташқари ётқизилган линия охиридаги узунлик маркерли қиймати (кабелдаги белгилар бўйича) ёзилади. К ётқизилгандан сўнг ҳар бир қурилиш узунлигида мегометр ёрдамида зирҳ ва”ер” орасидаги шланг изоляциясининг электрик қаршилиги ўлчанади. Кассетага уланиш(сросток) ўрнатилгандан сўнг муфта монтаж қилинганда унинг сўнишининг назорат ўлчови бажарилади. Агар у 0.05дБ дан ошмаса ва рефлектометр ҳамда кавшарлаш қурилмасининг кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ ўлчашлар хатолиги чегараларида бўлса, у ҳолда ОТ ни бирлаштириш (срачивание) ниҳоясига етди деб ҳисобланади.

Акс ҳолда қўшимча ушбу толаларнинг, лекин 4 тадан ортиқ бўлмаган, уланишнинг берилган сўниш (0.05дБ) сатҳи олинмагунча бирлаштирилиши амалга оширилади. Жадвалга сўниш сатҳларининг барча қийматлари ҳамда муфтага кириш ва чиқишдаги узунликнинг кабел белгилари ёзилади.

Ҳар бир тўла монтажланган регенерацион линия участкасида барча ОТ лар рефлектометр ёрдамида икки томондан ўлчанади.

Охирги ўлчовларни имкони борича эксплуатация давомида ишлатиладиган рефлектометрларда бажариш лозим, натижаларни эса ахборот ташувчи (диск, дискета) ёки рефлектометрнинг ички хотирасига ёзиш керак.Хотирага яна муфталар тўғрисида аввал ёзилган маълумотлар (уларнинг масофаси,ОТ сўниши) киритилади. Сақланган ахборот кейинчалик эксплуатацион ўлчашларда рефлектограммаларни солиштириш учун ишлатилади.

ТОАЛ да эксплуатацион ўлчовлар ўз ичига қуйидагиларни олади:

- оптик қувватнинг сатҳларини ўлчаш;
- сигналларнинг сўнишларини ўлчаш;
- ТОК шикастланган жойи ва характерини аниқлаш.

Ушбу ўлчовларда оптимал **разрешение**, минимал ўлик(жонсиз) зоналарни,ўлчашлар вақтининг кам бўлишини таъминлашга эришиш керак.

Оптик қувватни ва сигналлар сўнишлари сатҳларини ўлчашлар ўзаро боғлиқдир.ТОАЛ га нисбатан ушбу оддий масалани ечиш маълум бир қийинчиликларга эга,чунки сигнал сатҳини ўлчаш натижалари оптик сигнал тест генератори интерфейсининг параметрларига, тола ташқи қиррасини қайта ишлаш сифатига, мазкур қирранинг нурлаш манбаининг юстировкасига ва ҳок.ларга боғлиқ.

## 5.2. Сўнишни ўлчашлар

Ахборотни узатишнинг тола-оптик муҳитини таҳлил қилиш стабиллаштирилган нурланиш манбаларидан (StabilizedLightSource-SLS) ва оптик сигналларни қабул қилгичлардан (Electro-OpticalReceiver-EOR) фойдаланишга асосланган, уларнинг параметрлари ТОК кўрсаткичлари ва назорат характеристикаларини белгилайди.

Оптоэлектрон қурилмаларнинг маълумотларига асосланиб қуйидагилар амалга оширилади:

- ✚ импулсли рефлектометрларнинг оптик вақтлари (Optical Time Domain Reflectometr-OTDR);
- ✚ оптик қувват сатҳини ўлчагичлар (OpticalPowerMeter-OPM);
- ✚ оптик кабелдаги сўнишни таҳлиллагичлар (OpticalLossTestSet-OTS).

Бунда OTDR ТОАЛни кабелнинг бир томонидан таҳлил қилиш учун қўлланилади, OPM ва OT эса ТОК нинг кириш-чиқиш қисмида ўлчашлар учун мўлжалланган.

Кабелнинг битта охиридан ўлчаш ТОКни эксплуатация қилишда носозликларни тезкор билан локаллаштириш имконини беради.


OTDR нинг бу устунликлари OPM билан солиштирилганда, OPM нуқта-нуқта схемаси бўйича ўлчовларни ташкил этишни талаб этади шу сабабли, OTDR уларни эксплуатация қилишда кенг қўлланишлигига сабаб бўлди. Ундан ташқари, рефлектограмма бўйича кабелларнинг сифатини визуал таҳлил қилиш қулай ва кўрсатмалидир.

## 5.3. Тесқари сочилиш методи


Рефлектометрнинг ишлаш принципи тесқари сочилиш методига асосланган оптик рефлектометрнинг содаллаштирилган структуравий схемаси 5.1- расмда келтирилган. Рефлектометрнинг ўлчаш принципи толага импулсли оптик нурланишни киритиш ва уни кейин тесқари сочилиш ва акс этиш натижасида ҳосил бўлган нурли оқимнинг манбадан келаётган(расм.5.2). кичик бир қисмини таҳлил қилишга асосланган.

**Рефлектометрнинг ўлчаш принципини тушуниб олинг!!!**

**Рефлектометрнинг ўлчаш принципи** - толага импулсли оптик нурланишни киритиш ва уни кейин тесқари сочилиш ва акс этиш натижасида ҳосил бўлган нурли оқимнинг кичик бир қисмини таҳлил қилишга асосланган. Рефлектометр нурли оқим сатҳининг тола бўйича масофага боғлиқлик графигини тузади



Расм.5.1 Оптик рефлектометрнинг соддалаштирилган структуравий схемаси



Расм 5.2. Толанинг бир турли бўлмаган жойларида нурнинг сочилиши

Тўғри ва тескари нур оқимларини ажратиш мос равишда нурланиш чиқишига, фотоқабулқилгичга ва назоратланаётган алоқа линиясига йўналтирилган ажратгич ишлатилади. Натижада, оптик қабул қилгич чиқиш сигналинини рақамли қайта ишлагич бошқарув блоки синхронлаётган, дисплей экранида рефлектограмма- акс этган нурланиш қувватининг оптик кабел узунлигига боғлиқлиги шаклланади (расм. 5.3).

## РЕФЛЕКТОГРАММА нима ??

**Рефлектограмма – акс этган нурланиш қувватининг оптик кабел узунлигига боғлиқлигини кўрсатувчи диаграмма**

Вертикал шкала тарқалган (акс этган) сигнал сатҳини логарифмик бирликларда кўрсатади. Горизонтал ўқ рефлектометрнинг толани тестланаётган соҳасигача бўлган масофасига мос келади. Ётиқ чизик толанинг ўзидаги тескари сочилишни характерлайди.



Рис 5.3. ТОАЛ нинг типик рефлектограммаси

Рефлектограммада кабелларнинг сифатсиз уланган жойларидан, кавшарланган жойларини, ОТ материалининг технологик бир турли бўлмагани(аралашмалар заррачалари, тузилманинг нуқсонлари ва ҳок.) туфайли тасодифий сочилиш соҳаларини ва акс этишини, сигнални кабелнинг охиригича четидан акс этганини кўриш мумкин.

Сатҳнинг бошланғич сочилиши **френелевли** акс этиш билан юзага келади, бунга сабаб асбобни тестланаётган тола билан боғловчи ажратгич оптик боғловчида, толанинг қирраларида синиш коэффициентининг кескин ўзгаришидир.

**Френелевли** акс этиш “ўлик зона” (ноаниқлик зонаси) билан боғлиқ бўлиб, у OTDR қабул қилгичнинг тўйиниши сабабли юзага келади

юқори сатҳли акс этган сигнал уни киришига келиши билан

Наличие френелевского отражения связано с «мертвой зоной» (зоной неопределенности), появление которой вызвано насыщением приемника OTDR при поступлении на его вход отраженного сигнала высокого уровня, так как в этом случае ему потребуется некоторое время для восстановления чувствительности после подобной перегрузки, а это приведет к потере информации после насыщения. Как результат, определенный сегмент

волокну оказывается исключенным из процесса тестирования т.е. «**мертвой зоной**» рефлектометра называется время восстановления (хотя в действительности это расстояние), в течении которого сильное френелевское отражение маскирует последующие отражения или рассеивания.

“Ўлик зоналарни” минималлаштириш учун зондлайдиган импульс давомийлигини камайтириш керак. Кавшарланган боғланишларда френелевли акс этиш мавжуд эмас, чунки толанинг парчаланган қирралари бир-бири билан қўшилишиб кетади. Бироқ уларда йўқотишлар *релеевли сочилиш* ҳисобига мавжуд бўлади.

Рефлектограммада улар сигнал қувватини кескин отилишсиз сўнишнинг ортиши жойидек акс этади. Яхши кавшарланган уланишни аниқлаш қийин, чунки уунда йўқотишлар катта эмас, ва рефлектограммада пайдо бўладиган “поғонача” жуда кичик. Микроэгилишларда йўқотишлар ўхшаш характеристикаларга эга ва шунинг учун уларни кавшарланган уланишлар дағни йўқотишлардан фарқлаш жуда қийин.

Оптик тола сифати ёмонлашувининг асосий сабаби турли-туман нуқсонларни пайдо бўлишидадир, уларга: ёриқлар, эгилишлар ва узилишлар киради. Рефлектометр билан кўрсатилган нуқсонлар билан ОТ тестланганда одатда нуқсонларда френелевлик акс этишга мос келадиган импульсларни кузатиш мумкин. ОТнинг узилиши ёки сезиларли даражадаги шикастланишлари акс этган сигнал қувватининг кескин отилишига хос акс этиш нуқтасидек тасвирланади.

ТОАЛ нинг муҳим устунлигидан бири бу унинг потенциал узок муддатли бўлишидир. Бироқ, узок муддатли ишлашини таъминлаш учун зарур шароитлар ва улардан асосийси: толада механик кучланишларнинг бўлмаслиги, улар кабелни ишлаб чиқаришда технологияни бузилишида, уни ётқизишда, тупроқнинг совуқ ҳароратда деформацияланишида, шамолда юкланишлар ва осма кабел музлаб қолганда, ҳароратнинг катта ўзгаришларида, телефон канализацияси ёки тупроқнинг чўкишида (айниса катта бино ва кўприклар олдида), автомагистрал ёнида тқизилшан кабелнинг титрашларида, ер қимирлашларида ва бошқа техноген аралашувларда пайдо бўлиши мумкин.

Кабелда толанинг ўта тортилиши унинг мусаҳкамлик характеристикаларин деградациясига олиб келади, ва охир пировард толанинг узилишига сабаб бўлади. Эксплуатациянинг нормал шароитларида (толанинг нисбий чўзилишида 0,3% дан кам бўлганда) толанинг яшаш вақти 25 йил ва ундан ортиқ, бироқ нисбий чўзилиш 0,-0,7% бўлганда толанинг узилиши бир йил давомида бўлиши мумкин. Шунинг учун ТОК нинг ишончилигин баҳолаганда кабелда толанинг тортилиши тўғрисида ишончли ахборотга эга бўлиш керак. Одатдаги OTDRлар толанинг тортилиш даражасини аниқлай олмайди, чунки толада кучланиш юзага келганда оптик йўқолишларнинг катталиги, одатда толанинг узилиши юз бергунга қадар норма чегараларида қолаверади. Бугунга келиб ОТ узунлиги бўйича кучланишнанг тақсимланишини аниқлаш имконини берувчи ягона асбоб бўлиб япония фирмаси ANDO – AQ8602, AQ8603 ишлаб чиқараётган

бриллюэнов рефлектометрлари (BOTDR – Brillouin optical Time Domain Reflectometer) ҳисобланади.

Ушбу рефлектометрнинг ишлаш принципи мажбурий Мандельштама – Бриллюэна сочилишни баҳолашга асосланган, у модда зичлиги ўзгаришида синиш кўрсаткичининг ҳаракатчан биртурли бўлмаган жойларида пайдо бўлади.

ОТ шишасида гипертонувшли тўлқинлар вужудга келади (ёки акустик фонлар), уларда нурнинг нозичли сочилиши юз беради, натижада нурланиш спектрида янги компонентлар ҳосил бўлади(торлар тортилганда товуш ўзгаргани каби). BOTDR имкониятлари битта асбобда рефлектометр ва спектрал таҳлиллагич қўшилганига асосланган.




Рисунок 107: Измерения с помощью рефлектометр ёрдамида ўлчаш






Рисунок 111: Бир неча нуқталарда ўлчашларни ўтказиш

Рисунок 112: Измерения уровня оптического сигнала на трёх длинах волн  
**На рисунке: PASS** – уровень сигнала в норме; **WARN** – предупреждение об опасно низком уровне сигнала; **FAIL** – очень низкий уровень сигнала

## 12 Поиск неисправностей

Измерения, связанные с поиском и устранением неисправностей в кабельной сети, включают в себя рефлектометрию на различных участках с использованием четырех длин волн:

- 1490 нм - передача голоса и данных (прямой поток) к абоненту;
- 1550 нм - дополнительный канал для передачи видеосигнала;
- 1310 нм - передача голоса и данных (прямой поток) от абонента;
- 1625/1650 нм - служебный канал для поиска неисправностей.






Рисунок 114: Поиск неисправностей в сетях PON

**OTDRга қўйиладиган умумий талаблар ўз ичига қуйидаги тавсифларни олади:**

**1.Рефлектометрнинг динамик диапазони ва биртурли бўлмаган жойлар масофасини аниқлаш.**

OTDR динамик диапазонини чегаралаш 40 Дб ни ташкил этади, бу ТОАЛ ни максимал даражада 200-240 км узунликда назоратлаш имконини беради. Бундан узун олислаштирилган тестлаш ТОАЛ тизимлари учун, ОТ ни 300 км гача ва ундан ортиқ назоратлаш имконияти бўлган OTDR керак бўлади, бу талабни фақат 45 Дб га тенг динамик диапазонли рефлектометр таъминлаши мумкин.

**2.Фазовий раз қобилият** OTDRни иккита қўшни воқеаларни аниқлаш қобилиятини характерлайди.

**Разреш** қобилият зондлаш импульсининг давомийлигига боғлиқ (импульс давомийлиги 10пс 1м бўлган фазовий **разр-га**, 20мкс эса – 2 км га мос келади).

**3.“Ўлик зона” узунлиги** (метрларда ёки футларда) – рефлектометрнинг энг муҳим характеристикаларидан бири ҳисобланади, чунки ундан фазовий **разр**, ҳамда ўлчаш аниқлиги воқеа олдида сигнал сўнишининг аниқлиги боғлиқ бўлади. Носезгирликнинг яқиндаги зонаси замонавий рефлектометрлар учун 1 дан 20 м гача ни ташкил этади.

#### 5.4. Сўнишни ўлчашнинг тўғридан-тўғри методлари

Агар тўла йўқотишларни ўлчашларда ТОАЛ тракти бўйлаб сўниш тақсимотини назоратлашга зарурат бўлмаса, унда оддий асбоблар ишлатилади


- **оптик қувват ўлчагичлари ёки оптик тестерлар(мултиметрлар).**

Конструктив равишда оптик қувватни ўлчагич (ОҚЎ-ОРМ) оптик кабулқилгич бўлиб у қувват бирликлари калибрланган бўлади, **оптик**

**тестерлар OTS эса** – битта корпусда бажарилган бўлади ва оптик характеристикалари бўйича мувофиқлаштирилган бўлади, булар: оптик нурланиш манбаи(SLS), оптик қувват ўлчагичи(OPM)ва қайта ишлаш блоки.

Одатда ушбу асбобларда нурланиш манбалари ёки яримўтказгичли лазерли диод(LD) ёки яримўтказгичли суперлюминисцентли нурли диод (LED)хизмат қилади, фотоқабулқилгичлар эса – яримўтказгичли фотодиодлар: германийли (Ge), кремнийли (Si) ёки арсенид – индий билан легирланган (InGaAs) гелийли бирикма.

ТОК киритаётган сўнишни тўғридан-тўғри ўлчаш методи, “нуқта-нуқта” методи билан ўлчашга мисол бўла олади. (расм.4.4)



Расм 5.4. ТОК да сўнишни ўлчаш схемаси

**Киритилаётган йўқотишлар методи** унчалик аниқ бўлмаса ҳам, у толани узишни талаб этмайди. Ушбу методга биноан, даставвал оптик нурланиш манбаи чиқишида оптик қувват ва эталон толани ўлчаш амалга оширилади, сўнгра ўлчашлар тизимга ўлчаш зарур бўлган толани қўшиш билан олиб борилади. Ушбу иккита ўлчашлар ўртасидаги фарқ айнан тола йўқотишларини кўрсатади.

Бунда ITU-TG.651, ЕТА/ГТА тавсияномаларига биноан сўнишни ўлчашнинг иккита асосий методини фарқлаш керак – бузувчи(узувчи) методлар ва бузмайдиган (йўқотишларни киритувчи) ўлчовлвр.

**Узиш методи** толанинг узун кесими охиридаги чиқишдаги ўлчанган оптик нурланиш қуввати қийматини, толанинг қисқа участкасидаги чиқишидаги ўлчанган қувват қиймати, манба томонидан унинг узунлигини бир қисмини кесиш ҳисобига (2матрофида) билан солиштиришга асосланган. Узиш методи сўнишни ўлчашни энг аниқ методи ҳисобланади, бироқ у толани узишни талаб қилади, уни инсталляцияда, техник хизмат кўрсатишда ва дала шароитларида ишлатиш самарали эмас, шунинг учун фақат оптик толаларни ишлаб чиқаришда қўлланилади.

### 5.5. Дисперсияни ўлчаш

Хроматик ва кутбли мода дисперсиянинг (ҚМД ПМД) амалдаги қийматларини ўлчаш масалалари юқори тезликдаги (2,5 Гбит/Т ва ундан юқори) линияларни қуришда, ҳамда мавжуд линияларни модернизация қилишда ахборот узатиш тезлигини ошириш мақсадида юзага келади.

Линияларни қуриш жараёнида ПМД нинг фактик қийматини ўлчаш унинг максимал ўтказиш полосасини(йўлагини) ва регенерацион участканинг узунлигини тўғри ҳисоблаш имконини беради. Ўтказиш қобилиятини

ошириш мақсадида линияларни модернизациялашда фактик ПМД ни ўлчаш ўтказиш қобилиятини орттириш йўли билан тезликни орттириш мумкинми ёки спектрал зичлаштириш (DWDM) усули асосида узатиш тизимини татбиқ этиш керакми деган саволга жавоб бериш имконини беради.

Хроматик дисперсиянинг муҳим хусусияти бўлиб **пассив** қурилмалар, ишлатиш йўли билан уни компенсация қилиш имкони борлиги ҳисобланади, компенсация қилиш учун алоқа линиясида дисперсия компенсаторлари – манфий эгилишга эга дисперсион эгри чизикли билан махсус оптик толадан иборат қурилма(пассив қурилма) ёки Брегг панжараларида дисперсия компенсаторларини ишлатиш йўли билан. Хроматик дисперсиянинг фактик (амалдаги) қиймати берилган линия участкасини максимал ўтказиш полосасини аниқлаш ва дисперсия компенсаторлари параметрларини тўғри ҳисоблаш, ҳамда уларни ўрнатиш частотасини ҳисоблаш имконини беради.

**Хроматик дисперсияни ўлчашнинг асосий методи бўлиб фазаларни силжитиш методи ҳисобланади. Ўлчашнинг қуйидаги методларини кўрсатиб ўтиш мумкин:**

- фазаларни силжитиш методи;
- фазаларни дифференциал силжитиш методи;
- амплитудавий модуляция методи.

**Қутбلى мода дисперсиясини ўлчаш методларига қуйидагилар киради:**


- тўлқинли метод – тўлқин узунлигини сканирлаш методи.
- PMD ни вақт бўйича (интерферометрик) ўлчаш методи.

### 5.6. ТОАЛ да энг кўп учрайдиган ўлчов методлари ва воситалари

Қуйида ТОАЛ да ўлчашлар амалга оширилганда энг кўп учрайдиган методлар ва ўлчов воситаларини қисқача ишлаш принципи келтирилган

#### Тола-оптик узатиш тизимлари :


1. Узатиш ( $\Theta > 0$ ) ; Электрооптик ( $\Theta - O$ ) ўзгартиргич



Ўзгарувчан ёруғлик – Аналог сигнал  
Липиллаш – Рақамли сигнал

2. Оптик –тола –узатиш муҳити.ОВ на основе кварц шиша асосидаги ОТ





4. Кувват (Ваттлар ёки децибеллар) - дБм – ўлчов бирлиги, у одатда оптик нурланишни оптик кувватни ўлчагич ёрдамида ўлчаш учун ишлатилади

- Лампадек: кувват катта бўлса = ёруғлик шунча равшан.
- Узатгичлар: тахминан 1 мВт (0 дБм).
- ТОАЛ даги кувват диапазони : +20 дБм to -70 дБм.

5. Ранг (тўлқин узунлиги) - **нанометрларда (нм)** ёки **микронларда (мкм)** ўлчанади


- ❖ 300нм (яшил) – 700нм (қизил) одам кўра оладиган нур.
- ❖ ТОАЛ инфрақизил диапазондаги нурланишни ишлатади (850, 1310, & 1550нм)

**Оптик йўқотишларни тўғридан-тўғри ўлчаш методи.**


### 1. Калибрлаш



### 2. Ўлчаш



4. Рефлектометр ёрдамида оптик йўқотишларни ўлчаш.  
Релеев сочилиши



Тола бўйича нур тарқалганда унинг бир қисми барча йўналишларда *сочилади* . Жуда кичик қисми яна нурланиш манбасига қайтади(тахминан 0,0001%).


**Френелевли акс этиш** - .нур бир мухитдан бошқа мухитга ўтганда 4% гача акс этади.



### Рефлектометр ёрдамида ОТ параметрларини ўлчаш принципи.


#### 1.Толада сўнишни ўлчаш.

Рефлектометрнинг ўлчаш принципи толага импульсли оптик нурланишни киритиш ва уни кейин тесқари сочилиш ва акс этиш натижасида ҳосил бўлган нурли оқимнинг кичик бир қисмини таҳлил қилишга асосланган. Рефлектометр нурли оқим сатҳининг тола бўйича масофага боғлиқлик графигини тузади



Расм 4.5.Рефлектометрнинг тузилиши


Тескари сочилиш сатҳи тестлаётган импульс қувватига сатҳига тўғри пропорционал. импульс қувватининг сатиҳи нурни тола бўйича ўтиб борган сари камайиб боради, тескари сочилиш сатҳи билан ҳам худди шу нарса юз беради. Рефлектометр маълум дискретлик билан тола узунлиги бўйича тескари сочилган нур сатҳини аниқлайди ва *рефлектограммани* тузади – яъни масофага боғлиқ равишда толада нурнинг сўниш графигини тузади.



## 2. Тола бўйича масофани ўлчаш.


$$D = \frac{C t}{2 n}$$

Бу ерда:  $D$  - тўлқин узунлиги;  $C$  - нурнинг ваакумдаги тезлиги;  $t$  - толада нурнинг тарқалиш тезлиги;  $n$  – толада нурнинг синиш коэффициенти кўрсаткичи.




$$t = t_1 - t_0 \quad \text{Ваакумда нурнинг тезлиги :} 299.792.460 \text{ м/с.}$$

### 3. Рефлектограмминг умумий кўриниши.





### 4. Жонсиз(ўлик) зоналар.

**Бошлангич”ўлик”зона** – рефлектометрни қанчалик яқин масофадан толани ўлчашини кўрсатишини аниқловчи зонадир, зондлайдиган импульс узунлигини катталаштириш ўлик зонанинг узунлигини ҳам катталаштиради.



Акс этишининг ўлик зонаси

Сўнишининг ўлик зонаси



Иккита воқеани ажратиш имконини беради

Линиявий ўлчашлар имконини беради

## 5.6. Оптик параметрларни рефлектометр билан ўлчаш. Оптик толанинг сўниш йўқотишларини ўлчаш.

Оптик толанинг сўниш йўқотишларини ўлчаш режимида иккита маркер ва рефлектометр ўртасидги масофа ва сўнишни ўлчаш мумкин ва ушбу ўлчашлар асосида ОТ нинг километрик сўнишини ўлчаш мумкин.

$\alpha$  – иккита маркер орасидаги сўниш;  $L$  – иккита маркерлар орасидаги масофа  
Рефлектометр куйидагини ҳисоблайди:  $\alpha/L$  - толанинг километрик сўниши.

Рефлектометрнинг дастурий таъминоти олинган ўлчашлар натижасида олинган эгри чизиқ бўйича оптик сигнални толадаги сўнишини тавсифловчи тўғри чизиқни ясади. Бундай чизиқни қуриш иккита метод (**2PA** ва **LSA**) билан амалга оширилиши мумкин



### 5.1. Ўлчаш методлари.

#### 2PA методи – икки нуқта методи


Сигнал сатхи, Дб



Масофа, км.

## LSA методи – кичик юзалар методи

Сигнал сатҳи,Дб




Масофа,км.


### 5.2. Оптик толаларнинг уланган жойида йўқотишларни ўлчаш.

Оптик толаларнинг уланган жойида йўқотишларни ўлчаш бешта маркерлар ёрдамида амалга оширилади: марказий маркер ўлчанаётган ҳолатини аниқлайди, бундан олдинги иккита маркер эса ТОАнинг олдинги кейинги қисмларидаги характеристикаларини ўлчайди.

### Кавшарлаб уланишдаги йўқотишларни ўлчаш.




5.5. Механик улашда йўқотишлар ва тескари акс этишни ўлчаш.



Яъни толалар уланган нуктада йўқотишларни ўлчаш учун рефлектометр билан ўлчанганда ўлчовларни икки томондан ўтказиш зарур ва уларни ўрта қийматини ҳисоблаш керак..

### Линиянинг тўла сўнишини ўлчаш.



## ORLни ўлчаш(кайтараоптик йўқотишлар)



### 5.7.Оптик рефлектометр блокнинг асосий характеристикалари

Рефлектометр блоки- рефлектометрларнинг асосий қисмларидан бири бўлиб оптик блок ҳисобланади, у оптик линияни сканирлайди ва ўлчайди, ҳамда ушбу ўлчовлар натижаси бўйича рефлектограмми тузади.Ушбу блокнинг линияни ўлчаш бўйича имкониятларини белгиловчи асосий характеристикалари бўлиб динамик диапазон ва **разр** қобиляят ҳисобланади.

#### 1.Динамик диапазон.


**Динамик диапазон.**- оптик параметрларни ўлчаш учун линиянинг максимал узунлигини аниқлаш имконии беради



Импульс узунлиги катталаштирилганда динамик диапазон катталашуви юз беради.Ўлчовлар диапазонини кенгайтириш ўрта қийматни ҳисоблаш процедураси ҳисобига амалга оширилиши мумкин.


#### 1.Механик улашни акс этдириш.

Катта узунликдаги импульс



Нур импулсининг узунлиги боғловчилар ўртасидаги масофадан катта.Рефлектограмма шаклидан қайси бир боғловчи катта йўқотишларга эга эканлигини билиб бўлмайди.

### Кичик узунликдаги импулс



Нур импулсининг узунлиги боғловчилар ўртасидаги масофадан кичик.Бу ҳолда иккита боғловчидан қайси бири катта сўнишгаэгаэканлигини билиб олиш осон.

## 2.Кавшарланган уланишни тасвирлаш.

Сигнал сатҳи, Дб




Катта узунликдаги импулс иккита тола уланган жойда тескари сочилиш сигналлари ўртасида узунроқ ўтишни бегилайди. Қисқа импулс бу ўтишни кескинроқ қилади.

## Рефлектограммаларни автоматик тарзда қайта ишлаш

Рефлектометр автоматик тарзда оптик линиянинг бир турли эмаслигини аниқлайди ва улардаги сўнишларни ҳамда акс этишни аниқлайди, ундан ташқари бутун линиянинг тўла сўнишини ва аниқланган ҳодисалар ўртасидаги линияларнинг сўнишини ўлчашни амалга оширади ва ҳисоблайди. Ўлчовлар натижалари бўйича ҳодисалар жадвали тузилади, унда ўлчовлар бўйича барча маълумотлар жамланган бўлади.

Рефлектометр автоматик тарзда қуйидагиларни бажаради



Масофа, км

## ХУЛОСА

ТОЛА оптикалоқалинияларида ўлчашлар ўлчов турлари Сўнишни ўлчашлар  
Тескари сочилиш методи

OTDRга қўйиладиган умумий талаблар ўз ичига қуйидаги тавсифларни олади  
Сўнишни ўлчашнинг тўғридан-тўғри методлари

Дисперсияни ўлчаш ТОАЛ да энг кўп учрайдиган ўлчов методлари ва  
воситалари ТОАЛ қурилишида қуйидаги ўлчовлар ҳажми тавсия этилади  
рефлектограмма

Оптик параметрларни рефлектометр билан ўлчаш.

Оптик толанинг сўниш йўқотишларини ўлчаш

## Назорат саволлари:

1. ТОАЛ да ўлчаш турлари
2. ТОАЛ да эксплуатацион ўлчаш турлари
3. ТОАЛ да ўлчаш учун асбоблар
4. ОТ сўнишини ўлчашнинг тескари сочилиш методи
5. Рефлектограмманинг вазифаси
6. Оптик толанинг рефлектограммаси

## **6.ТОЛАЛИ ОПТИК АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИГА ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ**

### **6.1. Техник эксплуатация асослари**

Толали оптик узатиш тизимининг техник эксплуатацияси деганда тизимнинг ҳамма техник объектларини ишловчанлигини таъминлаб берувчи тадбирлар мажмуаси тушунилади. Техник объектнинг ишлаб чиқариш ҳолати бутун эксплуатация муддати давомида техник хизматлар учун бутун харажатлар ва бутун даромаднинг йўқотуви авария ва шикастланишлар хисобига минимал ҳолатда ташкиллаштирилган ҳолатидир.

Шу муносабат билан техник эксплуатация жараёни техник хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш ҳужжатларини олиб боришни ўз ичига олади.

Техник хизмат толали оптик узатиш тизимини ўрнатилган тартибдаги норма ва талабларига чегарасида юқори сифатли ҳамда мустаҳкам равишда ишлашга йўналтирилгандир ва у ўз ичига қуйидагиларни олади:

- узлуксиз эксплуатацион ва техник назорат;
- ишчи тавсилотларининг ўлчов ишлари;
- таъмирлаш, созлаш ва уларни захирага улаш ишлари.

Ишлаб чиқариш ҳужжатлари толали узатиш тизимларини систематик равишда таҳлил қилиш мақсадида, қўлланувчи эксплуатация усулларини самарадорлиги учун ҳамда авария ҳолатини ва характерини билган ҳолда унинг муддатини камайтириш мақсадида қўлланади. У ўз навбатида эксплуатацион-техник ва техник ҳолатларга бўлинади. Эксплуатацион-техник ҳужжатлари таркибига қуйидагилар киради:

- толали оптик узатиш тизимининг ўлчов ишлари ва параметрларини назорат ўлчов баённомалари;
- шикастланишлар ва авариялар ҳақидаги маълумотлар;
- носозликларни бартараф этиш ва таъмирлаш ҳақидаги маълумотлар;
- толали оптик узатиш тизимини қўриқлаш бўйича ҳужжатлар;
- қабул қилиш-топшириш тажриба ишларининг баённомалари ва норматив-меъёрий ҳужжатлар.

Толали оптик узатиш тизимларини эксплуатацияси билан шуғулланувчи муҳандис ва техниклар учта асосий гуруҳга бўлиш мумкин:

Биринчи гуруҳ - бошқарув гуруҳи, техник хизмат кўрсатишнинг ташкилий принципларини ишлаб чиқарувчи ва уларни ҳаётга тадбиқ этувчилар бўлиб, улар толали оптик узатиш тизимларини конструктив тузилиш ишларини бажариш, модернизация лойихаларини тадбиқ қилиш ва уларни бажарилишини назорат қилиб, метрология мосламаларини ечиш ва тадбиқ қилиш ҳамда эксплуатацион-техник ҳужжатларни олиб борадилар.

Иккинчи гуруҳ таъмирлаш – созлаш ва таъмирлаш-тиклаш ишларини олиб борадилар, шунингдек улар толали оптик узатиш тизимларини қўриқлаб сақлаш (қўриқлаш ҳудудида қурилиш ва ер билан боғлиқ бўлган ишларни олиб боришда назорат қилиш) тадбирларини олиб борадилар.

Учинчи гурухнинг бошқарув маркази ишчи ва хизматчиларини ташкил этиб, улар узлуксиз равишда эксплуатацион ва техник назорат ишларини, тракт ва каналларнинг ишчи тавсилотларини ўлчайдилар ва у билан боғлиқ ишларни олиб борадилар ҳамда авария-тиклаш ишларини ташкил этадилар ва бошқариб борадилар.

Хозирги замон толали оптик узатиш тизимларининг техник эксплуатацияси дастурлаш-техник мажмуалар воситалари ва қурилмалари асосида олиб борилиб, улар техник хизматни бошқарув принципини тадбиқ этадилар. Унинг афзаллиги шундаки, техник эксплуатациянинг жорий ишлари маълум бир жадвал бўйича олиб борилмасдан ундаги ишлар ушбу моментда хизмат кўрсатувчининг сифати ёмонлашадиган участкаларда олиб борилади. Бу билан эса профилактик техник хизмат кўрсатувчи участкани аниқлашга талаб бўлмайди ва техник эксплуатация ишларини бажариш муддати камаяди. Толали оптик узатиш тизимларининг аппаратураларини назоратловчи техник қурилма статистик таҳлил асосида беркитилган носозликларни аниқлаб осонлаштирувчи маълумотларни етказиб беради.

## **6.2. Толали-оптик алоқа линия эксплуатациясининг умумий масалалари**

Толали оптик алоқа линиясининг техник эксплуатацияси техник хизмат кўрсатиш алгоритм услубларининг жамланмаси бўлиб, у ўз навбатида толали оптик алоқа линия учун талаб этиладиган ва ўрнатилган меъёрларни ушлаб туришини таъминлаб беришидан иборат. Техник эксплуатациянинг асосий мақсади ишламай қолиш ҳолатларини минимал ҳолатга етказиш ва тизимни ишламай қолиш ҳолатини толали оптик алоқа линиянинг сифатли ишлашига таъсиридир.

Техник эксплуатация қуйидагилардан ташкил топган:

- толалиоптик алоқа линияни эксплуатацияга топшириш(паспортизация);
- эксплуатация жараёнида ишловчанлик қобилиятини ушлаб туриш(техник хизмат кўрсатиш);
- ишловчанлик қобилиятини қайта тиклаш (таъмирлаш ва авариядан сўнг қайта тиклаш ишлари).

Техник эксплуатация- услублар, алгоритмлар, техник воситалар мажмуи бўлиб, толалиоптик алоқа линияга техник хизмат кўрсатиш ва бошқарилишини таъминловчи ҳамда фойдаланувчи ишчи ходимларнинг жамланмаси бўлиб, у ўз навбатида кўрсатилган усулларни, алгоритмларни ва техник воситаларни талаб этиладиган сифат кўрсаткичи ҳолатида ишлашини таъминлаб беради.

Толалиоптик алоқа линиясининг техник эксплуатациясини ташкил этиш учун Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг рахбарий хужжатлари соҳа тармоқ қоидалари ҳамда рахбарий хужжат талабларига риоя этган ҳолда бажарилиб, у ўз ичига қуйидаги ташкилий-техник тадбирларни бажаришидан иборат:

- толалиоптик алоқа линияни эксплуатацияга қабул қилиш;

- толалиоптик алоқа линияга хизмат кўрсатувчи худудларда эксплуатация қилувчи бўлимларни (ташкilotларни) эксплуатация учун жавобгар шахсларни мажбурий ва тасдиқланган ҳолда тақсимлаш;

-каналлар ҳосил қилувчи актив ускуналарга (мисол учун PDH, SDH, технологиялари учун) техник хизмат кўрсатиш жараёнида ва толалиоптик алоқа линия трактининг пассив қисмларига техник хизмат кўрсатишда ўзаро боғлиқлик бўлишини таъминлаб беришни талаби учун келишган ҳолда бажариш;

- толалиоптик алоқа линиянинг актив ускуналари ва пассив қисмларига техник хизмат кўрсатиш;

-эксплуатация бўйича ишларни режалаштириш;

- хизмат кўрсатувчи техник ва таъмирловчи шахсларни ишга тайёрлаш ва уларни ишлашига рухсат бериш;

-техник эксплуатация жараёни ҳақида маълумотларни йиғиш ва йиғилган маълумотларни таҳлил қилиш;

-эксплуатацион техник хужжатларни олиб бориш ва компьютерда маълумотлар базасини йиғиб бориш.

Техник хизмат кўрсатиш - эксплуатация даврида режа бўйича фойдаланиш, кутиш, сақлаш ва ташиш вақтида толали-оптик алоқа линиянинг созлиги ёки ишлаш қобилиятини сақлаб туриш мажмуидан иборат.



6.1-расм. Техник хизмат кўрсатиш усулларининг ўзаро боғланган тузилма схемаси

Ҳозирги пайтда ривожланиб бораётган алоқа воситалари ва алоқа тармоқларини бошқарувида асосий ўринни бошқарув техник хизмат кўрсатиш усули эгаллайди ва бундай техник хизмат кўрсатиш ёрдамида ишдан чиқиш ҳолатларини аниқлаш ва уни бутунлай тузатиш мумкин, баъзи бир ҳолларда эса алоқани тўхтатмай ва танаффуссиз ҳолда тиклаб ишлатиш мумкин. Ҳозирги пайтда тармоқларда ишлаётган SDH ва WDM технологияси асосида ишлайдиган алоқа узатиш воситаларига техник хизмат кўрсатиш бошқарув техник хизмат кўрсатишга асосланган.

### **Толали оптик алоқа линия параметрлари ва тафсилотларининг эксплуатация назорати**

Толали оптик алоқа линияларининг қурилиш ва эксплуатация жараёнида толали-оптик кабелнинг техник ҳолатини ва каналлар ҳосил қилувчи қурилмаларнинг ишдан чиқишини олдини олиш мақсадида, ҳамда алоқа тизимларининг бутун бўлган ҳолатида эксплуатация ишончилигини ошириш мақсадида статистик маълумотлар йиғиш учун ўлчов мажмуа ишлари бажарилади.

Толали оптик кабелли узатиш тизимларининг технологик қурилмалари параметрлари ва тавсилотлари ишлаб чиқариш шароитида аниқланади ва улар паспорт маълумотлари кўринишида келтирилади, бу эса қоида бўйича маълум бир стандарт талаблари ва бошқа қўлланувчи меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб беради.

Қурилиш учун тақдим этилувчи ҳамма жамланма махсулотлари кириш назоратидан ўтказилади ва уларнинг ўлчанган натижалари паспорт маълумотлари билан солиштирилади ҳамда уларнинг назорат натижалари асосида уларнинг монтажга лаёқатлилиги ҳақида хулоса қилинади.

Қурилиш ишлари жараёнида қуйидагилар ўлчанади:

- ҳар бир оптик толанинг сўниш қиймати;
- ҳар бир пайвандлаб уланган тугун томонидан ҳосил бўлувчи йўқотувчанлик қиймати;
- нур ўтказгичнинг чиқиш томонидаги оптик нурланишнинг қувват сатхи;
- қабул қилгич томондаги оптик электрон модулга кирувчи қувват сатхи.

Оптик толанинг сўниш қийматини ўлчаш ишлари регенерация участкасининг иккала узатув томонларида бажарилади ва бу билан ўлчанадиган қийматларни бир мунча аниқликда аниқлаш имконини беради. Эксплуатация жараёнида бажариладиган ўлчов ишлари авариявий, назоратловчи ва профилактик ўлчовларга бўлинади.

Авариявий ўлчов ишлари толали оптик алоқа кабелининг жуда ҳам катта аниқлик даражасида шикастланган жойини аниқлаш учун, яъни толали оптик кабелнинг сифати ёмонлашган ёки вақтинча уланган жойларни,

сифатсиз пайвандлаб уланган жойни ва шикастланган нуқтани бартараф этиш мақсадида бажарилади.

Бу ишлар бажарилгандан кейин қайта тикланган толали оптик алоқа кабеллини ва пайвандлаб уланган жойларининг оптик тавсилотларини тўлиқ равишда аниқлаш учун тўлиқ ўлчов ишлари бажарилади. Авариявий ўлчов ишлари махсус дала шароитида бажариладиган ўлчов усуллари ёрдамида бажарилади.

Профилактик ва назорат ўлчов ишлари толали оптик узатиш тизимларини ишдан чиқиб ишламаслик олдини олиш ва улар хақида огохлантириш мақсадида олиб борилади одатда улар линия трактининг аппаратурасига ўрнатилган махсус назорат ўлчов қурилмалари ёрдамида бажарилади. Ҳозирги замон SDH ва WDM тармоқ ускуналарига ўрнатилган назорат тизимлари ёрдамида тармоқнинг ҳолати хақида кундалик кузатув ишлари билан биргаликда хатолик кўрсаткичларининг кундалик сатҳини аниқлаш, ҳамда тармоқ тузилишини ўзгартириш мумкин, бу ишларни режали тадқиқотларсиз ҳам бажариш мумкин.

Эксплуатация жараёнида толали оптик алоқа линияларида ўлчов ишларини бажариш учун қоида бўйича қуйидаги ўлчов аппаратуралари қўлланилади:

-оптик кувват ўлчагичлар (оптик сигналнинг стабил манбаларини қўллаш ҳисоби);

-оптик линиянинг йўқотувчанлик ўлчагичлари;

-ўзгарувчан оптик аттенюатерлар;

-оптик рефлектометрлар;

-оптик сўзлашув жихозлари.

Толали оптик алоқа кабелнинг эксплуатация амалиётида кабелнинг ташқи қопламани бузмаган ҳолда назорат тестидан ўтказиш масаласи кўплаб учрайди. Бунинг учун бузилмаган оптик кабеллар ва оптик рефлектометрлар қўлланади, шунингдек бошқа ишчи оптик диапазон чегарасидан ташқарисидаги тўлқин узунликлар қўлланади. Бундай приборлар ёрдамида оптик толанинг бутунлигини назорат тестидан ўтказиш, кабелнинг русумини текшириш ва аниқлаш ёки оптик толада сигналнинг бўлиш-бўлмаслигини тасдиқлаш ва оптик толанинг эгилган жойи орқали оптик сигнални чиқариб олиш мумкин.

Ҳозирги пайтда кўплаб ишлаб чиқарилаётган оптик ўлчов приборлари ёрдамида толали оптик алоқа линияда қуйидаги ўлчов ишларини бажариш мумкин:

-оптик кувватни (узатгичдан чиқувчи, қабул қилинувчи сигнал сатҳи).

-толали оптик кабелда, интерфейсларда ва толалардаги оптик сўнишни;

-акс қайтган йўқотувчанлик сатҳини;

-толали оптик кабелнинг шикастланиш ҳолатлари ва шикастланган жойини аниқлаш учун.

Толали оптик узатиш тизимларининг кескин равишда ривожланиши ва уларни тўхтовсиз равишда ишлашини таъминлаш учун биринчи навбатда марказлаштирилган назорат ва толали оптик кабелнинг носоз бўлган жойини

аниқлаш асосий масала қилиб қўйилган. Шу мақсадда оптик толаларни маълум бир масофадан туриб тестдан ўтказиш тизими қўлланади, бунинг учун оптик рефлектометрлар қўлланиб, улар ёрдамида толанинг актив ва пассив параметрлари ўлчанади.

Оптик толанинг пассив параметрларини ўлчаш деганда, бутунлай кабелнинг соз ҳолати тушунилади. Оптик толанинг актив параметри деганда, эса ҳамма маълумотлар узатиувчи толанинг тестдан ўтказиш ҳолати тушунилади. Бунинг учун линияда қўлланувчи тўлқин узунлигига эга бўлган нурлантиргичнинг тўлқин узунлигидан фарқланадиган сигнал киритилиб, қабул қилгични томонда эса улар бир-биридан ажратилади. Бундай принципти оптик кабелнинг назоратловчи ҳамма толалари учун ва битта тола учун қўллаш мумкин, аммо унда ишлаб турувчи толали оптик узатиш тизими учун қўшимча компонентлар талаб этилмайди.

## **6.2. Толали оптик алоқа линияларида авария тиклаш ишлари**

Толали оптик алоқа линияга техник хизмат кўрсатишнинг асосий қисми авария-тиклаш ишлари ҳисобланади ва бу ишлар эксплуатация қилувчи кабел участкаларида бажарилади. Толали оптик алоқа линияни авария-тиклаш ишлари деганда толали оптик алоқа линияларининг махсус кўринишдаги таъмирлаш ишлари тушунилади ва унинг асосий талаби толали оптик алоқа линияни қисқа муддатларда тиклаб ишлашини таъминлаб, тезда маълум ҳажмдаги ишларни бажариш ва уларни ташкил этиш, ҳамда ташқи шароитлардан, носоз ҳолатидан ҳамда вақтинчалик ишловчанлик қобилятини таъминлаб беришдан иборат.

Авария ҳолатида шикастланган толали оптик алоқа линияни қайта тиклаш жараёнида қуйидаги ишлар бажарилади:

- толали оптик алоқа линияни вақтинчалик схема бўйича ишлашини ва кейинчалик ўзгармас ҳолатда ишлаб ўз ҳолатини ўзгартириб беришни таъминлаш;

- толали оптик алоқа линияни ўзгармас ҳолатда ишловчи схемага қайта тиклашни ташкил этиш.

Толали оптик алоқа линияни вақтинчалик схема бўйича қайта тиклаш ишлари ҳамма ҳолатларда ташкил этилиб, унда ўзгармас схема ҳолатидан қайта тиклашнинг кутилаётган вақти ўрнатилган меъёрий вақтдан ошиб кетади.

Толали оптик алоқа линиянинг ўзгармас схема бўйича қайта тиклашда қуйидаги ишлар ташкил этилади:

- вақтинчалик қайта тиклаш схемасини ишлатиб бўлгандан сўнг ўзгармас схемага ўтказиш;

- баъзи бир ҳолатларда толали оптик кабелнинг бир жойи шикастланганда толали оптик алоқа линияни қайта тиклашнинг меъёрий вақти вақтинчалик қайта тиклаш схема олдиндан қўлланган ҳолда бажарилиши мумкин.

Узатиш линияларида авария - қайта тиклаш ишларини ташкиллаштиришда асосий талаблар қуйидагилар учун қўйилади:

-максимал равишда механизация воситаларини қўллаш ва максимал равишда бир вақтнинг ўзида турли хил ишларни ва операцияларни бирлаштирилган ҳолда бажариш;

-иложи бориша бир вақтнинг ўзида таъмирлаш ишлари бажариладиган жойга механизация воситаларини ва таъмирлаш бригадаларини етказиб бориш;

-толали оптик алоқа линиянинг авария бўлган жойига техник воситалар ва хизмат кўрсатувчи техник шахсларни тезда бир жойга йиғишни таъминлаб бериш.

Толали оптикалоқа линиядаги авария ишлари махсус ўқитилиб тайёрланган бригадалар ёрдамида бартараф этилади. Авария ишларини бартараф этишда махсус жиҳозланган мобил лаборатория қўлланиб, у ўз навбатида вақтинчалик уланувчи оптик кабел бўлаклари, ўлчов асбоблари, асбоб-ускуналар, керак бўладиган воситалар билан жамланган бўлиши керак.

Толали оптик алоқа линияни қайта тиклаш учун кўрсатиб ўтилган усулларни турли хил усуллар ёрдамида ётқизилган ёки турли хил усуллар ёрдамида осилган оптик кабеллар асосида қурилган линиялар учун таълуққидир. Толали оптик алоқа линиясини электр узатиш линия симёғочларига, электрлаштирилган темир йўлларнинг контакт тармоқларига, шаҳар электр транспорт ва шаҳар ёритиш бошқарма симёғочларига осилган оптик кабелли линияларда авария-тиклаш ишларини бажаришда бундай тармоқларга хизмат кўрсатувчи бригадалар жалб этилади.

Авария-тиклаш ишларининг босқичлари, турли операциялар ҳамда кетма-кетлиги ва ҳисобланган муддатлари технологик хариталар томонидан ҳисобга олинади. Одатда технологик хариталар ҳар бир толали оптик алоқа линиялар учун кабел тури, толали оптик алоқа линиялари трассаси, йил вақтини эътиборга олган ҳолда бажариладиган ҳар қандай иш кўринишлари ва авария ишларини бартараф этиш жараёнлари асосида ишлаб чиқарилади ва технологик хариталар эксплуатация қилувчи корхона раҳбари томонидан тасдиқланади.

Толали оптик алоқа линияни қайта тиклаш вақти минимал бўлиб тармоқ кўрсатмаларида кўрсатилган муддатлардан ортиқ бўлмаслиги керак. “Ўзбектелеком” АЖ нинг толали оптик алоқа линияси учун кўрсатилган тиклаш вақти 10 соатдан ошиб кетмаслиги керак.

### **6.3 Толали оптик алоқа линияларда кабелнинг қўшимча қурилмаларининг қўлланилиши.**

Толали оптик алоқа линияда оптик кабелнинг ишловчанлик қобилиятини қайта тиклаш ишлари кабелнинг қўшимча қурилмалари ёрдамида бажарилади. Кабелнинг қўшимча қурилмасининг қўлланиш жойи ва туркумланиши RN 45.180-2001 раҳбарий хужжат бўйича аниқланади, улар қуйидагидан иборат:

1. Оптик кабел қўшимча қурилмаси қуйидагиларга бўлинади:

-доимий оптик кабел қўшимча қурилмаси - толали оптик алоқа линиянинг доимий равишда ишлаши учун қайта тиклаш схемаси бўйича ташкил этиш учун қўлланилади;

-вақтинчалик оптик кабел қўшимча қурилмаси - толали оптик алоқа линиянинг вақтинчалик ишлаши учун қайта тиклаш схемаси бўйича ташкил этиш учун қўлланилади.

2.Вақтинчалик оптик кабел қўшимча қурилмаси ўз навбатида қуйидагиларга бўлинади:

-бир элементли вақтинчалик оптик кабел қўшимча қурилмаси - кичик механик шикастланган оптик кабеллар учун қўлланиб, кабелнинг шикастланган жойини визуал равишда аниқланадиган ҳолатларда қўлланади, бундай ҳолатда доимий оптик кабел қўшимча қурилмасининг монтаж жараёни меъёрий муддатларда бажариб бўлмайди;

3. Кўп элементли вақтинчалик оптик кабел қўшимча қурилмаси, у қуйидаги вақтларда қўлланилиши мумкин:

-кабелнинг шикастланган жойи кичик ва кўринмайдиган характерга эга бўлиб, уни визуал равишда шикастланган жойини аниқлаш вақтини аниқлаб бўлмайдиган ҳамда, у ўз навбатида оптик кабелни доимий ишловчи схема бўйича тиклашнинг меъёрий вақти аварияни бартараф этиш вақт меъёридан анча юқори;


-шикастланган оптик тола маълум бир узунликга эга бўлиб, битта ёки бир нечта қўшни қурилиш узунликларда бир нечта шикастланишлар бўлиши мумкин.

Доимий ишловчи оптик кабелнинг қўшимча қурилмаси учун қўлланивчи кабел тури шикастланган кабел русуми ва сифими сингари бўлиши керак. Доимий оптик кабел қўшимча қурилмасининг линия узунлиги ётқизилган оптик кабел усули бўйича аниқланади, ерга ётқизилган оптик кабел учун унинг узунлиги 50 метрдан кам бўлмаслиги керак бўлса, симёғочларга осилувчи кабеллар учун эса унинг узунлиги иккита таянчлар (симёғочлар) орасидаги масофа узунлигига қўшимча равишда муфта монтажи учун зарур бўлган захира узунликда бўлиши лозим.


Бир элементли доимий оптик кабел қўшимча қурилмаси ушбу линия учун қўлланивчи эксплуатацион захира учун қўлланивчи оптик кабелнинг бир бўлаги кўринишида бўлиб, унинг охир учлари монтаж қилиш учун тайёрланган бўлади ёки кичик ўлчамли махсус оптик кабел кўринишида тайёрланади. Жуда ҳам узун бўлган оптик кабелнинг шикастланган линия участкасида вақтинчалик оптик кабел қўшимча қурилмасини қўллаш мумкин бўлиб, унинг узунлиги линия оптик кабелнинг қурилиш узунлигига қадар боради. Шикастланган кабел толаларини бир-бири билан улаш учун ва бир элементли вақтинчалик оптик кабел қўшимча қурилмасида толаларни бир-бири билан улаш учун механик улагичлар ёки пайвандлаб улаш ёрдамида бажарилади.

Кўп элементли вақтинчалик оптик кабел қўшимча қурилмаси линия оптик кабелнинг узундан-узун бўлган участкаларини оператив (зудлик

билан) равишда улаш учун қўлланади. Уларнинг конструктив авзаллиги шундай бўлиши керакки, уларда қўлланувчи оптик кабелни қўл кучи ёрдамида ёйиб чиқиш осон бўлиши керак. Кўп элементли вақтинчалик оптик кабел қўшимча қурилмаси ҳар бири иккитадан саккизтагача оптик толалардан ва ҳар бирининг узунлиги 800 метрдан 1000 метргача бўлган кабеллар жамланмасидан иборат бўлиб, бундай оптик кабел қўшимча кабел қурилмаси бир-биридан фарқланиши оптик кабел бўлақларининг уланиш усули билан ва вақтинчалик оптик кабел қўшимча қурилмасини шикастланган оптик кабелга улаш усули билан фарқланади. Бундай уланишлар оптик толаларни бир-бири билан пайвандлаб улаш, механик улагичлар ёрдамида (6.2-расм) ёки оптик ажралувчи улагичлар ёрдамида уланади(6.3-расм).



6.2-расм. Кўп элементли вақтинчалик оптик кабел қўшимча қурилмасининг механик улагичлар ёрдамида уланиши.



6.3-расм. Кўп элементли вақтинчалик оптик кабел қўшимча қурилмасини оптик ажралувчи улагич ёрдамида уланиш схемаси.

#### **6.4. Толали оптик алоқа линиясини вақтинчалик ва доимий схема бўйича қайта тиклаш**

**Вақтинчалик схема** -Толали оптик алоқа линиянинг кабелни ҳар қандай ётқизилиш усулига қарамай унинг ишловчанлигини қайта тиклаш учун қуйида келтирилган ташкилий-техник тадбирлар ўтказилади, булар:

-шикастланган элементар кабел участкани аниқлаш;

-шикастланган кабел участкасига авария-тиклаш бригадасини йиғиб шикастланган жойга чиқиш;

-оптик кабелнинг шикастланган жойини тезда аниқлаш;

-шикастланган оптик кабелни вақтинчалик оптик кабел қўшимча қурилмаси билан монтаж ишларига тайёрлаш (оптик кабелнинг шикастланган жойида котлован қавлаш, муфтани жойлаштириш, оптик кабелни таянчдан ёки симёғочдан тушириш, оптик кабел охири учларини монтаж қилиш учун ажратиш);

-кўп элементли вақтинчалик оптик кабел қўшимча қурилмасини ёйиб чиқиш (оптик кабелни ётқизиш, маҳкамлаш, симёғочга осиб, кўп элементли вақтинчалик оптик кабел қўшимча қурилма элементларини улаш);

-кўп элементли вақтинчалик оптик кабел қўшимча қурилмасининг монтажи (кўп элементли вақтинчалик оптик кабел қўшимча қурилмасининг кабел толаларини муфта ичидаги линия кабел толаларига улаш);


-кўп элементли вақтинчалик оптик кабел қўшимча қурилмасининг оптик параметрларини ва кўп элементли вақтинчалик оптик кабел қўшимча қурилмасини регенерация участкасида ташкил этиш жараёнида оптик параметрларнинг назорат ўлчов ишлари;

-кўп элементли вақтинчалик оптик кабел қўшимча қурилмасининг кўриқлаш ишларини ташкил этиш.

Толали оптик алоқа линиядаги таянчларга ёки симёғочларга осилган оптик кабелни тиклаш учун кўп элементли вақтинчалик оптик кабел қўшимча қурилмасини қўллаш схемаси 6.4-расмда келтирилган.

**Доимий схема** - Шикастланган толали оптик алоқа линияни доимий схема бўйича қайта тиклаш ишлари вақтинчалик схема бўйича қайта тиклаш ишларини бажариб бўлгандан сўнг ва кўринувчи кичик битта жойи шикастланган оптик кабелларда толали оптик алоқа линияларни қайта тиклашнинг меъёрий вақти вақтинчалик схема бўйича қайта тиклаш ишларини ташкил этмаган ҳолда бажарилади, аммо бу ишлар ўзгармас оптик кабел қўшимча қурилмасисиз бажарилади.


Толали оптик алоқа линиянинг сифатли ишлаши учун доимий оптик кабел қўшимча қурилмаси учун қўлланувчи оптик кабел тури ва унинг оптик толалар сони қайта тикланувчи оптик кабелли алоқа линиясидаги кабел ичидаги оптик толалар тури ва толалар сони билан бир хил бўлиши керак. Қурилиш узунлигидаги оптик кабелни ётқизишдан аввал доимий оптик кабел қўшимча қурилмаси учун қўлланувчи оптик кабел кириш назоратидан ўтказилиши керак.



6.4-расм. Толали – оптик алоқа линияни қайта тиклаш учун бир элементли вақтинчалик оптик кабел қўшимча қурилмасини қўллаш схемаси.


Доимий оптик кабел қўшимча қурилмасини уланиш жойини аниқлаш учун шикастланган оптик кабелнинг шароити ва характериға боғлиқ ҳолда бажарилади. Бундай ҳолда доимий оптик кабел қўшимча қурилмасини қўйида келтирилган вариантлар бўйича уланади:

-линия оптик кабелнинг қурилиш узунлигига доимий оптик кабел қўшимча қурилмасини кесиб улаш йўли билан бажарилиб, унда умумий муфталар сони иккитага ошиб боради (6.5-расм).




6.5-расм. Доимий оптик кабел қўшимча қурилмасини линия кабелнинг қурилиш узунлигига кесиб улаш варианты.

-оптик кабелларнинг қурилиш узунликларини бир-бири билан уланган жойига доимий оптик кабел қўшимча қурилмасини кесиб улаш усули билан бажарилиб, унда умумий муфталар сони биттага ошиб боради (6.6-расм).



6.6-расм. Доимий оптик кабел қўшимча қурилмасини қурилиш узунликлари уланадиган жойга уланиш варианты.

-бутун қурилиш узунлиқдаги оптик кабелни бутунлай алмаштириш йўли билан бажарилади, бунда умумий муфталар сони ўзгармайди (6.7-расм).



6.7-расм. Доимий оптик кабел қўшимча қурилмасини бутун қурилиш узунлигини алмаштириш йўли билан улаш варианты.

Доимий оптик кабел қўшимча қурилмасини монтаж ишларидан аввал қуйидаги ишлар бажарилади:

-доимий оптик кабел қўшимча қурилмасини олдиндан тайёрланган траншеяга, кабел ётқизгич ёрдамида, канализацияга ёки осиш йўли билан ётқизилади;

-муфта ва захира оптик кабел узунлигини жойлаштириладиган жой тайёрланади;

-оптик кабел охир учларини оптик муфта ичига киритилиб оптик кабел охир учлари ажратилади.

Доимий оптик кабел қўшимча қурилмасини линия оптик кабел билан монтаж қилиш ишларини оптик толаларни муфта ичига бир-бири билан пайвандлаб уланиш ишлари бир вақтнинг ўзида иккита бригада ёрдамида

бажарилади. Монтаж ишларини бажаришдан аввал лозим бўладиган хизмат алоқаси ташкил этилади. Оптик толаларни бир-бири билан пайвандлаб улангандан сўнг рефлектометр ёрдамида сўниш қийматининг назорат ўлчов ишлари бажарилади. Монтаж қилиб бўлингандан сўнг муфтлар герметизация қилинади, уларга паспорт тайёрланади ва қайта тикланган толали оптик алоқа линия эксплуатацияга топширилади.

## ХУЛОСА

Охирги пайтларда толали оптик тармоқлар ва турли қўлланиш тизимларида толали оптик алоқа линияларини қурилиш ишлари ва уларни эксплуатацияга топшириш ишлари кенг равишда ривожланиб бормоқда. 2010 йилга келиб бутун ер кўраси толали оптик алоқа кабеллари билан ўралиб кетган ва улар асосида глобал маълумотлар тармоғи яратилган.

XXI аср бошига келиб толали оптик узатиш тизимларининг техник томондан ривожланиб бориши биринчи навбатда янгидан янги бўлган ишлаб чиқариш ва маълумотлар технологиясини ҳаётга қўллаган ҳолда бормоқда, уларнинг иқтисодлиги, ишончилиги ва потенциал хусусиятларига боғлиқдир. Бугунги кунда оптик кабелларга тенг бўладиган альтернатив йўналтирувчи узатиш тизимлар ишлаб чиқилмаган, шу асосда яқин ўн йиллар мобайнида оптик кабеллар асосий йўналтирувчи узатиш тизими бўлиб қолади. Чунки улар жуда ҳам катта ўтказиш қобилиятига эга бўлганлиги учун уларнинг хизмат кўрсатиш муддати даврида толали оптик узатиш тизимининг линия трактларининг модернизацияси учун кўшимча харажатларсиз маълумотлар алмашинуви тезлигини ва ҳажмини бир неча баробарга ошириш мумкин бўлади.

Шунинг учун толали оптик узатиш тизимларини яқин орада асосий йўналишлари узатилувчи маълумотлар ҳажмини кескин равишда ош ириш хисобланади. Бунда янги турдаги дисперсияси кичрайтирилган оптик толалар ишлаб чиқарилиши, янги оптик кучайтиргичлар ишлаб чиқариш хисобига эришилади. Бундан ташқари оптик кабеллар асосида тўлиқ оптик коммутация элементлари, оптик регенераторлар ва солитонлар ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозирги пайтда абонент фойдалана олувчи тармоқларда FTTx ва тўлиқ оптик PON технологиялари асосида кўплаб ишлар олиб борилмоқда. Бу билан тўлиқ оптик “терабитли” толали оптик узатиш тизимлари яратилиб қайта тадбиқ этилади.

## Назорат саволлари

1. Толали оптик узатиш тармоғининг техник эксплуатацияси деганда нима тушунилади?
2. Техник хизмат кўрсатишнинг асосий вазифалари?
3. Эксплуатацион техник ҳужжатлар таркиби нимадан иборат?
4. Техник эксплуатациянинг асосий мақсади?
5. Техник хизмат кўрсатиш усуллари?
6. Қурилиш ишлари жараёнида бажариладиган ўлчов ишлари.

7. Эксплуатация жараёнида қўлланувчи ўлчов асбоблари.
  8. Толали оптик алоқа линияларида авария-тиклаш ишлари?
  9. Толали оптик алоқа линияларида қўлланувчи кабел қўшимча қурилмалар?
  10. Вақтинчалик опти кабел қўшимча қурилмасини механик улагичлар ёрдамида уланишни тушунтириб беринг.
  11. Вақтинчалик оптик кабел қўшимча қурилмасини оптик ажралувчи улагич ёрдамида уланишни тушунтириб бериш.
  12. Симёғочларга осилган оптик кабел учун қўшимча қурилмаси уланишни тушунтириб беринг.
- Толали оптик алоқа линиясини доимий схема бўйича қайта тиклаш ишларини тушунтириб беринг.

## 7. ТАРМОҚЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

### 7.1. Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқлари.

Ҳар бир давлатнинг гармоник ривожланиши учун, мамлакатни ишончли халқаро, шаҳарлараро ва маҳаллий алоқа каналлари билан таъминлаш масалалари, биринчи даражали аҳамиятга эгаллиги шубҳасиздир. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган 1991 йилдан бошлаб, мустақил давлатнинг талабларидан келиб чиқиб, алоқа тизимини ривожлантириш соҳасида биринчи ўринга, телекоммуникация тармоқларини тубдан яхшилаш ва ривожлантириш масалалари чиқди.

Мустақилликкача Республикада ҳамма магистрал ва зона ичи тармоқлар мис симли кабеллар ва хаво алоқа линиялари асосида ташкил этилган эди. Шаҳарлараро телефон станциялари эскирган конструкцияларда, аксарият холларда декада-одимловчи, координата ва квазиэлектрон базаларда ташкил этилган эди. Ўша пайтда, Республикада ягона, 2267 каналли АХЕ-10 русумли электрон шаҳарлараро телефон станция Тошкент шаҳрида ишлаб турган эди. Республиканинг халқаро алоқаси эса, автоматик алоқа ва каналлар сони чекланган, Москва халқаро станцияси орқали ташкил этилган эди. Йўлдошли алоқа 1980 йилда фойдаланишга топширилган “Азимут” йўлдошли алоқа станцияси орқали амалга оширилган эди, у Москвадан телевизион эшиттиришнинг иккита дастурини, радио эшиттиришнинг ўн та дастурини ва тўқсонга телефон каналини қабул қилишни таъминлар эди. Республика маҳаллий телефон тармоқларида маънавий эскирган, узок муддатли фойдаланилган, аналог координатали ва декада-одимловчи станциялар ишлаб турар эди.

Бу шароитларда Ўзбекистон Ҳукумати Республика телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш асосий йўналишлари сифатида қуйидаги биринчи даражали масалаларни белгилади:

- халқаро тармоқларга мустақил чиқишни таъминлаш;
- Республика рақамли магистрал транспорт тармоғини ташкил этиш;
- шаҳарлараро станцияларни рақамлаштириш ва халқаро коммутация марказларини ташкил этиш;
- рақамлаштириш даражасини ошириш ва маҳаллий телефон тармоқларини ривожлантириш;
- телекоммуникацион хизматларнинг янги турларини жорий этиш.

Қўйилган масалалардан келиб чиқиб Республикада телекоммуникация тармоқларини тубдан реконструкциялаш ва модернизациялаш бошланди. Биринчи навбатда бу ўзгаришлар халқаро телекоммуникация тармоқларига тегишли бўлди.

**Халқаро телекоммуникация тармоқлари.** Мустақил алоқа тизимини қуриш учун 1991 йилнинг ўзидаёқ Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати “Интелсат” тизимининг Халқаро йўлдошли алоқа станциясини ва сифими 810 каналли NEAX-61 халқаро коммутацион станцияни қуришга молиявий ёрдам кўрсатди. Биринчи навбатда Японияга 20 та канал ташкил қилинди. Бундан ташқари, Туркия Ҳукумати томонидан IBS русумидаги йўлдошли алоқа

станцияси тортиқ қилинди, бу станция орқали Туркияга 30 та йўлдошли канал ташкил қилинди. Бу эса Ўзбекистон Республикасини халқаро телекоммуникация тармоқларига мустақил чиқиш имкониятини таъминлади.

Халқаро алоқани ривожлантириш борасидаги кейинги йирик қадам 1995 йил Тошкент шаҳрида 4270 портли EWSD русумли халқаро/шаҳарлараро рақамли коммутацион станцияни қуриш бўлди, 2001 йил қайта жихозланиш натижасида унинг сифими 4 марта оширилди ва портлар сони 16659 га етказилди. Ушбу лойихани амалга ошириш натижасида, қисқа муддатларда 12 та йўналишларда бевосита халқаро каналлар ташкил қилинди, улар: Япония, Германия, Туркия, Буюкбритания, АҚШ, Франция, Хиндистон, Исроил, Италия, Корея, Сингапур, Покистон давлатларидир.

**Халқаро ва зонаичителекоммуникация тармоқлари.** Республика рақамли магистрал транспорт тармоғини яратиш 1995-1997 йиллар транс-азия-европа оптик толали алоқа линияси (ТАЕ ВОЛС) нинг миллий сегментини қуришдан бошланди, у эса узунлиги 830 км дан ортиқ магистрал ОТАЛ ни фойдаланишга жорий этишни таъминлади. Магистрал тармоқнинг кейинчалик рақамлаштирилиши Япония кредити ҳисобига амалга оширилган ОЕСФ-1 лойихаси рамакисида 1995-2000 йилларда давом эттирилди. Лойихани амалга оширилиши натижасида узунлиги 1028 км бўлган РРЛ (радио реле линияси), узунлиги 1080км бўлган зона ичи ОТАЛ фойдаланишга топширилди, рақамли оқимлар ҳамма вилоят марказлари ва 39 туман марказлари ва ажратилган шаҳарларга етказилди, шунингдек умумий сифими 24161 портли 4та рақамли ШАТС фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, 1999-2001 йиллар қурилган Тошкент - Бухоро РРЛси ТАЕ ВОЛСнинг Ўзбекистон сегментини резервлашни таъминлади.

2001 йил Корея Республикаси Хукумати кредити ҳисобига Андижон ва Фарғона вилоятларида EDCF лойихаси амалга оширилди, лойиха доирасида Андижон ва Фарғона вилоятлари зона ичи телекоммуникация тармоқларининг реконструкцияси амалга оширилди. Бу лойихани амалга ошириш натижасида узунлиги 354км бўлган зона ичи оптик толали алоқа линияси қурилди, рақамли оқимлар Андижон вилоятининг саккизта туманига ва Фарғона вилоятининг олтита туманига етказишди, умумий сифими 46 минг номерли коммутацион ускуналар ўрнатилди.

1992-2001 йилларда Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқларини реконструкциялаш ва модернизациялаш юқори ўтказувчанлик қобилиятига эга рақамли синхрон иерархиялар технологиялари базасида юқори ишончли ва юқори яшовчан транспорт тармоғини яратиш ва нафақат анъанавий хизматларни янада ривожлантиришдан ташқари, телекоммуникациялар бозорига замонавий хизматларни жорий этишни таъминлаш, шунингдек сотали алоқа, маълумотлар узатиш ва Интернет хизматларини тақдим этиш учун инфраструктурани янада ривожлантириш имконини берди.

Телекоммуникация тармоқларини реконструкциялаш ва ривожлантириш лойихаларини амалга ошириш натижасида 1992-2001 йиллар

мобайнида “Ўзбектелеком” АК си тармоқланган магистрал ва зона ичи алоқа линиялари тармоқларини курди, улардан:

- 38,4 % оптик толали кабелда;
- 28,28 % радиореле линияларида;
- 32,7 % мис симли кабелда

ва фақат 0,62 % хаво алоқа линияларида курилди.

Ўзбекистон Республикасининг ҳамма вилоят марказларига ва 47 туман марказларига рақамли оқимлар етказилди. Магистрал телефон каналларининг узунлиги 10506,9 минг канал км га етказилди, жумладан рақамли узатиш тизимлари орқали ташкил этилганлар 7876,3минг канал км га етказилди, бу эса 74,9% ташкил этади.

Зона ичи телефон каналларининг узунлиги 1349,1 минг канал км га етказилди, жумладан рақамли узатиш тизимлари орқали ташкил этилганлар 500,5минг канал км га етказилди, бу эса 37,0 % ташкил этади.

Халқаро ва шаҳарлараро алоқа коммутацион ускуналарининг монтажланган сифими 63569 портга етказилди, улардан 55449 порт рақамли коммутация тизимларида ташкил этилган. Тошкент шаҳрида ва 10 та вилоят марказларида рақамли ШАТСлар ўрнатилган. ШАТСларни рақамлаштириш даражаси 87.5% етди, шаҳарлараро автоматик телефон алоқага 178 туман марказлари ва вилоят (республика) микёсидаги шаҳарлар эга, бу эса умумий соннинг 94.18% ташкил этади.

Республика транспорт тармоғини кейинчалик рақамлаштириш Япония ташқи иқтисодий ҳамкорлик банки кредити ҳисобига JBIC (OECF-2) лойихаси рамкасида амалга оширилди. Лойихада Фарғона водийининг учта вилоятини халқалаштириш, Тошкент, Қашқадарё, Самарқанд вилоятлари зона ичи телекоммуникация тармоқларини халқалаштириш, Бухоро-Навоий-Зарафшон-Учқудуқ-Нукус оптик толали алоқа линияси (ОТАЛ) орқали Бухоро-Нукус участкада ОТАЛни резервлаш, шунингдек ЎзР бирламчи (транспорт) тармоғи учун бошқариш секциясини яратиш кўзда тутилган. Ушбу лойиха рамкасида 2000 км яқин магистрал, 700 км зона ичи оптик толали линиялар, 300 км радиореле алоқа линиялари, Фарғона ва Қарши шаҳарларидаги АМТСларни рақамлаштириш, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида умумий сифими 37 минг номерли рақамли АТСларни ўрнатиш, шунингдек Республиканинг тўртта шимолий регионларида CDMA-450 стандартининг симсиз кириш тизимини фойдаланишга топшириш назарда тутилган.

JBIC лойихасини амалга ошириш натижасида Фарғона водийи учта вилоятининг магистрал ва зона ичи тармоқларини тўлиқ рақамлаштириш таъминланди, ўз-ўзидан қайта тикланувчи халқавий структура базасида трактлар ва каналларни резервлаш, рақамли узатиш тизимлари (STM-1, STM-4, STM-16) қўлланилган оптик толали алоқа линияларини резервлаш таъминланди. Бундан ташқари, шаҳарлараро телефон станцияларни тўлиқ рақамлаштиришга эришилади, Республика шаҳар ва туман марказларининг 80% ортиғи рақамли транспорт тармоғини билан камраб олинади.

2008 йил давомида “Ўзбектелеком” АК ўзининг телекоммуникация тармоғини янада кенгайтириш мақсадида энг замонавий телекоммуникация курилмаларини ишлаб чиқараётган кўплаб чет эл корхоналари билан импорт шартномаларини имзолади. Буларга Хитой Халқ Республикасининг “Huawei, ZTE”, компаниялари, Германиянинг “Siemens, Alcatel” компаниялари яққол мисол бўла олади.

Тошкент-Фарғона магистралада ишлатилиб келинаётган SDH технологиясининг STM-16 сатҳидаги узатиш тизими «Huawei» компаниясининг DWDM технологияси узатиш тизими билан алмаштирилди. Прогрессив технология DWDMнинг (Dense Wavelength Division Multiplexing) имкониятлари ва афзалликлари кўпдир.

Мазкур лойиҳанинг тўлиқ, ишга тушиши натижасида Тошкент-Фарғона магистралада телефон каналларига бўлган танқислик йўқолади ва кўшимча захира каналлари пайдо бўлади. Натижада ҳозирги кунда эксплуатация қилинаётган STM-16 сатҳидаги узатиш тизими ташкил қиладиган 30240 телефон канали (2,5 Гбит/с) ўрнига, дастлабки босқичда 4 та оптик нурларни зичлаштириш асосида 120960 телефон канали (10 Гбит/с) ташкил қилинади. Магистрал каналларга бўлган талабнинг ортишига қараб кегусида оптик нурларни зичлаштириш сони ортиб боради. DWDM магистралларини қуришда юқори тезликда каналларни уловчи интерфейсларга эга бўлган DWDM мултиплексорларини қўллаш лозим. Мультиплексорларорасидагимасофа 100 километрни, регенераторлар орасидагимасофаэса500-600 километр ва унданортиқ бўлиши мумкин. МустахкамDWDMтармоқлариниқуришучунэсаAdd-Drop (OADM) мултиплексорлариқўлланилади (кириш-чиқишнитаъминловчи) вабундай оптик сатҳдагиDWDMмагистраллари (оптик сигналниэлектр сигналга ўзгартирмасдан) тарқалувчи оптик транспорт тармоғиниташкилқилишимконини беради. Ушбу технология ёрдамидабитта оптик тола орқали 2 Гбит/с.ли 10 та каналнизичлаштиришмумкин. Бунда ёруғликоқимлари турли тўлқин узунликларидаузатилади, яънибир тола бўйлабюзлабстандарт каналлар (160 тагачатўлқинузунлик)ни ташкил этишмумкин.

**Маҳаллий телекоммуникация тармоқлари.** Маҳаллий телефон алоқани муваффақиятли ривожлантириш ва рақамлаштириш даражасини ошириш учун 1991-2004 йилларда, маънавий ва физик эскирган аналог АТС ларни реконструкциялаш ва кенгайтиришни назарда тутган бир қатор лойиҳалар амалга оширилди. Аналог телефон алоқа тармоғини реконструкциялаш 1993- йил Давлатлараро келишув бўйича Кредит ҳисобига DAЕWOO Corporation (Жанубий Корея) фирмаси билан контракт рамкасида “Фарғона, Марғилон, Қўқон шаҳарларида 50 минг номерли телекоммуникация тармоқни реконструкциялаш ва кенгайтириш” лойиҳасини амалга оширишдан бошланди. Лойиҳани амалга ошириш аналог АТС ларни TDX-1В русумли рақамлм коммутация тизимлари билан алмаштириш, ривожлантириш ҳисобига АТС ларнинг монтажланган сифимини ошириш имконини берди. Фарғона вилоятида республикада

биринчи бўлиб умумий монтажланган сиғими 50 минг номерли рақамли АТСлар фойдаланишга топширилди, жумладан Фарғона шахрида – 30 минг номерли, Қўқон ва Марғилон шаҳарларида 10 минг номердан АТСлар жорий этилди. Станциялараро йўналишларда 65 км оптик толали алоқа кабеллари ётқизилди. 6330 каналли ИКМ-480/5 узатиш тизимлари ўрнатилди. 1994 йил Фарғона вилояти рақамли АТСларининг абонентлари биринчи бўлиб янги хизматларга кириш имкониятига эга бўлишди. Тармокни рақамлаштириш электралоқа тақдим этадиган хизматлар сифатини оширишга, маҳаллий сўзлашишлар нархини вақт бўйича ҳисоблашни жорий этишга имкон яратди.

Тошкент шаҳар телекоммуникация тармоғини модернизациялаш ва кенгайтириш мақсадида 1994 йил Германия KfV банки кредити ҳисобига “ALCATEL SEL AG” компанияси билан контракт бўйича “Тошкент шаҳар телекоммуникация тармоғини модернизациялаш” лойихаси амалга оширилди. Лойиха рамкасида умумий сиғими 23400 номерли маънавий эскирган аналог қурилмалар алмаштирилиб, сиғими 61208 номергача кенгайтирилди. Ушбу лойихани амалга оширилиши қуйидагиларга имконият берди:

- Тошкент шаҳар телекоммуникация тармоғининг мавжуд 23400 нафар абонентларини (АТС - 32, 33, 36, 39, 44) юқори сифатли алоқа билан таъминлаш;

- Тошкент шаҳар телефон тармоғига 37000дан ортиқ янги абонентларни улаш ва уларни юқори сифатли алоқа билан таъминлаш;

- рақамли тармоқ абонентларини қўшимча хизмат турлари билан таъминлаш;

- сўзлашишлар нархини вақт бўйича ҳисоблашни жорий этишга имкон яратиш;

- халқаро тармоққа чиқиш имконияти.

Республикада телекоммуникацияни илгариланма жадал ривожлантиришни ва уни жаҳон ахборот тизими билан чуқур интеграциялашни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг Қарори бўйича 1995 йил Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқларини 2010 йилгача реконструкциялаш ва ривожлантириш Миллий дастури қабул қилинди.

Тошкент шаҳар телефон тармоғининг бундан буён рақамлаштирилиши, 1996 йил “АО SIEMENS” компанияси билан тузилган контракт доирасида, умумий сиғими 36338 номерли EWSD русумидаги коммутацион ускуналарни олиш бўйича (поставка) амалга оширилди.

Ушбу лойихани амалга оширилиш қуйидагиларга имконият яратди:

- Тошкент шаҳар телекоммуникация тармоғининг мавжуд 20000 нафар абонентларини (АТС - 62, 91, Бектемир туман АТС) юқори сифатли алоқа билан таъминлаш;

- Тошкент шаҳар телефон тармоғига 16000 янги абонентларни улаш ва уларни юқори сифатли алоқа билан таъминлаш;

- учта тандем станциясини қуриш қуйидаги муаммоларни хал қилди: аналог тармокни рақамли тармоқ билан боғланишни; сотали алоқа

операторларини уланиши ва уларни аналог тармоқ билан сифатли боғланишни; УКС-7 сигнализациясини қўллаш транспорт халқа линиялари бўйича ахборотни юқори тезликда узатиш; рақамли тармоқ абонентларига қўшимча хизмат турларини кўрсатиш; операторларни Интернет тармоғига уланиш масалари хал қилинди.

Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш Миллий дастури бўйича 1994-1997 йиллар мобайнида декада-одимловчи АТС - 32, 33, 36, 39 (21248 абонент номерик) ва АТС-44 (10240 абонент номерик) рақамли АТС га алмаштирилди. “Alcatel” компанияси ишлаб чиқарган 1000 S – 12 турдаги ускуналар қўлланиб янги АТС-125 (10240 абонент номерли), АТС-173(10240 абонент номерли), АТС-152 (9240 абонент номерли) курилди. АТС-62/69 (18000 абонент номерли), АТС-91/99 (13892 абонент номерли) станциялар ускуналари “Siemens” компанияси ишлаб чиқарган EWSД туридаги ускуналарга алмаштирилди. Янги АТС-137 (6932 абонент номерли), АТС-195 (10014 абонент номерли), Ўрикзор массивида сифими 1832 абонент номерли, Қўйлиқ-Айланма массивида сифими 912 абонент номерли чиқарма АТС лар курилди. АТС-21/24 биносида сифими 1832 абонент номерли, АТС-170 да сифими 10000 абонент номерли “Italtel” италян фирмасининг LineaUT русумидаги ускуналари ўрнатилди. МТ-20/25 ускуналари базасида АТС-22 биносида АТС-116 дан 720 абонент номерли чиқарма АТС курилди. HUAWEI фирмасининг HONET ускуналаридан фойдаланиб Қўйлиқ-7 массивидв сифими 1024 абонент номерли АТС курилди. HUAWEI Technologies компаниясининг SDH ускуналаридан фойдаланиб 4-узел кичик халқасининг қисми курилди.

1996-1997 йиллар “Siemens” компанияси ишлаб чиқарган SDH (синхрон рақамли иерархия) ускуналари базасида Тошкент шахрида катта транспорт халқаси курилди. STM-4 русумидаги узатиш тизими оптик толали алоқа линияси қўлланган халқа ҳамма электрон АТСларни, шунингдек тугуний аналог АТСларни бирлаштирди. Бундан ташқари, “NEC” ва “Alcatel” фирмаларининг рақамли радиореле ускуналари базасида 20та йўналишга станциялараро алоқа ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг регионларида ҳам маҳаллий телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш давом этди. 1997-1999 йиллар Япония кредити хисобига ОЕСФ–1 лойихаси бўйича Бухоро, Навоий, Хоразм вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида умумий сифими 251,5 минг номерли электрон АТСлар фойдаланишга топширилди. 1999-2000 йиллар EDCF корея кредити хисобига Андижон ва Фарғона вилоятлари телекоммуникация тармоқлари ривожлантирилди ва 46 минг номерли электрон АТСлар ўрнатилди.

Шундай қилиб, 1995-2003 йиллар умумий сифими 710 минг номерли рақамли АТСлар фойдаланишга топширилди. АТС сифимларини рақамлаштириш даражаси 37% га етказилди, Бухоро, Навоий, Хоразм вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасида ва Чирчиқ шахрида эса рақамлаштириш даражаси 70-80 % га етказилди. АМТСга автоматик чиқиш

имкониятига эга АТСларнинг монтажланган сифими 1230 минг номердан (1992 й) 1768 минг номергача (2004 й) кўпайди, шу жумладан мос ҳолда, шаҳар АТСларида 1157 минг номердан 1532 минг номергача, қишлоқ АТСларида 103 минг номердан 236 минг номергача кўпайди. Маҳаллий тармоқларда 600 км дан ортиқ оптик толали алоқа кабеллари ётқизилди, улардан станциялараро алоқа ташкил этиш учун қўлланилади. Бундан ташқари симсиз радиокириш тизимлари жорий этилмоқда.

180 мингдан ортиқ рақамли АТС абонентлари рақамли АТСлар тақдим этадиган кўшимча хизмат турларидан (ДВО) фойдаланилмоқдалар.

Телекоммуникация тармоқларини реконструкциялаш ва модернизациялаш натижаси сотали алоқани, маълумотлар узатиш ва бутун жаҳон тармоғи Интернетга киришни ривожлантириш, электралоқа тақдим этадиган хизматлар сифати ва номенклатурасини сезиларли яхшилаш, маҳаллий сўзлашишлар қийматини вақт бўйича ҳисоблашни жорий этишга, айрим йўналишларни аналог линиялардан рақамлига ўтказиш ҳисобига станциялараро алоқа сифатини яхшилаш учун база яратиш имкониятини берди. Телефон тармоқларида аврия вазиятларида ўтказилаётган юкломани қайта йўналтириш ҳисобига барқарор алоқани таъминлаш учун SDH технологияларидан фойдаланиш имконияти туғилди.

Маҳаллий телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш асосий йўналишлари қуйидагилар бўлиб қолмоқда:

- аналог-рақамли тармоқдан рақамли телекоммуникация тармоқларига аста-секин бир текис ўтиш;

- ISDN хизматларини тақдим этувчи хизматлари интеграцияланган рақамли тармоқни ташкил этиш;

- туман ва тугуний АТСлардан чиқарилма концентраторларни қўллаб кириш тармоқларини ташкил этиш;

- вилоят қарамоғидаги шаҳарлар ва туман марказларида, бошқа аҳоли пунктларида телекоммуникация хизматларини (телефон, факс, электрон почта, Интернет ва бошқалар) тақдим этувчи марказларни яратиш;

- абонент кириш тармоғини ташкил этувчи истиқболли технологияларни (оптик толали, мавжуд абонент линияларида рақамли, радиокиришдан кенг фойдаланиш) жорий этиш;

- интеллектуал тармоқлар хизматлари билан бирга, телекоммуникация хизматларининг янги турларини жорий этиш.

Маҳаллий телекоммуникация тармоқларини рақамлаштириш электралоқа тармоқларининг ишлаш сифатини сезиларли даражада ошириш имкониятини берди, тармоқ абонентларига хизматларнинг янги турларини тақдим этишни таъминлади, шунингдек фойдаланувчиларнинг кенг қатламга Интернет тармоғига юқори тезликли коммутацияланувчи киришни ташкил этишга имкон яратди.

Маҳаллий телекоммуникация тармоқларини рақамлаштириш ва ривожлантиришга “Коинот” ОАЖ ўз хиссасини кўшмоқда.

**“Коинот” ОАЖ.** Республикада ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини ишлаб чиқишни ташкил этиш ва амалга ошириш “Коинот” ОАЖнинг асосий вазифасидир

“Коинот” ОАЖ фаолиятининг асосий йўналиши телекоммуникация тизимларида фойдаланиш учун мўлжалланган замонавий электрон маҳсулотларни ишланма қилиш, лойихалаш ва бевосита ишлаб чиқишдир.

2003 йилдан бошлаб “Коинот” ОАЖ қуйидаги телекоммуникация воситаларини ишлаб чиқди:

- рақамли алоқа линияси бўйича АТСлар орасида боғланиш линияларини ташкил этиш учун мўлжалланган аналог-рақамли мультимплексорлар;

- Интернет тармоғига юқори тезликда киришни таъминлаш учун фойдаланиладиган HDSL модемлар;

- E1 оқимларни ажратилган линиялар бўйича узатиш, марказий DTS ва чиқарилма станциялар орасида алоқани ташкил этиш учун қўлланиладиган E1/ HDSL модемлар;

- локал тармоқларнинг олдидаги участкаларини E1 оқими орқали бирлаштириш учун хизмат қиладиган Ethernet/E1, E1/ Ethernet конверторлари;

- “Ўзбектелеком” АК телекоммуникация тармоқларини реконструкциялаш ва ривожлантириш учун фойдаланиладиган “Фальшпол” маҳсулоти.

Булардан ташқари “Коинот” ОАЖ телекоммуникация соҳаси бирнечта тажрибавий ускуналарнинг конструкторлик хужжатларини, уларнинг тажрибавий макетларини яратган ва улар бугунги кунда эксплуатация синовларига топширилган.

Бугунги кунда жамиятнинг асосий ишлаб чиқарилмаси олислаштирилган абонент концентратори маҳсулотидир – УАК “КоинотЭл-СГМ” концентратор рақамли АТСларга EDSS ва R1.5 сигнализациялари бўйича E1 G.703 стик бўйича уланади ва битта жуфт сим бўйича 16 дан 416 гача абонентларни чиқариш имконини беради.

Шуни таъкидлаш лозимки, юқорида кўрсатилган ҳамма маҳсулотлар импортни алмаштирувчи бўлиб, Ўзбекистонда тйёрланмоқда. “Коинот” ОАЖ алоқа соҳасида телекоммуникация воситаларини тайёрловчи амалда ягона корхонадир.

**Симсиз алоқа тармогининг ривожланиши.** Телекоммуникация тармоқларининг 1991-2004 йиллардаги ривожланиши янги технологиялар ва хизматларнинг янги турларининг жадал суратда ривожланиши билан ҳамоханг бўлди.

2003 йилдан бошлаб “Ўзбектелеком” АК янги турдаги фаолиятни – CDMA-450 стандартида симсиз радиокириш хизматларини кўрсатишни ўзлаштиришни бошлади. Шу мақсадда “Ўзбектелеком” АКнинг “Ўзбектелеком Мобайл” филиали ташкил этилди, унинг асосий вазифаси Ўзбекистон Республикасида умуммиллий симсиз алоқа тизимини

ривожлантириш деб белгиланди. 2003 йилнинг ўзидаёқ Самарқанд ва Жиззах вилоятларида симсиз радиокириш алоқа тизими ишлай бошлади. 2004 йил декабрида Бухорода CDMA-450 стандарти қўлланилган, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Хоразм вилоятларининг бориш қийин бўлган туманлари аҳолисини симсиз алоқа билан таъминлаш учун, симсиз абонент кириши тармоғининг жорий этилиш тантанаси бўлди. Ушбу ишлар JBC лойихаси доирасида бажарилди.

Хозирда Ўзбекистоннинг шимолий тўртта региониди (Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Хоразм вилоятлари) умумий сифими 20000 абонентли Lucent Technologies компаниясининг 5ESS коммутатори ва 30 базавий станциялари монтажланиб фойдаланишга топширилган. Шунингдек мазкур лойихада юқорида кўрсатилган региондаги ҳамма вилоятларга 4250 стационар терминаллар ўрнатиш назарда тутилган. CDMA-450 стандартининг янги ускуналари Ўзбекистоннинг шимолий тўртта региони аҳолисига нафақат одатий телефон алоқа хизматларини кўрсатибгина қолмай, уларга маълумотлар узатиш бўйича хизматларни, жумладан Интернет тармоғига 153 кБит/сек тезликда кириш имконини берди.

Телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш замонавий босқичида биринчи ўринга маълумотларни узатиш бўйича хизматларни ривожлантириш, жумладан жаҳон тармоғи Интернет ресурсларига сифатли кириш чиқмоқда.

“Ўзбектелеком Мобайл” филиали бугунги кунда миждозларга CDMA-450 стандартидаги симсиз алоқа хизматларини тақдим этиб келаяпти. Ушбу филиал миждозлари сонини кескин ошириш, алоқа сифатини янада яхшилаш ва тармоқни ривожлантириш мақсадида 2008 йилда Хитой Халқ, Республикасининг «ZTE» корпорацияси ва Германиянинг «Alcatel Shanhay Bell» компанияси билан кўплаб шартномалар имзолади. Мазкур импорт шартномалари асосида «ZTE» корпорациясидан CDMA-450 стандартидаги мобил ва турғун телефон аппаратлари олинди.

«Alcatel Shanhay Beli» компанияси билан тузилган импорт шартномалари асосида филиалга 40дан ортиқ, CDMA-450 стандартидаги база станциялари келтирилиши режалаштирилган. Ушбу база станцияларини абонентлар зич жойлашган ҳамда тармоқ, яхши камраб олмаган худудларга жойлаштириш натижасида алоқа сифати кескин ортади ҳамда хизмат доираси кенгаяди.

Ўзбекистон аҳолисининг 40 % дан ортиғи сотали алоқа хизматларидан фойдаланади, ҳамма йирик операторлар ўзларининг 3G тармоқларини тестли эксплуатацияга чиқаришганини эълон қилишди.

2008 йил октябрида “Ўздунробита” (МТС савдо маркаси) Ўзбекистонда 3G тармоқни ишга туширганини эълон қилишди. МТС 2009 йилда 3G тармоқни Самарқанд, Бухоро, Хива ва Урганчда ишга туширишни режалаштирган.

2008 йил 1 октябрдан МТС абонентларининг хорижди фойдалироқ мулоқатда бўлиш имконияти пайдо бўлди. МТС нинг янги “Халқаро альтернатив кўнғироқлар” хизмати дунёнинг ҳамма континентидаги 190 дан ортиқ мамлакатларга ягона фойдали нархда – минутга \$ 0,99 кўнғироқ

қилишга имкон беради. “Халқаро альтернатив қўнғироқлар” хизматидан фойдаланиш учун учта нол ва халқаро форматда <000><телефон номери халқаро форматда> териш кифоя. Бу холда + (плюс) белгиси номердан олдин қўйилмайди.

2008 йил сентябрида COSCOM (UCell савдо маркаси) компанияси Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўзларининг 3G тармоқларини тестли эксплуатацияга чиқаришди. Яқин орада компания Бухоро ва Республиканинг бошқа шаҳарларини қамрашни режалаштирган.

Сотали оператор - Unitel (Билайн савдо маркаси) компанияси Ўзбекистонда сотали алоқа учинчи авлодининг тажрибавий тармоғини ишга тушираётганини эълон қилди.

Perfektum Mobile компанияси 2009 йил CDMA стандартли учинчи авлод сотали алоқани жорий этишни режалаштирган.

“Ўзбектелеком” АКнинг “Ўзбектелеком Мобайл” филиали 3G тармоқни 2009 йил жорий этиш режасини баён қилган, шунингдек бу компани мавжуд тармоқни модернизациялаш ва кенгайтиришни давом этмоқда.

МДХ мамлакатларида 3G – тармоқларнинг тўплами мавжуд, лекин улар бошқа CDMA-2000 стандартида ишлайдилар.

Хозирда Ўзбекистонда мобил алоқанинг бешта оператори фаолият кўрсатмоқда, жумлада: МТС (“Ўздунробита”, GSM стандарти), Unitel (Билайн савдо маркаси, GSM стандарти), COSCOM (UCell савдо маркаси, стандарт GSM), Perfektum Mobile (Rubicon Wireless Communcation, CDMA стандарти) ва “Ўзбектелеком” АКнинг “Ўзбектелеком Мобайл” филиали (Uzmobile савдо маркаси, CDMA стандарти).

Мобил алоқа тармоқларини авлодларга (Generation) ажратиш қабул қилинган, бундан 1G, 2G, 3G ва 4G аббревиатуралар келиб чиққан. Яъни ҳаракатдаги сотали алоқаларнинг биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи авлодлари ҳақида айтиш мумкин. Шунингдек ўтиш тармоқлари 2,5G, 3,5G ва ҳаттоки 4,5G тармоқлари мавжуд. Мобил алоқа авлодлари маълумотлар узатиш тезлиги, амалга оширилиши мумкин бўлган сервислар ва хизматлар билан характерланади.

**1G авлод тармоқлари.** Биринчи авлод тармоқларида товуш аналог усулда узатилади, фойдаланилган FDMA маълумотлар узатиш тезлиги камлиги сабабли, 3 Кбит/с дан кўп эмас, фақат телефония функциясини бажаришга қодирдир. Биринчи авлод тармоқларининг шубҳасиз хизмати – абонентлар бир-бирлари билан гаплаша олганлиги. 1984-йил ишга туширилган бу тизим 9,6 Кбит/с маълумотлар узатиш имконига эга эди.

**2G авлод тармоқлари.** Иккинчи авлод тармоқларида товуш рақамлашган холда узатилади, бунда тармоқ ишончилиги ортади, узатиш тезлиги 14,4 Кбит/с кўпаяди ва кичик ҳажмдаги матнлар, SMS узатилади. Фойдаланишга 1991 йил чиқарилган. Сервислари телефон (товушни рақамли узатиш), қисқа SMS узатиш/қабул қилиш, ўйинлар, 9,6 Кбит/с дан 14,4 Кбит/с гача тезликда маълумотлар узатиш, WAP протоколи бўйича Интернет тармоғига кириш.

**2,5G авлод тармоқлари.** Бу авлод тармоқлари оралиқ стандарт бўлиб, узатиш тезлиги оширилган. Иккинчи авлодни Интернетга симсиз кириш билан таъминлайди: GPRS ва унинг эволюцияси EDGE. Улар графикани ва оқимий видеони узатади. Фойдаланишга 1999 йил топширилган. Сервислари: телефон (товушни рақамли узатиш), узун SMS узатиш/қабул қилиш, товушларни, расмларни узатиш/қабул қилиш, факслар узатиш/қабул қилиш, товуш почтаси, Интернет, радио/MP3-плеер, караоке, 30та ўйин, 57,6 Кбит/с дан 153,6 Кбит/с гача тезликда маълумотлар узатиш.

**3G авлод тармоқлари.** Учинчи авлод тармоқлари мобил алоқанинг бир нечта стандартини билдириб, бир қатор фарқли белгиларни кўрсатади. Фойдаланишга 2002 йил топширилган. Сервислари: телефон (товушни рақамли узатиш), видеотелефон, электрон хабарларни узатиш/қабул қилиш, товушларни, расмларни узатиш/қабул қилиш, факслар узатиш/қабул қилиш, товуш почтаси, видеопочта, Интернетга юқори тезликли кириш, радио/MP3-плеер, караоке, мультимедиа, ТВ ва видеоплеер, 144 Кбит/с дан 2 Мбит/с гача тезликда маълумотлар узатиш.

**4G авлод тармоқлари.** Тўртинчи авлод тармоқлари учинчидан асосан маълумотлар узатиш тезликлари билан фарқланади. Тўртинчи авлоднинг тизим ва стандартлари ҳозирда ишланмада, тахминий амалга оширилиши 2009 йил.

3G тармоқларининг ривожланиши мультимедиа контентини юқори тезликда юклатиши, электрон почта, файлли иловалар, он-лайн ўйинлар билан ишлаш қулайлиги сабабли маълумотлар алмашилиши бўйича хизматлар ва сервислардан фойдаланиш сифати ва қулайлигини абонентлар учун сезиларли яхшилади.

Мобил алоқа учинчи авлоди технологияси – бу мулоқатга ва ахборотга киришнинг кардинал янги технологиясидир. Абонент ўз суҳбатдоши билан нафақат гаплашади, балки уни мобил тармоққа телефон ёки махсус сим-карта ёрдамида уланган видеотелефон ёки ноутбук ёрдамида кўриши, Интернет тармоғи бўйича саёхат қилиши ва интернет- киришнинг ҳамма афзалликлардан фойдаланиши мумкин.

**Маълумотлар узатиш тармоқлари.** “Ўзбектелеком” АК ҳозирда маълумотларни узатиш бўйича кенг спектрли хизматларни, Интернет хизматларини тақдим этмоқда ва Республикада хусусий ва ягона рақамли транспорт тармоққа эгадир. 1997-1999 йиллар қурилган рақамли магистрал телекоммуникация тармоғи Тошкент, Нукус шаҳарлари ва Республика вилоят марказлари орасида юқори тезликли маълумотлар узатиш каналларини (64 кБит/сек дан 2048 кБит/сек гача) ташкил этишга имконият берди. Қувватли транспорт тармоғининг мавжудлиги, бирламчи ва иккиламчи тармоқларга эгалик “Ўзбектелеком” АКга фойдаланувчилар кенг оммасига маълумотлар узатиш тармоғининг хизматларини, Интернет ва унинг иловалари бўйича хизмат кўрсатишга имконият берди.

Маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини ривожлантириш кетма-кетлигини қуйидагича тавсифлаш мумкин:

- провайдерлар тармоқларини яратиш бўйича хизматлар;

- глобал Интернет тармоғи билан боғланиш хизматлари;
- амалий (электрон тижорат, телемедицина, телемаркетинг) хизматлар;
- жамоа (реклама, маълумотнома, дастурий махсулотлар, бизнес, ўйинлар ва бошқалар) хизматлари;
- молиявий хизматлар;
- тармоқ бўйича электрон савдо хизматлари.

Маълумотлар узатиш воситаларининг ва ҳар хил турлардаги тармоқларда товуш трафиғи ва видеоларни қайта ўзгартириш форматлари технологияларининг бундан буён ривожлантирилиши тақдим этилаётган хизматлар турларини, жумладан Интернет хизматларини сезиларли оширишга имконият туғдирди.

Хозирги вақтда маълумотлар узатиш тармоғини, “UzNet” ва “ТШТТ” филиаллар тармоқлари билан биргаликда, ривожлантириш ва кенгайтириш бўйича сезиларли ишлар олиб борилмоқда.

“UzNet” филиали томонидан тузилган маълумотлар узатиш тармоғи ҳамма вилоят марказларига ва айрим туман марказларига етказилган ва тармоқни ҳамма туман марказларига етказиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Бундан ташқари Тошкент шаҳрида марказий узелда ташқи канал имкониятини ошириш учун маълумотлар узатиш транспорт тармоғини Е1 дан GE гача кенгайтириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Ахборот алмашилишини ва Интернет тармоққа чиқишни таъминловчи, Республика вазирликлари ва идоралари, бир қатор Республикадаги халқаро ташкилотлар ва ваколатхоналар фойдаланувчиларига Веб-хостинг бўйича хизматларни тақдим этувчи идоралараро компьютер тармоғи ўзининг кейинги ривожланишини топмоқда.

Маълумотлар узатиш тармоқлари қўлланган энг янги хизматлар видео конференцияларни ташкил этиш бўйича хизматлардир, шунингдек Интернет протоколларни қўллаб Ўзбекистон Республикасининг ҳамма аҳолисига IP-телефония хизматларини кўрсатишдир.

“Ўзбектелеком” АКнинг ТошТТС филиалида VoIP шлюзини кенгайтириш ва ТШТТ ва UzNet филиаллари базасида иккита қўшимча VoIP узелларни ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда, бу эса аввалдан тўланган универсал чипталар (карточкалар) бўйича ҳам халқаро, ҳам шаҳарлараро телефон сўзлашишлар, шунингдек Интернет тармоғига кириш хизматларини тақдим этиш имконини бермоқда.

Янги универсал чипталар аҳолининг кенг қатламига мўлжалланган, ижтимоий йўналишга эга, чунки уларнинг тарифлари кам таъминланган фойдаланувчиларга етишишлидир. Чипталар жисмоний шахсларга мўлжалланган. Республиканинг ҳамма миждозларига ушбу хизматлар тақдим этиш имкониятларини бир хиллигини таъминлаш мақсадида 2004 йилдан, сервис интеллектуал хизматлари учун тармоққа киришнинг ногеографик коди 805 жорий этилган, бу эса Ўзбекистоннинг исталган пунктдан исталган телефондан аввалдан тўланган чипта бўйича халқаро сўзлашишни амалга оширишга имкон беради. “Ўзбектелеком” АК филиалларининг чипталари универсал бўлиб, нафақат IP-телефониядан

фойдаланиб халқаро ва шаҳарлараро сўзлашишларни амалга ошириш, шунингдек Dial-Up уланишдан фойдаланиб Ўзбекистондаги исталган вилоят марказидан Интернет тармоққа кириш мумкин.

Тармоқ самарадорлигини ошириш, хизмат турларини кўпайтириш учун хар хил компаниялар бу борада ўз ечимларини таклиф этмоқдалар.

Телекоммуникациянинг тармоқларининг келажак ривожини бу тўлиқ оптик тармоқлардир.

## **7.2. Кенг полосали киришнинг ривожланиш истиқболи**

Кенг полосали киришнинг асосий турлари:

- симли кенг полосали кириш (xDSL);
- оптик кенг полосали кириш;
- симсиз кенг полосали кириш: WiMAX, WiFi, WiBro, уяли (3G).

*Симли кириш технологиялари* куйидагича тавсифланади. xDSL технологияси шаҳар телефон тармоғининг симли линияларида юқори тезликли алоқа каналлари хосил қилиш имконини беради. Бу ҳолда эришилаётган тезлик ва узатиш сифати фақат авваллари оптик толали алоқа линияларида мумкин бўлар эди. xDSL модемлар регенерацияли ёки регенерациясиз битта ёки иккита жуфтли симметрик электрик кабеллар бўйича сигналлар оқимини узатишга мўлжалланган. xDSL ларнинг куйидаги модификациялари мавжуд:

- ADSL- Asymmetric Digital Subscriber Line;
- HDSL - High-bit-rate Digital Subscriber Line;
- SDSL - Single Pair Digital Subscriber Line;
- VDSL - Very High-bit-rate DSL

*Оптик кириш технологияларини* куйидагича тавсифлаш мумкин. FTTH (Fiber To The Home). Бу термин 1990 йиллар охириги телекоммуникация “бум”и пайтида пайдо бўлган ва МДХ давлатларида “тола уйга” деб таржима қилинган. FTTH нинг ғоясида оммавий абонент ва абонент қурилмасининг арзонлигига урғу берилган. FTTH билан бирга FTTC /FTTB/ FTTP терминлар ҳам кенг қўлланилади. FTTC (Fiber To The Curb) энг кенг тарқалган маъноси, тола “узелга”ёки рақамли алоқанинг тақсимлаш узелига, ёки кабел телевидениенинг узелига деб тушунилади. FTTB(Fiber To The Building) – тола бинога. Бунинг потенциал мижозлари компаниялар провайдерлар, алоқа ва кабел телевидение операторлари. FTTB нинг хусусияти – охириланма қурилманинг арзон бўлиши шарт эмас, лекин кўпчилик фойдаланувчиларни хизмат билан таъминлаши шарт. FTTB қўлланишларининг асосий мижозлари бизнес мижозлар - алоқа операторларидир, FTTB нинг қуввати эса кўп сонли оддий абонентларга етиши керак. FTTP (Fiber To The Premises) – тола компаниялар (бизнес) мулкига. Агар компания ер участкаси, бинолар гуруҳи, омборхона, битта бино, битта офис ва бошқаларга эгалик бўлса, буларнинг ҳаммаси Premises

дейлади. Шунинг учун FTTP нинг маъноси оддий, телекоммуникация бизнесини оптик толали алоқа линиясига уланишидир.

**Симсиз кириш технологияларини** қуйидаги операторлар амалга оширади, жумладан “Ўзбектелеком” АК, “ИСТ-Телеком”, “Бузтон” ҚК, “Super iMAX” компаниялари. Симсиз кириш технологияларидан фойдаланиш маълум афзалликларга эга. Уларни қисқача кўриб чиқамиз.

**1. Wi-MAX** дан фойдаланиш афзалликлари:

- абонент комплектининг компактлиги, уни иш столига жойлаштириш мумкин;

- ускунани ўрнатиш осонлиги, ўрнатиш вақти 10-20 дақиқадан ошмайди;

- абонент қурилмасидан фойдаланишнинг осонлиги;

- базавий станциянинг бевосита кўриниши бўлмаганда ҳам ишончли алоқа бўлишлиги;

- комплекс хизматлар олиш имконияти – ускуна бир пайтнинг ўзида, сифатни пасайтирмасдан, телефония хизматларини олишни, Интернетга киришни ва корпоратив тармоқларни ташкил этишни таъминлайди;

- хизматнинг чекланган мобиллиги, яъни компания Wi-MAX тармоғи қоплаган зонасидаги исталган янги жойга кўчиб ўтганда, созланишлар сақланади ва алоқа аввалгидай ишлайди;

- инсталляцияни аренда қилинган бинонинг маъмурияти билан келишиш керак эмас;

- хизматга уланиш учун сим тортиш ёки деворларни тешиш лозим бўлмайди.

**2. Wi-Fi** дан фойдаланиш афзалликлари:

- тармоқни кабел ётқизмасдан ривожлантириш мумкинлиги, тармоқни ривожлантириш ва кенгайтириш нархини (қийматини) камайтириш мумкин. Кабель ётқизиш мумкин бўлмаган жойда, масалан бинодан ташқарида ва тарихий ахамиятга эга биноларда симсиз тармоқ хизмат кўрсатиши мумкин;

- Wi-Fi қурилмалар телекоммуникация бозорида кенг тарқалган. Хар хил ишлаб чиқарувчиларнинг қурилмалари эса сервисларнинг базавий сатҳида ўзаро боғланиши мумкин;

- Wi-Fi тармоқ роумингни қўллайди, шунинг учун мизжоз станцияси битта кириш нуқтасидан иккинчисига ўтиб, мухитда ҳаракатда бўлиши мумкин;

- Wi-Fi бу глобал стандартларнинг тўпламидир. Сотали телефонлардан фарқли равишда, Wi-Fi ускунаси дунё бўйича ҳамма мамлакатларда ишлаши мумкин.

**3. Симсиз кириш технологияси (Wi-Bro)**. Samsung компанияси Wi-MAX симсиз алоқа стандарти учун янги ечим топди ва унинг асосида уяли алоқа учун хусусий Wi-Bro (Wireless Broadband кенг полосали симсиз алоқа) стандартини ишлаб чиқди. Samsung компанияси мутахассисларининг таъкидлашича Wi-Bro нинг WiMAX қурилмалари билан мослиги сақланиб қолган, Wi-Bro адаптерлари кам энергия таъминотли бўлганлиги сабабли,


улар билан сотали телефонларни жихозлаш ва шунингдек уларни ноутбукларга жойлаштириш режалаштирилмоқда.

### **Ўзбекистонда мобил алоқанинг ривожланиш тенденциялари.**

Мамлакатимизда мобил алоқа стандартларини жорий этилиши куйидагича бўлди. 1991 йил (1G) - NMT-450 стандарти, 1994 йил (1G) - AMPS/DAMPS стандарти, 1996 йил (2G) - GSM стандарти, 2004 йил (2,5G) - CDMA-1x стандартлари (CDMA800, CDMA-450), 2009 йил (3G) - CDMA-1x-2000 (CDMA800 EV-DO Rev A, CDMA-450 EV-DO Rev A) стандарти ва (3G) - UMTS стандарти жорий этилиши режалаштирилган.

Кенг поласали киришнинг йиллар давомида ўзгариш динамикаси 7.1-расмда келтирилган. Расм тахлили “охирги миля” телекоммуникация технологияларини ривожланиш замонавий босқичида мис симлардан фойдаланишга қизиқишлар камайиб бораётганини кўрсатади. Мис линиялар ўрнига оптик толали линиялар ва симсиз (мобил (сотали) ва WiMAX симсиз кенг минтақали кириш) технологиялар кириб келяпти, улар оммавий авжигга яқин келажакда чиқиши мумкин. Мобил (сотали) абонентлар 2010-2012 йиллар авжигга етиб сўнгра камайиши мумкин.

Хозирги пайтда Ўзбекистон республикасида симсиз технологиялар, шунингдек мобил ва WiMAX симсиз кенг минтақали кириш технологиялари кенг жорий этилмоқда.



7.1-расм. Кенг поласали киришнинг йиллар давомида ўзгариш динамикаси

### **7.3. Фотон технологияси асосидаги телекоммуникациянинг оптик тармоқлари**

Кейинги ўн йилликлар телекоммуникациянинг жадал суратларда ривожланиши билан характерлидир, бу ривожланиш кўп жихатдан микроэлектроника ва материалшуносликнинг ютуқларига асосланган бўлиб, ахборотни самарали тақсимлаш, қайта ишлаш, сақлаш, шунингдек тизим ва узатиш мухитининг ўтказувчанлик қобилиятини кескин ошириш имконини берди. Замонавий телекоммуникациянинг бош хусусияти – сигналларни рақамли кўринишда узатиш ва қайта ишлашдир, бунинг назарий асосида

аналог сигнални эквивалент дискрет, яъни рақамли сигнал билан алмаштириш мумкинлиги ҳақидаги Котельников (Шеннон) назарияси ётади. Рақамлаштириш, уларни амалга ошириш имконияти бўлгунга қадар шакллантирилган илмий ғояларни жорий этиш имконини берди ва бунинг натижасида, аналог тизимларга нисбатан кенгайтирилган хизматлар спектрига эга, иқтисодий самарали рақамли алоқа тизимларини куриш имконияти туғилди.

Ҳамма телекоммуникация технологиялари, жамиятни ахборотлаштириш жараёнининг жадаллашиши сабабли, ҳажми жуда тезда ошиб бораётган ахборотларни узатиш учун юқори тезликли каналларга мухтождирлар. Бу ахборот тармоқларининг ўтказувчанлик қобилияти ва мослашувчанлиги ортиши орқали яққол намоён бўлмоқда. Битта фойдаланувчига нисбатан ҳисоблаганда ўтказиш полосаси кескин ортмоқда. Бунинг натижаси сифатида, Интернет ресурсларидан фойдаланиш кескин ортиши кузатилмоқда – баҳолашга қараганда ахборот оқимининг ўртача ҳажми дунёда битта фойдаланувчига нисбатан ҳисоблаганда йилига 8 марта ортмоқда.

Узатилаётган ахборотлар ҳажмининг бундай ортишини фақат сигналларни узатиш муҳити сифатида оптик толани жалб этиш орқали ҳал қилиш мумкин. Бу узоқ масофали телекоммуникация магистралларига, шунингдек локал ҳисоблаш тармоқларига ҳам мансубдир.

Оптик тола ҳозирги пайтда ахборотни узатиш учун энг мукамал физик муҳитдир, шунингдек етарлича олис масофага ахборотларнинг катта оқимларини узатиш учун энг истиқболли муҳит деб ҳисобланади. Толанинг афзаллиги – регенерация участкаларининг узун бўлишига имкон яратувчи сўниш ва дисперсиянинг озлиги, ахборотни катта тезликда узатиш имконини берувчи юқори тўскинбардошлик ва ўтказиш полосасининг кенглигидир.

Бугунда оптик тола амалда ахборотни узатиш билан боғлиқ бўлган ҳамма соҳада қўлланилмоқда. Агар шахсий компьютер даражасида оптик толали интерфейс симли билан эндигина яққол курашаётган бўлса, магистрал тамоқларни куришда эса оптик толанинг сўзсиз ҳокимлиги аллақачондан факт бўлиб қолган. Оптик толанинг тижорат аспекти хам унинг фойдасига гапирмоқда – тола кварцдан, яъни қум асосида тайёрланади, қумнинг захираси эса жуда кўпдир.

Ҳозирги пайтда бутун дунё бўйича алоқа хизматларининг ҳамма тақдимотчилари бир йилда бир неча ўн минг километрли оптик толали кабелларни ер остига, океанлар, денгизлар, дарёлар тубига, тоннелларга, электр узатиш линиялари бўйича ва коллекторларга ётқизмоқдалар. Жуда катта компаниялар, жумладан IBM, Lucent Technologies, Nortel, Corning, Alcoa Fujikura, Siemens, Pirelli компаниялари оптик толали технологиялар соҳасида интенсив тадқиқотлар олиб боришмоқда. Энг прогрессив технологиялар қаторида зич спектрли мультиплексирлашни DWDM (Dense Wavelength Division Multiplexing) ва нол бўлмаган аралаш дисперсияли толани TrueWave (Lucent Technologies) ёки DWDM сигнални узатиш учун махсус мўлжалланган SMF-LS (Corning) кўрсатиш мумкин.

Бу тадқиқотларнинг натижасида 1996 йилда битта толада 55та DWDM каналларини мультиплексирлашга эришилди, бунда битта каналнинг узатиш тезлиги 20 Гбит/с бўлиб, йиғинди натижасида 1,1 Тбит/с тезликка эришилди.

Хозирда мавжуд бўлган тизимлар 100 ортиқ каналларни қўллаши, натижада бир неча ўнлаб гигабит секунд ўтказувчанлик қобилиятига эга бўлиши мумкин.

Ривожланишнинг кейинги босқичи фотониканинг ривожланиши бўлди. Бу йўналишнинг имкониятлари, толанинг “сувли кирланиши”ни йўқотиш ва DWDM технологияларини қўллаш, шунингдек сигналларни регенерациялашнинг энг муҳим функцияларини ва рақамли оқимларни коммутациялашни оптик сигналларни электрик сигналларга ўзгартирмасдан бевосита оптик диапазонда амалга ошириш ҳисобига толада қўлланилаётган частота полосасини кенгайтириш ва узатиш тезлигини 300 Тбит/с гача ошириш билан боғлиқдир.

Зич мультиплексирлаш усули пайдо бўлиши билан, шунингдек трафикни шакллантириш, хизмат кўрсати ва узатиш бўйича ҳамма функцияларни бажариш имконини берадиган қурилмаларни ишлаб чиқилиши ва бу ҳол тўлиқ оптик муҳитда бўлишлиги учун оптик тармоқлар, шунингдек улар асосида қурилган глобал тармоқлар мустақил технология сифатида эътироф этилди.

Глобал тармоқлар (Wide Area Networks, WAN), улар шунингдек территорияларга, компьютер тармоқлари ҳам деб аталади, катта территорияларга – вилоят, регион, мамлакат, континент ёки ер шарининг ҳамма жойига тарқалган абонентларнинг катта сонига ўзининг сервисларини тақдим этишга хизмат қилади.

Телекоммуникацияларнинг ривожланиш эволюцион жараёнининг охириги мақсади – Глобал ахборот инфраструктурасини яратишдир, у фойдаланувчиларга хизматлар тўпламини тақдимлайдиган, очиқ иловалар тўпламини таъминловчи ва ахборотнинг ҳамма турларини қамровчи ва уни исталган жойда исталган вақтда мақбул нархда ва сифат билан олиш имкони таъминлайди.

Алоқа каналларининг жуда узунлиги сабабли глобал тармоқларни қуриш жуда катта харажатларни талаб қилади, унга кабелларнинг нархи ва уларни ётқизиш бўйича ишлар, коммутацион ускуналар ва каналнинг зарурий ўтказиш полосасини таъминловчи оралиқ аппаратураларга харажатлар, шунингдек катта территорияларга тақсимланган телекоммуникация тармоқларининг аппаратураларини ишлаш ҳолатида сақлаш учун эксплуатацион харажатлар киради.

Глобал компьютер тармоқларининг типик абонентлари, турли шаҳар ва мамлакатларда жойлашган, ўзаро маълумотлар алмашилиш зарурати бўлган, корхоналарнинг локал тармоқларидир.

Глобал тармоқлар одатда йирик телекоммуникация компаниялари томонидан абонентларга пуллик хизмат кўрсатиш учун яратилади.

Глобал ҳисоблаш тармоқларидан ташқари ахборотларни узатиш территориялар тармоқларнинг бошқа турлари ҳам мавжуддир. Биринчи

навбатда булар бир неча ўнлаб йиллар давомида ишлаб келаётган телефон ва телеграф тармоқлари, шуниндек телекс алоқадир.

Глобал тармоқларнинг нархи ўта юқорилиги сабабли ягона глобал тармоқни яратиш узоқ вақтли тенденцияси мавжуддир, бу тармоқ исталган турдаги маълумотларни узатиши мумкин: компьютер маълумотлари, телефон сўзлашишлари, факслар, телеграммалар, телевизион тасвирлар, телетекс (иккита терминаллар орасида маълумотлар узатиш), видеотекс (тармоқда сақланаётган маълумотларни ўз терминалига олиш) ва бошқалар. Телекоммуникация хизматларини интеграциялаш учун дастлабки технология ISDN ўтган асрнинг 70-йилларида ривожлана бошлади. Хозирча тармоқларнинг ҳар бир тури алоҳида ишлаб турибди ва уларнинг энг қалин интеграцияси умумий бирламчи тармоқлар – PDH ва SDH тармоқлардан фойдаланиш соҳасида амалга оширилган, бугунда уларнинг ёрдамида коммутацияланувчи тармоқларда доимий каналлар тузилмоқда. Технологияларнинг ривожланиш янги босқичида интеграцияланган тармоқларни яратиш, янги мерос ном билан Broadband ISDN (B-ISDN) давом этмоқда, яъни кенг полосали (юқори тезликли) хизматлари интеграцияланган тармоқлар. B-ISDN тармоқлар универсал транспорт сифатида АТМ технологияларига асосланади ва тармоқнинг охириги фойдаланувчиларига турли шаклдаги ахборотларни – компьютер маълумотлари, аудио- ва видеоахборотларни тарқатиш учун юқори сатҳдаги турли хизматларни, шунингдек фойдаланувчиларнинг интерфаол ўзаро боғланишини қўллайди.

Бу ўта катта ҳажмдаги ахборотларни узатиш фақат телекоммуникациянинг оптик тармоқлари асосида бўлиши мумкин.

Телекоммуникация оптик тармоқларини ривожлантириш нархи пастлигини ва мавжуд тармоқ технологиялари билан мослаштириш осонлигини, шунингдек ўтказиш кенглигининг амалда чекланмаганлигини ҳисобга олганда, яқин вақтларда телекоммуникациянинг глобал ва магистрал тармоқлари тўлиқ оптик тармоқларга ўтишини кутиш мумкин.

Телекоммуникациянинг кенг полосали оптик толали тармоқлари ўзаро боғланиш электрон муҳитнинг янги шакллари, бизнес-ечимлар, ўқитиш бўйича таклифларни, шунингдек ахборот-коммуникацион технологияларнинг ривожланиш янги босқичини – GRID -компьютерингни амалга ошириш учун имконият очмоқда.

1998 киритилган терминга мос равишда Grid computing (ҳисоблаш тармоғи) – дастурий-аппарат инфраструктурасидир, у дунёнинг исталган нуқтасидан юқори самарали ҳисоблаш ресурсларига ишончли, келишилган ва “унча қиммат бўлмаган” киришни таъминлайди.

Грид- компьютеринг соҳасида илмий изланишлар ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб АҚШ, Япония, Хитой ва Европа мамлакатларида олиб борилмоқда.

Идеал GRID тизими географик тақсимланган бўлиши ва дунёдаги ҳамма компьютерларни, улар орасидаги масофадан қатъий назар бирлаштириши керак.

Хозирги кунда улкан тақсимланган тармоқни тузиш мумкин, лекин участкалар орасида маълумотларни алмаштириш мураккаб бўлади, уларни фойдаланилаётган маълумотлар узатиш тармоғи асосида ягона ресурсга бирлаштириш эса хозирча мумкин эмас. Бу катта хажмдаги ахборотларни, катта маълумотлар базасини (МБ) қўшимча хисоблаш ресурсларини талаб қиладиган хисоблашларни бажариш учун, континентлар орасида тезкор алмаштиришга имкон бермайди.

Бу муаммоларни ечиш учун айрим мамлакатларда Грид лойихалари амалга оширилмоқда.

Хозирда Россия мухим бир лойиха, “Поларнет-грид” лойихасини таклиф этган. Бу лойиха ахборот коридорини ташкил этиш учун Европа, Шимолий Америка ва Осиёни энг қисқа арктик маршрут билан боғловчи уникал сув ости оптик тола тизимини қуришга мўлжалланган. Бу оптик магистрал умумий узунлиги 19500 километр бўлиб Лондон шахрини Алеут оролларидаги Датч-Харбор пункти билан боғлаши кўзда тутилган.

Тахмин қилинишича, Поларнет лойихасини амалга ошириш натижасида грид-компьютингнинг бирлик ахборотга сарф харажатлари 5 марта камайтиради.

#### **7.4. Оптик элементлар базасидаги халқаро телекоммуникация тармоқлари**

Замонавий бизнес мамлакатлар ва давлатларни сакраб ўтди. Замонавий тадбиркор ҳаётнинг асосий хусусияти – ахборотларни интенсив айирбошлашга талаблардир. Ахборотларни алмашилиш интенсивлигининг ортиши ва компаниялар фаолиятининг географик масштаблари кенгайиши халқаро ахборот тармоқларида специфик излар қолдирмоқда.

Аниқланма бўйича, халқаро тармоқ – ахборот тармоғи бўлиб, унинг компонентлари бир нечта мамлакатларда жойлашгандир. Халқаро тармоқларнинг хусусияти – алоқа линияларнинг нархлари баландлиги. Битта мамлакат худудидаги алоқа, халқаро линиялардаги алоқага нисбатан бир даражага арзондир, бу нисбат алоқа турларига боғлиқ эмас. Шунинг учун халқаро тармоқлар билан ишлаганда ахборотларни қисиш хар хил усуллари, шунингдек терминал ускуналарининг рад этишга бардошлигини ошириш жуда мухим ахамиятга эгадир.

Халқаро тармоқлардан фойдаланиш билан боғлиқ яна мухим муаммолардан бири - телекоммуникацион стандартлар, алоқа линиялари ва фойдаланилаётган ускуналарнинг турли хиллигидир. Халқаро тармоқларнинг яна бир хусусияти уларнинг катта географик масштаблар билан боғлиқлиги ва мониторинг ва бошқариш тизимларига айримча талаблардир.

Телекоммуникацион инфраструктуранинг турли мамлакатларда ривожланиш даражасининг фарқи каттадир, бу эса ўша мамлакатларда қўлланаётган тизимларда катта из қолдиради. Технологиянинг жуда тез ривожланиши бундай шароитда қўшимча муаммоларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Дунё жуда хам интеграллашмоқда, уни ахборотлаштириш жуда

катта тезликда ўсмоқда. Бундан қуйидаги хулосани айтиш мумкин – халқаро телекоммуникация тармоқлари шундай лойихалаштирилиши керакки, уларни бўлаётган ўзгаришларга ортиқча харажатларсиз тезда мослаштириш имкониятига эга бўлиши лозим.

Халқаро тармоқлар, хусусан оптик халқаро тармоқлар жуда специфик телекоммуникацион муҳитдир. Бу специфика улардан фойдаланиш ҳосил бўладиган муаммоларга ва улар ечимига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Кейинги йилларда ҳар хил лойихаларни амалга ошириш натижасида умумий узатиш тезлиги 12 Гбит/с трансатлантика ва 6,98 Гбит/с тинч океани оптик телекоммуникация тармоқлари фойдаланишга топширилган.

Уларнинг айримлари ҳақида ахборот бериш мумкин. **Project Yellow** лойихаси Шимолий Америка (Нью-Йорк) ва Европани (Англия) боғловчи, узатиш тезлиги 320 Гбит/с дан 1,28 Тбит/с гача ўзгартирилиши мумкин бўлган, кенг полосали узунлиги 6000 километр сув ости магистрали; **TAT-14** – WDM технологияси қўлланган 14-нчи трансатлантик телефон кабель тизими. Сигими 640 Гбит/с, STM-64 тизими қўлланган оптик сув ости кабелли АҚШни халқа топологияси бўйича Буюкбритания, Франция, Голландия, Германия ва Дания билан боғловчи магистралдир; **Apollo** тизими - умумий узунлиги 13000 километр, узатиш тезлиги 3,2 Тбит/с гача, АҚШ, Буюкбритания ва Францияни иккита йўлча билан боғлайдиган сув ости магистрали. Apollo тизими оптик элементлар базасида яратилган нуфузли халқаро телекоммуникация тармоғидир; Япония, Гавай ороллари ва АҚШ боғловчи сув ости узунлиги 225000 километр **TPC-5** (Trans-Pacific Cable - 5) оптик магистрал; узунлиги 30500 километр, жумладан 28900 км сув ости кабелли оптик магистрал Southern Cross Австралия, Янги Зеландия, Гавай ороллари ва АҚШни боғлайди; **PC-1** (Pacific Crossing - 1) оптик-толали узунлиги 21000 километрли халқали тармоқ АҚШ ва Осиёни боғлайди.

Шундай қилиб, қуйидагиларни таъкидлаш мумкин, фотон технологияси асосидаги телекоммуникация тармоғи истиқболли тармоқдир; Ер шари умуман олганда юқори тезликли оптик толали халқалар билан ўраб олинган, бу тармоққа уланган исталган миллий телекоммуникация тармоғи исталган мамлакат телекоммуникация тармоғига кириши мумкин.

### **7.5. Ўзбекистон Республикасининг телекоммуникация тармоғи ҳолати ва ривожланишнинг долзарб масалалари**

Хозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг телекоммуникация тармоғи ҳолатини қуйидагича тавсифлаш мумкин:

- Халқаро телефон коммутация маркази – 4 та;
- Шаҳарлараро телефон станциялари – 13 та;
- Умумийсигим 95 159 порт (канал);
- Ишлатилган сигим 78 444 порт (канал);
- Халқаро пакетлар коммутация маркази – 1 та (515 Мбит/с).
- Маҳаллий телефон тармоғи: жами 2 041 та телефон станция, умумий ўрнатилгансигим - 2 067 037, фойдаланилаётгансигим - 1 818 400;

- Мобил коммутация марказлари(CDMA 450) – 5 та: умумий сифими 120,0 минграқам, базавийстанциялар сони 153 та.

Махаллий телефон тармоғининг бугунгиҳолатини қуйидаги тавсифлаш мумкин:

- Шаҳар телефон тармоғи: жами 485 та телефон станция, умумий ўрнатилган сифим - 1 709 519, фойдаланилаётган сифим - 1 553 166; шаҳар телефон тармоғи тўлиқ - 100 фоиз рақамли технологиялар билан жиҳозланган.

- Қишлоқ телефон тармоғи: жами 1 556 та телефон станция, умумий ўрнатилган сифим – 359,3 минг, шунданрақамлиси – 107,6 минг, яъни тахминан 30 %

Ўзбекистон Республикасининг телекоммуникация тармоғини ривожлантириш борасида қуйидаги **долзарб вазифалар** бажарилиши лозим, жумладан:

1. Халқаро телекоммуникация тармоқларига уланишни кенгайтириш:

- Қирғизистон Андижон - Ўш – (STM-16)
- Тожикистон Денов – Турсунзода – (STM-16)
- Қозоғистон Қўнғирот-Бейнау – (STM-16)
- Афғонистон Т ермиз-Хайратон – (STM-16)

2. Халқаро коммутация марказларини ва шаҳарлараро телефон станцияларини кенгайтириш.

3. Интернет тармоғини халқаро даражада 1 Гбит/с га етказиш.

4. Магистрал тармоқда DWDM технологиясини қўллаш ва зона ичи транспорт тармоғини кенгайтириш.

5. Маълумотлар узатиш тармоғини вилоят даражасида 10 Гбит/с, туман даражасида 1 Гбит/с тезликка етказиш.

6. CDMA-450 мобил алоқа тармоғини кенгайтириш.

7. Қишлоқ телекоммуникация тармоғини рақамлаштириш ва кенгайтириш:

- “Коинот” ОАЖнинг 42 минг сифимли рақамли телефон станцияларини ишга тушириш.

8. Инфратузилма объектларини алоқа билан таъминлашни тезлаштириш.

9. Қўшимча хизмат турларини кенгайтириш.

10. Кенг полосали хизматларни кўрсатиш бўйича сўнги мил муаммоларини ҳал қилиш:

- абонент линияларида XDSL технологиясини қўллаш;
- кўпқаватли бинолар, идораларда FTTx технологиясига ўтиш;
- CDMA, WiMax технологиялари асосида симсиз алоқани ташкил қилишни кенгайтириш;
- видеотелефон, IPTV, VoD, TVoD вабошқа интеллектуал хизмат турларини жорий қилишни тезлаштириш.

Ўзбекистонда тармоқланган рақамли транспорт тармоғини яратилганлиги, ҳамма табақа фойдаланувчиларининг маълумотлар узатиш хизматларига, шу жумладан Интернет тармоғи хизматларига талабларини тўлақонли қондириш мақсадида, маълумотлар узатиш замонавий технологияларини ва янги мультимедиа хизматларини жорий этиш учун

платформа яратилди. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикасининг телекоммуникация тармоқлари ва воситалари – бу соҳанинг ривожланаётган мажмуасидир.

## **ХУЛОСА**

Телекоммуникация тармоқларининг энг муҳим муаммоларидан бири бўлиб тармоқли хизматларга абонентли имконийлик бўлиб қолмоқда, унинг долзарблиги биринчи навбатда Интернет тармоғининг шиддатли ривожланиши ва кенг тарзда корпоратив тармоқларнинг тармоқланган ресурсларидан ва унинг асосидаги вазифалардан фойдаланиш бўлиб қолмоқда. Фотон технологияси асосидаги телекоммуникациянинг Ўзбекистон Республикасининг телекоммуникация тармоғи ҳолати ва ривожланишн долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Бундай трмоқларнинг хизматларидн фойдаланиш абонент тармоқларига имконийликни ўтказиш қобилиятини кескин равишда юксалтиришни талаб қилади. Ўз навбатида, исталган ахборотли хизмат уни сифатли равишда тақдим этиш учун ахборотни узатиш каналига ўз талабларини белгилайди.Кўп сонли фойдаланувчиларни жалб этиш учун миллий операторлар фаол равишда ўзининг магистрал тармоқларига имконийлик тармоқларини яратишдан иборат бўлади. Бунда асосий тўсқин бўлиб маънавий ва физик жиҳатдан эскирган катта сонли абонент тармоқларининг мавжудлигидир. Шунинг учун ўта зарбдор масала бўлиб замонавий катта тезликдаги технологиялар асосида усқунани монтаж қилиш ва қуришда минимал харажатлар билан уларни амалга ошириш ҳисобланади.

Ушбу ўқув қўлланмада йўналтирувчи тизимларнинг назарий асосларини кўриб чиқиш билан бирга, анъанавий равишда ишлатилаётган ахборотларни узатиш технологиялари ва юқори самарали рақамли оптик алоқа линияларини татбиқ этиш тамойилларига катта эътибор берилган. Муаллифлар ушбу ўқув қўлланма кенг сонли ўқувчиларга тола оптик алоқа линиялари ва тизимларини тузиш тамойиллари ва уларни ташкил этувчи элементлари зарур билим ва кўникмаларни оладилар деб умид билдирадилар.

### **Назорат саволлари**

1. Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқлари.
2. Кенг полосали киришнинг ривожланиш истиқболи.
3. Фотон технологияси асосидаги телекоммуникациянинг оптик тармоқлари.
4. Оптик элементлар базасидаги халқаротелекоммуникация тармоқлари.
6. Ўзбекистон Республикасининг телекоммуникация тармоғи ҳолати ва ривожланиш истиқболлари.

## АТАМАЛАР

**Тола-оптик алоқа тизимлари (ТОАТ)** – тола-оптик кабеллар асосида ишловчи техник воситалар мажмуаси.

**Тола-оптик алоқа узатиш тизимлари (ТОАУТ)** – тола-оптик кабеллар асосида сигнални узатиш учун мўлжалланган техник воситалар мажмуаси.

**Тола-оптик алоқа линиялари(ТОАЛ)** – тола-оптик кабел асосида ишловчи алоқа линияси

**Тола-оптик кабел (ТОК)** – оптик шаффоф материалдан иборат бўлган кабел .

**Оптик тоа (ОТ)** – бу диэлектрик тузилма бўлиб ундан оптик сигнал узатилади(тарқалади)

**Толали оптика** - амалий фан ва машиносоздикнинг бўлими бўлиб, оптик шаффоф материалдаан тайёрланган толаларни тавсифлайди.

**Ўзак** – нур ўтказувчи муҳит, ундан асосан оптик сигнал тарқалади.

**Рақамли узатиш тизими (РУТ)** – техник воситалар мажмуаси бўлиб улар намунавий рақамли каналлар ва трактларни ташкил қилиш учун мўлжалланган бўлиб, электралоқада рақамли сигналларни узатишни таъминлайди.

**Рақамли сигнал** – параметрлари дискрет қийматлар тўплами билан чекланганлиги билан характерланади ва дискрет вақтнинг функциялари билан тавсифланадиган сигнал.

**Рақамли намунавий тракт** – техник воситалар мажмуаси бўлиб ушбу трактнинг қабул қилинган нормаларига мувофиқ равишда асосий рақамли каналларнинг параметрлари ва структурасини узатиш тезлигида таъминлашдан иборатдир.

**Ишончлилик** – объектнинг барча параметрларининг қийматларини ўрнатилган чегаралардаги вақт оралиғида сақлаб қолиш хусусияти хисобланади. Берилган режимларда ва шароитларда талаб этилган функцияларни бажара олиш қобилияти тушунилади **Транспорт тармоғи** – та часть сети связи, которая выполняет функции переноса (транспортирования) потоков сообщений от их источников из одной сети доступа получателям сообщений другой сети доступа.


**Бирламчи тармоқ** – намунавий тармоқ трактларини, намунавий узатиш каналларини ва намунавий физик тармоқларни ташкил этиш ва уларни иккиламчи тармоққа тақдим этиш учун мўлжалланган.



**Иккиламчи тармоқ** – электралоқа хизматлари учун сигналларни транспортлаш, коммутациялаш ва тақсимлашга мўлжалланган.

## ИЛОВАЛАР



**Толали оптик алоқа тизимларининг тузилиш схемаси**





Расм. III. – Тупроққа ётқизиш учун мўлжалланган кабел

Рухланган пўлат симдан бронланган кабеллар ташқи таъсирлардан энг муҳофазаланган кабеллар ҳисобланади ва кўшимча муҳофазасиз ҳам тупроққа, ҳам дарё тубига ётқизирилиши мумкин. Ташқи муҳитда ётқизиш учун энг енгил ва энг қайишқоқ оптик кабел. Пластмассали қувурларга ётқизиш учун энг идеал кабел ҳисобланади (расм. II).

Махсус юқори мустаҳкамликка эга иплардан тайёрланган кучайтиргич элементли кабеллар ташқи қобикқа осилиб қўйилиши мумкин. (расм.И2.).



*Расм. И2* Кабел канализациясига ётқизиш учун мўлжалланган кабел



*Расм И3.* Пластмассали қувурларга ётқизиш учун мўлжалланган кабел



*Расм И4.* Ўз-ўзини элтувчи кабел



*Расм И5. Осма кабел*

## ГЛОССАРИЙ

**Broadcast** – юқори сифатли кенг эшиттиришлар тизими.

**CDS™ (Core Detection System)**-тола ўзагининг детектирловчи тизим бўлиб, у ёрдамида толани пайвандлаб улаш ишларини тезда бажариш имкони тола ўзагини бир неча секунд вақт оралиғида юзлаштирилиши ҳисобига бажарилади.

**Ethernet**-(Эзернет лотин тилида aether -эфир деган маънони билдиради) у компьютер тармоқларининг пакетли технологияси учун қўлланади. Ethernet стандарти электр сигналларни физик сатҳда ҳамда симли уланишларни ва OSI моделининг каналли сатҳида пакет форматини ва муҳитга бошқарув протоколлар уланишларни билдиради. Ethernet- асосан IEEE нинг 802.3 гуруҳ стандартлари ёрдамида ёритилади. Бугунги кунда Ethernet ЛХТда кенг равишда қўлланувчи технология ўтган асрнинг 90-йилларида ўртасида қўлланиб эскирган Arcnet, FDDI Token ring технологиялари ўрнига қўлланмоқда.

**Fast Ethernet**-кенг қўлланувчи тармоқ технологияси бўлиб, у 802.3 стандартининг Ethernet (100 BASE-T)га асосланган, ҳамда у маълумотларни 100 Мбит/с узатиш тезлигини таъминлаб беради, бу эса биринчи вариантдаги Ethernet (10 BASE-T) дан 10 марта юқори.

**Gigabit Ethernet**-кенг равишда қўлланувчи технология бўлиб, у ёрдамида маълумотларни 1 Гбит/с (1000 Мбит/с) узатиш имконини беради, бу эса Fast Ethernet тармоқ технологиясидаги узатиш тезлигидан 10 марта юқори.

**HDSM (High resolution Direct Core Monitoring)**- оптик толанинг ўзак мониторинги.

**L-PAS™ (Lens Profile Alignment System)**- геометрик ўлчамлар бўйича юзлаштириб бирлаштирувчи тизим. Бундай усул ёрдамида толанинг цилиндрик эффекти асосида пайвандлаб уланган жойни визуал равишда назорат қилиниб тола учларининг профил тасвирларини иккита ПЗС

фотоқабул қилгичи видеосигнални қайта ишловчи тизимга уланган ҳолда эришиш мумкин.

**LID** (Local Injection and Detection)- ёруғликни локал равишда киритиш ва детекторлаш. Оптик тола бўйлаб ўтиб борувчи ёруғлик нурлантирилишни марказлаштириш ҳолат бўлиб, у оптик толаларни эгилган жойларида оптик нурланишни киритиш ва чиқариш имкониятига асосланган. Бундай ҳолатда лозим бўлган толанинг эгилиши формаси махсус тирқишлар ёрдамида бажарилади, бундан ташқари оптик толанинг эгилган жойларига оптик нурлантиргичлар ва қабул қилгичлар махкамланади.

**PAS** (Profile Alignment System)- толанинг ўзак бўйича юзлаштириб бирлаштирувчи тизим. Пайвандлаб уланувчи тола юзаларини назоратловчи усул бўлиб, унда тола профил кўриниш тасвирини сифатли қилиб кўрсатади.

**RMON** (Remote Monitoring)-олисда жойлашган модул мониторинги бўлиб, ускуна ҳақида маълумотларни йиғади ва уларни тармоқ орқали бошқаради. RMON зондлари бошқа тармоқ ускуналарида ўрнатилади ёки тармоқ сегментларидаги бошқаруви учун лозим бўлган бўш ўтказиш полосаси ҳақидаги, қайта узатувлар интенсивлиги ҳамда генерацияловчи трафикларни проложенияларга қайта тақсимлаш каби маълумотларни йиғиш учун қўлланади. Бундай тармоқ администраторларининг маълумотлари ёрдамида тармоқнинг қандай элементларини модернизация қилиш ёки қайтадан созлаш каби ишларини бажарган ҳолда унинг ишлаб чиқариш жараёни оширилади.

**Security**- қўриқлаш тизимлари

**Адаптер** -тизимни мослаштириш ва бу тизимга ускунани улаш учун қўлланувчи ускуна.

**Адаптер для обнаженного волокна -тозаланган тола учун адаптер-900** мкм диаметрда буферли қоламга эга бўлган бир модали ёки кўп модали толанинг охир учига вақтинчалик уланувчи ускуна бўлиб, у ўз навбатида таъмирлаш ишларида ва оптик ўлчов ишларини бажариш учун керак бўлади.

**Аттенюатор**-электр сигналининг сўнишини таъминлаб берувчи ёки электр сигнални кучланиш ёки қувватини камайтириб берувчи ускуна.

**Безворсовые салфетки**- пахмоқсиз салфетка у изопропилли спирт билан шимдирилган бўлиб толани текис равишда кесиб синдиришдан олдин толани ёғсизлантириш ва чангдан тозалаш учун қўлланади.

**Вертикальная кабельная проводка** – вертикал равишда ётқизилувчи кабелли ток ўтказгич. Бино қаватида жойлашган коммутацион тугунни бинода жойлашган коммутацион марказ билан боғлайдиган кабелли линия.

**Волокно -Тола (нур ўтказгич)**- ёруғлик нур кўринишдаги сигнални узатиш учун қўлланувчи ингичка ўзакдан иборат бўлиб, унинг устига ёруғлик нурини ўзак ичида сақлаб қолиш учун шаффоф қобик қопланган. Одатда тола ўзаги шишадан тайёрланади, аммо унчалик катта бўлмаган узунликдаги кабелни тайёрлаш учун тола ўзаги пластикдан ҳам тайёрланиши мумкин. Оптик тола юмшоқ ҳимояловчи материал билан ўралган бўлиб, у буфер деб юритилади. Одатда бундай ўралган оптик тола каттиқ ва мустахкам ҳолдаги қобик ичига жойлаштирилган. Битта қобик орасида бир

нечта толалар жойлаштирилиши мумкин. Тола ёки нур ўтказгичнинг ўзагига ёруғлик нури ёруғлик нурлантирувчи диод ёки лазер ёрдамида генерацияланади. Оптик тола бўйлаб маълумотлар ёруғлик тўлқинлари ёрдамида узатилади, мис симли кабеллар бўйлаб эса маълумотлар электронлар ёрдамида ҳосил бўлувчи электр токи бажаради.

**ВОЛС-ТОАЛ**-толали оптик алоқа линия асосан толанинг нур ўтказгичларидан ёки толали оптик алоқа кабелларидан иборат.

**Гидрофобное пространство кабеля - Кабелнинг гидрофобли бўшлиғи**-кабелнинг ўзак бўшлиғида жойлашган намликни итариб сиқиб юборувчи аморф гел кўринишидаги бўлиб, у оптик кабел ичида намлик бўлмаслигини ёки ташқи ўраб турувчи муҳитдан кабел ўзагига намлик кириб боришини мухофазалайди.

**Горизонтальная кабельная проводка- горизонтал кабел ток ўтказгичи.** Бино қаватида жойлашган коммутацион тугунни ишчи ўрин билан боғлайдиган кабелли линия. Одатда горизонтал ток ўтказгич вазифасини бир дона мис симдан ташкил топган тўрт жуфтлик кабелнинг турли кўринишдаги ўрамларидан иборат. Оддий шароитларда экранлаштирилган кабел қўлланса, электромагнит нурланишнинг юқори талаблар қўйиладиган жойларида эса электромагнит мослашувчанланган ёки экранлаштирилган кабеллар қўлланилади.

**Диаметр модового поля- мода майдонининг диаметри** – тола юзаси бўйлаб нурлантирилган қувватнинг тақсимланишини кўрсатувчи қиймат.

**Дисперсия**-моданинг абсолют синдириш кўрсаткичини ёруғлик нур тўлқин узунлигига боғлиқлик ҳолати.

**Длина волны –тўлқин узунлик**-иккита яқин жойлашган максимумлар орасидаги масофа ёки бир хил фазада тебранувчи иккита нуқта орасидаги масофа “Ишчи тўлқин узунлик” термини ҳозирги замон толали-оптик технологиясида 850 нм , 1300 нм ва 1550 нм қийматлар қўлланади. Тўлқин узунлиги қанчалик катта бўладиган бўлса, алоқа сифати шунчалик яхши бўлади, аммо лазерли ёруғлик нурини кўрсатувчи манбалар қўлланиши ҳисобига унинг нархи шунчалик юқори бўлади. 850 нм бўлган ишчи тўлқин узунлик асосан кўп модали толаларда қўлланса, 1500 нм тўлқин узунлик диапазони эса бир модали тола учун қўлланилади.

**Длина волны ненулевой дисперсии-дисперсияси нол бўлмаган тўлқин узунлиги** –асосан бир модали толалар учун таълуқли бўлиб, у битта тўлқин узунлик учун эмас балки у тўлқин сигналининг мультиплексорлаштириш режимида бир нечта тўлқин узунликларни узатиш учун оптимизациялаштирилган.

**Длина волны отсечки –ажратиб кесиб олинган тўлқин узунлик** –тола бўйлаб узатилаётган минимал тўлқин узунлик бўлиб, унда фақатгина бир дона мода тарқалиб ҳаракатланади. Бундай термин асосан бир модали толалар учун қўлланади.

**Дуплекс**-алоқа каналининг ишлаш режими бўлиб, унда сигналлар бир вақтнинг ўзида икки томон бўйлаб узатилади.

**Дуплексные соединительные шнуры – дуплексли боғловчи шнурлар** – иккита толали шнурлар.

**Затухания – сўниш** – маълум вақт оралиғидаги ёки муҳитдаги сўниш. Унинг физик жараёни сўниш қийматини тавсифлайди.

**Защитная трубка – ҳимояловчи найча (трубка)** – диаметри 900 мкм бўлган буфер кўриниш, у модул тузилишидаги оптик кабел тола охир учларини жихозлаш учун қўлланади.

**Измеритель оптических потерь – оптик йўқотувчанлик ўлчагичи** – оптик толадаги тўлиқ йўқотувчанликни ўлчаш учун қўлланувчи ўлчов асбоби. Унинг асосини оптик манба ва оптик нурлантиргич қувватини ўлчовчи ташкил этади. Улар битта ўлчов тизимига келтирилган бўлиши ёки бир-бирида ажратилган бўлиши мумкин.

**Измеритель оптической мощности – оптик қувват ўлчагичи** – Толали-оптик алоқа линияларида ўлчов ишларини бажариш учун қўлланувчи ўлчов асбоби бўлиб, у ёрдамида оптик алоқа линия узунлигини, сигнални ушлаб қолиш қиймати, коннекторлар сони ва ажратилмайдиган улагич тугунлар сонини ўлчаш мумкин.

**Информационные розетки – информатсион розеткалар** – локал компьютерлар каби охирги ускуналарни компьютер тармоғига улаш учун қўлланилади. Коммутацион розеткада 110 туридаги изоляция вазифасини бажарувчи технологияли KRONE туридаги улагичлар қўлланади ва улар ёрдамида 200 дан ортиқ қайта коммутацияланишда розетканинг физик ва электр тавсилотлари ёмонлашмаган ҳолда бажарилиши мумкин.

**Исполнительная документация – ижро этувчи ҳужжатлар** - ишчи чизмалар мажмуи бўлиб, унда бажарилиши лозим бўлган ишларнинг чизмаси ёки лойиҳалаштирувчилар билан келишилган ҳолдаги ўзгаришлар қурилиш – монтаж ишларини бажарувчи шахслар томонидан қилинган ўзгартиришлардан иборат. Ижро этилувчи техник ҳужжат қурилиш жараёнида бажарилувчи ҳужжат бўлиб, унда қурилиш монтаж ишларини бажариш жараёнида ҳамда объектнинг техник ҳолатини эътиборга олувчи ҳужжат.

**Кабел** – битта ёки бир нечта бир-биридан изоляцияланган ток ўтказгич симлар намликни ўтказмайдиган қобиқ орасига солинган электротехник анжом. Кабел асосан электр энергияни узатиш учун (электр кучланиш кабеллар), симли алоқа эса энергияни узатиш учун (радиочастотали кабеллар), оптик диапазонда сигналларни ва маълумотларни узатиш учун оптик кабеллар қўлланилади: электр сигналларни ва энергияни узатиш учун – алюминий, мис, кумуш, олтин, турли хил металллар аралашмаси; оптик сигналларни узатиш учун эса шиша пластмасса каби материаллар қўлланади.

**Кабельный анализатор** – кабел анализатори- кабел ҳолатини назорат тестидан ўтказувчи асбоб, бир вақтнинг ўзида кабелли алоқа линиянинг шикастланган жойини аниқлаш мумкин.

**Каналы передачи информации – маълумотларни узатиш каналлари** – тарқатувчи манбадан фойдаланувчига хабарларни узатиш учун қўлланади. Алоқа линиясининг нормаллаштирилган тавсилотларида унинг асосий

вазифаси узатувчи ва қабул қилувчи томонларда операторлар сигналларни таҳлил қилиб ўзгартириб бериш маълумотлар эса узатиш каналлари бўйича аниқланади.

**Коммутационные панели– коммутацион панеллар** коммутация марказни ташкил этиш учун қўлланади, ва улар ёрдамида алоқа тизимини тезда қайтадан коммутация қилиш мумкин. Физик томондан қарайдиган бўлсак коммутацион панел RJ-45 ажратгич блок ёки шунга ўхшаш кўринишга эга. Горизонтал ток ўтказгичлар ушбу коннекторларга уланади. Ҳар бир ишчи ўриндаги розетка ўзининг патч-панелидаги RJ-45 ажратгичлари коммутацион қурилмадаги ёки худди шундай коммутатор , концентратор, маршрутизаторга тўғри келувчи аппарат билан уланиши керак.

**Коммутационный центр – коммутацион марказ –** махсус магистраллар ёрдамида ҳамма бино қават тугунларига бирлаштириладиган жой.

**Коммутационный шнур -коммутация шнури** ёки патч-корд, у асосан кабелли тизимни, кабел каналида жойлашган ва оҳирги қурилмани улаш учун қўлланиб узунлиги 5 метргача борувчи ҳамда иккала томони ажратгич (коннектор) билан жиҳозланган кабел бўлаги.

**Коннектор – ажратгич** – металлдан тайёрланган ҳамда ток ўтказгич симларини (кабелларни) тўғридан-тўғри равишда контакт бериб, улаш учун қўлланувчи ажратгичнинг бир қисми.

**Коннекторлар – ажратгичлар.**

**Контейнер для обходов – чиқиндилар учун контейнер** – герметик копоққа эга бўлган пластик идиш.

**Коэффициент затухания – сўниш коэффициенти** – (тебранишлар сўниши) шахсий тебранишлар секин-асталик билан камайиб сўниб борувчи ҳолати бўлиб, у тебраниш тизими энергиясининг йўқотувчанлиги ва у ўз навбатида тебраниш амплитудасининг камайишига олиб келади.

**Коэффициент хроматический дисперсии – хроматик дисперсия коэффициенти** - у бир модалди толаларга таълуқли қиймат бўлиб, унда модалараро дисперсия бўлмайди. Хроматик дисперсия материал ва тўлқин ўтказгичлари дисперсия йиғиндисидан ташкил топиб, унинг йиғиндиси хроматик дисперсия коэффициентини аниқлаб беради.

**Коэффициент широкополосности – кенг полосалик коэффициенти** - оптик толанинг ўтказиш қобилиятини ва ўтказиш полосасини тавсифлаш учун қўлланади. Кенг полосалик коэффициентининг ўлчов бирлиги МГц×км. Асосан бу қиймат гигабит тармоқларда қўлланади ва техник хужжатларда кенг полосалик коэффициенти ГГц × км ўлчов бирлигида ўлчанади.

**Кримпер – Кримпер** - алмашинувчи ишчи матрицалардан иборат бўлган асбоб, у турли хил турдаги ажратгичларни пресслаб маҳкамлаш учун қўлланилади.

**Локальная вычислительная сеть – локал ҳисоблаш тармоғи** - бир гуруҳ компьютерлар ва ташқарида ўрнатиловчи қурилмалардан иборат бўлиб, улар автоном битта ёки бир нечта юқори тезликдаги рақамли

маълумотларни узатиш каналлари битта ёки бир нечта яқин жойда жойлашган бинолар чегарасидан иборат. Маълумотларни узатиш технологияси бўйича улар: маълумотларни маршрутизацияловчи локал тармоқлар ва маълумотларни селекцияловчи локал тармоқларга бўлинса, қўлланувчи физик узатув воситалари бўйича кабелли локал тармоқлар ва симсиз локал тармоқларга бўлинади.

**Материальная дисперсия – материал дисперсияси** – синдириш кўрсаткич қийматини тўлқин узунлик қийматига боғлиқлигига асосланган. Агар тола зичлигининг тақсимланиши бир текис бўлмайдиган бўлса, у ҳолда турли хил траектория бўйлаб ҳаракатланувчи тўлқинлар турли хил тезликларига эга бўладилар ҳамда қабул қилгичга турли хил вақт оралиқларида етиб борадилар.

**Межмодовая дисперсия – модалараро дисперсия** - ҳозирги замон ёруғлик нурини нурлантирувчи манбалар идеал ҳолатда бўлмаганлиги билан боғлиқдир, унда тўлқинлар бир қанча йўналишлар томон тарқалиб боради ва улар турли хил траектория бўйлаб ўтиб боради (бошқача тушунтирадиган бўлсак улар бошқача турли модаларга эга бўлади), бу билан эса ёруғлик нурлари қабул қилгич қурилмасига турли вақт оралиғида етиб боради.

**Межчастотная дисперсия – частоталар дисперсияси** – нурлантиргич манбаларининг идеал бўлмаганлиги ҳисобига ҳосил бўлиб, улар турли хил узунликдаги тўлқинларни нурлантириб беради. Кварц шиша бўйлаб бир мунча қисқа тўлқинлар тезроқ ҳаракатланиб, бундай тўлқинлар нур ўтказгичнинг охирига турли хил вақтларда етиб келади.

**Механический соединитель оптических волокон – оптик толаларнинг механик улагичи** - толаларни тезда ва сифатли улаб берувчи, тестдан ўтказувчи ва таъмирлаб берувчи, ҳамда стационар ва дала шароитларида улаб берувчи ускуна.

**Микроскоп оптический – оптик микроскоп** - оптик толала сифатини, толаларда ёруғ из жойлари бўлишини ва сайқалланган оптик тола ажраткичларини диагностика қилиш учун қўлланувчи ускуна.

**Многомодовые оптическое волокно – кўп модали оптик тола** – оптик толанинг бир тури бўлиб, у бўйлаб турли хил тўлқин узунликлар ёки фазали бир нечта модаларни узатиш мумкин, аммо бундай турдаги толанинг ўзак диаметри бир мунча катта бўлганлиги учун – тола ўзагининг ташқи юзасидан ёруғлик нурининг акс қайтиш эҳтимоллиги анча ошиб боради, бу эса ўз навбатида дисперсияга олиб келади, у толанинг ўтказиш полосасини камайтиради ва оҳир оқибат регенераторлар орасидаги масофа камайиб боради. Кўп модали оптик толанинг ўтказиш қобиляти 2.5 Гбит/с атрофида бўлади.

**Моды – модалар** – бир-бирига боғлиқ бўлмаган ёруғлик нурининг йўли. Тўлқин ўтказкич тизимидаги нормал тебранувчи ҳолатдаги тақсимланувчи тебраниш тизими ёки нормал ҳолатдаги тўлқин турлари. Модалар асосан монохроматик тўлқинлар учун Максвел тенгламасининг ечими асосида бажарилиб, улар чегараловчи шартини ҳисобга олади. Монохроматик тўлқинларни эътиборга олувчи нур ўтказкич толанинг модалари кўндаланг

юза бўйлаб маълум бир тақсимлагич интенсивлигига эга ва унинг тақсимланувчи фаза тезлик қийматлари чегараланган. Оптик тўлқин ўтказгичнинг модаси оптик тўлқин ўтказгич бўйлаб ҳаракатланувчи тўлқин кўндаланг юза бўйлаб маълум бир тақсимланишни ва маълум бир фаза тезлигини тавсифловчиси. Оптик тўлқин ўтказгичнинг кўндаланг юзаси бўйлаб мода майдонининг тақсимланиши тўлқин ўтказгичнинг бутун ўқи бўйлаб ўзгармаган ҳолда маълум бир вақт бўйлаб ўзгармас қолади.

**Мощность световой волны – ёруғлик нурининг қуввати** – ёруғлик нурининг нурлантиргич қуввати ёки маълум бир вақт оралиғида ва маълум кўрилаётган юза бўйлаб ўтказувчи ёруғлик тўлқини. СИ тизимида ўлчанувчи қувват ўлчов бирлиги – Вт,  $1\text{Вт}=1\text{Дж/с}$ . Толали оптик техникасида асосан қувватнинг логарифмик шкала бўйича ўлчанган қувват ўлчов бирлиги. Логарифмик шкала бўйича ўлчанган қувват қийматини берилган маълум бир қувват қийматининг бўлинганининг логарифми билан аниқланади.

**Наборы по тестированию ВОЛС – ТОАЛ ни назорат тестидан ўтказувчи жамланма** – оптик кабелнинг йўқотувчанлигини назорат тестидан ўтказиш ва ўлчов ишлари учун мўлжалланган асбоб бўлиб, у нурлантиргич (лазерли ёки ёруғлик нурлантирувчи диод) манбаининг стабиллаштирилган кўринишига ҳамда оптик қувват ва оптик сигнал сўнишини ўлчовчи кўринишига эга.

**Нож - кабельный – кабел пичоғи** – кучланишга эга бўлган электр ускуналарда турли кесиб ажратиш ишларни бажариш жараёнида изоляцияларни тозалаш учун қўлланади.

**Ножницы для резки кевлара - кевлар ипларини кесиш учун қўлланувчи қайчи** - у асосан кевлар ипларини ва бошқа полимер толаларни кесиш учун ҳамда оптик толанинг химояловчи қаттиқловчи қатламини ажратиш учун қўлланади.

**Одномодовое оптическое волокно – бир модали оптик тола** – оптик толанинг бир тури бўлиб, у бўйлаб фақатгина бир дона мода узатилади, унинг ўзак диаметри 10 мкм ёки ундан кичик бўлганлиги учун дисперсия қиймати кичик бўлади ва у ўз навбатида оптик сигнални каттадан-катта масофаларга регенераторсиз узатиши мумкин. Бир модали оптик толанинг ўтказиш хусусияти 10 Гбит/с дан ошиқдир.

**Окна прозрачности –шаффофлик дарчаси** –тўлқин узунликлар интервали бўлиб, унда ер атмосферасини кесиб ўтувчи электромагнит нурланишлар бутунлай ютилмайди ёки бир мунча ютилади. Шаффофлик дарчалари радио ва оптик диапазонда бўлиши мумкин.

**Оптические кроссы- оптик кросслар-** алюминий аралашма-сидан тайёрланган коммутацион қути кўринишида бўлиб, у линия оптик кабелини оптик пигтейл ёрдамида боғловчи кабелларни тақсимлаш ҳамда улаш учун қўлланади.

**Оптические муфты- оптик муфталар**–кабелларни каттадан катта юклама остида бўлган жойларини ва турли хил ҳосил бўлувчи ташқи таъсирлардан ҳамда толаларни бир-бири билан пайвандлаб уланган жойларини химоялаш учун қўлланувчи ускуна .

**Оптические соединительные шнуры**- улаш учун қўлланувчи оптик ажраткичлар билан жихозланган шнурлар, уларнинг бир томон ёки икки томон учлари оптик ажраткичлар билан жихозланган шнур.

**Оптический рефлектометр- оптик рефлектометр**-оптик тола-нинг тафсилотини аниқлаш учун қўлланувчи асбоб бўлиб, унда маълум бир вақт оралиғида узатилувчи ёруғлик импульслари сочилиб кетади ва орқа томон йўналиши бўйича қайтиб кетади. Қабул қилиниб ўлчанувчи сигнални вақт бўйича боғлиқлиги ҳисобига толанинг носозлигини ҳамда толадаги қўшимча йўқотувчанлик сабабларини оптик сигналнинг ҳаракатланувчи йўл узунлигига боғлиқлигини ва толанинг ҳар қандай участкада йўқотувчанлик бериш сабабларини аниқлаш мумкин.

**Оптический телефон – оптик телефон** - кўп модали ва бир модали оптик толаларнинг иккала томон йўналишлари бўйлаб маълумотларни узатиш учун қўлланувчи сўзлашув ускунаси бўлиб, у ёрдамида бир вақтнинг ўзида иккита ва ундан ортик фойдаланувчиларни боғлаш мумкин.

**Ответители** – тармоқлагичлар-оптик сигналларни тармоқлаштириш ёки бирлаштириш учун ва линия параметрларини назоратлаш учун қўлланувчи ускуна.

**Переходное затухание- ўтиш сўниши** - ушбу параметр битта кабел ичида жойлашган жуфтликларорасида узатилган сигнал амплитудасини бошқа занжирга ўтиб кетувчи сигнал амплитудасига нисбати бўлиб қўшни занжирларга ўтиб кетувчи сигнал сатхини тавсиялайди, ҳамда у дБ ўлчов бирлигида ўлчанади. Бу тавсия бир неча кўринишларга эга бўлиб, ҳар бир тавсия кабелнинг турли хил хусусиятини баҳолаб беради.

**Печка для коннекторов волокон**-тола коннекторлари учун қўлланувчи ўтхона – оптик кабелнинг тола учларини коннектор билан жихозлашда коннекторни қиздириш учун ва коннектор ичига қўйилган стандарт эпоксид елимини тезда қотириш учун қўлланувчи қурилма.

**Пигтейл**- пигтейл – толали оптик кабелнинг бир томон учини коннектор ёрдамида жихозланган оптик шнур.

**Погонное затухание**- маълум бир узунликдаги сўниш қиймати- линия бўйлаб ҳаракатланиб боровчи сигналнинг сўниб бориши линиянинг охирига уланган юкламага келиб тушувчи сигнал қувватини линияга узатилган сигнал қувватига бўлган нисбати бўлиб, у дБ ўлчов бирлигида ўлчанади. Сигналнинг сўниши частота ошиб борган сари кескин равишда ошиб боради, шунинг учун бу параметрни бутун ишчи диапазонда ўлчаш тавсия этилади.

**Полировальная пленка** – сайқалловчи плёнка - образив материалига копланган коплама бўлиб, у коннекторларни сайқаллаш учун қўлланади.

**Полировочная шайба** – сайқалловчи шайба – оптик толанинг кесиби синдирилган учини сайқаллаш учун қўлланиб зангламайдиган пўлат ёки полимердан тайёрланган бўлиб, у ўз навбатида жуда ҳам юқори аниқликга ва жуда ҳам узоқ муддатда хизмат кўрсатишга мўлжалланган.

**Приемники и передатчики** – узатгичлар ва қабул қилгичлар – кўп модали ва бир модали оптик толалар билан ишлаш хусусиятига эга бўлган

битта линия бўйлаб биттадан бир нечтагача каналларни узатиш хусусиятига эга бўлган қурилма.

**Проектно – сметная документация** – лойиха – смета ҳужжатлар – меъёрий ўрнатилган ҳужжатлар мажмуи, у маълум бир мақсадга йўналтирилган ва тадбиқ қилувчи лойиха бўлиб, унинг ёрдамида лойихани ҳаётга тадбиқ этиш мумкин.

**Рабочая документация – ишчи ҳужжатлар** - техник – лойиха ҳужжатларни тўлдирувчи ва тўғриловчи вазифасини бажаради. Бу ҳужжат қўшимча равишда қуйидагилар билан тўлдирилади:

- ишларни бажариш режа – график, келишилганлик баённомалари;
- толали оптик алоқа линия ва структурлаштирилган кабел тизимларини текшируви - назоратидан ўтказилган баённомалар;
- толали оптик алоқа линия ва структурлаштирилган кабел тизимларининг эксплуатацияси бўйича йўриқнома ишларини бажариш режаси-график кўринишидаги ҳужжатлар мажмуи бўлиб, маълум бир қурилиш – монтаж ишларини ўз вақтида тартибли қилиб бажаришни кўрсатади. Келишилганлик баённомалари эса ТООАЛ ва СКТнинг монтаж ишлари билан боғлиқ бўлиб, унда асосий эътибор кабелларни доимий ҳолатида ётқизиш схемаларини ўзгартирилган ҳолатга келтириш ва ускуналар ўрнатиладиган жойини ўзгартириш билан боғлиқдир. ТООАЛ ва СКТ текширув – назорат баённомалари асосий ҳужжат бўлиб, у техник лойиханинг тушунтирув ёзмасида кўрсатиб ўтилганидек ТООАЛ ва СКТни тадқиқот услубига келтирилиши бўйича тадбирлар натижасида олинган маълумотлардан иборат. Шунингдек бу ҳужжатда трасса учун қўлланувчи оптик ва мис симли электр кабелларни назорат тестидан ўтказилган натижалар жадвал кўринишида келтирилади. Эксплуатация бўйича йўриқномада эса ТООАЛ ва СКТнинг ишловчанлик ҳолатини ушлаб туриш услублари, ходимлар томонидан бажарилувчи операциялар кетма – кетлиги, уларни бажариш тартиби жадвал кўринишида ёритиб берилади. Ишчи ҳужжатлар тўлиқ равишда ТООАЛ ва СКТ ҳамма ҳолатларини, ишлаб турган алоқа кабел параметрларини ҳамма ускуналар русумларини ва уларнинг жойланишини, яратилган тизимнинг ишлаш услубини тўлиқ равишда ёритиб беради.

**Рефлектометр оптический – оптик рефлектометр** толали - оптик алоқа линиясини диагностикадан ўтказиш учун қўлланувчи ускуна бўлиб, у шикастланган ёки дефект бўлган жойни тезда ва жуда ҳам максимал аниқликда кўп модалли ва бир модалли кабелларнинг 200 километргача бўлган катта узунликлардаги ҳолатини аниқлаши мумкин.

**Розетка – розетка** – ажраткичнинг уяли қисми бўлиб, одатда у станция ускуналарида қўлланади. Ажраткичнинг ташқи томонидаги қисми эса штепсел вилкаси деб аталади ва у ўзгарувчан ток кучланув тармоғининг турли хил приборларини улаш учун қўлланилади.

**Розеточный модуль – розетка модули** - телекоммуникация розеткаларини монтажи учун қўлланувчи махсус адаптер ёрдамида улашга мўлжалланган қурилма.

**Сварочный аппарат – пайвандлаб уловчи аппарат** – микроскоп ёки камера кўринишидаги қурилма, толанинг уланувчи юзаларини бир – бири билан аниқ равишда юзлаштириш учун қўлланувчи дисплей ва толаларни ўзига жамлаб сиқиб ушлаб турувчи қисқичлардан ташкил топган пайвандловчи камера, микроскоп остида бир – бирига нисбатан силжитиш учун қўлланувчи манипуляторлар, пайвандловчи ёйлар ва толаларни бир – бири билан пайвандлаб уланган жойини термо - ўтказиб химояловчи муфтадан ва иссиқлик камерасидан иборат бўлган аппарат.

**Световод – нур ўтказувчи** – ёруғлик энергиясини йўналтирилган ҳолда узатиш учун қўлланувчи қурилма. Бугунги кунда кенг равишда шишадан иборат бўлган толали нур ўтказувчилар қўлланмоқда улар жуда ҳам кичик кварц ипдан тайёрланган бўлиб, унинг ўзак синдириш кўрсаткичи толанинг қобиқ синдириш кўрсаткичидан бир мунча катта. Нур ўтказувчи бўйлаб ёруғлик нури толанинг ўзак – қобиқ чегарасида тўлиқ ички қайтиш ҳисобига ҳаракатланиб боради.

**Сертификация – сертификатлаштириш** – толали – оптик линиянинг кабел участка узунлиги, сўниши ва импульсинг ушланиб қолиши ҳамда оптик қувват бюджети ва толанинг сўниши захирасининг ҳисоблари бўйича аниқланган қийматларини толали оптик алоқа линия ҳолатини ўлчов асбоблари ёрдамида баҳоланувчи жараён.

**Симплексные соединительные шнуры – симплекс боғловчи шнурлар** – битта донадан иборат бўлган оптик толали шнур.

**Скальватель – толани кесиб синдиргич** – оптик толани кесиб синдирувчи асбоб, унинг пўлатдан тайёрланган кесгичи углеродли қопламага эга бўлиб, у ўз навбатда толани текис равишда кесишда жуда ҳам юқори чидамлилиқ ва ишловчанлигини ҳосил қилиб беради.

**Специальные палочки – махсус таёқчалар** – жунгсиз материаллардан тайёрланган ингичка таёқча бўлиб, у оптик адаптернинг жуда ҳам қийин ҳолатда етиб борадиган жойларини тозалаш учун қўлланади.

**Стандарт** – стандарт (инглиз тилида standart – меъёр, намуна, ўлчов намунаси) – стандартизация бўйича меъерий – техник хужжат, у ўз навбатида стандартловчи объектга қўйилувчи талаблар, қоида ва меъёрлар мажмуи бўлиб у давлат органлари томонидан тасдиқланган. Стандарт кабел тизимлари қўлланилиши ва таркиби бўйича учта гуруҳга бўлинади:

- **лойихалаштириш бўйича стандартлар** - узатиш муҳити, ажраткичлар параметрлари, линия ва каналлар, шу жумладан лозим бўлиб рухсат этиладиган узунликлар, ток ўтказгичларни бир-бири билан уланиш усуллари ёки кетма – кетлиги, топологияларни ва структурлаштирилган кабел тизимларининг функционал элементларини аниқлаб кўрсатиб беради. Стандартларга қўшимча равишда иловалар бўлиб, улар меъерий (стандартнинг бир қисми) ва информация (маълумот учун) гуруҳларга бўлинади. Бу гуруҳга қуйидаги хужжатларни киритиш мумкин, булар ер улагич параметрларини аниқловчилар, кичик офис ва аҳоли истиқомат қилувчи биноларнинг структурлаштирувчи кабел тизим хусусиятлари,

марказий тизим ва очик офисларни яратиш учун тавсиялар каби хужжатларидир;

- **монтаж бўйича стандартлар** эса кенг равишда бино ва мажмуаларни лойихалаштириш ва қурилишида телекоммуникация инфратузилмасини олиб, унда кабелларни ётқизиш учун каналлар ва коммутация ускуналари ҳамда қурилмаларини жойлаштириш учун ҳоналар эътиборга олинади. Монтаж деганда кабел тизимларини ўрнатиш ва жойлаштириш каби ишлар мажмуи тушунилади;

- **эксплуатация гуруҳига мансуб бўлган стандартлар** қўйидагилардан иборат : ўлчов стандартлари - чунки структуралаштирилган кабел тизимларидаги монтаж ишларининг сифати ўлчов ишлари ёрдамида аниқланиб, у ўз навбатида тизимни яратиш жараёнининг тугалланган ҳолати тушунилади. Бошқарув стандарти эса телекоммуникацион инфратузилманинг хужжатлаштириш қондасини аниқлаб беради ва у лойихалаштириш ҳамда монтаж стандартлари асосида яратилади.

**Стриппер – стриппер** – толали оптик алоқа линияси оптик кабелларнинг ташқи изоляцияловчи қобиғини ажратиб ечиш учун қўлланувчи асбоб. Бундай асбоб ёрдамида кабелнинг бутун узунлиги, кўндаланг ва спирал кўринишда ҳар қандай жойида изоляцияловчи қобиғини кесиш мумкин.

**Тестирование линий СКС – структурлаштирилган кабел тизимини назорат тестидан ўтказиш** – лойихалаштириш сифатини назоратлаш, структурлаштирилган кабел тизим монтажининг техник хужжатини йиғиб жамлаш жараёни бўлиб, уни ҳалқаро ва миллий стандарт талабларига жавоб берувчанлигини тасдиқлаш ҳамда узоқ муддатли кафолатланган ҳолда ишлаш режимини тасдиқлаш жараёни.

**Технический проект – техник лойиха** – техник ечимлар, маҳсулотнинг янги техник намунасини ва объектни техник ечимларини эътиборга олган лойиха.

**Техническое задание– техник топшириқ, вазифа** - иншоатни ёки ишлаб чиқариш мажмуини лойихалаштириш, прибор, машина, бошқариш тизими каби техник қурилмаларни конструкциялаш ёки илмий – тадқиқот ишларни олиб бориш учун асос бўладиган хужжат. Техник топшириқ – вазифа ўз ичига техник ишлаб чиқарилишни техник – иқтисодий томондан асослаш, иншоат ёки маҳсулотга қўйиладиган асосий техник талаблар ва ишлаб чиқариш учун асосий маълумотларни олади. Шунингдек техник топшириқ вазифада объектнинг қўлланилиш жойи, конструкторлик хужжатларни ишлаб чиқариш босқичлари, унинг таркиби, бажариш муддатлари ҳамда маълум бир талаблар, объектнинг ўзи учун маҳсуслаштириладиган ечимлари ёки унинг эксплуатация шароитлари эътиборга олинади. Қоида бўйича техник топшириқ – вазифа олдиндан олиб борилган тадқиқотлар, ҳисоблар ва моделлаштириш натижаларининг таҳлили асосида тузилади.

**Технологические очки – технологик кўзойнақлар** - қаттиқ синмайдиған мустақкам пластикатдан тайёрланған кўзойнақ бўлиб, у оптик толалар билан ишлашда инсон кўзини химоялаш учун қўлланади.

**Характеристический импеданс – тавсифловчи импеданс (тўлқин қаршилиги)** – маълумотлар узатуви жуда ҳам юқори частоталарда олиб борилгани учун линиянинг импеданс қиймати таъсир кўрсатди, яъни ушбу частотада ўзгарувчан токдаги тўлқин қаршилигидир. Шунингдек бу қаршилиқ қиймати бутун линия (кабел ва улагичлар) да кўрилаётган частота диапазоноида ўзгармас ҳолда бўлиши керак, бу эса аномал импеданс қийматга эга бўлган нуқтадан қайтувчи сигнал асосий сигнал билан бирлашиб кетиб, сигнални бузилишига олиб келади. Импеданснинг бир жинсли бўлмаслигига асосий сабаб кабелларнинг ажратилиб уланадиган жойларида яъни улагичлар бўлган жойларда ўрам қадамини бузилиш ҳолати рўй беради, чунки кабел ток ўтгазгич симларини ажратилган жойида максимал ўрам қадами 13мм дан ошмаслиги керак; ток ўтгазгич сим қаршилигини юқори бўлишлиги, изоляция қаршилигини камайиб кичик бўлишлиги, ўрам қадамини бузилиши каби кабел дефектлари; кабелларни маҳкамлашда скоба ва хомутларни қўллаш, кабелнинг эгилиш радиусини кичик бўлишлиги, кабелнинг буралиб қолишлиги, кабелни ғалтақдан бўшатиб олишда кабелни буралиб ўралиб қолишлиги каби ва кабелни нотўғри равишда ётқизиш жараёни; сифатсиз улагичлардан фойдаланиш ёки симларни бир – бири билан улашда сифатсиз пресслаш жараёнидан иборат бўлишлиқ ҳолатлари.

**Целостность цепи – занжирнинг бутун ҳолда бўлишлиги** – структурлаштирилган кабел тизимларининг диагностика жараёнида улагичлар монтажида ёки симларни бир – бири билан уланиб қолишлиги, симларни узилиб қолишлиги, симларни бир – бири билан улашда нотўғри равишда улашларидан иборат бўлган кроссировка қилишда аниқланган хатоликларни аниқлаш учун назорат тестидан ўтказиш жараёни.

**Числовая апертура – сонли апертура** – тола ўзагининг ўқи ва ёруғлиқ нур орасидаги максимал бурчак бўлиб, у оптик тола бўйлаб оптик нурлантирилган ёруғлиқ нуруни тарқалиб харакатланишида тўлиқ ички қайтиш шартини бажариш лозим. Сонли апертура оптик тола ичига ёруғлиқ нурларни киритиш самарадорлиги билан тавсияланади ва у толанинг поғонасимон, градиент синдириш кўрсаткичлари каби конструктив тузилишига ҳамда тола қобиқ ва ўзак синдириш кўрсаткичлари қийматига боғлиқ бўлиб, радиан ўлчов бирлигида ўлчанади.

**Ширина полоса пропускания – ўтказиш полоса кенглиги** - алоқа каналининг информациян сиғим ўлчови бўлиб, одатда у маълумотлар сонини бир секунд вақт орасидаги узатув бирлигида ўлчанади. Тизим бўйлаб маълумотлар узатуви учун қўлланувчи частота дипазони сиғимидаги энг юқори ва энг кичик частоталар фарқи билан аниқланиб, алоқа канали бўйлаб сигнал йўқотувчансизлик (бузилишсиз) ҳолатда узатилади.


**Шприц – шприц** – коннектор ичига толани киритиб бўлгандан кейин елимни киритиш учун қўлланувчи асбоб.

**Эпоксидная смола – эпоксид мум – фенолни эпихлоргидрин билан полимеризацияловчи маҳсулотининг синтетик мум кўриниши, у хлор, кислота таъсирига жуда ҳам чидамли бўлганлиги учун металлларга мустахкам равишда ёпишади.**

**Юстировка** (от немецкого justieren – выверять, регулировать, от лат. justus – правильный ) - ўлчов воситаларини бажариши бўйича операциялар мажмуи ва у тўғри равишда функцияларни бажаришини таъминлаб берувчи ҳолат. Юстировкада назорат ёки ўлчов воситаларини текшириш натижасида аниқланган ҳатоликларни бартараф этиш. Асосий юстировка операциялари куйидагилардан иборт: ўлчов воситалари ҳолатини текшириш; винтлар, кистирмалар ёрдамида деталлар ва узелларини ўзаро жойланишувларини созлаш; сайқаллаш, артиш, етказиб бериш ёрдамида дефектларни бартараф этиш; маълум бир деталларни ва узелларни алмаштириш. Оптик тизимларнинг юстировкасида асосан линза, призма, кўзгу каби оптик деталларни ўзаро жойланишини созлаш ва марказлаштириш ҳамда юқори сифатли тасвирга эга бўлишини таъминлаб беради - юстировка қилиб бўлинган ҳолатда оптик деталлар, винтлар, штифтлар ёрдамида маҳкамлаб жойлаштирилади ёки елимланиб маҳкамланади.


## ТЕСТЛАР

### 1 Chizmada optic tolaning qaysi turi tasvirlangan




- A Bir modali pog'onasimon
- B Ko'p modali pog'onasimon**
- C Bir modali gradiyentli
- D Ko'p modali gradiyentli

### 2 Chizmada optic tolaning qaysi turi tasvirlangan



- A Bir modali pog'onasimon
- B Ko'p modali pog'onasimon
- C Bir modali gradiyentli
- D Ko'p modali gradiyentli**

### 3 Chizmada optic tolaning qaysi turi tasvirlangan



- A Bir modali pog'onasimon**
- B Ko'p modali pog'onasimon

- C Bir modali gradiyentli
- D Ko'p modali gradiyentli

**4 Optik kabelning ushbu elementi optic tolalarni izolyatsiyalashi hamda ularni bitta bog'lamga guruhlashi mumkin**

- A Qattiqlovchi element
- B Gofrlangan qobiq
- C Aramid ip
- D Optik modul**

**5 Optik kabelning ushbu elementi mexanik ta'sir ostida egiluvchanlik xususiyatini ta'minlaydi**


- A Qattiqlovchi element**
- B Gofrlangan qobiq
- C Aramid ip
- D Optik modul

**6 Xavo aloqa liniyasi tayanchlarida qo'llaniluvchi optic tolali kabelni ko'ndalang kesim yuzasini ko'rsating**


A



B



C



D



**7 Strippelni vazifasi**

- A Optik tolani ustki qavat lak qoplamini olib tashlaydi**
- B Optik tola qobig'ini olib tashlaydi
- C Montajdan oldin optic tolani kesadi
- D Tolani modul trubkadan chiqaradi

**8 Qanday sababga ko'ra optic tola chiqishida berilgan to'g'ri to'rtburchakli impulsdan farqli cho'ziluvchan impulslar hosil bo'lishi mumkin**

- A Optik toladagi so'nish hisobiga
- B Tashqi mexanik ta'sirlar
- C Elektromagnit ta'sir
- D Dispersiya**

**9 Qaysi ta'rif to'g'ri**

- A Optik tola analog signallarni uzata olmaydi
- B Optik tola faqat kvarts shishadan tayyorlanadi
- C Optik tolaga elektromagnit maydon ta'sir ko'rsatmaydi**
- D Ko'p modali pog'onasimon tola eng yaxshi uzatish ko'rsatkichiga ega

**10 Optik tolali uzatish liniyalarida qanday to'lqin uzunligidan foydalanilmaydi**

- A 650 nm**
- B 840 nm
- C 1550 nm
- D 1330 nm

**11 Optik tolali texnologiyalar qo'llaniluvchi sohani ko'rsating**

- A Meditsina, telekommunikatsiya
- B Harbiy soha
- C Avtomatlashtirilgan boshqarish tizimlari

**D Barcha javoblar to'g'ri**

**12 Optik tolani to'g'ri ta'rifini keltiring**

- A Axborot tashuvchi optic signalni uzatishga mo'ljallangan sun'iy muhit**
- B Axborotni saqlovchi optic signalni qayta ishlashga mo'ljallangan sun'iy muhit
- C Elektr signalni optic signalga aylantirishga mo'ljallangan sun'iy muhit
- D Optik signalni elektr signalga aylantirishga mo'ljallangan sun'iy muhit

**13 O'zbekiston xududida TOEOTAL uzunligi qancha**

- A 540
- B 678
- C 1024
- D 888**

**14 O'zbekiston xududidan o'tuvchi trnsmintaqaviy optic tolali uzatish tizimini Abbreviaturasini ko'rsating**

- A TOE OTAL**
- B TSL
- C TAS
- D DATOTAL

**15 Google intsiativi asosida qurilgan "Unity" okean orti optic tolali uzatish tizimi qanday uzatish tezligiga ega**

- A 8 Gbit/sek
- B 8 Tbit/sek**
- C 8 Mbit/sek
- D 8 kbit/sek

**16 Global axborot infrastrukturasi qurish uchun qaysi topologiya tanlangan**

- A Yulduz
- B Nuqta-nuqta
- C Halqa**
- D Yacheykali

**17 Optik tolali kabellarni kafolatlangan ishlatilish muddatini ko'rsating**

- A 15 yil
- B 10 yil
- C 5 yil
- D 25 yil**

**18 Qaysi fizik hususiyatni qo'llash optic tolali texnologiyaning ishlash asosi hisoblanadi**

- A Elektr tok
- B Shovqin
- C Tovush tebranishlari
- D Nur**

**19 Optik tolali uzatish tizimlari qaysi nurlanish to'lqin uzunligida ishlaydi**

- A Rentgen nurlar diapozonida
- B Ko'rinuvchi nurlar diapozonida
- C Infraqizil diapozonda**
- D Ultrabinafsha diapozonda

**20 Optik tola qanday materiallardan tayyorlanadi**

- A Metall
- B Tekstil iplar
- C Shish va polimer**
- D Taxta

**21 Noto'g'ri ta'rifni ko'rsating**

- A Optik tola faqat kvarts shishadan tayyorlanadi**
- B Optik tola o'zak va qobiqdan iborat
- C Optik tola muhofazalovchi lak bilan qoplangan
- D Kvartsdan tayyorlangan tola mo'rt hisoblanadi

**22 Optik tola quyida keltirilgan qaysi tashqi ta'sirlardan 100% himoyalangan**

- A Namlik
- B Yonish
- C Xarorat
- D Elektrmagnitizm**

**23 Optik tolada so'nishni o'lchov birligi**

- A dB/km**
- B km/dB
- C dB\*km
- D dB/m

**24 Bir modali optic tolada dispersiyaning qaysi turi bo'lmaydi**

- A Xromatik dispersiya
- B Material dispersiya
- C Modalararo dispersiya**
- D To'lqin dispersiyasi

**25 Optik tolali uzatish liniyalarida qanday to'lqin uzunligidan foydalaniladi**

- A 650 nm
- B 240 nm
- C 1550 nm**

D 1900 nm

**26 Ko'p modali optic tola bo'ylab signal uzatish to'lqin uzunligini ko'rsating**

A 1,33 mkm

B 1,55 mkm

**C 0,84 mkm**

D 1,64 mkm

**27 Optik tolaning qaysi turida o'zak diametric 10 mkm gat eng**

**A Bir modali pog'onasimon**

B Bir modali gradiyentli

C Ko'p modali pog'onasimon

D Ko'p modali gradiyentli

E Barcha javoblar to'g'ri

**28 Bir modali optic tola ko'p hollarda qayerda qo'llaniladi**

A Binolarda

B Uzun tarmoqlarda

C O'ta uzun tarmoqlarda

**D Barcha javoblar to'g'ri**

**29 Ko'p modali optic tolada signal qaysi qonunga ko'ra tarqaladi**

A Nyuton

**B Snellius**

C Rezerford

D Eynshteyn

**30 Optik tolaga yorug'lik nurini kiritish burchagi qanday nomlanadi**

A Radian

B Gradus

**C Apertura**

D Nolinchi

**31 Optik tola qobiq diametri**

A 50 mkm

B 10 mkm

C 250 mkm

**D 125 mkm**

**32 Ko'p modali pog'onasimon optic tolada qancha moda shakllanadi**

**A 4000**

B 150

C 25

D 1

**33 Optik tolani ustki qoplami uchun qanday materialdan foydalaniladi**

**A Lak**

B Hidrofob

C Polistirool

D Polivinilxlorid

**34 Hidrofobni vazifasi**

A Olovdan himoyalash

B Kemiruvchilardan himoyalash

C Mexanik ta'sirlardan himoyalash

**D Namdan himoyalash**

**35 Yonish tarqalishini bartaraf etuvchi optic kabel qobig'i**

A Polietilen

B Aramid

C Gidrofob

**D Polivinilxlorid**

**36 Quyida keltirilgan marka fragmentlaridan qaysi biri "Corning Cable Systems" firma optic kabellariga tegishli**

A A-DF (ZN) 2Y (SR)

B OM3KTM(H)

C FR-OGLJFE-CTZE SM

D NKT11943147OPTICALFIBRELAN

**37 Quyida keltirilgan marka fragmentlaridan qaysi biri "Belkabel" firma optic kabellariga tegishli**

A A-DF (ZN) 2Y (SR)

**B OM3KTM(H)**

C FR-OGLJFE-CTZE SM

D NKT11943147OPTICALFIBRELAN

**38 Quyida keltirilgan marka fragmentlaridan qaysi biri "Fujikura" firma optic kabellariga tegishli**

A A-DF (ZN) 2Y (SR)

B OM3KTM(H)

**C FR-OGLJFE-CTZE SM**

D NKT11943147OPTICALFIBRELAN

**39 A-DF (ZN) 2Y (SR) 2Y 3x6 E 9/125 0.36 F 3.5 + 0.22H 18 LG kabel markasida 3x6 nimani anglatadi**

A Kabel sig'imini

B Signal so'nishini

C Signal dispersiyasini

D Optik tola o'zagi va qobig'i diametrini

**40 A-DF (ZN) 2Y (SR) 2Y 3x6 E 9/125 0.36 F 3.5 + 0.22H 18 LG kabel markasida 9/125 nimani anglatadi**

A Kabel sig'imini

B Signal so'nishini

C Signal dispersiyasini

**D Optik tola o'zagi va qobig'i diametrini**

**41 A-DF (ZN) 2Y (SR) 2Y 3x6 E 9/125 0.36 F 3.5 + 0.22H 18 LG kabel markasida 0.22 nimani anglatadi**

A Kabel sig'imini

**B Signal so'nishini**

C Signal dispersiyasini

D Optik tola o'zagi va qobig'i diametrini

**42 A-DF (ZN) 2Y (SR) 2Y 3x6 E 9/125 0.36 F 3.5 + 0.22H 18 LG kabel markasida 18 nimani anglatadi**

- A Kabel sig'imini
  - B Signal so'nishini
  - C Signal dispersiyasini**
  - D Optik tola o'zagi va qobig'i diametrini
- 43 Raqamli signallarni chiqish qymatigacha amplitudasini tiklovchi qurilma**
- A Kuchaytirgich
  - B Qaytargich
  - C Regenerator**
  - D Filtr
- 44 Quyida keltirilgan qaysi qisqartma uygacha bo'lgan FTT-x texnologiyasini anglatadi**
- A FTTN
  - B FTTC
  - C FTTB
  - D FTTH**
- 45 Quyida keltirilgan qaysi qisqartma tugungacha bo'lgan FTT-x texnologiyasini anglatadi**
- A FTTN**
  - B FTTC
  - C FTTB
  - D FTTH
- 46 Quyida keltirilgan qaysi qisqartma shkafgacha bo'lgan FTT-x texnologiyasini anglatadi**
- A FTTN
  - B FTTC**
  - C FTTB
  - D FTTH
- 47 Quyida keltirilgan qaysi qisqartma binogacha bo'lgan FTT-x texnologiyasini anglatadi**
- A FTTN
  - B FTTC
  - C FTTB**
  - D FTTH
- 48 Quyida keltirilgan optic splitter gabaritlaridan qaysi biri kirish signaliga ko'proq so'nish keltiradi**
- A 1x2
  - B 1x4
  - C 1x8
  - D 1x16**
- 49 FTTB texnologiyasini qo'llaganda Switch-PC uchastkasida qanday turdagi kabel qo'llaniladi**
- A UTP 5e**
  - B UPS
  - C UPC

D UTX

**50 FTTH tarmog'ini loyihalashtirayotganda birinchi bo'lib birinchi bo'lib nimaga ahamiyat qaratish lozim**

- A Qo'llaniluvchi optic kabel sig'imi
- B Optik tolada signalni uzatish tezligi
- C Optik tola turini tanlash
- D Tarmoqni quvvat byudjeti**

## Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Автоматическая коммутация. Учебник для вузов. Под ред. О.Н. Ивановой. — М.: Радио и связь, 1988.
2. Аджемов С.А., Мисуловин Л.Я., Париков В.П. Интегральная квазиэлектронная аналого-цифровая система связи ИКЭ АЦСС. . Принципы построения ИКЭ АЦСС //Электросвязь. — 1975. — №10.
3. Росляков А.В.Цифровая сеть с интеграцией служб ISDN: Учебное пособие. - Самара, ПГАТИ, 1999
4. Бакланов И.Г ISDN и FRAMERELAY: технология и практика измерений. — М.: Эко-Трендз, 1999.
5. Баркун М.А., Ходасевич О.Р. Цифровые системы синхронной коммутации. — М.: Эко-Трендз, 2001.
6. БезирХ. Цифровая коммутация. — М.: Радио и связь, 1984.
7. Боккер П. Цифровая сеть с интеграцией служб. Понятия, методы, системы. Пер. с нем. — М.: Радио и связь, 1991.
8. Бухгейм Л.Э., Максимов Г.З., Пшеничников А.П. Автоматическая сельская телефонная связь. — М.: Связь, 1976.
9. ГольденбергЛ.М., Бутыльский Ю.Т., Поляк М.Н. Цифровые устройства на интегральных схемах в технике связи. — М.: Связь, 1979.
- 10.Гольдштейн Б.С, Э(Ре)волюция коммутационной техники // Вестник связи. — 2002, — №11.
- 11.Гольдштейн Б.С, Ехриель И.М., Рерле РД. Интеллектуальные сети. — М.; Радио и связь, 2000.
- 12.Гольдштейн Б.С, Пинчук А.В., Суховицкий А.Л. IP-телефония. — М.: Радио и связь, 2001.
- 13.Гольдштейн Б.С, Голышко А.В., Шнепс-Шнеппе М.А., Яновский Г.Г. Коммутационное E1 -гелие.//Вестник связи. — 2001. — №12.
- 14.Гольштейн Л.М., Сасонко СМ. Организация междугородной связи на местных телефонных сетях. — М.: Связь, 1976.
- 15.Гюнтер И., Сивере М. Цифровая связь. Техника и организация. — СПб.: Издательство Электротехнического института связи им.проф. М.А. Бонч-Бруевича, 1993.
- 16.Денисьева СМ., Мирошников Д.Г. Средства связи для последней мили. — М.: Наука, 1992.
- 17.Захаров Г.П. Методы исследования сетей передачи данных. — М.: Радио и связь, 1982.
- 18.Захаров Г.П., Симонов М.В., Яновский ГГ. Службы и архитектура широкополосных цифровых сетей интегрального обслуживания. Электронные знания, ТЭК. т.42. — М.: Эко-Трендз,1993.
- 19.Зюко А.Г., Кловский Д.Д., Коржик В.И., Назаров М.В. Теория электрической связи: Учебник для вузов. Под ред. Д.Д. Кловского. — М.: Радио и связь, 1998.

20. Гитлиц М.В., Лев А.Ю. Теоретические основы многоканальной связи: Учебное пособие для вузов. - М.: Радио и связь, 1985.
21. Дурнев В.Г., Земевич А.Ф., Круг Б.И. и др. Электросвязь: Введение в специальность. - М.; Радио и связь, 1988.
22. Цифровые и аналоговые системы передачи. Учеб. для вузов / В.И. Иванов, В.Н. Гордиенко, Г.Н. Попов и др. - М.: Радио и связь, 1995.
23. Многоканальные системы передачи: Учеб. для вузов / Н.Н. Баева, В.Н. Гордиенко, С.А. Курицын и др.; под ред. Н.Н. Баевой и В.Н. Гордиенко. - М.: Радио и связь, 1997.
24. Телекоммуникационные системы и сети. Учебное пособие Т. 1- Современные технологии /Б.И.Крук, В.Н. Попантопуло, В.П. Шувалов; под ред В.П.Шувалова– М.: Горячая линия-Телеком, 2004
25. Слепов Н.Н. Синхронные цифровые сети. - М.: Эко-Трендз. 1997.
26. Оптические системы передачи: Учеб. для вузов / Б.В. Скворцов, В.И. Иванов, В.В. Крухмалев и др.; Под ред. В.И. Иванова. - М.: Радио и связь. 1994
27. Громаков Ю.А. Стандарты и системы подвижной радиосвязи. - МЦНТИ, 1996.
28. Пи У. Техника подвижных систем связи. Пер, с англ. - М. Радио и связь, 1985
29. Лихтциндер Б.Я., Кузякин М.А., Росляков А.В., Фомичев С.М. Интеллектуальные сети связи. - М.: Эко-трендз, 2000.
30. Основы построения систем и сетей передачи информации. Учебное пособие/В.В. Ломовицкий, А.И. Михайлов, К.В. Шестаков, В.М. Щекотихин; под ред В.М.Щекотихина – М.: Горячая линия-Телеком, 2005
31. Волоконно-оптические системы передачи: Учебник для вузов/М.М. Бутусов, С.М. Верник, С.Л. Галкин и др. Под ред В.Н. Гомзина-М.: Радио и связь, 1992.
32. Андреев В.А., Бурдин В.А. Попов Б.В., Польшников И.А. Строительства и техническая эксплуатация волоконно-оптических линия связи. Учебник для вузов/ под ред. Б.В. Попова-М.: Радио и связь, 1995.
33. Иванов А.Б. Волоконная оптика: компоненты системы передачи, измерения-М.: Компания «Сайрус системс», 1999.
34. Убайдуллаев Р.Р. Волоконно-оптические сети-М.: Эко-трэндз, 1988.
35. Волоконно-оптические системы передачи и кабели. Справочник. Под ред. И.И. Гроднева.-М.: Радио и связь. 1993.
36. Волоконно-оптическая техника: история, достижения, перспективы/сброник статей под ред. С.А. Дмитриева Н.Н. Слепова.- М.: «Connect», 2000.
37. МСЭ-Т. Рекомендации G.651, G.652, G.653, G.654, G.655, G.656, G.657.
38. Русча-ўзбекча луғат. Ўзбек энциклопедияси бош редакцияси. Икки томлик. Тошкент, 1983.

## МУНДАРИЖА

	<b>СЎЗБОШИ</b>	3
	<b>КИРИШ</b>	5
<b>1</b>	<b>ТОАЛ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ҚИСҚАЧА ТАРИХИ. УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР</b>	11
1.1	Оптик алоқага оид асосий тушунчалар	11
1.2	ТОАнинг афзалликлари, камчиликлари ва қўлланиш соҳалари	12
1.3	Оптик алоқа тизимларининг тузилиш тамойиллари	15
